


577

ISSN 2010-5517

Jahon ADABIYOTI

Adabiyy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



April – 2019



Михаил Савицкий. "Лаънатланган фашизм"




Людмила Бабич. "Қоқиғулар"

R 577

J Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publististik jurnal



3-son
№ 2

Жамоатчилик кенгаши:

Сирожиддин САЙИД
Наим КАРИМОВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Эркин АЪЗАМОВ
Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ
Хуршид ДЎСТМУХАММАД
Абдураҳим МАННОНОВ
Шухрат РИЗАЕВ
Комилҷон АЛЛАМЖОНОВ
Алишер ҚОДИРОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ
Муҳиддин ОМОН

МУАССИСЛАР:
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

Журнал
1997 йил июндан
чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:
Аҳмадҷон
МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Амир ФАЙЗУЛЛА
Муҳиддин РАҶИМ
Назира ЖЎРАЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОЕВ
Даврон РАЖАБ
Жамила АСҚАРОВА
Мафтуна
МУҲАММАДАМИНОВА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. Харобот аро кирдим... (Академик А.Қаюмов шарҳи)3

МУҲАРРИР МИНБАРИ

А.МЕЛИБОЕВ. Нажот эшигининг калити.12

НАСР

Ҳ.Р.ХАГГАРД. Доктор Терн. Қисса. (Рус тилидан Қ.Мирмуҳаммедов тарж.)19

Беларусь хикоялари. (Рус тилидан Ё.Ҳўжамбердиев тарж.)60

Х.КОРТАСАР. Монтекильянинг сўнгги кун. Ҳикоя. (Рус тилидан О.Отахон тарж.)116

К.ЧАПЕК. Ҳикоялар. (Рус тилидан Н.Абдуллаев тарж.)148

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Замонавий беларусь шоирлари ижодидан. Шеърлар. (Рус тилидан М.Мирзо тарж.)47

ШАРҚ ТАФАККУРИ ДУРДОНАЛАРИ

А.НАСАФИЙ. Комил инсон китоби. Рисола. (Форс тилидан Н.Комилов, О.Давлатов тарж.)87

ЭССЕ

Т.ЭШБОЕВА. Олим Отахоннинг Кавабатаси.127

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

Б.КАРИМОВ. “Бобурнома”дан “Ўткан кунлар”га.130

М.МУҲАММАДАМИНОВА. Абдулла Кодирий ва театр санъати.142

УСТОЗЛАР БИСОТИДАН

ШУХРАТ. Оташнафас шоира.159

ТИЛ. ТАРИХ. МАЪНАВИЯТ

М.АЛИЕВА. Мумтоз санъат сирлари.163

САНЪАТДАГИ СИЙМОЛАР

А.ДУНКАН. Саҳнадаги Афродита. Эссе. (Рус тилидан Г.Саид Ғани тарж.)180

Глобус.167

Жаҳон хандаси.197

Муқовамизда.201

Комус.204

Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни.206



Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

ХАРОБОТ АРО КИРДИМ...

Академик
Азиз ҚАЙУМОВ шарҳи

Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” (“Маънолар хазиналари”) девонида шоирнинг бир неча таржиъбанд ва шунга ўхшаш йирик шеърлари бор. Улар “Хазойин ул-маоний”нинг XX асрда Тошкентда нашр этилган тўрттала китобида учрайди.

Аввал таржиъбанднинг маъносини ечиб олайлик. “Таржиъ” араб тилида қайтариш, такрор демакдир. Банд эса бўғин, боғланишни англатади. Демак, таржиъбанд дегани бир-бирига боғланувчи шеър бўлаклари маъносидадир. Улардаги охириги байт (икки мисра) ҳар бўлакда ўзгаришсиз такрорланаверади. Масалан, Навоий қаламига мансуб “Хазойин ул-маоний”нинг биринчи китоби “Ғаройиб ус-сиғар” (“Болаликнинг ғаройиботлари”) даги таржиъбанднинг ҳар бири ўн байтдан иборат бўлган бўлагида ўнинчи байт такрор келаверади.

*Харобот аро кирдим ошuftаҳол
Май истарга илкимда синган сафол.*

Бу байт маснавий тарзида кофияланган. Қолган байтлар эса ғазалдаги сингари кофияланган. Демак, ушбу таржиъбанднинг тўккиз байтли ғазалдан фарқи, унинг ўнинчи байтининг ҳар бир бўлакда такрорланишидир.

Қуйида ўша ўн байтли бўлакни тўлалигича келтираамиз:

1) “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги таржиъбанд

*Кетур соқий, ул майни субҳи аласт
Анинг наишъасидин кўнгул эрди маст.
Майеким қилур, қуйсалар жон аро
Ўзи масту кайфияти майпараст.
Анинг саргузаштеки, бир кун манга
Неча майпараст ўлдилар ҳамнишаст.
Май олмоққа пири муғон жазбаси
Мени чекти андоқки, моҳийни шаст.*

Қилиб хирқа май раҳнию зарфининг
 Этиб оғзини мум ила сангбаст.
 Келур эрдим илкимда майлиқ сабу
 Бўлуб тўққуз афлок оллимда наст.
 Ки огоҳ ўлуб тўш-тўшумдин қабаб
 Манга топтилар ихтисоб аҳли даст.
 Шикастим менинг онча эрмас эди
 Ки май зарфи топти арода шикаст.
 Чу синди сабу, чорае топмадим
 Мени муфлису ўру гирёни маст.
 Харобот аро кирдим ошуфтаҳол
 Май истарға илкимда синган сафол.

Ўнинчи байт ҳар бир ўнликнинг охирида айнан такрорланади. Шундан “таржиъ” (такрор) келиб чиқади. Ушбу таржиъбанднинг лирик қаҳрамони майпарасти. У эрталаб май нашъасини сурмоққа илҳақ. У худди қармоққа илинган балиқ сингари майхонаси хузурига интилади. У ерга бориб ўзининг эски чопонини гаровга қўяди, сўнг мум билан беркитиб ташланган май идиши олдида турганича ўз қувачасига майни қуйдиради. У энди хурсанд. Тўққиз фалакни назар-писанд қилмайди. Топажак май нашъаси умиди билан тўла уйига қайтмоқда. Йўлда унга мухтасиблар (текширувчилар) учрадилар ва ушладилар. Май солинган идишни синдирдилар. Мен, дейди ҳикоячи, муфлис, ярим яланғоч, йиғлок, маст ҳолатда қолиб кетдим.

Шундан кейин бу бенаво синган сафол идишини кўтарганича, ошифтаҳол яна май истаб хароботга (майхонага) кириб борди.

Бу ўн байтли шеърдаги асосий масала ўша май истаган ринд майхўр ва унинг аянчли аҳволи. Шеърда тилга олинаётган май, албатта, ичкилик, шароб эмас. У маънавий талаб. Майхўр эса ана шу талаб ва эътиқод йўлидаги ошифтаҳол.

Таржиъбанд – шеърнинг лирик қаҳрамони чин севги йўлидаги фидойи. У севги ва садоқатда собитқадам. Севги майига доимо хумор ва ташна ошиқ. Унинг кўнглини тўлдирган туйғулари бу ошиқни муҳаббат девонаси, бенаво, ҳақир; дунёнинг барча икир- чикирларига бепарво, фақат ёр ва унга муҳаббат майига хумор ва ташна бечорага айлантириб юборган. Унинг учун ҳам шоир тонг ёришар-ёришмас соқийдан ўша севги майини сўровчи номидан ҳикояни бошлайди. Шу шахс пири муғондан ўзи тилаган майни олиб қайтаётганида юз берган воқеалар ўша май кайфини йўққа чиқарди ва у бечора қўлидаги синган сафоли билан яна хароботга қайтиб келади. Бу – умумлашма образ. Унда фақат бир кишининггина эмас, балки шу тоифадаги бутун бир жамоанинг ҳолати, кайфияти, интилишлари кўрсатилмоқда. Навоӣ куйламоқда бўлган “май” таърифи, бизнинг ошиқ ва унга ҳамнишаст (бирга ўлтирвучи) бўлган неча майпарастларнинг аҳволи бу таржиъбандда тасвир этилган шароит, кўринишлар ва ҳодисалар орқали намоён этилмоқда.

Иккинчи ўнликда лирик қаҳрамон ўзи чеккан укубат ва изтироблардан хулоса қила бошлайди. Бу ўнлик ҳам соқийга хитоб билан бошланади. У кўпроқ олдинги ўнликнинг давомига ўхшаб кетади. Лекин унда воқеалар баёни йўқ. Балки фикр ва мулоҳазалар ортиқроқ:

*Бу гулшан гулига чу йўқтур вафо,
Не парҳез этай жоми гулфомдин.*

Модомики, хаёт гулшани гулларига доимийлик берилмаган экан; гул рангли, гул ҳидли, гулдек гўзал жомдан, ундаги май нашъасидан воз кечмак керакми? Шоир бу фикр асоси учун жуда кучли бир нисбатни ишлатади. Айрилиқ хумори зулматини йўқ қилувчи тонг отмади. Шунинг учун майни шундайин ичайки, дейди ошиқ-майпараст, шом билан субҳнинг фарқига боролмайдиган бўлиб қолайин.

Шундан сўнг шоир кундалик турмуш кўринишларини бир-бири билан қиёслашга ўтади. Унинг учун (яъни майпараст девона учун) дайр пири (майхонадаги жамоа бошлиғи) шайх ул-исломдан (мусулмонларнинг бош раҳбари) кўра ортиқроқ. Майхонадаги майхўрлик хоҳ оддий, хоҳ хос одамлардаги ақлу хушдан афзалроқ. У шундай фиғон чекадики, хароботда қилган нолалари одамларда фарёдлар уйғотади. Зоҳир бу кишига савол бермоққа журъат қилолмайди. Бу девона ўзи тилаган май учун бор-йўғини гаров қилиб тугатган. Бу бору йўқ ҳам фақат эски чопон ва тасбеҳдангина иборат эди, холос.

*Бўлай дайр пирига андоқ мурид
Ки ёд этмайин шайх ул-исломдин.
Кирай дайр аро уйла мажнуну маст
Ки кетсун хирад хос ила хомдин.
Хароботий ўлмоғлигим, зоҳидо,
Суол этма мен зори бадномдин
Гаров қилгали майга чун қолмади
На тасбиҳу на чора нокомдин.*

Ана шундай аҳволда эди, кўлида синган сафолни кўтарганича май ис-таб хароботга кириб келган бечора.

Учинчи ўнликда бу ошиқ-девона ўзининг синиқ жомиди озгина лойқа май борлигини айтади. Ўша май куйқаси унга ойна (гетинамо) бўлиб кўринар эди.

*Сафол ичра бир журъа лойе менга
Эрур жоми гетинамои менга.*

Энди қахрамонимиз ўз бошидан кечирганларини хикоя қила бошлайди. Олдин у зоҳидга ишора қилади. Унинг савол бермоққа ҳаққи йўқлигини билдирган эди. Ҳозир эса ўзининг барча кўрган-билганларини очик изҳор этишга киришади. У дайр пирига вафоли. Шунинг учун замо-на жафоларини назар-писанд қилмайди.

*Чу мен дайр пири вафосидамен,
Фалақдин етишмас жаафойе менга.*

У тариқат сулукини (йўлини) маҳкам тутган. Ундан олдин бу одам зухду таквони шиор қилган, хонақоҳда мақом қилган эди; зикр ва сажжода (жойнамоз)га берилганди. Уларнинг ҳеч қайсисида тилаган нарсасини топмади. Шунинг учун уларнинг ҳаммасидан воз кечди.

Бурун зуҳду тақвони айлаб шиор
 Дедимким, етишгай сафойе менга.
 Бориб хонақаҳ ичра қилдим мақом
 Бу маъно хўб ўлди балойе менга.
 Боқиб хилвату зикру сажжодани
 Зухур этди ҳар дам риёе менга.
 Булардин ўзимни халос айладим
 Ки то ҳосил ўлгай фанойе менга.

Ана шу истиғфор (хатолардан кечирим сўраш)дан кейин қахрамонимиз ўзининг кўлида синган сафолини тутганича хароботга кириб келгани ва бу ерда осойиш топмоқчи эканлигини айтади.

Агарда ушбу таржиъбанднинг (“Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги) биринчи ва иккинчи ўнликлари соқийга мурожаат билан бошланган бўлса, учинчи ўнликда бундай мурожаат йўқ. Бунда солиқ (йўлчи)нинг олдинги ишлари тўғрисида ҳикоя асосий ўринни эгаллайди, ўша ишларнинг барчаси беҳуда эканлигига тан берилади.

Тўртинчи ўнлик дайр (майхона) таърифига бағишланган.

Лирик қахрамон май истаги билан тўла. У майхонага бир қошона сифатида қарайди. Бу ердаги пири муғон “сахо шевали”, яъни қўли очик бир зот. У хаммани маърифат майи билан зиёфат қилади. Майни тутувчилар эса

*Суманбарлар ичра пари чехрае
 Паричехралар ичра девонае.
 Менга гоҳи ул берса май бирла жон
 Бу қилса гаҳи қатли мастонае.*

Майхонада тўйиб-тўйиб май ичган девонанинг хаёли афсоналарда. Бу ерга йиғилган муфлислар давра куриб базмни авжига чиқармоқдалар. Яна маълум бўладики, пири муғон яна бир майхона очиб унда ҳам ҳар гадога паймона тутмоқда эмиш. Демак, майхоналарнинг иши авжида.

Бешинчи ўнликда мавзу сал ўзгаради. Энди шоир ишқ тўғрисида сўзлайди:

*Яна бўлмишам ошиқи зор ҳам,
 Хароботию ринду хаммор ҳам.*

У майга берилиб зуҳду таквондан ор қилган. Узун май идишини бут қилиб олган, унинг ипини эшиб ўзига зуннор қилган. Кафш ва салласини эса нуқл (газак, май сўнгидан ейиладиган мева) учун берган. У қаландарсифат бир кимсага айланиб қолган. Унинг маҳбубаси бўлмиш зот ҳам шундай.

*Мени ишқдин ўртаган мугбача
 Ки девонавашдур, паривор ҳам.*

Ана шу паривор “харобот куйида майхор” ҳам эди.

*Эрур чунки якранглик шарти ишқ
Бу тақриб бирла мени зор ҳам.*

Шундай қилиб, шоир ишқ йўлида телба бўлиб майхонада ўрнашган девона ошиқнинг ҳамда унга якранг бўлган бошқа бир майхоранинг суратини чизади. У ўша девонанинг севгилисидир.

Бу ерда бир нарсага диққат қилмоқ лозим кўринади. Девона, майхори ошиқ зуҳду тақводан юз ўгириб, белига зуннор (ғайридинлик белбоғи) боғлаб; кафшу саллаю эски чопонини майга гаров қўйган эди. Бу қилмишларини у девоналар иши (девонақирдор) деб билади ва шундай деб тушунтиради. Амалда ҳам шундайми ёки йўқ? Ўқувчиларимиз бу айтилганларни шоир томонидан бадий тасвир воситаларининг қўлланиши деб қарашлари керак. Навоий ана шундай хатти-ҳаракатларни маъқулловчи ва айниқса, тарғиб қилувчи сифатида чикмоғи мумкин эмас. Шоир ўз қаҳрамонининг ҳамиша майга илҳақлиги даражаси билан ва кучли эканини тасвирламоқда. Мусулмон этикасида эса ана шу айтиб ўтилган ҳоллардан кўра кучлироқ, таъсирчанроқ восита бўлмоғи қийин. Ушбу таржиъбанддаги маҳбуба образи ҳам ўзига хос ўринга эга. У ишқ йўлида катъий ва муқим туради. Лекин бу маҳбуба ўз сифатлари билан қаҳрамонимизга ўхшаб кетади. Асосий масала ишқ ва унга муносабатдан иборат. Бу ерда ишқ туфайли девона ва унинг севгилиси ўртасида содир бўлаётган воқеаларнинг бадий тасвири гўё кундалик турмушда бўладиган оддий майхона, майхора ва май тутувчилар образи орқали берилмоқда. Агар биз бу тасвири шундай ўзича қабул қилсак, бу ўта сохталаштирув бўлади. Бундай ёндашув бадий ижод қоидаларига мутлақо ҳилофдир.

Алишер Навоий таржиъбандида тасвир этилмоқда бўлган воқеалар ҳаёлот маҳсуллари, шоир фикри ва тасаввурининг самараларидир. Аммо шу тасвирлар Навоий ҳикоя қилаётган соф муҳаббат майига мос келади. Худди воқеалар реал турмушда юз бераётгандек туюлади. Шоирнинг бадий қуввати ҳам шунда. У ўқувчини ўз айтганларига ишонтириб, уни шу юз бераётган воқеалар томошабини, ҳатто иштирокчисига айлантириб юборади. Амалда эса ёзилган нарсалар ҳаммаси ҳаёлийдир. Лекин бадий ижод шундай воқеаларнинг кундалик турмуш ҳодисаларига ўхшаш, яқин бўлмоғига эришмоқни тақозо қилади. Таржиъбанддаги майхора паричеҳра образи ҳам шу мақсадга хизмат қилади. У ҳаёлийми ёки реал образми — айтиш қийин. Эҳтимол, шоир билган шахслар орасида шундай дилбар паризод бўлгандир. Ҳар ҳолда шеър қаҳрамонининг кўнгли унга тушди. Унинг юрагида бу гўзалга муҳаббат уйғонди. Лекин бу муҳаббат олдинги қайта-қайта қуйланган муҳаббат майи каби эмас, бу мажозий муҳаббат. Тўғрироғи, ўша олий, ҳақиқий муҳаббат шуълаларидан бири. Ҳар иккала шахсни бир-бирига боғловчи куч ҳам ўша олий муҳаббатга берилишдаги уйғунликдир.

Таржиъбанднинг олтинчи ўнлиги яна ўша девонаваш майхора аҳволи тасвирига бағишланган. У майга ташна, соқийи гулғузори кидиради. Майга хуморлик унинг жонига қасд этмоқда.

*Қани соқийи гулғузори менинг,
Ки жон қасди этмиш хуморим менинг...*

*Хумор айлаб ул навъ ошуфтаким,
Иликдин бориб ихтиёрим менинг.*

Ана шундай аянч аҳволга тушиб колган майхоранинг нолаи зори бу ўнликнинг ҳар байтида эшитилиб туради.

Воқеалар тасвири шу йўсинда давом эта боради.

Олтинчи ўликда девонаваш майхоранинг эндиги аҳволини кўрамиз.

Қаҳрамонимиз хоксор, ер билан яксон бўлган, айрилиқ туфайли кўп оғирликларни кўтармокда, ғам ва дардларга мубтало. У майхона сари интилади. У ерга етгач пири муғоннинг озми-кўпми тутган майига йўғу борини сарф этмокка тайёр. У факихга мурожаат қилади, ўзининг бу машаққатларидан хабардор бўлмокни ундан сўрайди. Кеча хароботда сармаст бўлгани, энди эса майсиз сабру токатини йўқотганини айтиб зорланади.

Еттинчи ўликда ҳам майхоранинг ана шундай аянч ҳоли тўғрисидаги ҳикоя давом этади.

*Мени май ошуфтаҳол айлади,
Бу водийда мажнун мисол айлади.*

Бу ошифтаҳоллик шундайки, майфуруш узумни қанчалик эзиб, мижиғлаб ташласа, менинг жисмим ҳам шунчалар янчилик кетган, дейди у. Май (чоғир) тўла идиш ўрдакка (бот) ўхшагандир. У идишнинг жозибаси шу қадар кучли эдики, ақл булбулини гунгу лол айлаб қўйган.

*Чоғир қасрати май батидек манга
Хирад булбулин гунгу лол айлади.*

Майхора девона кўлида қадахни тутганича ғам юки остида қадди букилик кетган, кизил май иштиёқида унинг юзи саргайиб кўз ёшлари қондек қизарган. Зилол май куйилган жом учун у саломатлик чопонини гаровга қўйган, осмон атласчи майхона йўлида кетаётганида унга кийим ўрнига эски шол (юнгдан тўкилган ёпинчиғ) ёпган эди. У кўлида жом ўрнига синган сафолни тутганича бормокда. Идбор (бахтсизлик, омадсизлик) ва ошифталиғ шу аҳволда май истаб тентирамокка мажбур этган.

Шоир майхоранинг бундай зор аҳволини кўрсатар экан, унинг майга интиқлиги қанчалар зўр эканлигини ёзмокда. Лекин унга етиша олармикин?

Саққизинчи ўликда баҳс бор. Бу зиддиятни кўрсатади. Зиддият эса зоҳид билан майхора ўртасида. Баҳс олдидан девонаваш майхўр майни улуғлайди, соқийга мурожаат қилиб бу миръот, яъни софлик, тиниклик, равшанлик (аслида кўзгу, ойна)даги майни оғзига қуймокни сўрайди. Унинг хароботга келмокдан мақсади шу.

*Яна дурдакашмен мубоҳот учун
Бериб жон ҳавои харобот учун
Кетур соқий, бода, оғзимга қуй,
Дамеким, ўлубмен бу миръот учун.*

Тўққизинчи ўнликда ҳам ҳикоя реал турмуш кўринишларига оид. Бунда майхоранинг ҳабиби рақиб билан бирга бода ичаётгани тўғрисида сўз боради. Бундай аҳволда майхора дарвеш ошиқ оғир кайфиятга тушиб қолди.

*Яна бошламиш бода ичмак ҳабиб
Манга ичмай ўлгайму сабру шиқеб
Ичармен вале қон, надинким ичар
Ҳабибим била бода ҳар дам рақиб.*

У дардини бода ичмоқ билан босмоқчи. Лекин ҳабибининг рақиб билан бирга эканидан у май ўрнига хун ютади.

*Насиби рақебинг ар май бўлуб
Насибам менинг бўлса қон ё насиб.*

Шоир энди бечора ошиқ-девоганинг изтироблари тасвирига кўчади. Бу қандай гапки, гулшанда зоғ гулга маҳрам бўлса-ю, булбул гулдан маҳрум бўлиб қолаверса.

*Не зулмики, гулшанда гул маҳрами
Бўлуб зоғу маҳрум эрур андалиб.*

Бундай беҳад зулмдан қуйиб ёнган ошиқ ишқ кофирига айланади. У белига зуннор боғлайди, бўйнига салиб (бут) осади, ёқасини чок этади, кўксига тош уради; эл аро ғавғо, тўс-тўполон бошлайди. Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ.

*Не тонг, боғламоқ кофири ишқ ўлуб,
Қиши белга зуннору осмоқ салиб.
Ёқам чок этиб, кўксума тош уруб,
Солиб рустахез эл аро мен ғариб.*

Лекин бу ишлардан натижа бўлмади. Энди ошиқ беҳудликка ўтмоқчи. У лаболаб май ичиб ўзидан кетмоқчи. Шунинг учун қўлидаги синган сафол билан хароботга кириб келади. У “харобот йўлида бўлдим нишаб (пастлашмоқ)” дейди.

Шундай қилиб, тўққизинчи ўнлик олдингиларидан фарқли. Бунда рақиб ва унга мойиллик кўрсатувчи бевафо ҳабиб образлари бор. Бу но-чорликдан бечора ошиқнинг аламзадалиги ортиб бормоқда. У кофири ишқка айланади. Яъни ўша маҳбубадан воз кечиб номусулмон йўлига ўтмоқчи. У белига зуннор боғлаб, бўйнига бут осмоқни хаёл қилади. Бундан барибир фойда бўлмаслигини билгани учун харобот ичра тубанлашиб, тинмай май ичиб беҳудликка тушмоқни афзал кўради.

Тўққизинчи ўнликда воқеа – ҳабибнинг рақиб билан бирга бўлмоғи, бундан ошиқнинг озурдалиги ва шу туфайли яна май ичмоққа берилиб кетмоғи ошиқнинг беқарорлигини кўрсатади. Лекин ошиқ май ўрнига қон ютгандай изтироб чекмоқда. Бу воқеа тасвири тўққизинчи ўнликда бош ўрин эгаллайди. Ҳолбуки, бу воқеа таржиъбанднинг олдинги байт-

ларидаги ошик, май, майхора ва бошқалар тўғрисидаги тушунчаларга мувофиқ келмайди. Чунки агар ўша олий муҳаббат ва унинг объекти бўлган буюк кучга нисбатан бу гапларни нафақат ёнма-ён кўймоқ, ҳатто уларни тилга олмоқ ҳам мумкин эмас. Тўққизинчи ўнликда шоир ёри қошидаги рақибни зоғчага, ўзини эса гулшандаги гулга маҳрамликдан маҳрум бўлган булбулга ўхшатмоқда. Бу тасвир Навоийнинг ҳаёт ҳақиқатидан узилмай ўз юрагидаги дардларини баён этмакдан асло узилмаслигидан далолат беради. Биз шоирнинг кундалик турмушда бевафо ёр етказган азобу укубатларидан хабардормиз. Ўзининг таржиъбанд шеърیدا, айниқса, “Соқийнома”да Навоий бу тўғрида муфассал сўзлаган. Бу тўғрида биз ҳам ўз ўрнида айтиб ўтамыз (Ушбу ишнинг “Севгинома” бобида). Демак, шоирнинг юраги дардга шундай тўлиб кетган эдики, у ўйлаган мавзудан сал узоклашса ҳам ўша дардларини айтиб кўнглини бўшатмай қола олмайди.

Демак, шоир ижод жараёнида ҳамиша реал заминда туради, ундан ҳеч узилмайди. Реал ҳаёт туғдирган турли-туман кайфият, изтироб, кайғулар унинг шеъриятида ўз аксини топа боради. Бадий ижоднинг кучи ҳам ана шу реалликда, унинг ҳаёт билан чамбарчас бирлигидадир.

Тўққизинчи ўнлик шундай ачинарли кўриниш билан якунланган.

Ўнинчи ўнлик таржиъбандга хотима ясайди. Шоир бу шеърда ўзининг фикр дунёсидаги мушкулликлар тўғрисида сўзлайди. У дунёга назар ташлар экан, бу “корғах вазъи”га, яъни дунёнинг тузилишига ҳайратда қолади. Қуёш у ёқда турсин, ҳатто бир зарранинг ҳам моҳиятини ечмоқдан ожиз бўлган ўз хатти-ҳаракати ва фикратиға (фикр дунёси) афсус қилади. Унинг учун на келмак, на кетмакнинг, на келиб чиқиш жойи (мабдаъ), на орқага қайтмоқнинг аниқ эмаслигиға тан бериб ҳайронланади.

*Назар айла бу корғах вазъиға
Ки ортар тамошосида ҳайратим.
Қуёш, йўқки, бир зарра моҳиятин
Топа олмади саъй ила фикратим.
На келмак аён бўлди, на кетмагим,
На мабдаъ яқин бўлди, на ражъатим.*

Бу мушкулликларни ҳал этиш осон эмас. На касбу улум (илм ўрганиш), на таквою тоат уларни оча олади; на ҳоким, на шайх уларни ҳал этмоққа кўмаклаша олади.

*Не касби улум этти ҳал мушкилим,
Не тутти илик тақвию тоатим.
Не қилди бу дардим иложин ҳаким
Не шайх айлади дафъ бу иллатим.
Не қилмоққа бир амрдин ҳосилим
Не кечмакка бу фикрдин журъатим.*

Шу ҳаётдаги мушкулликлар қахрамонимизнинг фикрини чулғаб олган. Уларни ечмоқдан воз кечмоққа у журъат қилмайди. Аммо бундай ечимни топмоққа ҳеч ким унга ёрдам бера олмайди. Бу ҳақда қавм билан ўтказилган суҳбатлар ҳам бефойда.

Хуллас, шоир:

*Менинг бошима бир қотиқ тушимши иш
Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим*

дея фиғон қилганича қолаверади.

“Хазойин ул-маоний”нинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ўнта ўнликдан иборат таржиъбанд шу билан тугалланади. Ушбу таржиъбанд мазмуни тўғрисида куйидаги хулосаларга келмоқ мумкин.

Алишер Навоийнинг машҳур ғазалида (“Хазойин ул-маоний” 1-ғазал) шундай мисра бор:

Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо –

яъни севикли махбубанинг гўзал жамоли аксини майда кўргин, деб жомдан (қадахдан) овоз келмоқда.

Таржиъбанддаги май ана шу севгилининг чиройини ўзида акс эттирувчи майдир. У ҳақиқий муҳаббат майи. Таржиъбанд шеърда ўз тасвирини топаётган лирик қахрамон эса ўша май хумори. У гоҳо шу майдан сармаст, гоҳо эса унга ташна. Ана шу май ошиқнинг кўнглига ҳаёт жозибаси, хушнудлик ва сархушлик бағишловчи кучга эга.

Менинг бу ерда шу май мавзуини чуқурлаштирмак ниятим йўқ. Та-саввуфий мазмундаги муҳаббат майи, ҳамиша унга интилувчи, фақат шу май оркалигина ором ва хузур толувчи ташналаб майхора образи бу соф, юксак, олийжаноб муҳаббат эгасининг образидир. Унинг муҳаббати Тангрига тушган. Унга севги ва садоқати бу муҳаббат соҳибининг туб моҳиятини ташкил этади. У ҳар доим шу ёр ёди билан яшайди, унга интилади, шу билан хушхол.



НАЖОТ ЭШИГИНИНГ КАЛИТИ

Европада ўтказилган йирик маданий анжуманлардан бирида йигирма биринчи асрнинг биринчи ярмида адабиёт, санъат ва кинематографияда қайси мавзулар етакчи бўлиши хусусида илмий баҳс-мунозара борди. Нотикларнинг бу хусусдаги фикри, гарчи кутилмагандек бўлиб туюлсада, бир-бирига яқинлиги билан эътиборга моликдир. Кўпчилик иқлим ўзгариши, ичимлик суви муаммоси ва ер ости бойликларининг бешафқат талон-тарож қилиниши инсониятнинг бу ёруғ оламда яшаб қолиши билан бевосита боғлиқ муаммо эканини куйиниб айтди. Таассуфки, бу уч мавзу адабиёт, санъат, кино ва маънавий тарғиботда, жамоатчилик муҳокамаларида ўз аксини зарур даражада топмаётир. Шундай эътиборсизлик эса янги, янада оғир ва талофатли тўртинчи муаммони юзага чиқармоқда.

Бу фикр ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарида матбуотда Орол муаммосига доир эълон қилинган дастлабки оғоҳлик мақолалари, ижодкор зиёлиларнинг куюнчаклик билан жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилган танқидий мулоҳазаларини ёдга солади. Уларда, бугунгидек, бу ноёб баҳри уммонни қутқариш эмас, унинг сув сатҳи муттасил пасайиб бораётганини эътиборга олиш, шунга яраша чора-тадбирлар белгилаш, дунё микёсида юзага келиши мумкин бўлган фалокатнинг олдини олиш ҳақида таклифлар билдирилганди. Мутасаддилар бунга қулоқ тутишмади. Ташвишли фактлар, аниқ ҳисоб-китоблар, экологик муаммо аста-секин оёққа тураётгани, қум ва туз тўзони ҳавони булғайтгани тузум кўзини очмади. Касаллик маддалаб, йирик минтақанинг бутун вужудини чирмовуқдек камраб, қон томирлари-ю нафас йўллари тўсиб бўлганидагина ҳаракат бошланди. Аммо... кўп нарса бой бериб бўлинганди. Бу уч муаммога дунё нуктаи назаридан қараган киши инсоният бугун ҳам нималарнидир бой бераётганига амин бўлади.

Бундан йигирма йил аввал Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповга ҳамроҳ бўлиб, Нукусда Ўзбекистон Қаҳрамони Тўлапберген Қаипбергенов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этдик. Расмий маросим тугагач, бизни енгил катерда Амур дарё бўйлаб сайр қилишга таклиф этишди. Дарёнинг баъзи жойларида сув сатҳи бир метрдан ошмасди. Катердан тушиб, оёкяланг сув кечдик. Ўйноқлаб, қирғоқларига тўш уриб оқадиган дарё тузалмас хастадай номигагина ҳаракат қилар, нима бўлганини ўзи ҳам тушунмай тургандай эди.

Абдулла ака қўлини сувда чайр экан, бирдан жўшиб кетди. “Дарёни қуриб бўлсанлар, Аму адойи тамом бўпти. Бирортанг дурустрок асар ҳам ёзмадинг, эртага ҳаммамизни қандай фалокат қутаётганини сезмаётганларингга не дейин”, дея маҳаллий ёзувчиларга жиддий танбех берди. “Хайф сизларга шундай дарё”, деди.

Ўртага оғир сукунат чўкди. Сув бизни тинглаб турарди. Хаёлимга бир фикр келди: юртимизга бостириб келган жамики боскинчилар шу дарёдан ўтишган, қайтишда ўмарган нарсаларини қўлтиклаб, шу дарёдан ўтишган. Юртимизда туғилиб вояга етган не-не алломалар илм излаб, шу дарёдан ўтиб, олис-олисларга йўл олишган, Ҳаж ибодатига отланишган. Қайтишда ҳам шу йўлдан юришган. Демакки, Амударё буларнинг барчасига гувоҳ. Ёзсангиз қоғоз кўтара олмайдиган дардлар. Сувда жон бор, хотира бор дейишади-ку. Демакки, сувга эътиборсизлик жонга эътиборсизликдир.

Мавзу йўналишини ўзгартираётганим йўқ. Дунёда мавжуд жамики сув манбаларининг тўксон етти фоизи истеъмол учун яроқсизлигидан хабардормиз, аммо парвойимиз палак. Бозорда деҳқон билан ярим соат тортишиб, битта тарвузни 5 минг сўмга сотиб оламиз-да, ховлига олиб келиб, камида минг литр сувни окизиб, уни совутамиз. Дунёнинг не-не мамлакатларида ичимлик сувининг баҳоси канчалигини билсак-да, ховлига, йўлакларга олачалпоқ қилиб ҳам эмас, кўллаиб сепамиз, қўлбола фаввора ясаймиз. Набиралар бир-бирларига сув сепиб, кийимларини жикка ҳўл қилиб мириқишади. Япониядан келган олимдан бошқа ҳеч ким бунга парво қилмайди. Чунки, Орол қуриб битаёзган бўлса-да, сув сероб деган фикр ҳали-ҳануз ўзгармаган. Бир-биримизни “Сувдек сероб бўл”, деб дуо қиламиз. Баҳорда сел келиб, ҳар жой-ҳар жойда уюлиб ётган чиқиндиларни окизиб кетса, “Яхшиям сув бор”, дея хурсанд бўламиз. “Сувга тупурма, ахлат ташлама, кудукка тош тўкма, ювиндини ариқка окизма”, деган ўғитларни кўпчилик унутиб бўлган.

Бундан бир неча йил аввал япониялик таникли олимлардан бири Ўзбекистонга келиб, Буюк ипак йўли ўтган шаҳарлар бўйлаб саёҳат қилади. Саёҳати якунида ўзбек хонадонларидан бирида меҳмон бўлади. Уй эгалари югуриб-елиб тансиқ таомлар тайёрлашади, дастурхонга кандкурс, сархил мева қўйилади. Қиз-келиндар кўча, йўлак ва ховли юзини супуриб-сидириб, шлангда тизиллатиб сув сепишади, гул-райҳонларнинг барглари ювишади. Айни шу пайти дарвозадан меҳмонлар кириб келишади. Япониялик олим аёлларнинг бу ҳаракатини кўриб, аввалига ерга сепилаётган сув ҳақида сўрайди, ичишга яроқчилигини билиб, ҳайратга тушади ва хамроҳларидан бирига: “Уй соҳиби миллиардер бўлса керак” дейди...

Ҳамкасблар билан Миср давлатида бўлганмиз. Қадимий эҳромлар, неча минг йиллик тарихга эга бу маданият эришган ютуқлар хотирамизда нақшларни қолди, аммо бошқа бир нарса ҳам ёдимиздан чиқмайдиган бўлдики, ҳар гал чанкоғимизни кондираётганда уни эсламасликнинг иложи йўқ.

Саёҳат дастури гоят тигиз бўлгани учун кечқурун хориб-чарчаб, меҳмонхонага қайтамиз. Кечки таом пайти белгиланган меъёрдаги бир финжон чой ёки шарбатга қаноат қилмай, тарвуздай чойнақда аччиқ-аччиқ чой дамлатиб, ичаверибмиз. Ҳисоб-китоб пайти... бир терлаб, чўнтагимиз дурустгина енгиллаб олди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Томоркани суғорганда ҳар бир дарахтнинг тагида сув кўллаб, қўшни томонга пайнов чиқмагунча кўнглимиз тўлмайди. Далага сув очсак, эгатларга тараб қўйиб, эрталаб хабар оламиз... Телевизорда неча минг йиллардан бери бир қултум сув-

га зор чўлу биёбонларни, сувсизликдан лаблари қақраб, ёрилиб кетган болаларни, куриб-қақшаб ётган ўрмонларни кўрамыз, аммо бунга ажабланмаймиз ҳам. Бу ноёб неъмат ҳақидаги ажабтовур ахборотлар ҳам бор: Ўрта ер денгизи атрофидаги айрим давлатлар ичимлик суви муаммосини ҳал қилиш учун Шимолий муз океанида сузиб юрган чучук сувли бахайбат айсбергларни шатакка олиб судраб келиш, эритиб истеъмол қилиш режаларини тузишмоқда экан. Хўп, шундай бўлди ҳам, дейлик. Аммо... бу табаррук сувнинг бир пиёласи қанчага тушаркин?

Қамчик довонидан ўтаётганимизда тоғнинг нақд белида қолиб кетган сув изларига кўзимиз тушади, сув сатҳи йилдан-йилга пастлаб бораётганига, бу жараён ҳали-вери орқага қайтмаслигига гувоҳ бўламиз, аммо ёнимиздаги ҳамроҳимизга бўлсин, ичимлик сувининг камайиб бораётгани, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш зарурлиги хусусида бир оғиз сўз ҳам айтмаймиз.

Қадимда сув танқислиги боис, карвон йўлларида сардобалар қурилган. Манбаларда айтилишича, Мовароуннаҳрда қирқдан ортиқ тоза сув сақлагич сардобалар бўлган. Уларнинг девор ва гумбазига пишиқ ғишт, ганч, пойдеворига тарашланган тош ишлатилган. Сардоба гумбази ер юзидан 7 метргача кўтарилиб турган. Сардоба қурилиши учун сув, тупроқ ва кум алоҳида тоза жойдан, ганч Қоровулбозор, Нуротадан олиб келинган. Қумга янтоқ, камиш, юлғун кули қўшилган. Иншоот учун ишлатиладиган ғишт иссиқ ва совуққа чидамли бўлиши лозим бўлган. Хумдонга тут, ўрикнинг қуруқ новдалари ёқилган. Ғиштларни бир-бирига ёпиштирадиган махсус қоришмага кўй сути, туя жуни қўшилган. Натижада иншоот янада мустаҳкам бўлиб, сув сизиб чиқиб кетмаган ва муҳими, икки йилгача айнинамаган, қиш-қировли кунларда иссиқ, ёзда эса муздек турган. Бунинг учун Сардобанинг остига 3 қават қорамол ва туя териси, 3 қават кигиз, унинг устига бир қават ганч, энг юқорисига сифатли ғишт ётқизилган.

Сардоба олдига махсус сув тиндиргич қурилган. Чор-атрофдан оқиб келадиган қор ва ёмғир сувлари шу ҳовузга тўпланган, лойка ҳовуз тубига чўккан, тоза сув сардобага қуйилган. Сув тиндиргичга, сардобага чорва моллари кириб кетмаслиги учун унинг атрофи пахса девор билан ўралган. Сардобалар минглаб инсонлар ташналигини қондирган муқаддас иншоотлар ҳисобланган. Кўриниб турибдики, бундай сув ҳосил қилиш учун сарфланган сарф-харажат айсбергларни судраб олиб келиш харажатида кам бўлмаган.

Сув билан боғлиқ бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Аммо бир нарса аниқки, бизнинг сув ҳақидаги тасаввуримиз ё тўла эмас, ё ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, “сув ёқосинда ўлтирган ёбулар”ники каби бирёклама. “Отанг мироб бўлса ҳам, сувни исроф қилма” деган мақол бор. Ҳикмат китоблардан бирида ўқидим. Чўлда ҳориб-толиб бораётган савдо қарвонининг олдидан кекса бир киши чиқиб қолади. Қарвонбоши қарама-қарши томондан аранг оёқ босиб келаётган бу кишини танийди: кўпларни илм йўлига бошлаган улуг устоз. Саломлашиб, мулозимларига: “Устозга бир пиёла сув узатинглар” дейди. Устоз сув тўла пиёлани кўлига олиб ичмоқчи бўлади, аммо... бирдан тўхтаб қолади. Қарвонбоши: “Ичинг устоз” деса ҳам, “Хўп, ҳозир” деб, худди бир нимани кутаётгандай тураверади. Мулозимлардан бири бетоқат бўлиб, “Сув

бергандан кейин ичинг-да, нима, бизни йўлдан қолдирмоқчимисиз?” дея танбех берганидан сўнггина сувни аста сипқоради. Кейинрок, шогирдлардан бири бу тўғрида сўраганида, устоз: “Ўшанда бир чивин учиб келиб, пиёланинг лабига қўнди-да, чанқоғини кондира бошлади, мен унинг учиб кетишини кутиб турдим”, деган экан...

Бундан хулоса шуки, сув нафақат инсоннинг, бутун табиатнинг, жамики жонзотнинг, шу билан бирга, еру осмоннинг, бу ёруғ оламга биздан кейин келадиган авлодларнинг ҳам ризк-насибаси. Бировнинг ҳақиқаи хиёнат қилиш эса оғир гуноҳ.

Сув ҳақида қуюнчақлик билан ёзилган бир мақолани такрор-такрор ўқийман: “Аллоҳ таоло бандаларининг ҳожатига ярайдиган, унинг тирклигига сабаб бўладиган сувни денгиз, уммонлар шаклида тўплаб беради. Сув бир жойда туриб айниб қолмаслиги учун Парвардигоримиз уни тузлар билан тўлдириб қўяди... Худованд: “Бўлди, мен сувни яратиб қўйдим, энди ундан ўзинг фойдаланиб ол”, демади, балки булутни уммон тепасига келтириб, ундаги чучук сувларни ўзига сўриб олиб, шамол билан бандалари устига олиб келиб, сув қилиб ёғдирди. Аллоҳ таоло кўринишидан тоғларга хусн бўлиб турган қору музликларни бизлар учун ўша ерда жамлаб қўйди. Худованд: “Бўлди, ана тоғларга жамлаб қўйдим, энди уни ўзинг бориб, парчалаб, уйга олиб келиб, эритиб ишлатавер” демади, балки ўзи Қуёшни унинг устига олиб келиб, тагидан эритиб, ариқлар, сойлар қилиб, хонадонларимизнинг олдиғача оқизиб қўйди...”

Олим дўстим менга тушунтирди: бугун ёмғир, дўл, жала бўлиб ерга сингиётган сув – кеча, ўтган ой ёки ўтган йили ердан кўтарилган бугу эмас, неча миллион йил аввал буғланган, ердан кўтарилган, ҳадсиз-худудсиз коинотни неча минг бор айланиб чиққан сув. Демак, бугун шивалаб ёғаётган ёмғир томчиларида ўтмиш аجدодларнинг хотираси бор, деган гапга ажабланмаслигимиз керак. Шунинг учун ҳам “Сувга тупурма” дейилган. Фақат шу эмас, аввало, бу неъматни исроф қилмаслик керак. Ёзнинг жазирама кунлари йирик шаҳарларда яшаётган аҳоли жон бошига 600-800 литрғача сув ишлатилади. Африканинг қурғоқ худудларида бунча сув кичикроқ қишлоқ аҳолисини бир кунлик нормаси. Шу ўринда сув муаммоси билан боғлиқ баъзи маълумотларни келтириб ўтсак.

АҚШда ҳар бир киши кунига ўртача 380-450 литр, Буюк Британияда 180 литр, ривожланаётган мамлакатларда эса 6-8 литр сув сарфланади. Экспертларнинг хулосаларига кўра, 2025 йилга бориб, 5 миллиард киши сув танқислигига дучор бўлади. Муаммони ҳал қилиш учун сарфланадиган ҳар бир доллар маблағ ўртача 9 доллар фойда бўлиб қайтади. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ бу муаммо баъзи худудларда, масалан, Африкада кескин тус олаётгани сир эмас. Бу қитъада кейинги ўн йил ичида иккинчи жаҳон урушидан кейинги жамики ҳарбий ҳаракатларда ҳалок бўлган болалар сонидан кўп норасидалар тозаланмаган сув муаммоси туфайли орттирган касалликлари боис вафот этишди. Нил дарёсидан фойдаланишда Эфиопия, Судан ва Миср ўртасида, Ботсвана, Ангола ва Намибия ўртасида эса Окаванго дарёси сувини бўлиш хусусида келишмовчиликлар мавжуд. Ливиянинг марҳум раҳбари Муаммар Каддафи Шимоллий Африкани тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида кўплар “афсонавий, хаёлий” деб ҳисоблаган 25 миллиард долларлик лойиҳани амалга ошириб, жаҳоннинг ўзига хос саккизинчи мўъжизасини яратишга

муваффақ бўлди. Чуқурлиги 500 метрли 1300 та кудукдан чиқаётган тоза сув улкан кувурлар орқали бирлаштирилди ва 1989 йили бошланган катта қурилиш 2007 йили якунланиб, сув мамлакатнинг йирик шаҳарлари ҳамда сув омборларига, жумладан, Триполигача етиб келди. Навбатдаги босқич – ичимлик сувини Сиртгача етказиш эди. Аммо... уруш бу орзунни, у билан бирга бутун мамлакатни ер билан яксон қилди. Муаммар Каддафининг “Бу қурилишнинг муваффақияти душманларимизни беҳад даражада ғазаблантиради, тўғрироғи чўчитади”, деган сўзлари тарихга кирди.

Тарихга назар ташласак, сув хамиша Яратган эгамнинг ноёб мўъжизаси ҳисобланиб келган. Мироблик касби улуғ касблардан бири бўлган. Чанқаган кишининг қўлига бир пиёла сув тутиш беадок савоб ҳисобланган. Сувни исроф қилиш гуноҳи азим дейилган. Бугун юртимизга хорижий давлатлардан илғор тажриба сифатида кириб келаётган томчилатиб суғориш ҳам дастлаб ўзимизда қўлланилган. Ҳа-ҳа, ўзимизда. Таассуфки, кейин-кейин сувга доир кўп кадриятлар унут бўлиб кетди. Лекин сувни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш борасида ҳеч бир иш қилинаётгани йўқ десак, тўғри бўлмайди. Мамлакатнинг сув ресурслари, жами сувларнинг миқдор ва сифат тавсифлари доимий равишда ўрганиб борилади. Сув омборлари қурилиши натижасида Ўзбекистонда 4,3 миллион гектардан ортиқ ерда суғорма дехқончилик қилиш, сув ресурсларидан гидротехника ва балиқчилик мақсадларида янада кенгрок фойдаланиш имкониятлари яратилди. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг қуйидаги маълумотлари фикримизга далил бўла олади: “Мамлакатимизда 97 та ер ости сув конлари аниқланган бўлиб, улардан 19 тасининг ҳосил бўлиш зонаси қўрикланадиган табиий ҳудудлар тоифасига киритилган. Кейинги йилларда республиканинг сув танқис жойларида аҳолини марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, 69 та шаҳар, 335 та посёлка ва 2902 та қишлоқ аҳоли пункти эҳтиёжлари ер ости сувлари захиралари ҳисобига қондирилаётир. Аммо бу муаммо тўлалигича ўз ечимини топгани йўқ”.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 4 майдаги “2017–2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан ичимлик суви таъминотини мақсадли дастурлар асосида амалга ошириш белгиланган. Бунда ушбу соҳага тааллуқли илмий-амалий тадқиқот натижалари атрофлича ўрганилиб, ер ости сувларидан оқилона фойдаланишни қатъий назорат қилиш, уларнинг захираларини кўпайтириш, ифлосланишига йўл қўймаслик, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш вазифаси кўзда тутилади. Ер ости ичимлик суви конларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, истиқболли чучук ер ости сув захираларини қидириб топиш ҳам бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Мамлакатимизда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва канализация объектларини қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш ишлари учун Молия вазирлиги ҳузурида “Тоза ичимлик суви” жамғармаси ташкил этилган.

Бошқа маълумотларга ҳам эътибор берайлик. 2050 йилга келиб ер юзи аҳолиси 9 миллиардга етиши башорат қилинмоқда. Глобал иқлим ўзгариши натижасида табиатда турли хил хавф-хатар, масалан,

курғоқчилик юз бериши мумкин. Ҳозирги илм-фан кўп нарсага қодир, аммо ҳеч нарса сувнинг ўрнини боса олмайди. Шунга қарамай, ичимлик суви заҳираларининг камайиши ва ифлосланиши, экин майдонларининг шўрланиши, сув исрофгарчилиги давом этмоқда. Тугаб бораётган сув заҳиралари ҳам бор. Ҳар куни дунёда 6 мингга яқин бола ичишга яроқсиз сув истеъмол қилгани боис касалликка чалиниб, вафот этмоқда. Сувнинг ифлосланиши туфайли одамлар ошқозон-ичак, буйрак, жигар, аллергия хасталикларга дучор бўлмоқда. Замонавий саноатнинг тез суръатлар билан ривожланиши, ишлаб чиқариш ва маиший чиқиндиларнинг кўпайиши, қайта ишланмаслиги, заҳарли кимёвий моддалар ишлатилган экин майдонларидан оқиб чиққан пайнов сувларнинг зарари тўғрисида кўп ёзилмоқда, аммо эришилаётган натижалар қониқарли эмас.

Йирик давлатлар ер юзиде иқлим ўзгаришига салбий таъсир кўрсатаётган омилларга қарши курашишда ошқозон сустиқашлик қилмоқдалар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, жами юқумли касалликларнинг 80 фоиздан ортиғи ичимлик сув сифатининг пастлиги ҳамда сув таъминотида санитар-гигиеник қондаларнинг бузилишлари билан боғлиқ. Бугун дунё аҳолисининг деярли ярми ифлосланган сув истеъмол қилади. Инсон заковати билан олис сайёраларнинг таркиби, ҳаракатланиш траекторияси, об-ҳавоси билан беҳато ўрганилаётган, яна неча минг йилликлардан кейин қайси бир юлдуз қайси бир юлдузга яқин келиб қолишини аниқ билганимиз ҳолда бизга заминдош ҳар иккинчи киши тозаланмаган сув ичаётганига ажабланмаймиз.

Кейинги йилларда тоғларга қор кам тушмоқда, музликларнинг умумий майдони қисқармоқда, тоғ зоналаридаги сув заҳирасини тўловчи ўрмон ва арчазорлар қисқармоқда. Ўзбекистон Экологик партияси маълумотлари кишига биров тасалли беради: сувдан оқилона фойдаланиш, бу борадаги фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан йўлга солиш мақсадида қонунлар, ҳукумат қарорлари қабул қилинмоқда. Зарафшон дарёси сувини экологик соғломлаштириш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Мамлакат ҳудудидаги барча дарё ва каналлар қирғоғида сув муҳофазаси зонасини ташкил этиш ва уни амалга ошириш, дарё ва каналларга ташланаётган оқова сувларини назоратга олиш, канализация тизимларини мукамаллаштириш, шунингдек, бактериологик ифлосланишнинг олдини олиш муҳим вазифа деб белгиланган. Бу йўналишда жиддий иш бошланган. Анҳору каналлар, пойтахтимизнинг сув ва ҳаво йўллари йилда ўн икки ой даромад берадиган “қўлбола” иморатчалардан тозаланмоқда. Аҳвол шу даражага етганки, маҳаллада, қатта-кичик давраларда одоб-ахлоқ, ҳалоллик-поқликдан гап очиб, тинимсиз ваъзхонлик қиладиганлар, ёшларни саранжом-сарипталикка даъват қилиш бурчлари ҳисобланган мансабдорлар (баъзилари эл-юртда таниқли кишилар) сув бўйларига чойхона, емақхона қуриб, оқовани тоза сувли каналларга тўғрилаб қўйганлар. Журналист сифатида ушбу тозалаш жараёнини яқиндан кузатишимга тўғри келди. Ён дафтаримга тушган ушбу жумладан ўзим сесканаман: “Мўмай даромад инсонни шундай ҳолатга соладики, у бетўхтов келаётган фойда эвазига ҳеч нарсдан ҳазар қилмайдиган бўлиб қолади”.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида ёмғир, қор сувидан унумли фойдаланиш, тошқин ва селни беҳуда оқизиб юбормаслик, ҳатто эрталабки шудрингни исроф қилмаслик, оқовани қайта тозалаб, экин-тикинга, тех-

ника мақсадларига ишлатиш муаммолари аллақачон ҳал қилиб қўйилган. Биз эса, тан олайликки, “Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди” деган мақолни унутганмиз. Чунки, ҳозирча сув етарли, шу боис, бу илоҳий неъмат ҳақидаги тасаввурларимизда мантиқдан кўра “сув” кўп.

Аҳоли сонининг ошиши билан ер усти ва ер ости сувларидан ичимлик суви сифатида фойдаланиш янада кучаяди. Демак, сув ресурслари сифатини пасайиб кетишидан сақлаш учун ифлос ташлама (окова) сувлар миқдорини қисқартириш, уларни дарё ва сув ҳавзаларига ташланишига барҳам бериш, ишлатилган сувларни тозалаш усулларини такомиллаштириш, шу мақсадда махсус қурилмалар ўрнатиш зарур.

2014 йили покистонлик ўн олти ёшли ўқувчи қиз, тинчлик учун курашчи Малала Юсуфзай Нобель мукофотини олар экан, дунёни эндиликда қалам ва дафтар, яъни болалар ва айниқса, қизларнинг саводхонлиги куткаради, деган эди. Бугун унинг бошқа бир тенгдоши, Нобел мукофотига номзод шведиялик Грета Тунберг жаҳон давлатлари раҳбарларини иқлим ўзгариши, ичимлик сувининг танқислиги билан боғлиқ муаммоларга бефарқ бўлмасликка чақирмоқда. “Аҳвол шу даражада қолаверса, биз ёшлар учун ҳеч қандай келажак йўқ. Буни билган ҳолда жим туриш мантиқсизликдир. Таассуфки, сиёсатдонлар бу масалада ўзларини болаларча тутмоқдалар”, дейди у. Дарҳақиқат, бу муаммоларнинг ечими кўп жиҳатдан болаларнинг донишманд боболарига боғлиқ. Ва яна...

Сувни тежайдиган, тозалайдиган мосламалардан фойдаланиш, янги сув омборлари қуриш, сувга ўч экинларни қамайтириш, сув нархини оширишдан ҳам муҳим бир вазифа бор, у ҳам бўлса, аввало ўзимиз, фарзандларимиз, набираларимиз, беистисно ҳаммамизнинг сувга нисбатан муносабатимизнинг ўзгариши. Бу ўзгариш содир бўлмас экан, муаммо йилдан йилга, мавсумдан мавсумга мураккаблашиб, охир-оқибат довондаги чўққилар пойида бир вақтлар сув сатҳи қолдирган ноёб излар афсонага айланиши аниқ.

Вақт бор, нажот эшиклари ҳали ёпилмаган. Қалит ўз қўлимизда.

Аҳмадҷон МЕЛИБОЕВ





Ҳенри Райдер ХАГГАРД

(1856–1925)

ДОКТОР ТЕРН¹

(қисса)

*Рус тилидан
Қодир МИРМУҲАМЕДОВ
таржимаси²*

I БОБ

Дилижон жар ёқасида

1896 йилнинг кузида Англияда чечак балоси авж олди. Менинг кадрдон шаҳрим Денчестерда (бу ерда мен шаҳар парламенти аъзоси эдим) аҳоли сони уч-тўрт йил ичида ўша балои офатдан беш минг кишига камайганди, яна канчадан-канча одамлар хусну латофатларидан, гўзал чехраларидан жудо бўлгандилар.

Начора, тақдирга тан бермоқ керак! Ўлганлар ўрнини янги туғилганлар тўлдиради, чечак эса, юкумли эмас, у наслдан наслга ўтмайди; колаверса, бу офат энди такрорланмайди, деб кўнгилни тўқ тутиш мумкин, зеро, ҳозир бутун мамлакатда вакцинация, яъни чечакка қарши умумий мажбурий эмлаш тартиби жорий қилинган. Энди ким ҳам ўшал машъум эпидемия пайтида ўлганларни шошма-шошарлик билан нариги дунёга жўнатган биз докторларнинг устимиздан шикоят кўзгарди? Ўша чечакдан нобуд бўлганларми? Кўзим етмайди бунга, сабабки, мен инсон жисми ва мускуллари хақида шундай мукамал маълумотга эгаманки, рухларнинг мавжудлигига ва уларнинг боқий эканлигига ишонишим қийин.

Ҳа, ўйласам ваҳим келади! Битта Денчестернинг ўзида беш минг киши-я! Уларнинг кўпчилиги менинг таъсирли ваъзларим, фасоҳатли нутқларим касофатидан нобуд бўлдилар, чечакнинг олдини олиш учун килинадиган эмлаш жараёнини рад этувчи далилларим у шўрликларнинг пашшайдаи қирилиб кетишига сабаб бўлди.

Тўғри, доктор ҳам барча одамлар сингари хато қилиши мумкин. Лекин борди-ю хато қилмаган бўлса-чи? Агар ўша ўлган одамларнинг ҳаммаси бирдан қайта тирилса-ю мазкур докторнинг қаршисига келиб: “Жемс Терн, бизларнинг қотилимиз сенсан, сен ўз манфаатингни кўзлаб, ўзинг

¹ Боши. Давоми кейинги сонларда.

² Таржимоннинг шахсий архивидан олинди.



ишонмаган нарсага бизларни ишонтирдинг”, десалар унда нима бўлади? Йў-ўк, мен улардан – суяклари Денчестер кабристонида чириб ётган ўша навкирон йигитлар, ўн гулидан бир гули очилмаган навнихол кизлар-у гўдак болалардан қўркмайман. Бўлар иш бўлган; энди уни ўзгартиришга қурбим етмайди. Ўша ўлганлар ичида фақат иккита азиз инсон мени каттиқ изтиробга солади. Булар – кизим Женни билан унинг қайлиғи Эрнст Мерчисон. Улар – Женни ҳам, унинг қайлиғи ҳам менинг иззаттаблагим қурбони бўлдилар...

Хотиним қазо қилганидан кейин, Женни мен учун дунёда яккаю ёлғиз энг азиз хилқат бўлиб қолган эди; бу суюкли жигаргўшамни қора ер ўз домига тортганидан буён мен чеккан даҳшатли азоблар дунёда ҳеч кимнинг бошига тушмасин.

Мен докторлар оиласиданман: бобом Томас Терн бутун Денчестер музофотида маълум ва машҳур доктор экан; бобом ўлганидан кейин унинг докторлик касби отамга мерос бўлиб ўтибди. Отам уйланганидан кейин шифохонасини сотиб, Денчестер шахрининг ўзига кўчиб келибди ва шу ерда катта довруқ козонибди, лекин у эндигига катта мартаба бўсағасига етганида, чечак билан оғриган беморни даволаш чоғида бу дарди балони ўзига юктириб қўйибди, бу дард уни ўпка силига мубтало қилиб, вужудида ўчмас из қолдирибди, натижада отам иклими илиқроқ мамлакатга кўчиб кетишга мажбур бўлган.

Отам ўз шифохонасини ассистентига қолдирган ва оиласини олиб Мадерага¹ жўнаб кетган (ҳозир мен ҳам, нега бундай қилганимни билмай, шу ерга келганман).

Афсуски, Мадера иклими отамга тўғри келмаган ва у икки йилча мутасил бетоб ётиб, йикқан бутун сармоясини сарфлаб бўлиб, бева хотини ва гўдак ўғлининг кун кечиршига сарик чақа ҳам қолдирмай, дунёдан кўз юмган...

Бахтимизга саховатли одамлар бор экан: шу кишилар кўмагида онам Англияга қайтди. Биз, она-бола, Брайтон яқинидаги кичкинагина бир балиқчилар кишлоғида истиқомат қила бошладик. Мен шу ерда ўсиб улғайдим, маҳаллий диний мактабда бошланғич маълумот олдим. Болалик чоғимданок отам ва бобом сингари доктор бўлишни орзу қилганман. Чунки катта довруқ козонган докторларнинг кўп пул ишлаб топишларини эшитган эдим. Болалигимдан муҳтожликда кун кечирганим учун бўлса керак, доимо пул топиш иштиёқида яшадим. Ўша пайтлардаёқ мен мавжуд замон фақат бой-бадавлат одамлар замони эканини, ҳаттоки сиёсий арбоблар ҳам, агар пуллари бўлмаса, ҳеч қандай мартабага эриша олмасликларини билар эдим. Америкада ёки бирон бир олис мустамлака ўлкада фаросатли ва истеъдодли одам, гарчи таянадиган сармоясини бўлмаса ҳам, ўз порлоқ истиқболи сари йўл оча олар эхтимол, лекин Англияда бу ҳақда ҳатто ўйлаб ҳам бўлмасди. Пешонам шўр эмас экан – кутилмаганда менга бахт кулиб боқди. Марҳум отамнинг укаси – амаким қазо қиларкан, менга 750 фунт² мерос қолдирибди. Бу пул менинг Лондонда кичкина бир хонани ижарага олишимга ҳамда тиббиёт курси талабаси бўлиб институтда ўқишимга имкон берди.

Йигирма тўрт ёшимда курсни койилмаком қилиб олтин медал билан битирдим ва мени дарҳол Лондондаги энг йирик госпиталлардан бирига

¹ Мадера – Мексикадаги шаҳар.

доктор этиб ишга олишти. Мажбурий хизмат муддатим тугаганидан кейин ҳам, бу госпиталда яна бир йил ишлаб қолдим. Бу орада онам вафот этди. Шунда мен барча қайғу-ҳасратларимни унутиш, заифлашган асабларимни тиклаш ва узок муддатли оғир меҳнатдан сўнг бироз дам олиш мақсадида, Англия билан Вест-Индия ва Мексика ўртасида катнаб турувчи улкан пароход кампанияси эгаларидан бири бўлган дўстимдан, унинг ихтиёридаги пароходлардан бирида текинга сайр қилишим учун рухсат сўрадим ва бунинг эвазига кема ахлига тиббий хизмат кўрсатишим мумкинлигини айтдим. Таклифим бажонидил қабул қилинди; шу билан бирга, ўртада келишилган шарт бўйича, мен уч ойча Мексикада қолишим, сўнг яна шу пароходда Англияга қайтиб келишим мумкин эди.

Ёкимли ва ғоятда муваффақиятли бўлган бу саёхатим ниҳоясида мен Вера-Круцга¹ этиб бордим; уйлари баланд-баланд, хилват ва сокин, тор кўчалари хамиша соя-салкин бўлган бу шаҳар ўзига яраша чиройли эди. Мен махсус бир мақсадни кўзламаган ҳолда, бу ерда уч хафта қолишга қарор қилдим ва маҳаллий госпиталлар ҳамда касалхоналарда ишлаб, сарик безгакни тадқиқ қилдим. Бу касални мен ўзимга юктиришдан қўрмаган бўлсам ҳам, орадан сал вақт ўтар-ўтмай у билан юзма-юз тўкнашишимга тўғри келди.

Уч хафтадан кейин мен Мексико шаҳрига бормоқчи бўлдим; у пайтларда бу шаҳарга фақат ё от миниб ё дилижонда² бориларди, чунки темир йўл ҳали қурилмаган эди. Ўша вақтда ёввойи мамлакат ҳисобланган Мексикада тез-тез бўлиб турган урушлар, инкилоблар кўпчилик аҳолини уй-жойларидан маҳрум қилган, ишсизлик халқни қашшоқлаштирган эдики, бу мамлакатни босиб ўтаётган сайёҳлар бежавотир юришларига ишонмасдилар.

Вера-Круцдан Мексикога борадиган йўл мунтазам равишда юкорига ўрлаб борарди, шу сабабли, Мексико Вера-Круцдан 7000 фут⁶ баландроқда эди. Бу йўлга чиққан одам энг аввал “иссиқ минтақа”дан, сўнг “мўътадил минтақа”дан ўтади ва ниҳоят “совуқ минтақа”га этиб боради. Иссиқ минтақадан ўтаётганингизда, у ернинг аёллари ҳар қадамда сизга кокос ёнғоклари ва чанкоғингизни кондиргани анорлар тавсия қилишади; мўътадил минтақада ҳам аёллар, иссиқ минтақада бўлганидек, ялиниб-ёлвориб, апельсин ва бананлар таклиф қилишади, совуқ минтақа аёллари эса худди пастдаги минтақа аёллари сингари чуғуллашиб, сизни сабур япроқларидан тайёрланган кўриниши ва таъми совун кўпигини эслатувчи “шолком” деб аталувчи аллақандай ёкимсиз лойқа суюклик билан меҳмон қилмоқчи бўладилар. Эсимда, биз мўътадил минтақадан бораётганимизда, унинг бир ерида, атиги ўн бештагина хонадони ва ўн еттита черкови бўлган мўъжазгина шаҳарчадан ўтдик. Бу шаҳарчада черковларнинг ҳаддан зиёд кўплигига сабаб бор экан: шаҳарча яқинида забт этиб бўлмайдиган маҳобатли қоялар бўлиб, бир пайтлар бу қояларга қароқчи тўдалар уя қуриб олган экан; бу ерда қадим замонда ажодлар томонидан жорий қилинган бир таомилга амал қилинаркан; у таомилга кўра, қароқчи тўдаларнинг ҳар бир сардори босқинчилик қилаётган чоғида аёвсиз катл этиб, руҳларини нариги дунёга жўнатган бегуноҳ одамларнинг арвоҳларини хотирлаб дуон фотиҳа қилиб туриш ва шу йўл

¹ Вера-Круц – Мексиканинг ҳозирги пайтда Веракрус деб аталувчи порт шаҳри.

² Дилижон – усти ва атрофи ёпиқ тўрт гилдиракли, отлар тортадиган арава. Почта ва йўловчиларни шаҳардан шаҳарга шу дилижонлар ташиган.

билан қилган гуноҳларини ювиш учун, ўз исмига тақовул бўлган авлиё шарафига черков қурган экан. Бу худотарс одат энди йўқ, чунки Мексика ҳокимияти бундан бир неча йил бурун қучли қўшин юбориб, ҳудожўй қароқчилар истехкомини забт этиб, ўз қароргоҳларини мардона ҳимоя қилган бир неча юз кишидан иборат бўлган қароқчиларнинг ҳаммасини қатл эттирибди.

Саккизта ҳақир қўшилган аравада бизлар саккиз киши эдик: тўртта савдогар, иккита патер¹, мен ва бўйи етган бир навнихол қиз (кейин бу қиз менинг хотиним бўлди). Кўккўз, сарғишсоч, бениҳоя ёқимтой ва мафтункор, чехраси ипақдек майин бу қиз Нью-Йорк фуқароси, яъни америкалик бўлиб, муомалада ўзини эркин тутарди. Исми Эмма Беккер эди. Биз дарров тил топишиб олдик ва дилижонда ёнма-ён ўтирдик, орадан сал вақт ўтар-ўтмай, мен унинг бутун ҳаётидан воқиф бўлдим. У ота-онасидан етим қолган ва кун кечириш учун ҳеч қандай маблағи йўқ экан. Мексикадан саксон миля² нарида яшовчи аммаси уни ўзининг чиройли ранчосига тақлиф қилган, қиз шу заҳоти аммаси тақлифини жон-жон деб қабул қилиб, Нью-Йоркдан узоқ сафарга чиқибди.

Биз Вера-Круцдан кундуз куни туш пайтида йўлга чиқдик, ҳашаротлари виж-виж бўлган искирт бир меҳмонхонада тунадик, тонг отиши билан яна дилижонга ўтирдик-да, аста-аста тепалик сари ўрлай бошладик, йўл шу қадар тик эдики, аравақаш минг ҳайқирса ҳам, ҳақирларни камчи билан тинмай саваласа ҳам улар ҳар юз кадам юрганларида тўхтаб-тўхтаб қолардилар. Бу аснода мен мудраб кетарканман, бир пайт мисс Беккернинг ширали янғроқ овози мени уйғотиб юборди: “Кечиринг безовта қилганим учун, доктор Терн, мана бу ёқдаги бағоят гўзал манзарани сиз ҳам кўришингиз керак, албатта” – деб у арава дарчасига ишора қилди.

Ростини айтсам, дунёда бундай ажиб ва кўркем манзара борлигини ҳатто тасаввур ҳам қилмаган эдим. Куёш қадимги ацтеклар Юлдуз-тоғ деб атаган Оризава ортидан эндигина бош кўтариб чиқа бошлаган эди. Тоғ чўққисидан кўкка ўрлаётган қудратли ва маҳобатли вулқон алангаси бизларнинг бошимиз узра 18000 фут баландликка отилар, тоғ этагини қалин ўрмон буркаган, унинг мангу эримас муз қоплаган чўққиси эса, қумуш янглиғ ярақларди. Оризаванинг ям-яшил ёнбағри ҳали зулмат қўйнида, аммо унинг чўққисидagi омонат қорлар ҳалитдан заррин тусга қира бошлаган эди. Мен умрим бино бўлиб, илоҳий зиёнинг тун зулмати устидан бундай тантанавор ғалаба қозонганини ҳеч қачон кўрмаган эдим... Ниҳоят, мен тонг шафағининг ғоятда ҳашаматли манзарасидан кўз узиб, дилижонимиз шифтига осилган фонуснинг хирагина ёруғида бутун диққатимни ҳамроҳим мисс Беккернинг ёқимтой, дилбар чехрасига қаратарканман, бу соҳибжамол қиздан ҳеч кўзимни уза олмадим. Назаримда, унинг чехрасида ҳам қандайдир ғайритаъриф жозиба мавжуд эди. Кўзларимиз учрашди, шунда икковимиз бир-биримизга унсиз тикиларканмиз, энди ҳеч қачон бир-биримиздан ажралишни хоҳламаслигимизни тушундик. Бутун вужудимизни камраб олган ҳозирги жиддий ҳолатимизни ҳамроҳ йўловчилардан сир тутиш мақсадида, биз ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган энг одми нарсалар тўғрисида суҳбатлаша бошладик. Суҳбатимиз мавзуси дам-бадам ўзгариб турди. Ниҳоят, қиз мудрай бош-

¹ Патер – католик динида қашш ё роҳиб

² Милля – Америкада 1 миля – 1,609 км.

лади. Мен ҳам унга эргашиб ухлашга уриниб кўрдим, лекин ҳеч уйқум келмади. Дилижонимиз бир ёни тикка тоғ ёнбағри, иккинчи ёни тубсиз жарлик бўлган торгина сўкмоқ йўлдан борарди. Жарлик устини қоплаган қуюқ туман унинг қанчалик чуқурлигини кўзимиздан яшириб турарди. Ушбу манзарани кўрарканман, бу йўл қароқчиларнинг хужум қилиши учун жуда қулай жой экан, деган фикр кўнглимга келди. Шу маҳал олдинда бораётган ҳачир бирдан жуда ғалати тарзда қоқилиб кетди ва айни пайтда яқин орадан ўқ овози эшитилди. Аравақаш билан унинг шогирди дилижондан сакраб тушишди ва ваҳимали додлашганча тубсиз жар қаърига кетма-кет сакрашиб, кўзимиздан ғойиб бўлишди. Дилижон ичида ақл бовар қилмайдиган қиёмат-қойим бошланди: биров додлар, биров худога сиғиниб, паноҳ сўрар, яна биров “Қароқчилар, қароқчилар!” деб айюханнос соларди.

Савдогарлар сўкина-сўкина қимматли буюмларини этикларининг кўнжига, калпоқларининг тагига яшира бошладилар, патерларнинг бири нукул ув тортиб йиғлар, иккинчиси эса, қўлларини ибодатга қовуштириб, бошини қуйи эгиб, дуо калималарини тинмай ғўлдираб ўқирди. Хуркиб кетган ҳачирлар бир ерга ғуж бўлиб туриб олишди, дилижон эса, ҳар лаҳзада жарга ағдарилган кетадиган хатарли аҳволда эди. Лекин бу аснода дилижон атрофини қуршаб олган қароқчилар аравага қўшилган ҳачирларнинг шатак тасмаларини шоша-пиша кесиб ташлаб, уларнинг ҳаммасни ҳайдаб жарликка тушириб юбордилар. Кейин юзида каттақон чандиғи бўлган қорасоқол бир йигит дилижон эшигини очиб, бизларга эҳтиром ила таъзим қилди ва ҳаммамизга аравадан тушишни буюрди. Унинг шериклари камида ўн икки нафар эди. Шу сабабли, буйруққа итоат этмай иложимиз йўқ эди. Ҳаммамизни жарлик ёқасига олиб бориб, бир сафга тиздилар. Бизлар жарликка орқа ўгириб турардик. Мен сафнинг энг чеккасида эдим, Эмма Беккер шундоқкина ёнгинамда турди, демак, қўл ушлашишимизга имкон бор.

Муштум зўр қароқчилар савдогарларни бирма-бир роса дўшпослаб қалажон қилдилар, тинтиб чиқдилар кейин кип-яланғоч қилиб сечинтирдилар-да ҳаммаларини тепиб-тепиб бирин-кетин дилижонга ҳайдаб кири-тиб, эшигини ёпиб қўйдилар. Сўнг икки патерга навбат келди; улардан бирини афв этдилар – ҳамма қароқчиларнинг қилган гуноҳларидан ўтиб дуо ўқигани учун, лекин иккинчи патернинг бошига савдогарларнинг кунини солдилар. Мен астойдил бош қотириб, бу машъум фалокатдан жон саклаб қолиш йўлини излардим. Шу пайт бирдан бу йўлнинг ҳар бир қаричини ёддан билган аравақаш билан унинг шогирдининг ўйлаб-нетиб ўтирмай, ўзларини тубсиз жарга отганларини кўз олдимга келтирдим – ахир улар ўзларини ўлим қучоғига отаётганларини билганларида, бу мавҳум чуқурликка сакрамаган бўлардилар-ку. Кейин, қароқчилар ҳам ҳачирларни ҳайдаб жарга тушириб юбордилар. Ваҳоланки, бу сезгир жониворлар тубсиз жар қаърига ҳеч ҳам сакрамаган бўлардилар. Мен шуларни ўйлаб, таваккал қилмоқчи бўлдим ва Эммага пичирлаб дедим:

– Қулоқ солинг, аминманки, даҳшатли бўлиб кўринаётган бу жарлик аслида унча чуқур эмас. Айтинг, шу жарликка мен билан бирга сакрашга розимисиз?

– Албатта розиман, – деди Эмма ўйлаб ҳам ўтирмай, – қароқчилар қўлида бўғизлангандан, сакраганда оёқ-қўлинг синса ҳам тирик қол-

ганинг яхши-ку. Лекин биз қулай пайтни кутишимиз керак. Қочмоқчи бўлганимизни кўриб қолишса, албатта, ўқ отиб ўлдиришади.

Биз қулай фурсат келишини кута бошладик. Қароқчилар охирги, тўртинчи савдогарни тинтиб бўлишди. Навбат бизга келаётган эди ва биз ҳамманинг кўзи олдида жарликка сакраш учун шай турардик, лекин айти шу пайт кароқчилар томонидан тинтилаётган шўрпешона савдогар кутилмаганда йўлтўсарлар қўлидан кутилиб чиқиб, қия йўлдан паст томонга қоча бошлади. Босқинчилар бизни унутиб, савдогар орқасидан қувиб кетишди. Фақат битта кароқчи учта савдогар билан бир патер хибс этилган дилижон эшиги олдида қолди. Босқинчи йигитлар эса, қийқиришиб, қулишиб қочаётган савдогар орқасидан қувишаркан, устма-уст ўқ отишарди; ниҳоят, савдогар бир ўқдан жароҳатланиб йиқилди, кароқчилар унга худди қузғунлардек ташланиб, шўрликни пичоклари билан қиймалаб ўлдиришди.

– У ёкка қараманг, – деб пичирладим Эммага. – Юринг, кетдик. Ҳозир айти вақти.

Бир лахзада жар лабига бориб турдик; қуюқ туман оёғимиз тагида кўрпа бўлиб тўшалганди. Мен бир дақиқача иккиланиб туриб қолдим, лекин Эмма мени кутмай, дарров жарга сакради. Шунда унинг овози менга пастдан, атиги бир неча фут масофадан эшитилди-ю ўзим ҳам унга эргашиб дарров пастга сакрадим. Биз вужудимизга сингиб, суяк-суякларимизни сиркирата бошлаган қалин туман орасида юриб, жарликнинг тикка ёнбағридан эҳтиётлик билан пастга туша бошладик. Назаримда, ғойиб бўлганимизни ҳали ҳеч ким пайқамади шекилли; сабабки, дилижонга қамалганларни кўриқлаб турган кароқчи қочган савдогарни қийнаб ўлдираётган шерикларини томоша қилиш билан овора эди, афв этилган патер бўлса, атрофида нималар бўлаётганини кўрмас, чунки тиз чўкиб олиб, юзини кафтлари билан қоплаганча, ерга бош эгиб ибодат қилаётган эди.

Бизлар пастрокка тушганимиз сари, туман ҳам сийраклашиб, тиниклаша бошлади, шунда биз пастга тикка кесиб тушган торгина сўкмоқ йўлдан бораётганимизни кўрдик; сал кам ўн дақиқа ичида ниҳоят пастга тушиб улгурдик ва таъкиб қилувчилар овозини эшитганимиз учун бир оз дам олиб, энди буёғига қандай иш тутишимиз ҳақида келишиб олгани тўхтадик. Биз турган ердан атиги беш қадам нарида тикка кўтарилган бир бахайбат қоя худди устимизга қулаб тушишга чоғлангандай, омонатгина турардики, ҳатто энг эпчил мушук ҳам унинг устига тирмашиб чиқа олмасди. – Бу ер анча беҳавотирроқ, – дедим мен.

– Тўғри, аммо биз бу ерда қололмаймиз, – деб эътироз билдирди Эмма; ҳали у гапини айтиб улгурмасидан тепамизда бирдан юракка ваҳима солувчи аянчли фарёд эшитилди ва биз бошимиз узра қалин парда бўлиб турган туман орасини ёриб, тушиб келаётган бахайбат бир нарсани кўрдик – у нарса ерга гумбирлаб тушиб, бўлак-бўлақларга ажралиб кетди. Биз фалокат юз берган жойга югуриб бордик, у ерда мажақланган дилижоннинг пора-пора қисмлари ва собиқ ҳамроҳларимизнинг тилка-тилка бўлган жасаdlари ётарди. Юрагимизни ваҳима қамраб олди ва биз таҳдид хатаридан ўзимизни панага олиш учун, қуйи водийдаги дарахтзордан паноҳ излаб, юрак ҳовучлаганча ўша ёкка югура кетдик.

II БОБ

Гациенда¹

– Анави нима? – деб сўради бирдан Эмма, биздан сал нарироқдаги ёввойи бананзорда юрган аллақандай жониворларни кўрсатиб. Мен ўша томонга қарадим ва қароқчилар жарликка ҳайдаб тушириб юборган икки-та хачирни, уларнинг бўйинларидаги бўйинчадан ҳамда кесилган шатак қайишидан танидим. Кейин бориб уларни осонгина тутдим-да бирига Эмманни миндириб, иккинчисига ўзим миниб олдим; хавф-хатар таҳдидидан қутилишимиз учун, тезда бу ердан узоқроқ жойга кочиб кетишдан ўзга иложимиз йўқ эдики, буни икковимиз ҳам жуда яхши тушунардик. Бироқ, биз эндигина жўнашга шайланганимизда, кимдир мени: “Синьор! Синьор!” – деб чакириб қолди. Мен пистолетимни қўлга олиб орқамга ўгирилдим; чакирган мексикалик бир эркак эди, мен уни танидим.

– Отманг, синьор, – деб у инглиз тилида чала-чулпа гапира бошлади, – мен аравакашингиз Антониоман, шогирдим анави ерда чукурга тушиб кетди. – Шундай деб у менга бир тубсиз хандақ оғзини кўрсатди. – Сиз анави ёвуз боскинчилардан қочиб қутилмоқчисиз, мен ҳам; ҳозир улар бу ерга тушиб, сизни тутишарди-да ўлдиришади. Ўзи қаёқка кетяписизлар?

– Сиз Сан-Хозе шаҳарчаси яқинидаги де-Концепцио гациендасига борадиган йўлни биласизми? – деб сўради Эмма.

Гациенда – Мексикада заминдорнинг ер-мулки шундай деб аталади.

– О, биламан, синьора, ҳа, мен жуда яхши биламан синьор Гомецнинг гациендасини, хоҳласангиз эртагаёқ олиб бориб қўяман сизни у ерга.

– Ундай бўлса, бошланг бизни ўша ёққа, – дедим мен ва биз узоқда қад кўтарган тепаликлар сари йўл олдик.

Кеч кириб қуёш бота бошлаганида биз бир ҳиндунинг хароба кулбасига бешикаст етиб бориб, ўша ерда янги кесилган дарахт новдалари билан ёпилган том тагида ётиб ухладик – гарчи тун бўйи ёғиб турган ёмғирдан устимизга тинмай чакка томиб турган бўлса ҳам.

Мен тонг ёриша бошлаган пайтда ўрнимдан туриб ташқарига чиқдим ва у ерда Антонионинг кулба эгаси ҳинду билан пичирлашиб турганини кўрдим.

– Тинчликми, Антонио? Ишқилиб қароқчилар изимизга тушишмабдими? – деб сўрадим ундан.

– Йўқ, синьор, энди улар узоқда қолиб кетишди, – деди Антонио. – Гап шундаки, манави синьор айтишига қараганда, ҳозир Сан-Хозеда касаллар жуда кўпайиб кетганмиш.

Лекин мен унга эътироз билдириб, нима бўлганда ҳам, биз у ерга бориш ниятидан қайтмаслигимизни айтдим. Антонио аввалига тихирлик қилиб, бизни кузатиб боришни хоҳламади, лекин қароқчиларга дуч келишдан кўрқиб ҳамда ваъда қилинган мўмай хизмат ҳақидан қуруқ қолишни истамай, таклифимизга рози бўлди ва биз йўлга тушдик. Шу куни кечга яқин Антонио бутун аҳолиси 3000 кишидан иборат бўлган мўъжазгина ғариб шаҳарча орқасидаги тепаликда қад кўтарган чиройли ва оппоқ иморат – де-Концепцио гациендасини бизга кўрсатди.

¹ Гациенда – Мексикада заминдорнинг ер-мулки шундай деб аталади.

Биз шаҳар дарвозасига етиб борганимизда аллакимларнинг бакирик-чакирикларини эшитдик, мен оркамга ўгирилиб, милтиқлар билан куролланган иккита отлиқ мексикаликни кўрдим – улар биздан орқага қайтишимизни талаб қилаётган эдилар. Биз уларни изимизга тушган боскинчилар деб ўйладик ва йўл юриб толикқан хачирларимиз биқинига никтаб, уларни жадал чоптириб кетдик. Қоча бошлаганимизни кўрган отлиқлар то каттакон оқ тош билан белги қўйилган ергача кувиб келишди-да, кейин қўл силтаб орқаларига қайтишди.

Энди биз шаҳарнинг энг йирик марказий кўчасидан ўта бошладик, аммо бу кўчанинг хувиллаб ётганини, унда тирик жонзот учрамаганини кўриб хайрон қолдик. Бозор майдонига яқинлашганимизда каттакон бир аравача дуч келдик; унга ортилган қандайдир юклар устига қора мато ёпилган эди, яна кизиғи шундаки, аравакаш оғзи ва бурнини қалин шарф билан ўраб олганди.

Биз гир атрофига маҳобатли, кўркама устунлар ўрнатилган бозор майдонига кириб бордик.

– Ие, анави одамларнинг ухлашига қаранг, – деди Эмма устунлар равоки тагида курук ерда кўрпа ёпиниб қатор тизилишиб ётган одамларни кўрсатиб. – Бу қанака халқ ўзи... куппа-кундуз куни, яна кўчада ухлашса-я!

Мен ялт этиб қардим: ерда ётган бу одамларнинг баъзи бирлари ўқтин-ўқтин бошларини салгина кўтаришар ва яна тағларига тўшалган хазон ё увада латта тўшакларига бош қўярдилар-да, безовта бўлишиб инграшар, ох-воҳ қилишарди.

Биз бу одамлар тепасидан сал нарироққа кетдик; шунда бир кампир ерда ухлаб ётган аёлнинг (ким билсин, балки у ёшгина қиздир) адёлини очиб ташлаб, фавворадан олиб келган сувни унинг устига қуя бошлади.

Мен бир қарашдаёқ тушундим: бечора кизнинг юзини чечак жароҳатлари чўтир пўстлок бўлиб қошлаганди, бадани шу қадар даҳшатли бир тусда эдики, таърифлашга тилим бормайди.

Мен беихтиёр хачир жиловини тортдим, у тўхтади.

– Қора чечак, – дедим мен пичирлаб. – Манави овсар кампир бўлса, совуқ сув билан даволамоқчи.

Кампир бош кўтариб кўзимга қаради ва деди:

– Si, señor inglese, viruele, viruele... – у яна бир нималар жиб жоврай бошлади, лекин мен қолган гапларига тушунмадим.

– У айтяптики, – деб Антонио кампирнинг гапларини таржима қила бошлади, – аҳолининг тўртдан бири кирилиб кетганмиш, ҳозир шаҳарда соғ одамлардан беморлар кўпроқмиш...

– Худо хақи, тезроқ кетайлик бу ердан, – дедим мен Эммага; у ҳам хачирини тўхтатиб, қок ерда изтироб чекиб ётган шўрпешоналарнинг аҳволига ҳайратланиб боқарди.

– Оҳ, – деди у. – Сиз докторсиз, нахотки ёрдам қилолмасангиз бояқишларга?

– Бемаъни гални қўйинг, – дедим мен аччиғланиб. – Ахир қандай қилиб сизнинг ҳаётингизни хавф остида қолдирай? Ундан кейин, ёлғиз ўзим ҳеч нима қилолмайман, менда муолажа воситалари ҳам, ҳеч қандай дори-дармон ҳам йўқ... Юринг, тезроқ кетайлик! – Ва мен Эмmanın хачири жило-

видан тортиб, уни шахар ташқарисидаги тепаликда жойлашган гациенда томон етаклай бошладим.

Орадан чорак соат ўтар-ўтмай, биз гациенда ҳовлисига кириб бордик; бу ерда теран сукунат ҳукм сураб, “килт” этган тирик жон кўринмасди. Қулоғимизга эшитилган биттагина жонли товуш — бу чордоқнинг қаеридадир беҳол ётган мушукнинг аянчли миёвлаши бўлди. О, мана, ниҳоят мастиф итлар зотидан бўлган баҳайбат бир кўппак қаердандир югуриб чиқиб, бизни қарши олди. Лекин бу копагон ит бегона одамларни кўриб, ириллаш ўрнига думини ликиллатиб, бизга эркалана бошлади. Биз ҳачирлардан тушиб хона эшигини тақиллатдик, аммо ичкаридан “тик” этган товуш ҳам эшитилмади. Эшикни тепган эдим, у ланг очилиб кетди ва биз ичкарига кирдик. Қирган захотимиз, гациенда эгалари уни ташлаб кетишгани аён бўлди бизга. Бог этагида, мўъжазгина ибодатхона ёнидаги кичкина қабристон ушбу ҳашаматли уйнинг нима сабабдан ўз холига ташлаб кетилганини бизга изохлаб берди. Бу ерда бир нечта янги қазилган гўр бор эди, чамаси, улар гациенданинг ёлланма деҳқонлари — батрақлар ва хонадон хизматкорларининг қабрлари бўлса керак. Заминдор Гомец насабидаги одамларнинг хоки дафн этилиб панжара билан ўралган алоҳида жойда ҳам яқинда ўлган одамнинг қабри устига қора тупроқ уйилган эди; кейинроқ бизга маълум бўлишича, бу қабрда Эмма аммасининг эри синьор Гомецнинг хоки ётган экан.

Кейин биз бирон олисроқ масканга бош олиб кетиш мақсадида тинкаси қуриган ҳачирларимизга миндик — ишқилиб бу мараз дарди бедаводан ўзимизни четга олсак бўлгани... Лекин гациендадан икки миляча нарига борганимизда қуролланган иккита полициячи бизни тўхтатиб, агар уларнинг тақиқларига парво қилмай, яна кетаверсак, милтиқларидан ўк отиб, бизни орқага қайтаражакларини айтишди.

Биз чечак офати тарқалган ҳудудга кириб қолганимизни ва то чечакнинг охирги қурбонидан кейин олти ҳафта ўтгунча шу машъум даргоҳда қолишимиз шарт эканини энди тушунган эдик. Тақиққа итоат этишдан ўзга иложимиз йўқ эди; биз эгасиз қолган гациендага қайтдик ва баҳоли қудрат ана шу офат уясига жойлашдик. Егулик озуқалар ҳам, уй ҳайвонлари ҳам бу ерда етарли эди, сут ва гўштдан сиқилмадик. Антонио мол-қолларга қаради ҳамда хонадон ходими вазифасини бажара бошлади. Богда пишган мевалар ва сабзавот маҳсули, омборда ун, дон сероб эди.

Шаҳарчадаги бозор майдони гациенданинг ясси тоmidан бизга худди қафтдагидек яққол кўриниб турарди, уч ҳафтадан ортиқроқ вақт давомида биз у ерда юз бераётган энг қабих ва мудҳиш воқеаларнинг гувоҳи бўлдик. Жон таслим қилаётган шўрликларнинг чекаётган азобу укубатлари кўринмаган тунги пайтларда эса, уларнинг жон аччиғида инграганларини, фарёд чекиб, хўнг-хўнг йиғлаганларини ҳамда чечак балосини даф қилиш мақсадида ёки худодан раҳм-шафқат тилагани одамларни тунги ибодатга қақариш учун черков кўнғирокларининг дин пешволари амри билан тинмай бонг уришини эшитардик. Бирок дин пешволари сафи сийрақлаша борган сари кўнғирокларнинг овози ҳам заифлашиб, охир-оқибат бутунлай тиниб қолди. Бу аснода ўлганларни кўмгани тириклар етишмай, беморларга сув келтирувчилар ҳам топилмай қолганди. Эшитишимга қараганда, бундан ўн икки йил олдин америкалик бир та-

шаббускор филантроп¹ бу ерга бутун аҳолини чечакка қарши эмлаш учун кичик бир санитария гуруҳи билан келган экан.

Эмлаш жараёни олдинга тинч ва хотиржамлик билан ўта бошлабди. Лекин даволанаётганларнинг чечакка қарши эмланган қўлларига пуфакчалар тошиб оғрий бошлаганида, одамлар норозилик билдириб, ғалаён кўтара бошлабдилар, шаҳарчадаги диндорларнинг пешвоси эса: “чечак – бу худонинг ўз бандаларини синамоқ учун юборган бир марҳаматидирки, унга монелик қилмоқ гуноҳи азимдир”, – деб черковда ваъз айтиб, халқнинг филантроп олим ҳақидаги шубҳа ва нафратларини янада зиёда қилибди.

Сан-Хозе аҳолиси дунёда чечак деган балойи азим борлигидан беҳабар экан, шу сабабли черковнинг мўмин-қобил қавмлари руҳоний ота – ҳазратнинг фатвосига итоат этиб, сал бўлмаса америкалик олимни тошбўрон қилаёзбдилар, у бошлаб келган санитарларни эса, шаҳардан қувиб юборибдилар. Мана энди ўша итоаткор қавмларнинг фарзандлари ва набиралари бефаросат боболари экиб кетган чечак отли “мева” ҳосилини татиб кўришга мажбур бўлмоқдалар.

Мен бу офатгоҳда икки ҳафтача зўрға чидаб яшадим ва охир-оқибат ҳатто ўз жонимга қасд қилмоқчи ҳам бўлдим. Агар шу ерда қоладиган бўлсам, гарчанд жамики усул ва тадбирларни ишга солиб, бу офатқаш дарди бедаводан ўзимни ҳимоя қила олганимда ҳам, мени ваҳимага солаётган шубҳалар оқибатида, барибир, бу чечак дардига мубтало бўлишим мумкинлигига кўзим етиб турарди. Ниҳоят, Антонионинг воситачилигида мен карантин соқчилари бошлиғи бўлган офицер билан узоқ вақт музокара олиб бориб, ахири бизнинг тунги пайтда карантин чегарасидан ими-жимиди ўтиб кетишимизга имкон яратиб бериши учун унга 200 доллар ҳақ тўлашим ҳақида келишиб олдик.

Сафарга жўнашимиз тайин қилинган куни кеч соат тўққизларда биз учовлон гациендадан чиқиб кетишимиз керак эди. Соат чорак кам тўққизда мен сафар жабдуғи шай эканлигини кўздан кечирмоқ учун отхонага йўл олдим. Ие, ўзи нима гап? Қарасам, отхона эшиги олдидаги сув тўлдирилган бак ёнида Антонио турибди; лекин у умуртқа суягининг сиркираб оғриётганига чидай олмай, бадани ғужанак бўлиб азоб чекарди. Мен бир бокишдаёқ Антониода даҳшатли чечак касали аломатлари пайдо бўлганини кўрдим. Лекин вақт зиқ эди, шу боис хачирларни ўзим тез эгарлаб, уларни уй остонасига етаклаб бордим.

– Антонио қани? – деб сўради Эмма биринчи навбатда.

– У йўлимиз беҳатар эканлигига ишонч ҳосил қилгани барвақтроқ жўнаб кетди, – деб ёлғон сўзладим. – У бизни тоғ ортида кутиб олади.

Биз гациенда дарвозасидан йўлга чиқдик.

Сафаримиз жуда аломат бўлди, аммо мен у ҳақда ҳикоя қилмоқчи эмасман, сабабки, ҳаётимда юз берган энг муҳим ходисаларнинг чечакка дахлдор бўлган қандайдир сеҳрли жиҳатлари бўлгани учунгина бир пайтлар бўлиб ўтган ҳамма воқеаларни, умуман, тилга олиб ўтдим. Мен отамнинг чечак дардига мубтало бўлган пайтида дунёга келган эканман, мен чечак карантини ҳукм сурган жойдан қочиб чиқиб уйландим, мен... йўқ, қолган воқеаларни вақти-соати келганда сўзлаб бераман. Ҳозир эса шуни айтмоқчиманки, Эмма билан икковимиз ниҳоят Мексикага эсон-омон

¹ Филантроп – саховатпеша.

етиб бориб, ўша ердаги черковда никоҳдан ўтдик. Ўн кундан кейин эса, Англияга жўнаб кетаётган улкан океан кемасининг палубасига чиқдик.

III БОБ

Сэр Жон Белл

Эмма Беккер беш минг доллар сеп билан менга турмушга чиқди ва биз бу пулни менинг амалиёт билан шуғулланишим, яъни доктор бўлиб ишлашим учун сарфламоқчи бўлдик, лекин бу пул Лондонда докторлик қилишим учун камлик қиларди. Шунга кўра, мен Терн номи машхур бўлган, яъни бобом билан отам ўз докторлик фаолиятлари билан элда доврुक қозонган Денчестерда ишлашни маъқул кўрдим.

У ерга боргач, билдимки, ҳамкасбларимдан фақат биттаси – Жон Беллгина рақобат бобида мен учун хавфли бўлиши мумкин эди. Фаолиятини менинг отам қўлида ассистент бўлиб ишлашдан бошлаган бу одам, оғир дардга чалиниб, Англиядан бош олиб кетишга мажбур бўлган отамдан унинг амалиёти билан шуғулланиш ҳуқуқини сотиб олган эди. Сэр Жон ўз касбининг баркамол билимдони, маҳоратли доктор бўлмаса ҳам, лекин ўзининг илм бобидаги нўноқлигини улугвор салобати никоби панасига яширишга уста эди ва ўзини оппоқ қилиб кўрсатишда ҳамда муолажа чоғида йўл қўйган хатоларини даволанувчилар хаёлидан соқит қилишда, захирасидаги битмас-тугалмас баҳоналарни усталик билан ишга соларди. У қанчалик пулдор бўлса, шунчалик донгдор ҳам эдики, бу ҳақда гап очиб ўтиришимизга хожат йўқ. Шу боис, шаҳардаги унга ҳамкасб бўлган омадсиз докторларнинг топиш-тутиши ниҳоятда аянчли ҳолда эди. Бундан ташқари, сэр Жон жамоа ишларига ҳам аралашиб, эътибор қозонган зот бўлиб олибди, турли хил жамиятларнинг аъзоси бўлиб, уларга мурувват ва саховат ила ёрдам кўрсатиб турарканки, бунинг оқибатида у кўпинча пулдан сиқилиб ҳам қоларкан.

Мен Денчестерга борган куним, энг аввало сэр Жон Белл билан кўришишни одамийлик бурчим деб билдим ва унга ўз ватанимга кўчиб келиб, шу ерда тиббий амалиёт билан шуғулланажамимни билдирмоқчи бўлдим. Лекин бу гапим сэр Жонга ёқинқирамагандай туюлди, назаримда.

– Ҳа, мен сизга, яъни марҳум дўстимнинг ўғлига қўлимдан келганча ёрдам қиламан, албатта, – деди у, – лекин шуни олдиндан айтиб қўйишим жоизки, бу ерга ҳатто Гален¹ ё Гарвей² келганида ҳам, уларнинг тиббий амалиёт билан шуғулланиб обрў топишлари амри маҳол.

– Шундай бўлса ҳам, ўз омадимни шу ерда синаб кўрмоқчиман, сэр Жон, шояд бадавлат хонадонларнинг дастурхонидаги арзимас урвоқлар менга ҳам насиб этиб қолса, – деб ҳазил қилдим мен.

– Ҳа, ҳа, Терн, сиз менинг ёрдамимдан умидвор бўлишингиз мумкин, албатта, – деб тиржайди у ва бу гапи билан ташриф муддати тугаганини билдирди.

Мен бу одам ҳақидаги фикрларимда ҳеч қачон янглишмаганман, одамларга қилган хизматим эвазига олганим арзимагангина насибамни ҳам у

¹ Гален Клавдий (131–201 йиллар) – юнонистонлик машхур доктор.

² Гарвей (1578–1658) – таниқли инглиз физиологи.

оғзимдан тортиб олишини, менга ёрдам қилиш учун қўлини совук сувга ҳам урмаслигини яхши билардим.

Сэр Жонниқига ташриф қилганимдан сўнг икки ҳафта ўтгач, биз хотиним билан Денчестерга кўчиб келиб, киролича Анна замонида қурилган бир ғиштин уйга жойлашдик. Бу уй тиббий амалиёт билан шуғулланувчи доктор учун жуда қулай жой эди: у энг йирик савдо марказининг ёнгинасида, Денчестернинг марказида жойлашган бўлиб, шифти ва деворлари ўймакор нақшлар билан безатилган иккита шинамгина қабул хонаси бор эди.

Тиббий амалиёт бошлаб юборишим учун, хотиним билан икковимиз ўзимизни ўтга, сувга уриб, роса ҳаракат қилдик. Отам ва бобомнинг эски кадрдонлариникига ташриф буюрдик, миссионерларнинг йиғинларига қатнашдик, пулимизни аямай, шаҳарда отнинг қашқасидай таниқ бўлган бир нечта ғийбатчи кампирларни кечкурунги чойхўрликка таклиф қилдик. Улар келишиб чойимизни ичишди ва худди “ким ошди” савдосига келган харидорлардек, уйимдаги янги жиҳозларим, жарроҳлик асбобларимни кўздан кечира бошлашди. Кейин кампирлардан биттаси жарроҳлик асбобларимнинг “хурматли докторимиз сэр Жон”нинг асбобларига гўзалликда ҳеч ҳам тенг келолмаслиги ҳақида заҳарханда қилиб гапирди, чунки сэр Жон ишлатадиган асбобларнинг тутқичлари соф фил суягидан бўлиб, улар кумуш гардишлар билан безатилганмиш.

Мен таниш-билишларимдан сўраб-суриштириб, нима учун ҳеч ишим ўнгидан келмаётгани сабабини ниҳоят билдим. Маълум бўлишича, ҳар қадамда йўлимга тўғанок бўлаётган одам фақат ўша сэр Жон Беллнинг ўзи экан. Бир қатор муассаса ва ташкилотларда маслаҳат бериш ҳуқуқига эга бўлган сэр Жон менинг бу идораларга ўз хизматимни таклиф этганимни эшитиб, фақат битта маънодор елка қисиш ёки бош чайкаш билан таклифимни рад этувчи маслаҳат бераркан. Ана шунда мен руҳан эзилиб умидсизликка тушдим ва ҳатто Денчестердан бош олиб кетмоқчи ҳам бўлдим, лекин келажакни олдиндан кўриш лаёқатига эга бўлган оқида Эмманнинг маслаҳати билан, то пулимиз тугагунча яна бироз кутишга қарор қилдим. Ниҳоят менга ҳам омад кулиб бокди. Денчестерга кўчиб келганимиздан бери орадан бир йилча вақт ўтганида, мени шаҳар клубига аъзо қилиб сайлашди. Ушбу клубнинг “қунда-шунда” аъзоларидан бири Селби исмли истеъфодаги майор бўлиб, у ҳеч қандай иш билан машғул бўлмагани сабабли доим вақтини, албатта, оғзида каттақон сигара, кўлида виски қадаҳи ва содали сув билан клубнинг ё чекиш хонасида, ё биярд-хонасида ўтказарди. Сиртдан қараган одамга у соппа-соғ, азамат йигит бўлиб кўринса ҳам, лекин ўз касбини пухта билган доктор унинг ташки қиёфасига бир назар ташлашдаёқ, саломатлиги унча яхши эмаслигини билиб оларди. Мен у билан танишиб олдим. Биз суҳбатлашиб ўтирган пайтларимизда у ҳар гал ўзининг бетоблиги ҳақида ҳасрат қиларди. Бир куни мен чекиш хонасида ёлғиз ўтирганимда майор Селби қириб келди ва креслога ўтириб олиб оёғини аъза-баъза укалай бошлади.

– Нима бўлди, майор, нима, подаграңгиз кўзиб қолдими? – деб сўрадим ҳазиллашиб.

– Йўқ, доктор, агар анави қари лўттибоз Беллнинг гапи рост бўлса, унақамас эмиш. Лекин, биласизми, оёғим негадир шу кейинги кунларда жуда каттик оғрий бошлади. Ахири ҳеч чидай олмай, бугун эрталаб

унинг олдига бордим. Лекин у, арзимаган бод касали бу, ўтиб кетади, деб кўнглимни тинчитди-да оёғимга сургани алланимабало бир дорини ёзиб берди.

– У... оёғингизни очиб кўрдими ўзи?

– Йўқ, унинг айтишича, ҳар қандай оғрик сабабини бир чакирим нарида туриб айтиб бериши мумкинмиш.

– Ҳм... ростдан-а? – дедим мен. Кейин бу ҳақда бошқа гап очмадик.

Орадан тўрт кун ўтиб, мен яна клубда ўтирганимда майор Селби оёғини зўрға судраб босиб кириб келди. Унинг ҳамиша анордек кипкизил, қувнок чехрасида энди дард, изтироб акс этарди. У доимий одати бўйича, ўзига виски билан содала сув буюрди ва менинг ёнимга, диванга келиб ўтирди.

– Бод касалингиз қалай, майор? – сўрадим мен. – Бугун анча тузукрокмисиз?

– Қаёқда, доктор... кеча яна қария Беллнинг олдига борувдим, у оёғимга малҳам суришни тўхтатмасликни буюрди, лекин оғрик сира ҳам енгиллашмаяпти, қайтага, зўрайгандан зўрайиб боряпти. Хусусан, мен бир нарсага хайронман: бод касалига чалинган оёқ не замонда қонталашиб кўқарар эканми?..

– Ие, оёғингиз кўқардими ҳали? – сўрадим мен хайрон бўлиб.

– Ҳа, қонталашиб кўқарди. Ишонмаяпсизми? Хоҳласангиз, кўрсатишим мумкин, мана, кўринг! – Ва у шимининг почасини қайириб, тиззасидан сал пастрок ерни очиб кўрсатди; унинг оёғида кўк-қорамтир тусдаги қаттақон доғ бўлиб, бу доғнинг ўртасидаги қонталашиб қорайиб кетган вена қон томири бўртиб шишган ва қотиб қолган эди.

– Сэр Жон кўрдими буни? – сўрадим мен майордан.

– Йўқ, мен ҳам унга оёғимни очиб кўрсатмоқчи бўлувдим, лекин у аллақайққа шошаётган экан, “тавба, дуч келган одамга ўз дардини айтиб зорланувчи кампирга ўхшайсиз-а”, деб таъна қилди-да жўнаб кетди.

– Мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда, уйимга бориб ётардим-да, сэр Жондан, албатта сизни кўргани уйингизга келишини талаб қилардим.

– Бу билан нима демоқчисиз, доктор? – сўради майор ваҳимага тушиб.

– Мен, бу кўқарган доғ яхшилик аломати эмас, демоқчиман, холос... Ўйлайманки, агар сэр Жон оёғингизни ўз кўзи билан кўрса, у сизга мутлақо тиним сақлаб, қимир этмай ётишни тавсия қилган бўларди.

Майор Селби менинг бу гапимга жавобан сэр Жон тўғрисида қандайдир ноҳўя сўзларни тўнғиллаб сўқинди ва ўзини мукамал кўриқдан ўтказиш учун, хозирок у билан бирга сэр Жоннинг уйига боришимни илтимос қилди мендан.

– Сизни бажонидил кузатиб борардим, – дедим мен. – Афсуски, бундай қилолмайман, зеро, бу қилмишим билан мен докторлик удумига хиёнат қилган бўламан. Лекин сизни фойтунгача кузатиб қўяман, албатта.

Майор Селби уйига жўнаб кетди, мен ҳам уйимга қайтдим ва бирон иш билан ўзимни овутиш ниятида, илгари Лондон госпиталларида хизмат қилган пайтимда ўзим гувоҳи бўлган қон томирларининг бўғилиб қолиши оқибатида содир бўлган турли хил ходисалар ҳақидаги ёзма қайдларимни кўздан кечира бошлаган эдим, шу пайт бирдан эшигим кўнғироғи қулоқни қомагга келтиргудек қаттиқ жаранглади ва қабулхонага қапалаги учиб,

қаттиқ ваҳимага тушган бир одам ҳаллослаганча югуриб кирди-да зўрға нафасини ростлаб деди:

– Илтимос, сэр, хўжайиним майор Селбининг хузурига тезда етиб бо-ришингизни илтимос қилишди сиздан. У бирдан оғир касал бўлиб қолди.

– Мен хўжайинингни кўргани боролмайман. Унинг шифокори бошка – сэр Жон Белл. У одамнинг беморларини даволашга менинг ҳаким йўқ.

– Сизникига келишдан олдин сэр Жоннинг уйига боргандим, сэр, ле-кин у аллақайқдаги бир амлокка икки кунга жўнаб кетибди. Шундан ке-йин, хўжайиним мени сизга юборди.

– Мен бордим ва нима бўлганини майорнинг хотини миссис Селбидан эшитдим: эри клубдан қайтиб келиб, бир финжон чой ичибди, сўнг сэр Жон Беллникига боргани отланибди, аммо фойтунга чиқаётганида, бир-дан ҳушидан кетиб, чалқанчасига йиқилиб тушибди. Уни уйга олиб ки-риб диванга ётқизишибди ва шу заҳоти мени олиб келгани уй ходимини жўнатишибди.

Шўрлик майор оғрикнинг зўрайганига чидай олмай ихраб ётарди.

– Илтимосимни рад этмабсиз, миннатдорман, – деди у базўр инграб. – Анави қари галварс Белл жонимни суғуриб оладиганга ўхшайди, назаримда.

– Кўйинг, унақа деманг, мана, ҳозир кўраимиз-у нима қилиш лозимли-гини аниқлаймиз, – дедим мен ва унинг оғриётган оёгини шоша-пиша кўздан кечириб чиқиб рецепт ёздим-да, дарҳол дорихонага одам юбориш-ларини, сўнг то дори олиб келгунларича иссик сувга бўктирилган шифо-бахш бинг билан оғрик оёқни ўрашни буюрдим, сўнг ўзим қўшни хонага чиқдим. У ерда мени беморнинг қариндош-уруғлари ўраб олишди.

– Эримга нима бўлган ўзи? – сўради миссис Селби.

– Томирларида қон тикилиб қотиб қолган, – деб жавоб бердим унга, – ўша қуюқ қоннинг бир қисми, тахминимча, ўпкани қон билан таъмин-лайдиган томирни бўғиб қўйган.

– Хавфлими бу?

– Бизлар умидни узмаслигимиз керак, албатта, лекин майорнинг соғайиб кетишига ишонч йўқ даражадаки, бу ҳақда сизларни огоҳлантириб қўйишни ўз бурчим деб биламан.

– О, бу мумкин эмас, – деб оҳ урди беморнинг укаси ҳазин овозда. – Акам ҳамиша бутун Денчестерда энг ҳозик шифокор ҳисобланган сэр Жон Беллнинг назоратида бўлган, ана шу тажрибаси ўтқир доктор акам-га, фақат салгина бод касалига чалингансиз, деган экан-ку, ахир!

– Кошкийди, сэр Жон бу борада ҳақ бўлиб чиқса-ю, мен янглишган бўлсам.

Майор Селби шу заҳоти сэр Жон Беллга мен қўйган ташхис ҳақида телеграмма юборди. Тезда жавоб ҳам келди. Сэр Жон шу куни, тундаёқ Денчестерга қайтишга чоғланганини, аммо поезд бўлмаганидан қаттиқ афсусланганини ёзиб, мистер Селбига бошка докторга мурожаат қилишни тавсия қилибди, яна доктор Терн қўйган ташхис фақат назарий мулоҳаза эканини айтиб, менинг ҳар қандай касаллик ҳақида лоф уриб гапирадиган, ҳали тажриба орттирмаган ёш доктор эканини телеграммага илова қилибди.

Бу орада шўрлик майорнинг куни бита бошлаган эди. У умрининг сўнгги дақиқасигача ҳушини йўқотмади. Лекин унинг дардини енгил-

лаштириш учун тиним билмай ҳаракат қилганимга қарамай, изтироб чекиши заррача пасаймади. У ўлими олдидан бир қатор фармойишлар берар, насиҳатлар қилар экан, ўлганида албатта жасадини ёриб, ўлими сабабини аниқлашимизни ҳам талаб қилди.

Мен доктор Беллнинг телеграммасидан нусха кўчириб олдим ва катъий талабимга кўра, бошқа докторни кута бошладим.

У етиб келганида майор ўлиб бўлган эди. Мархумнинг хохишига кўра, сэр Жон, мен ва яна учинчи доктор д-р Жеффрис иштирокида мурдани ёрдик. Мен қўйган ташхис тўғри экан, агар сэр Жон ўз вақтида эҳтиёт чораларини кўрганида борми, беморини ўлимдан асраб қолган бўларди.

Мархум майор Селби ҳаммага таниқли, ном қозонган одамлиги, айниқса, унинг ўлими сабаби фуқароларга аён бўлгандан кейин шаҳарда катта шов-шув кўтарилди.

Эртаси кунни кўп ададда тарқаладиган газеталардан бири мархум майор жасади ёрилганда нималар аниқлангани ҳақида мукамал ахборот ёзиб чиқарди. Бу ахборотга яна таҳририятдан ихчамгина бир хабар илова қилинган бўлиб, бу хабарда муаллиф менинг теран билим соҳиби эканлигим ҳақида мактовли ибораларда фахрланиб ёзиб, қилган хизматларим Денчестер аҳолиси томонидан, албатта, кадрланажagini ҳам унутмабди. Кейин у эски ва янги мактаб докторларини ҳамда уларнинг ишлаш усулларини муқояса қилиши баҳонасида қария сэр Жонни аччиқ киноявий сўзлар билан чакиб-чакиб олибди.

IV БОБ

Стефан Стронг кафил бўлмоқчи

Реклама ва матбуот сўзининг қудрати бемислдир. Эртаси кунни қабулхонамга тушганимда, учта бемор мени кутиб ўтирарди.

Бу омадимнинг юриша бошлаганини билдирувчи хайрли далил эди. Мана энди, ошимни ошаб, ёшимни яшаб бўлган бугунги кунимда, мен бир пайтлар чиндан ҳам донги кетган машхур доктор бўлган эдим, деб дадил айтишим мумкин. Менинг беморларга ташхис қўйиш лаёқатим илҳомбахш эди. Одатда, қабулимга келган хаста одамга бир назар ташлашимнинг ўзидаёқ, унинг касали нима эканлигини аниқ айта олардим. Ваҳоланки, донг таратган, юқори малакали докторлар ҳам беморни синчиклаб текшириб, пухта ўрганиб чиққан бўлишларига қарамай, ташхис қўйишга келганда қийналиб қолардилар.

Ўша унутилмас кундан бошлаб амалий фаолиятим кун сайин кўпроқ самара бера бошлади. Касаллар турли тарафдан қабулимга оқиб келавердилар; ана шунда, Денчестерга кўчиб келганимнинг иккинчи йили охирида йиғилган жамғарманни ҳисоблаб кўриб, сўнгги 12 ой ичида йиғган нақд пулим 900 фунтдан ошганини ва ҳали яна 300 фунтга яқин оладиган пулим борлигини аниқладим. Лекин шу кейинги 300 фунтнинг кўпроқ қисмини мен ҳисобга олмадим, зеро, даволангани учун ҳақ тўлашга қурби етмаган беморларни бепул даволашга катъий аҳд қилгандим.

Майор ўлими воқеасидан кейин сэр Жон Белл билан ўртамиздаги муносабат тамомила узилди (у бир канча вақт ҳатто консилиумларда ҳам мен

билан учрашишни хохламай юрди), ваҳоланки, мен бу тажрибаси ўткир кекса докторга ёмонлик қилишни ҳеч қачон хохламаган эдим. Лекин барибир атрофимиздаги барча одамлар доктор сифатида мени сэр Жондан юқори кўярдилар, кейин унинг ўзи ҳам менинг даволаш усулимни ҳеч қачон чиппака чиқармаган, танқид қилмаган эди; мен тобора юқорига кўтарилиб борардим ва хотиним икковимиз, яна уч йиллардан кейин бизнинг ҳам бойлигимиз сэр Жонниқидан қолишмагай, деб орзу қилардик.

Лекин ҳеч қутилмаганда бошимизга оғир савдо тушди. Бу пайт Эмма билан турмуш қурганимизга уч йилча бўлиб қолган ва хотиним она бўлиш арафасида эди.

Эмма, менга ўзинг доя бўласан, деб туриб олди, унинг бу талабига эътироз билдириб дедим:

– Тўлғоқ тутган пайтда сенинг азоб чекиб қийналишингни кўриш, дод солиб чинқиришингни эшитиш мен учун энг оғир машаққат, ҳолбуки доктор бундай пайтда ниҳоятда совуққон, ҳеч нарсани ўйламайдиган бўлиши керак.

Қисқаси, шу кунларнинг бирида, бир консултация пайтида мен тасодифан сэр Жонга рўпара келиб қолдим. Қария, қутилмаганда, бениҳоя ёқимтой табассум билан менга яқин келиб деди:

– Эшитишимча, азизим Терн, яқин орада оилангизда бахтли воқеа содир бўларканми?

– Ҳа, – деб жавоб қилдим мен.

– Ундай бўлса, менинг хизматимдан фойдаланишни тавсия қилардим сизга. Бу масалада менинг кўп йиллик амалий фаолиятимни беъэтибор қолдирмасиз, деб умид қиламан.

Сэр Жоннинг ақшерлик бобида энг зўр малака соҳиби эканлигини билсам ҳам, унинг таклифи мени бир оз ўйлантриб қўйди; эҳтимол у мен билан алокани тиклаш ниятида шу ҳолатдан фойдаланмоқчи бўлгандир. Мен бирон фалокат юз бериши мумкинлигини кўнглимга келтирганим учун эмас, балки хотинимнинг мендан бошқа ҳеч кимни ўзига яқин йўлатишни хохламаганлиги мени иккилантриб қўйганди. Сэр Жонга шуни айтмоқчи бўлдим-у лекин айта олмадим. Чунки агар айтсам, қария бу гапимни энг қаттиқ таҳқир деб ҳисоблаши ва мени яна ҳам баттарроқ ёмон кўриб қолиши мумкин эди. Шу сабабли, мен унга миннатдорчилик билдирдим ва илтимосини қабул қилдим. Кейин биз кадрдон дўстлардек, қўл сиқишиб хайрлашдик.

Уйга келиб бу ҳақда Эммага гапирган эдим, у менинг шундан бошқача йўл тута олмаслигимни эътироф этиб, рози бўлди.

Мана, Эмманинг ой-қуни етиб келиб, онасидек дилбар ва оқбадан, худди мендек қорақўз кизалоғимиз соғ-саломат туғилди.

Хотиним ҳомиладан бўшанган тўртинчи қуни эрталаб мен нонуштадан кейин унинг ётоқхонасига чиқдим; шу кунгача у доим ўзини жуда яхши ҳис қилаётган эди, аммо бугун у бир оз хастароқ кўринди – Эмма боши оғриётганини айтди. Хотинимнинг ёнида хали ўн дақиқа ҳам ўтирганим йўқ эди, хизматкорим югуриб кириб, мени қабулхонада бемор қутаётганини айтди. Мен Эммани ўпдим, ёстиғи ва кўрпасини, ётиши қулай бўлсин учун тўғриладим ва унга, ухлашга уриниб кўр, деб тайинлаб, пастга шошиб тушиб кетдим.

Мен беморни кабул килиб, унинг кўкрак қафасига кулоқ солиб юраги урушини ўрганаётган пайтимда сэр Жон келиб хотиним хонасига чиқибди. Мен пациент билан хайрлашаётганимда, сэр Жон юкори каватдан туша бошлади; айни шу пайт лорд Колфорднинг уй ходими кабулхонамга отилиб кириб:

– Сизни олиб кетгани келдим – бегойимни тўлғоқ тутмоқда, – деди.

Турган гапки, шаҳарнинг энг йирик бойи, банкир лорд Колфорднинг хотинига акушерлик қилиш Денчестердаги хар битта докторнинг энг биринчи орзуси эди. Мен жаррохлик асбобларимни шоша-пиша йиғиштириб, лорднинг хизматкори билан йўлга тушдим. Кўчага чиқаётганимда сэр Жон орқамдан бир нима деб кичқирди, лекин гапини аниқлай олмадим ва унга, шошиб турибман, сиз билан кейинроқ гаплашамиз, дедим. Бу гапимга у:

– Ҳа, яхши! – дегандай бўлди.

Бу кундуз соат учларда бўлган эди. Лекин леди Колфорднинг кўзи ёриши шу қадар машаққатли ва мураккаб бўлдики, уйимга фақат кечқурун соат саккиздагина қайтиб келдим.

Кела солиб хотинимдан хабар олгани тепага чиқдим ва астагина хонага кириб, Эмманинг ухлаётганини, уни парвариш қилувчи аёлнинг эса, диванда мудраб ўтирганини кўрдим. Мен оёқ учида юриб бориб, хотинимнинг лабидан астагина ўпдим ва пастга тушиб, яна беморим леди Колфорд хузурига жўнаб, бутун тунни унинг хонасида ўтказдим.

Эрталаб соат саккизларда уйимга қайтиб келиб, кабулхонамда ўтирган сэр Жон Беллни учратдим ва унинг афтига бир қарашдаёқ қандайдир бир мудхиш воқеа юз берганини пайқадим.

– Нима бўлди? – сўрадим мен.

– Нима бўларди? Кеча орқангиздан кичкириб айтганим бўлди. Сиз бўлсангиз, бироз тўхтаб гапимни эшитишни хохламадингиз. Кейин мен сизни қидириб ҳеч ердан топа олмадим. Хотинингизда бачадон инфекцияси пайдо бўлган. Мен кечаёқ, шундай бўлса керак, деб тахмин қилган эдим, бугун у дарднинг бачадон инфекцияси эканлигига заррача шубҳам қолмади.

– Бачадон инфекцияси! – дедим охистагина пичирлаб. – Агар шу рост бўлса, адойи тамом бўлдим ҳисоб.

– Дарров тушқинликка тушманг, мард бўлинг, хотинингиз – иродаси бақувват аёл, хали биз уни ажал чангалидан асраб қолармиз ҳам.

– Лекин сиз менинг леди Колфордга доялик қилганимни унутяпсиз. Ахир у хоним хузурига мен тўғри бемор хотиним олдидан чиқиб борганман-ку.

– Ҳа-я! Бу энди унча яхши бўлмади. Начора, бошга тушганни кўз кўрар экан. Лекин биз, шояд охири бахайр бўлса, деб умид қилайлик. Фақат унутманг, бундан кейин сизга узокдан туриб кичқирингиз, албатта, тўхтаб кулоқ солинг.

Биз совуққина хайрлашдик.

Бир ҳафтадан кейин хотиним қазо қилди, яна ўн кун ўтгач эса, латофатли леди Колфорд ҳам Эмманинг орқасидан гўрга кирди.

Шунда мен азадорлик кайфиятидан бир оз ўзимни тийиб, сэр Томас Колфордга, беҳосдан қилган айбим туфайли оғир бахтсизликка учрагани муносабати билан ҳамдардлик ва таъзия билдириб мактуб ёздим.

Бу мактубимга жавобан куйидаги сатрлар ёзилган очиқ хатни олдим. Сэр Томас Колфорд ёзган эди:

“Доктор Терннинг қотилликни риёкорлик билан қўшиб айтишни лозим топганидан сэр Томас Колфорд беҳад таажжубда”.

Бир неча кундан кейин, полиция инспекторидан леди Бланш Колфордни касддан ўлдирганликда айбдор ҳисобланганлигим учун ҳибсга олина-жагимни изохловчи яна бир хабарнома келди.

Тунни Денчестер турмасида ўтказдим, эрталаб сўрок қила бошладилар, шуниси ҳам борки, менинг жиноий ишимни кўриш учун, суд ўзининг махсус сессиясини чақирадиган бўлибди. Тергов чоғида мени леди Колфордни жиноий бепарволик ва ошқора ёвузлик қилиш билан ўлдирганликда айбладилар.

Гувоҳларни одатий сўрок қилиш тугаб, менинг леди Колфордга до-ялик қилганим, шунингдек, унинг ўлими ҳақидаги далил ва сабаблар аниқланганидан кейин, навбат сэр Жон Беллга келди ва мен, мана, ниҳоят Белл бор ҳақиқатни айтади, деб ичимда суюниб кетдим.

Сэр Жон бачадон инфекциясининг юқумлилик даражаси ҳақидаги бир нечта саволга жавоб бериб, сўнг мени леди Колфордга акушерлик қилиш учун таклиф этилган кунимдан бошлаб бўлиб ўтган барча воқеаларни бир бошдан санаб чиқа бошлади.

У ўз бемори – менинг хотинимдан хабар олгани кирганида, бир неча симптомларга кўра, Эммада бачадон инфекцияси пайдо бўлганига ишонч ҳосил қилибди. Аммо унинг бу гапи ёлғон эди, чунки сэр Жоннинг ўз оғзидан эшитганим гапга қараганда, ўша куни у бу дарднинг мавжудли-гини фақат тахмин қилган ва фақат эртаси кунигина хотинимда бачадон инфекцияси борлигига ишонган. “Шунда мен доктор Тернни бу фалокат-дан огоҳлантиргани шошиб пастга тушдим. – деди қария сэр Жон. – У қабулхонадан чиқиб кетаётган эди. Аммо мен унга ўз фикримни айтгани оғиз очганимда, у лорд Колфорддан одам келгани ва ўзининг кўзи ёрий бошлаган леди Колфордга акушерлик қилиш учун таклиф қилингани ҳақида мақтана бошлади. Мен унга бу фахрли таклифдан воз кечиш-ни маслаҳат қилдим. “Сабабки, хотинингиз бачадон инфекцияси билан оғриган, унга қараб турган аёл сизнинг ҳозиргина хотинингиз олдида бўлганингизни айтди”.

Шунда Терн менга: “бундай бўлиши мумкин эмас, чунки хотинимни ҳозир кўриб тушдим, салгина боши оғриётганини ҳисобга олмасак, у соппа-соғ”, деди.

Терн ўз амалиётида энди бир марта бўлаётган бундай ажойиб таклифдан юз ўгира олмаслигини ва, албатта, леди Колфордга акушерлик қилажагини айтди. “Эҳтиёт бўлинг, азизим, – дедим унга, – деб гапини давом эттирди чол, – агар бирон кор-хол содир бўлса, сизни кўра-била туриб қилинган жи-ноий эҳтиётсизликда айблаб жавобгарликка тортишлари мумкин” – “Мени огоҳлантирганингиз учун сиздан беҳад миннатдорман, лекин онт ичиб ай-таманки, хотинимга ҳеч нима бўлмайди, зеро, мен ўз касбимни жуда пух-та ўрганганман ва ўз қилмишларим учун ўзим жавоб бера оламан” – деди Терн ва сумкасини қўлига олиб, эшикдан ғизиллаб чиқиб кетди.

Мен сурбетона айтилган бу ёлғон гапларни қандай қахру қазаб ва наф-рат билан эшитганимни таърифлаб беришга ожизман.

Қаттиқ ҳаяжонланганимдан нафасим оғзимга тикилиб фақат:

– Бу ёлғон, ҳамма айтилган гаплар бошидан охиригача ғирт ёлғон! – дея олдим, холос.

Сэр Жондан кейин, Эммага қараб ўтирган хотин гувоҳлик бера бошлади: у бир неча ёлғон гувоҳликлар берганидан кейин яна уялмай-нетмай айтдики, гўё тепа қаватда зина бошида турганида менинг сэр Жон билан узоқ суҳбатлашганимни эшитганимни ва суҳбат охирида мен: “Ўзим жавоб бераман ўз қилмишимга” – деганмишман.

Мен бу хотиннинг айтган гапларига эътироз билдиргани бир оғиз ҳам сўз айта олмадим. Фақат, бу аёлнинг ҳамма гаплари ғирт ёлғон, дея олдим, холос.

Кейин мендан, бу ерда гувоҳлар айтган далилларни рад эта оладиган гувоҳлар борми сизда, деб сўрашди. Менда унақа гувоҳлар йўқ эди. Шунда суднинг одатий сўрови бошланди:

– Ўзингизни оқлаш учун қандай гапингиз бор?

Мен бутун бўлган воқеани аслида қандай бўлган бўлса, шундай хақиқий ҳолатда сўзлаб бердим ва гувоҳлик берганларнинг ҳамма гаплари бошдан-оёқ ғирт ёлғон эканлигини, сэр Жонни эса, Денчестерга кўчиб келиб амалиёт билан шуғулланишга киришган кунимдан бошлаб мени йўқ қилиш ниятида юрган ашаддий душманам эканлигини айтдим.

Шундан кейин суд хайъати залдан чиқиб кетди ва бир оз вақтдан кейин менга ишим сессия қурилтойига ҳавола қилинажagini, қурилтой эса роппа-расо бир ойдан кейин бўлишини хабар қилишди. Унгача, агар мен ўзимни гаровга олиш учун 500 фунт тўласам ва яна мени кафилга оладиган иккита одам, ҳар бири 250 фунтдан ёки битта кафолат берувчи одам 500 фунт тўласа, маҳаллий суд мени қамокдан чиқариб юборар экан. Мен умидсизликка тушиб бошимни ҳам қилдим, зеро, ўз номига қора доғ туширган бир нотавон банда бўлмиш менга раҳм-шафқат қила оладиган ҳеч бир қариндошим ҳам, ёр-дўстим ҳам йўқ эди.

– Миннатдорман сиздан, жаноб раис, менга яхши истак билдирганингиз учун, лекин қамокка боришдан ўзга иложим йўқ, чунки менга кафил бўладиган битта ҳам таниш-билишим йўқ бу ерда, – дедим маъюс кайфиятда.

Шу пайт суд залининг орқа қаторларида бирдан қандайдир безовталиқ бошланди ва аллақим дағал овоз билан: “Мана, мен кафилга оламан сизни” – деб қичкирди.

Эллик ёшлар чамасидаги бир яғриндор эркак қотиб столи олдига келди; бу одамнинг кўпчиган рангпар юзи унинг унчалик соғлом эмаслигидан далолат берар, қал бўла бошлаган бошидаги яккам-дуккам соч толлари, тарокқа бўй бермаганлар шекилли, диккайиб турарди; у эгнига анча эскириб қолган қора тусдаги кўйлак кийиб, бўйнига чўгдек қизил галстук боғлаган эди.

– Исмингиз? – сўради ундан суд қотиби.

– Вей йигитча, сиз кўпам кекқаяверманг. Ҳали сиз менга 24 фунту 3 шиллингу 6 пенс қарзсиз ва исмимни жуда яхши биласиз, агар унутган бўлсангиз, ижро варақасини охиригача ўқиганингизда билиб оласиз!

– Исмингизни сўраш менинг бурчим, – деди доғдираб қолган қотиб, – хизматим шуни талаб қилади.

– А-а, шунақа денг, унда марҳамат! Менинг исмим Стефан Стронг. Яна илова қилиб айтишим мумкинки, мен қандай миқдордаги чекка имзо чекмай, исмим ўзининг нақадар қийматли эканлигини билдириб тура-

ди. Ҳозир мен бу ерга анави йигитни кафилга олгани келганман... гарчи унинг тўғрисида, исми-шарифи ва ташки киёфасидан бошқа ҳеч нима билмасам ҳам. У мархума ледига касал юктирганми ё юктирмаганми – билмайман, лекин шуни яхши биламанки, кўпчилик захарловчилар, хусусан, ўзларини чечак эмловчилар деб атовчи тирраки захарловчилардан бири бўлган анави Белл учига чиққан ёлғончи ва мабодо манави йигит чиндан ҳам ледини захарлаган бўлса, бу унинг айби эмас. Энди, мана пул, санаб олинг!

Ҳамма иш тугаганидан кейин мен Стронг олдига бориб, унга миннатдорлик изҳор этдим.

– Мен миннатдор бўладиган ҳеч иш қилганим йўқ, – деб жавоб килди у, – буни сиз учун эмас, бегуноҳ одамларни турмага тикмасликлари учун қиялман. Қани, энди менга айтингчи, ўзингизни ҳимоя қилгани етарли пулингиз борми?

Мен унга ҳозирча пулга муҳтож эмаслигимни айтиб, яна бир марта миннатдорлик билдирдим. Сўнг биз хайрлашдик.

Тайн қилинган кун ва соатда прокурор ўзининг айблов нутқини ғоятда баландпарвоз иборалар билан бежаб гапириб, мени разилона моддий эҳтиёж туфайли, ёшгина аёлнинг ҳаётига зомин бўлганликда айблаб, бу айбини исботловчи далиллар келтирди. Кейин гувоҳлар тергов қилина бошлади, аммо бу галги терговлар ҳеч қандай аниқлик киритмади. Ниҳоят, навбат сэр Жон Беллга келди ва у дастлабки тергов пайтида айтганларини яна деярли сўзма-сўз такрорлади, холос. Кейин қарши томон гувоҳлари сўроқ қилина бошланди; ана шунда, менинг билимдон ва ўз касбини пухта ўрганган доктор сифатида сэр Жон Беллдан анча юкори туришим, шу сабабга кўра, сэр Жоннинг ичи қоралик қилиб, тиббий амалиётга киришган кунимдан бошлаб менга ғайирлик қилиб келаётгани ҳам, кейин хотинимнинг бачадон инфекциясига учрашида ҳам фақат шу сэр Жоннинг ўз беморини даволашда бепарво бўлганлиги аниқланди. Гувоҳларни сўроқ қилиш тугаганидан сўнг, суд мажлиси эртанги кунгача ёпик, деб эълон қилинди.

Мен кафилга олинган бўлганим учун, айбланувчи курсисидан туриб кўчага чиқдим ва ҳеч ким мени танимайдиган, таниш-билишларим учрамайдиган биронта хилватроқ ресторанга бориб овқатланмоқчи бўлдим.

Кўчада шошмасдан аста-аста кетиб бораётганимда, орқамдан измаиз келаётган қандайдир бир одамнинг оёқ товуши эшитилди ва мен шахт ўгирилиб, рўпарамда бўйнига чўгдек кизил галстук таққан мистер Стронгнинг бўзарган башарасини кўрдим.

– Ҳозир сизнинг юрагингиз ғаш, кун бўйи суд залида ўтириб толиккансиз, доктор Терн, – деди у. – Лекин энди нима учун шаҳар кўчаларида бир ўзингиз тентираб юрибсиз, ёр-дўстларингиз билан бирга бўлмай?

– Чунки менинг дўстларим йўқ.

– Шунақа денг? – деди у. – Қани, юринг бўлмаса, бирга овқатланамиз.

Мен мистер Стронгга ташаккур айтдим. Мутлақо менга бегона бўлган бу қариянинг самимий илтифотидан астойдил таъсирланиб кетган эдим. Биз биргалашиб унинг энг йирик дўконига бордик ва торгина йўлакдан ўтиб, хонадонига кирдик. Қадимги модадаги залворли мебеллар билан жиҳозланган бу кенг хонадаги каттакон диваннинг қок ўртасида эгнига

кора шоҳи қўйлак кийган, сочлари оппок оқарган, икки юзи нақш олмадек кизарган кекса аёл ўз оркасидаги жавон устига қўйилган пуштиранг қалпокли чирокнинг ёруғида китоб ўқиб ўтирарди. Мен бу аёлнинг айнан чечакка қарши эмлаш тўғрисидаги қандайдир рисола ни ўқиётганини, рисола муковасида эса чечакка чалиниб бадбуруш бўлиб кетган бир қўлнинг суврати борлигини, негадир бир қарашдаёқ фаҳмладим.

– Марта, – деди мистер Стронг хонага кираркан, – бу йигит доктор Терн, сенга у ҳақда айтгандим! Бугун у биз билан бирга кечлик қилади. Доктор Терн, бу менинг хотиним!

Миссис Стронг ўрнидан туриб менга қўл узатди. Бу қотмадан келган, хушқомат аёлнинг юз бичими ғоят назокатли, кўк кўзлари мулоийм боқарди.

– Хуш келибсиз, хурсандман келганингиздан, – деди унинг майин овози. – Стефаннинг ҳамма дўстлари, айниқса, ҳақиқатпарвар бўлганлари учун таъкиб қилинаётган дўстлари ҳамиша менинг энг азиз меҳмонларимдир.

Шу пайт бу ерга уй ходимаси кириб, кечлик таом тайёр эканлигини айтди. Бизлар қўшни хонага ўтдик. У ерда бизни жайдари, аммо жуда мазали таомлар кутарди. Хайрият, мистер Стронг тоза сувдан бошқа ҳеч қандай ичимлик ичмайдиган мухтарама рафикасига тақлид қилмас экан. У менинг олдимга бир шиша олий нав портер¹ қўйди.

Овқатланаётганимизда мен эр-хотин Стронгларнинг бутун умрларини бефарзанд яшаб ўтказаётганларини ва икковлари ҳам ўзларини турли хил “ғоялар”ни тарғиб қилишга бағишлаганларини билдим. Мистер Стронг ҳар қанақа фикр ва ғояларга “анти” муносабатда, яъни қарши экан, унинг хотини эса, фақат “чечак эмлаш” масаласинигина хуш кўрмас экан. Агар ана шу буюк масалани ҳисобга олмасак, бу аёлнинг миясини, англо-сакслар исроилийларнинг бедарак йўқолиб кетган ўнинчи насабидан келиб чиққанлар, деган мутлақо беғараз бир “ғоя” бутунлай банд этган эди.

Мен чечак эмлаш масаласидаги суҳбатга барҳам бериб, миссис Стронгнинг исроилийларнинг ўнинчи насаби ҳақидаги фикрига хайрихоҳлик билдирдим ва шу гапим билан бу мулоийм табиат аёлнинг кўнглини тоғдек кўтариб юбордимки, у бундан кейинги ҳаётим не кечишини унутиб қўйиб, тез-тез келиб туришни таклиф қилди ва шу заҳоти исроилийлар ўнинчи насабининг олимлар томонидан тахмин қилинган сарсону саргардонликлари ҳақидаги бир даста адабиёт ҳамда рисолаларни менга ўқиш учун берди. Мен миссис Стронг билан шу тарзда танишдим.

Эртаси куни эрталаб соат ўнда яна судланувчилар курсисига бориб ўтирдим; хотиним кўзи ёриётган пайтда унга қараб турган хотин гувоҳлик бераркан, худди доктор сэр Жон билан олдиндан келишиб олгандек, яна ўзлари тўқиган уйдирма гапларни такрорлади. Бошқатдан қатъият билан ўтказилган бу тергов пайтида мазкур аёлнинг айтганлари унчали ишонарли эмаслиги маълум бўлди-ю, аммо у берган гувоҳликларни чиппакка чиқаришнинг имкони бўлмади. Ана шунда менинг адвокатим бўлиб ўтган бор ҳақиқатни ойдинлаштирувчи нутқ сўзлаб деди:

– Бу ерда айтилган барча айбловлар фақат химоямдаги судланувчининг азалдан ашаддий душмани бўлган сэр Жон Белл берган гувоҳликкагина

¹ Портер – таъми ўткир ва бироз аччиқроқ қора пиво.

асосланган, лекин бу судланувчи, афсуски, ўзини оклаш учун биронта ҳам гувоҳни кўрсатолмайди, чунки сэр Жон айтган ўша ёлгон суҳбат пайтида суҳбатни эшитган учинчи шахс бўлмаган, бинобарин, агар сэр Жоннинг берган гувоҳликлари тўғри бўлса, химоямдаги судланувчи телба одам бўлиши керак: шубҳа йўқки, ўз касбининг билимдони бўлган бу доктор бачадон инфекцияси юқумли касал эканлигини, шунга кўра, ўзининг хаста хотини олдида чикиб, кўзи ёриётган бемори хузурига кетаётганида мазкур дардни бошқасига ҳам юкдириб қўйиши ва окибатда ўзининг докторлик мавқеи ҳамда обрўсидан жудо бўлиши мумкинлигини билиши керак эди. Майли, биз уни бирон мақсадни кўзлаб, шу дахшатли ишни бажаришга журъат этди, деб фараз ҳам қилайлик. Агар шундай бўлса, нахотки у касални юктиришдан эҳтиёт бўлиш чорасини кўрмасди? Лекин, афсуски, бундай воқеа содир бўлганини, судда келтирилган гувоҳликлардан маълум бўлишича, ҳеч ким пайкамаган.

Шундан сўнг менинг, доктор Белл айтган гапларнинг ҳаммаси, бошдан-оёқ ёлгон, леди Колфорд хузурига кетаётганимда хотинимнинг касал бўлиб қолганини мутлақо тасаввур қилмаган эдим, деб ёзган аризамни ўқиб эшиттирдилар.

Суд раиси терговда айтилган ҳамма гаплардан хулоса чиқариб, маслаҳатчиларга шундай кўрсатма берди:

– Ушбу ғайриоддий айблов фақат доктор Белл берган гувоҳликкагина асосланган, судланувчининг хотинини бокқан аёл эса, шу доктор Беллнинг айтганларининггина такрорлади, холос; агар биз, судланувчи ўз манфаатини кўзлаб, сохибжамол аёлнинг ҳаётини гаровга тиккан ҳолда қўл урган бу ишга, деб фараз қиладиган бўлсак, унда хотинининг оғир ва хатарли касалга чалинганини сэр Жон Белл оғзидан эшитган судланувчининг мутлақо қайғурмагани, ҳайрон ҳам бўлмагани таажжублантирмайдими сизларни? Ҳолбуки, доктор Терннинг ўз хотинини жонидан ортик севуви меҳрибон эр эканлиги ҳаммага маълум. Бу ишда фақат битта таҳмин бор: судланувчи сэр Жоннинг гапини тушунмаган ё эшитмаган.

Раиснинг маърузасидан кейин, суд маслаҳатчилари айбловни муҳокама қилгани чикиб кетишди. Улардан кейин суд раиси ҳам залдан чиқди.

Раис чикиб кетиши билан залда шивир-шивир, ғовур-ғувур гаплар бошланди. Бу ерга йиғилган одамларнинг ҳаммаси менга адоват ва нафрат билан ўқрайиб қараётгандек туюлардилар, шуни сезиб, юрагим зирллаб ўтирдим.

Суд маслаҳатчилари анча узоқ қолиб кетишди, мен ўзимнинг ҳозирги аҳволимга аста-аста кўника бошлаб, одамларнинг менга ўқрайиб қарашларига, мени ёмонотлик қилиб таҳқирлашларига парво қилмай қўйдим. Энди мен ўз қобиғимга кириб олиб, ўзимнинг келажакдаги аҳволим қандай бўлиши ҳақида мулоҳаза юрита бошладим. Суд маслаҳатчилари қандай ҳукм чиқармасинлар, барибир, менинг келажакдаги мавқеим қундай равшан эдики, ҳозирнинг ўзиданок, энди буткул хонавайрон бўлдим, деб айтишим мумкин эди. Ёлғондакам гувоҳлик бериб, сохта қасам ичиб айтган бўҳтон гаплари билан менинг обрўйимни тўккан, покиза исмимни бадном қилган ва ҳалол насибам бўлган бир тишлам нонимни ҳам оғзимдан тортиб олган аблаҳ эса, шундоққина рўпарамда ғолиб чиққанидан ғурурланиб ўтирарди. У ўз ёнидаги одам-

лар билан бетакаллуф гурунглашаркан, бирдан кўзи тасодифан менинг кўзимга тушди. Бу чол калбининг энг хилват бир бурчагида виждонининг сўнгги колдиғи хали ҳам сақланган бўлса керакки, у бирдан гунг бўлиб колди, лаблари гезариб титрай бошлади, сўнг шоша-пиша ўрнидан туриб, залдан чикиб кетди.

Бу фавкулудда ҳолат сэр Жон билан суҳбатлашиб ўтирган юристнинг эътиборидан четда қолмади шекилли, ҳурматли сэр Жон Беллнинг кайфияти кутилмаганда не сабабдан бунчалик тез ўзгариб колгани шу заҳотиёқ унга аён бўлди. У олдин менга тикилиб каради, кейин зафар қозонганини яна кўз-кўз қилиб такаббуруна кеккайганча эшик томон кета бошлагани сэр Жонга ўгирилиб каради.

Бу суд ҳайъати аъзоси чолнинг орқасидан кузатиб қоларкан, олдин шифтга тикилди, сўнг аста-секин ҳуштак чала бошлади.

Чамаси, суд маслаҳатчилари менинг ишимни муҳокама қилишда бир тўхтамга кела олмаётган бўлсалар керакки, орадан анча вақт ўтган бўлса ҳам, хануз келмаётган эдилар. Ниҳоят, сал кам бир ярим соатдан кейин полиция бошлиғи, “улар”нинг (яъни судья ва суд маслаҳатчиларининг) чикиб келаётганини хабар қилди.

Мен маслаҳатчиларнинг юзига тикилиб қараб, устимдан қандай ҳукм чиқарганларини билишга ошиқардим. Ҳукм ўқилишини сабрсизлик билан кутишдаги менинг ҳолатим бемаъни бир алаҳлашга ўхшаб кетди. Суд раиси ўз ўрнига чикиб ўтирганидан кейин, маслаҳатчилар бошлиғи ҳукмни баланд овоз билан тантанавор оҳангда эълон қилди: “Айбдор эмас, умид қиламизки, доктор Терн бундан кейин яна ҳам эҳтиёткорроқ бўлгай”.

– Бу жуда аломат ҳукм бўлди! – деди суд раиси бир оз аччиғлангандай оҳангда. – У айни пайтда ҳам окляпти, ҳам айбляпти. Доктор Терн, сиз озодсиз, суд оклади сизни, лекин минг афсуски, маслаҳатчилар бу жумбоқли жумлани ўз чиқарган ҳукмларига қўшишни лозим топибдилар.

Мен раисга қуйи эгилиб таъзим қилдим ва бу билан унинг менга кўрсатган хайрихоҳлиғи учун миннатдор эканимни билдирдим-да оломон орасини ёриб ташқарига чиқа бошладим.

Мен тўғри ўзимнинг хувиллаб ётган масканим сари йўл олдим; етиб бориб бўм-бўш қабулхонамга кирдим-да дуч келган биринчи курсига ўтириб, нақадар мушқул ва ночор аҳволга тушганимни мушоҳада қила бошладим: мен ҳам суюкли хотиним, ҳам оқила дўстим бўлган энг азиз одамимни йўқотдим, эришган мавқеим барбод бўлди, инсон ва ҳозиқ доктор сифатида қозонган обрўйимга қора доғ тушди, энди ўзимни қаёққа олиб қочмай, мени бадном қилувчи миш-мишлар ҳамма ерга орқамдан эргашиб бораверади.

Мен ана шу беҳаловат аҳволимни ўйлаб ғамга ботиб ўтирганимда хизматчи йигитим кириб, аллақандай жаноб мен билан учрашмоқчи эканини айтди. Унинг орқасидан қабулхонага жиккаккина бир одам тиржайиб кириб келди. Мен уни кўрган заҳотим танидим: бу одам лорд Колфорднинг менга қарши кўзғаган ишини олиб бораётган ишончли вакилга муовин эди.

– Афсуски, доктор Терн, – деб жоврай бошлади бу пакана одам қафтларини бир-бирига ишқаб туриб, – бошингизга тушган нохушликлардан

кутилганингиз йўқ ҳали: жиноят ўрмонидан кутилиб чиққан бўлсангиз ҳам, энди гражданлик боткоғига ботиб турибсиз! Ҳи-ҳи-ҳи!.. – Шундай деб туриб, у менга бир варақ қоғоз узатди.

– Нима бу? – сўрадим мен.

– Бу сэр Томас Колфорднинг доктор Терндан 10 000 фунт-стерлинг талаб килувчи гражданлик даъвоси. Ҳар ҳолда, ёшгина, гўзал хотинидан жудо бўлгани эвазига даъвогар талаб қилаётган бу пулнинг унчалик йирик эмаслигини ўзингиз ҳам билиб турибсиз!.. Лорд Колфорд сизни турмага тика олмади, шу боис у гражданлик даъвоси билан сизни хонавайрон қилмоқчи бўлди. Агар у ўшанда менинг гапимга кириб, даъвони шундан бошлаганида эди, жиноий иш кўзгашининг ҳеч ҳожати бўлмасди. Сизни айбдор ҳисобламасликларини мен ўшандаёқ билганман. Суд маслаҳатчилари бахтсиз тасодиф туфайли, билмай хато қилиб қўйган одамни айбдор деб ҳисоблаб ҳибс эттирмайдилар. Лекин гражддан даъвоси – бошқа гап, агар бу иш тажрибаси ўткир адвокатга топширилса, даъвогарнинг талаби албатта қондирилгай. Сизга маслаҳатим: тергов бошланишини кутмай, тезроқ бошқа бирон ерга қочиб кетинг. Соғ бўлинг, жаноб доктор... омад тилайман сизга...

Шундай деб бу питрак одамча хонадан ўқдай отилиб чиқиб кетди.

Мен, бунчалик аҳволга тушаман, деб ўйламагандим. Ишим судда биринчи марта қўрилгандаёқ анча-мунча пулим совурилиб кетган эди, энди иккинчи марта бўладиган суд процессига дош бера олмасдим, Колфорднинг даъвосини қондириш ҳақида-ку гап бўлиши мумкин эмас. Хўш, нима қилишим керак? Энди нима бўларкин, деб қўл қовуштириб ўтираверайми? Ундан кўра, бир йўла ҳаёт билан видолашиб қўяқолганим яхши эмасми? Ахир ҳеч нима қолмади-ку мен учун бу ёруғ дунёда! Шу кейинги бўлган машъум воқеалар мени тамомила холдан тойдирган эди. Шу сабабли ўша пайтда мен учун энг улуг ором ва энг хузурбахш фаромушхотирлик рамзи бўлган ўлим хавфини мутлақо ҳис қилмай қўйгандим.

Лекин бу қароримни, гарчи у қатъий ва жиддий қарор бўлган бўлса ҳам, менинг ва яна анча одамларнинг бахтига қарши, амалга оширмадим. Биринчи навбатда, мен газеталарда чоп этириш учун анча катта мактуб ёзиб, унда леди Колфорднинг ўлимига тааллуқ бўлган барча ҳаққоний далилларни баён қилдим ва онгли равишда атайлаб, ёлғон гувоҳлик берган, мени нобуд қилиш қалбаки қасам ичишдан ҳам қайтмаган сэр Жон Беллнинг ҳақиқий башарасини очиб ташладим. Кейин қизимга у балоғат ёшига етганида топширишни сўраб, иккинчи мактубимни ёздим. Бу мактубимда ўз жонимга қасд қилишим сабабларини айтиб, уни жуда эрта ёлғиз ташлаб кетаётганим учун мени кечиршини сўрадим.

Кейин дори-дармонлар териб қўйилган шкафим олдига бориб, бир оз ўйланиб турдим-да сионид кислотасини танладим. Тўғри, уни ичган одамнинг кўнгли айнийди, лекин таъсири жуда тез ва аниқ бўлади. Сирасини айтганда, ўлганимдан кейин жасадимнинг қорайиб кетиб сасий бошлагани билан менинг нима ишим бор?..

Ажал дарвозаси оғзида

Мен шкафдан дори шишчасини олиб, рюмкага бир ютумли захар куйдим ва ичиш осон бўлсин учун, уни киттаккина сув билан чапиштирдим. Бу ишимни мен секин-аста, ҳеч шошмасдан бажардим. Энди рюмкадаги оғуни фақат бир кўтаришда ютиб юборишим қолган эди. Шу пайт бирдан, худди елвизак эсандек, пешонамга совуқ бир нафас келиб урилди. Мен сесканиб кетдим. Қарасам, рўпарамда, зулмат буркаган эшик оғзида Стефан Стронг турарди. Ҳа, бу ўша эди, зеро, ёниб турган шамнинг шуъласи тўғри унинг бўзарган юзи ва сочи тўкилган хум қалласига тушиб турарди.

– Охо, доктор, маишат зўр-ку, – деди у ғўлдираган, аммо мулойим овозда. – Бу қандай лаззатбахш ичкилик бўлди? Майлими татиб кўрсам? – Шундай деб у рюмкани оғзига олиб борди.

Мен бир лаҳзада ҳушимни йиғиб олдим ва Стефан Стронг қадахни ҳали лабига теккизмасидан, бир уриб, рюмкани унинг кўлидан учуриб юбордим. У ерга тушиб чил-чил синди.

– А-а... Ўзим ҳам, шунақа бўлса керак, деб ўйловдим! – деди меҳмоним. – Қани, энди айтингчи менга, яхши йигит, нима учун жазм қилдингиз бу ишга?

– Нима учун бўларди? – дедим мен унинг саволига жавобан. – Хотиним ўлди, ўзим бадном бўлдим, боз устига, докторлик амалиёти билан ҳам бошқа шуғуллана олмайман энди... Мени хонавайрон қилиб, саёқ гадога айлантирмоқчи бўлган сэр Томас Колфорднинг кўзгаган янги даъвоси нима билан тугашини кутиб ўтиргандан кўра, дам ғаниматда ўлиб кетганим яхши-ку, ахир!

– Ҳали сиз ўз жонингизга қасд қилиш билан бошингизга тушган азобу уқубатларни енгиллаштирмоқчи бўлдингизми? Ахир сиз, ўзимни шарманда қиладиган, ўзимни ўз кўзимга дохилан қоралаб, хижолат қилувчи ҳеч қандай айб иш қилмаганман, дегандингиз-ку! Мен шу гапларингизга ишонаман. Бас, шундай экан, одамлар сиз ҳақингизда нима деб ўйласалар ўйлавермайдиларми? Биламан, ҳозир сиз жуда оғир аҳволдасиз; лекин мен бир вақтлар бундан ҳам оғирроқ аҳволга тушиб қолгандим, ҳа, ҳа, ишонаверинг. Мен одамлар берган сохта гувоҳликлар қасрига қолиб, сургунда кўп машаққатлар чекканман, лекин шунда ҳам ўз жонимга қасд қилишни кўзламаганман. Сургун муддатини ўтаб бўлиб, уйимга қайтгач, секин-секин турмушимни яна тиклаб олдим. Ахир сиз ҳам мендан ўрناق олиб, шундай иш тутсангиз бўлмайдами?

– Афсуски, яқинда бўлиб ўтган фалокатдан кейин биронта ҳам одам менинг хизматимдан фойдаланишни истамайди энди! – дедим.

– Мен топиб бераман сизга ўшандай одамларни. Лорд Колфорднинг сиздан пул ундириш мақсадида кўзгаган даъвоси масаласига келсак, буни ўзим амаллайман. Мен суд ишларига аралашини яхши кўраман, қандайдир бир-икки минг фунт пулимдан воз кечганим билан қамбағал бўлиб қолмасман. Ҳозир эса, мен сизни бугунги кечлик таомимизни биз билан баҳам кўришга таклиф қилгани келувдим; ўйлайманки, бу захри қотил ўрнига Стефан Стронг билан ҳамтовок бўлиб, портерхўрлик

килсангиз, анча ўзингизга келиб қоласиз. Лекин бу ердан чиқмасимиздан олдин, бу ярамас одатингизни бошқа такрорламасликка сўз берасиз менга! – деб у ерда сочилиб ётган рюмка синиқларини кўрсатди.

– Сўз бераман сизга, бошқа такрорланмайди бу қилмишим.

– Жуда соз! – деди мистер Стронг мени қўлтиғимдан олиб эшик томон юраркан.

Илгари Стефан Стронгникида биринчи оқшомни қандай ўтказган бўлсам, бу сафар ҳам деярли шундай ўтказдим. Миссис Стронг мени очик чехра билан қарши олди ва бир-иккита савол бериб ишимни суриштирганидан кейин яна ўзининг энг севимли мавзуси – исроилийларнинг йўқолиб кетган ўнинчи насаби ҳақида гапира бошлади, кейин менга бериб юборган китоб ва рисоаларини ҳали ҳам ўқимаганимни эшитиб, каттик аччиғланди. Лекин у бир оздан сўнг жаҳлдан тушди ва мен уйимга хуш кайфиятда қайтдим.

Бундан кейинги бир ё икки ой мобайнида менинг хаётимда эътиборга лойиқ ҳеч қандай воқеа юз бермади, агар сэр Томас Колфорднинг устимдан кўзгаган гражданлик даъвоси ҳақидаги ишнинг бирдан тўхтатиб қўйилганини ҳисобга олмасан. Бу суд ишининг тўхтатилиши сабаби ҳақида ҳеч қандай расмий маълумот эълон қилинмаган бўлса ҳам, менинг тахминимча, сэр Жон Белл яна судда сўроқ бериб, олдинги гал мени қоралаб айтган гапларини бу сафар ҳам такрорлашни хоҳламаган бўлса керак. Ишнинг бундай яқунланганидан хурсанд эдим, албатта, лекин айни пайтда яқиндагина бошлаганим тиббий амалиётимдан буткул жудо ҳам бўлган эдим. Бу ёқда, жамғарганим бир озгина пул тугаш арафасида эди, шунда мен бир амаллаб кун кечиришим учун бир бурда нон топиш иложини қидирадиган куним энди яқинлашиб қолганини тасаввур қила бошладим.

Бир кун эрталаб кабинетимда тиббиёт мавзудаги бир китобни ўқиб ўтирганимда кўча эшик қўнғироғи бирдан каттик жиринглади.

“Бемор келди!” – деб ўйлагандим. Лекин кабинетимга кириб келган Стефан Стронгни кўриб, ҳафсалам пир бўлди.

– Хўш, аҳволлар қалай, доктор? – деб гап бошлади у. – Нега шунча барвақт келганимга ҳайрон бўлаётгандирсиз? Мен сизни иккита касал болакайни кўриб қўйгани олиб бормоқчиман. Ҳозир борамиз уларнинг олдига, агар қарши бўлмасангиз!

– Йўқ, қаршимасман, албатта. Хизматингизни бажаришга доим тайёрман! – деб жавоб қилдим мен. – Улар қанақа болалар, касаллари нима экан?

– Бир этикдўзнинг ўғли ва қизи, лекин қандай касал билан оғриганлиқларини ўзингиз кўриб билиб оласиз, – деди мистер Стронг.

Биз шаҳарнинг энг ғариб маҳаллаларини извошда кезиб юриб, ахир кўрimsизгина бир этикдўзнинг дўкони олдида тўхтадик. Дўкон деразасига сал қўполроқ тикилган бир неча жуфт этик сотиш учун териб қўйилганди, пештахта ортида дўкон хўжайини – қирқ ёшларга борган маъюс чехрали уста Самуэлс ўтирарди.

– Самуэлс, мана доктор олиб келдим, – деди Стефан Стронг.

– Ҳа, яхши, хотиним билан болаларим ичкари хонада! Нимасини айтмай, ўзингиз кўрасиз. Мен қирмайман, қаролмайман уларнинг аҳволига. Қарасам кўнглим беҳузур бўлиб, ўкчий бошлайман, – деди Самуэлс қўрсовозда ва юзини тесқари буриб олди.

Биз дўкон ичидан ўтиб, бу ғарибона савдо масканининг орқасидаги хонага кирдик. Бу ерда кимдир баралла додлаб йиғлар ва инграрди. Хона ўртасида, кўринишидан анча барвакт картайтиб қолган, чўпдай озиб, тинкаси қуриган аёл турарди, тўшакда эса, бири уч, иккинчиси тўрт ёшлардаги ўғил бола билан қиз бола ётарди. Мен дарҳол уларнинг касалини текширишга киришдим. Ўғил бола нақ чўғдай қизиб ётар, унинг аъзойи баданига кип-кизил иситма тошган эди. Қизча эса, тирсагидан юқорироқда пайдо бўлган сувли каттақон қизил шишнинг азобига чидай олмай қийналарди. Унинг бутун қўли қизариб яллиғланиб кетганди. Иккала болада ҳам сарамаснинг энг оғир кўриниши мавжудлигига ва уларнинг бундан беш кун бурун чечакка қарши эмланганларига менда шубҳа қолмади.

– Хўш, – деб сўради мистер Стронг, – касаллари нима экан бу болаларнинг?

Мен унга жавоб бердим.

– Нима сабабдан касал бўлишган? Эмланганлари учун эмасми?

– Шундай бўлиши ҳам эҳтимол! – деб мужмалроқ жавоб қилдим мен.

– Самуэлс, бу ёққа кел, нима бўлганини жаноб докторга бир бошдан сўзлаб бер! – деди мистер Стронг.

– Ниманиям айтаман? – деди ота ғижиниб ва болалари томонга қарамасликка уриниб. – Мени уч марта кетма-кет полицияга чакириб олиб кетишди, болаларимни чечакка қарши эмлатмаганим учун жарима солишди: ўзимнинг синглим шу лаънати эмлаш оқибатида жон таслим қилгандан бери жуда кўриб қолгандим бу дарди бедаводан – ўшанда синглимнинг бошига виж-виж яра тошиб кетганди... Кейин жарима тўлашга қурбим етмай қолди. Кўриб турибсиз, ишим юришмай, молим касод бўлиб, бир ҳолатда яшаяпман. Ноиложликдан, хотинимга болаларни чечакка қарши эмлаш докторхонасига олиб боришни буюрдим. Мана, ўзингиз кўриб турибсиз нима бўлганини! Минг лаънат ўша эмловчи докторларга ҳам, уларнинг заҳарли эмлашларига ҳам!

Мушкул ахволга тушган уста шу гапидан кейин бир қўл силтади-да хонадан чиқиб кетди.

Лекин мен бу ерда болаларнинг касалга чалиниши тафсилотига тўхталиб ўтирмакчи эмасман, фақат шуни айтишим жоизки, қанча тиришиб астойдил ҳаракат қилган бўлсам ҳам, ўғил бола ўлди, аммо қизча тузалиб кетди. Яхшиям бу иккала болани битта лимфа билан эмлашибди. Мен мазкур лимфани ниҳоятда синчиклаб ўрганиб чиқиш лозимлигини ҳукумат аъзоларига анча қийналиб бўлса ҳам, ахири тушунтира олдим, қарангки, бу текшириш ўша лимфада сарамас касали бацилласи бўлганини аниқлаб берди.

Бу воқеа бутун шаҳарга овоза бўлиб кетди ва мени воқеа қаҳрамони сифатида эътироф эта бошладилар. Эмлаш амалиётига қарши бўлган одамлар мени энг нуфузли ва донишманд шахс сифатида тан олишиб, эмлаш жараёни масаласида оғзимдан чиққан ҳамма гапларни далил сифатида пеш қила бошладилар.

Ғарчи мен бу масала юзасидан бирон аниқ ва қатъий фикр айтмаган бўлсам ҳам, мени, бора-бора, чечак эмлашга қарши бўлган докторларнинг етакчиси ва устози сифатида тан ола бошладилар.

Ана шу, аслида сохта бўлган шухратим асосида Стефан Стронг, агарда мен, одамларнинг фақат эмлаш оқибатида касалга чалингани тахмин

килинган хар битта ҳолатни алоҳида текшириб чиқиш вазифасини зим-мамга олишга рози бўлсам, у менга мўмайгина мукофот пули таклиф қиладиган бўлди. Мен рози бўлдим, зотан бундай текширув менга ҳеч қандай мажбурият юкламади ва ниҳоят икки йил давомида астойдил кунт билан олиб борган текширувларим натижасида, ўша пайтларда эмлаш усулининг амалиётда бир одам қўлидан иккинчи одам қўлига ўтиши оқибатида, кўпинча эмлаш жараёни қон бузилиши, йирингли яра, сарамас, ҳатто сил касалининг келиб чиқишига сабаб бўлганига ишонч ҳосил қилдим. Бу воқеаларнинг ҳаммасини мен газета ва журналларда эълон қилдим, натижада, ўша вақтда Вестминстерда жойлашган чечак эмлаш қироллик комиссияси мени ўз хузурига чақириб, бу масала юзасидан изоҳ беришимни сўради. Изоҳимни эшитган мазкур ташкилот аъзоларидан айримлари мени эмлашнинг фойдаси ёки зарари ҳақида ўз фикримни айтишга мажбур қилмоқчи бўлдилар. Мен узоқ музокара олиб боришдан кочиб, биронта ҳам одам Женнернинг¹ буюк кашфиётини инкор эта олмайдим, деб мужмал жавоб бердим.

Агар эслаб кўрадиган бўлсак, бир вақтлар деярли хар бир одам чечак балосидан азоб чеккан фақат чечак дардига чалинган бўлса ҳам, минг-минглаб ҳамжинслари сингари бадбашара бўлмай улғайган аёлгина гўзал ҳисобланган. Агар сиз ҳозирги қарияларимиздан, хали гўдак бўлган чоғларида чечакнинг халқ бошига қандай бало-офатларни ёғдиргани ҳақида сўрасангиз, ҳаммаси равшан бўлади-қолади. Лекин шунини ҳам айтиш керакки, агар чечакка қарши эмлаш – қаллоблик бўлса, унда 1000 та доктордан 999 таси нафақат Англияда, шунингдек, барча маданиятли мамлакатларда ҳам чечак эмлашнинг фойдали эканлигига қандай қилиб катъий ишонч билдирганлар?

Шу эди менинг дохилий эътиқодим, лекин бунини элга овоза қилишни лозим кўрмадим. Ўша пайтларда эмлашнинг фалокатли бўлиш ҳоллари халқ ўртасида тез-тез учраб турарди-ю аммо бунга доим ё лимфанинг ёмонлиги, ё эмловчининг бемор олдига искирт ҳолда келиши сабаб бўларди.

(Давоми келгуси сонда)



¹ Женнер (1749–1823) – сигирларда бўладиган чечакнинг олдини олувчи дори кашф этган инглиз доктори.



ЗАМОНАВИЙ БЕЛАРУСЬ ШОИРЛАРИ ИЖОДИДАН

Рус тилидан
Минҳожиддин МИРЗО
таржимаси

Наум ГАЛЬПЕРОВИЧ

(1948 йилда туғилган)

* * *

*Йигла, эй скрипка, мен учун йигла,
Бағрим ёнсин, дардчил нола, тилакдан.
То ўзни қадрдон ўлкамда кўрай,
Баҳор гуллари-ла қалбимни ўрай,
Йиглагил, ҳис этай сени юракдан.*

*Камончанг қор босган хотирам титсин,
Борлигим уйғотсин қуйларинг бутун.
Ёдимда қадрдон ошён жонлансин,
Ўрмонлар сеҳрига бу бағр қонсин,
Кузги хазонларни эслийн маҳзун.*

*Майлига, созанданг андуҳим билсин,
Дардман кўнгил йўқдир бунда манимдек.
Онам елкасига бош қўйиб беҳол,
Бир вақтлар мен тўйиб йиглаганимдек,
Сен ҳам ҳасратингни тўкиб йиглаб ол...*

* * *

*Балки, ҳамма нарса бир кун йўқ бўлар,
Лекин Ватан, кўшиниқ абадий қолар.
Ажралмасдир улар, йўқолмас асло,
Токи баҳор дилга ошиқлик солар.*

*Фақат у қайтадан тугилаверар,
Ҳар бир кунда қисмат, унга яшамоқ.
Қадрдон тилдаги ой каби сўзлар,
Майса узра нурдан тўшалган сўқмоқ.*



Гар ҳаёт айбласа кўп бор, не бўпти,
Ватан деб дард чекмак – дилга олий шаън.
То Ватан бор экан, қўшиқ бор мангу,
То қўшиқ бор экан, барҳаёт Ватан!

* * *

Зулматни ёритган нур сўнмас асло,
Хазонрезги қуршар, бир кун сўламан.
Заъфарон баргларим сочиб бирма-бир,
Қадимги боғ каби гойиб бўламан.

Сухбатларда бот-бот эслашар мени,
“Бор эди” – янграйди шафқатсиз сўзлар.
Мени севганларнинг энди барчаси,
Унутиб ўзига янги дўст излар.

Гарчи мўъжизага ишонмасам ҳам,
Дилим озурдадур, умид дардида.
Унутилиб кетмам, доим яшайман,
Ўзим севганларнинг ёруғ қалбида.

* * *

Шудгорлардан кўтарилар буг,
Кўм-кўк рангда ярқирар осмон.
Сут ва ноннинг ҳиди анқийди,
Шаҳар томон кетган йўл – аён.

Йўқ, афзалмас бошқа йўллардан,
Беминнат ер, тупроқ, ўнг-сўлим.
Унга сингиб боряпман ҳар кун,
Туташмоқда ҳаёт-ла йўлим.

Тақдирим шу халқ билан бирга,
Фақат у-ла кетгум бирлашиб.
Кўҳна тилин алқаб яшайман,
Ер ва Осмон билан сўзлашиб.

Микола МЕТЛИЦКИЙ

(1954 йилда туғилган)

ВАТАН

О, Ватан, дала-ю ўрмонларинг-ла,
Менинг кўз олдимда бўлдинг намоён.
Сенинг мафтунингман, масрур санайман,
Юксак қарагайлар сафи бепоён.

У қумли соҳилга тутаиш оролда,
Баҳор куйларига тўлмиш янги кун.
Фалакка дуола шукрона айтгум,
Борлиқнинг бу зангор чиройи учун.

Шу дарахт шохларин кўркин бир умр,
Эй Худо, муҳрлаб юрагимга сол.
Ватаним тимсолин дилимга жо қил,
Меҳрибон онамнинг сиймоси мисол.

Фақат кўз юмсам бас, бўлар намоён,
Қарагайлар чексиз лашкардай турар.
Олтин қумлар узра олтин қуёшда,
Уларнинг танаси зирхдай ялтирар.

Бу қўшин қудратли шохлари билан,
Ортимдан бош силкир, эсонбахш нафаси.
Ўнгиму тушимда бағишлар ҳузур,
Мен учун уларнинг жарангдор саси.

Қуз. Шамол беором, билмайди тиним,
Аёзли тунларда ёвуз увиллаб.
Тонггача бу чексиз ўрмонлар ичра,
Ёмғирлар зулматни чиқар савалаб.

О, фусункор ерим, о, қарагайлар,
Сизга талпинмайин, севмайин нечун?
Энг гўзал қўшиқдир мангу сасингиз,
Бундан қадрлироқ не бор мен учун?!

ЎЗБЕКИСТОНГА

Сенга салом йўллайман, эй, Ўзбекистон,
Бағрикенг, муҳаббат, меҳр диёри!
Ватаним фашистлар топтаган пайтда,
Замин жароҳатдан титраган пайтда,
Яқин жигарлардай бағринга босдинг,
Сен менинг эзилган қондошларимни.

Шифобахш тўлқинлар хотирасидек,
Дўстликни қуйлади меҳр қалами.
Алангали шеърлар, газабла қайнаб,
Ёвларга сочилди Колас¹ алами.

Бу шеърлар урушининг ёвуз кўксини –
Жаҳолат лошини, ўқ каби тешиган.
Қанча қурбонларнинг бунда қони бор,
Биз учун муқаддас бу галаба – шаън.

Гарчи йиллар ўтар замонлар оша,
Уруш жароҳати, оғриги битмас.
Миллионлаб қалбларга инган дардларни,
Замин ёмғирлари ювиб кетолмас.

¹ Беларусь адиби Якуб Колас назарда тутилмоқда.

Ўйга чўмиб турар Колас сиймоси,
Юксак Чимён сари боққандай кўзи.
Тошкентлик ёшларнинг меҳрини туйиб,
Ёришиб кетгандай шоирнинг юзи.

Энди мижжасида ашқлар изи йўқ,
Яна қайтиб келди бу азиз меҳмон.
Ёруғ меҳринг учун олис диёрдан,
Сенга салом дейман, жон Ўзбекистон!

* * *

Шабнам каби юрак титрар бегубор,
Тақдир гоҳ ўкситар, сийлар гоҳида.
Менинг кўнглим ичра улгаймиш виқор –
Бир давлат тикланди замин роҳида.

Диёрим яшинатсин янги кун, замон,
Чексиз фахру гурур чулғаб танимни:
Дегум, пешонамда бор экан бу он,
Масрур қаршиламоқ ёш Ватанимни.

Майли, яшаи нури тушиб қалбига,
Эркисизлик тутмасин бу юртни такрор.
Бўлажак давлатим деворларига
Бахт сатридан кўйгум ёрқин пойдевор.

* * *

Агар қуш бўлсанг – қарга бўлмагин,
Далада ўлимнинг кўзин чўқувчи.
Агар булут бўлсанг – бўлма ҳеч қора,
Тирик бошоқларни уриб, тўқувчи.

Дарахт бўлсанг – хоин тоғтерак бўлма,
Гуноҳи-чун титраб уқубат тотган.
Тош эрсанг – кимсасиз, кераксиз бўлма,
Кўҳна қабр узра могорлаб ётган.

Агар олов бўлсанг – газабкор бўлма,
Ортингдан кул эмас, элга тафт етсин.
Агар қўшиқ бўлсанг – қуёш каби бўл,
Токи кўҳна дунё чарақлаб кетсин!

* * *

– Айтинг, эй қудратли, асов шамоллар,
Бундайин журъатни қайдин олдингиз?
Шиддатли бўронлар пайти енгилтак –
Дарахтларга тинмай қўркув солдингиз?

– Биз кўм-кўк бепоён уммонлар узра,
Учиб бордик олис ерларгача то.
Биздаги мустаҳкам бу улкан кучни,
Шиддатли тўлқинлар этдилар ато.

– Айтгил эй бешафқат олов, сен недан,
Қувват олдинг, тошмиш бағрингда кучинг?
Бу оқсочли қадим, кўҳна заминга,
Бунча фалокатни қайдан келтирдинг?

– Билсанг мен қалдироқ чақмоги бўлиб,
Замин узра қизил сочларим ёйдим.
Бу тенгсиз журъатни ҳамда қувватни,
Дарахт шохларидан олдим, кучайдим.

– Сен ҳам айт, қадрдон эй Она тилим,
Қай буюк куч сенинг тиклади қадринг?
Оғир у қисматлар ичра кўп бора,
Қабрлар тубидан қаддинг ростладинг?

– Йўқ, мен чақмоқлардан олмадим қудрат,
Уммонлармас, сўрма не деб имконинг.
Менга туганмас куч этгувчи ато,
Сенинг садоқатинг, меҳринг, виждонинг!

* * *

Менга айтишиганди: ўрмон ортида,
Билқ-билқ қайнаб турган булоқ бор зилол.
Унга лаб теккизиб, ичиб тўймайсан,
Кўкдан нур инади, тун бўйи ҳилол.

Менга айтишиганди: яна қайдадир,
Дарё ортидами, шундай дала бор.
Сув танқис бўлса-да, жавдар, маржумак,
Ҳеч қачон қуримас, сирли қудрат ёр.

О, яна кимлардир шундай дейишган,
Қайдадир юлдуз бор, эс-ҳушинг олар.
Бир нигоҳ-ла дилни қайғуга ташлаб,
Ғалаён солару, кўздан йўқолар.

Мен буларга асло шубҳа қилмайман,
Бу сўзларга имон келтирар дилим.
Ахир, бу таърифлар барчаси ростдир,
Булар сен ҳақингда эй, Она тилим!

Абадият топган қанча ишқ васфи,
Номлар бор юксалган чўққилар қадар.
Ахир, шу севгида илоҳий талғат,
Ахир, шу севгида қанча гам, қадар.

Қанча шоир бедор, тонг отгунча то,
Мангу ошиқларнинг қисматин битган.
Боқийлик йўлини гулларга буркаб,
Қанча ишқ қарвони бу йўлдан ўтган!

Бадномликдан қанча дил топган қисмат,
Чидаб қор-бўронлар увиллашига.
Отилган тошларга қилолган сабот,
Дош берган оломон гувиллашига.

Гоҳида тазарру сўзин шивирлаб,
Надомат кўйида сўйлашган бот-бот.
Гоҳида муҳаббат тотин туёлмай,
Ишқданмас, шаробдан топганлар нажот.

Ҳар қандай истакни бажо этганлар,
Қалбда жиловлотмай муҳаббат кучин.
Шафқатсиз урушлар, қанча қурбонлар –
Берилган биргина ёр қадрин учун!

Қасрлар йўқ бўлди, ўчмади лекин,
Асрлар кўксига ёзилган зарҳал.
Мангу пок севгига чин тимсол бўлиб,
Ҳамон лол қолдирар бизни Тоғжмаҳал!

Виктор ШНИП

(1960 йилда туғилган)

* * *

Қанча фарёд чекмай, ўзимдан қочиб,
Бу кўчадан асло кетолмагайман.
Калит йўқ, у дилга кирмоқ-чун очиб,
Япроқдек чарх уриб етолмагайман.

Худди бўрон ичра адашган руҳдек,
Гуллаш не билмаган бутадек, хаста.
Қуичаларнинг гариб ёлғизлигидек
Заъфарон япроқлар дилга пайваста.

Ҳасратларим учар дилдан шамолдек, Қалб гўё кимсасиз Ибодатхона,
 Қора булутларнинг бағрида нолон. Армон унда бўзлаб ётган боладек.
 Гўё зулмат ичра ёнган фонусдек Зулмат қучган дунё гўё дардхона,
 Умидсиз нур сочиб айлағай фиғон. Онамга ёзмаган мактубларимдек...

* * *

Менинг гул диёрим, олтин диёрим,
 Сокин замин узра қуёшдек – онам.
 Видо айтмам ҳаргиз, унда оромим,
 Қалбим ҳаловати – ибодатхонам!

Бошим узра нафас олаётган осмон,
 Мени кафтларида тутган замин – шаён.
 Сенинг кўз ёшларинг билан йиғлайман,
 Сенинг қайғунг билан тирикман Ватан!

Сенга қайтолмаган эсонлар ҳаққи-ю,
 Сенга етганлар-чун тўқаман кўз ёш.
 Қанча қабрларин бағрингга босиб,
 Бўзлайсан, бағрингда ботмайди қуёш.

Ахир, осмон худди боқий оламдек,
 Тупроқ мисли кулдек, титрар юрак, тан.
 Менинг нур диёрим, олтин диёрим,
 Сенинг севгинг билан тирикман, Ватан!

Сен томон шошаман – ибодатхонам,
 Сенинг азминг ила ниятлар бажо.
 Биладан бу ерда отам ва онам,
 Башарга бахт сўраб қилган илтижо!

* * *

Мен шу кунда қолмоқ истайман, Бирга бўлсак айрилиқ йироқ,
 Иккимиз-чун сўнгги кун, сўрсанг. Яшил ўрмон чорлағай сўраб.
 Биз биргамиз, қўрқма дарёда, Абадият ичра юргандек,
 Малакларнинг шарпасин кўрсанг. Мангу қолсак бунда тентираб.

Мен шу кунда қолмоқ истайман, Сузиб кетар вақтлар ва дамлар,
 Поезддан кеч қолган йўлчидек. Бари кетар фанолик сари.
 Гулхан ёқиб бўсанг қўмсайман, Кемачасин сувга оқизган,
 Ҳасрат ичра қолган ўйчидек. Боладаймиз, ўткинчи бари.

Гўё дарё бўйида туриб,
 Мурғак дилдай жисловлаб нақдни.
 Бир лаҳзага тўхтатолмадик,
 Оқиб бораётган у вақтни...

Оқ қорлар, оққушдай кўк узра елар,
Бир дамда йиглагим, яшагим келар...

Уйлару деворлар қорлардан оппоқ,
Йиллару кенгликлар парлардан оппоқ,
У йилларда бизлар анча ёш эдик,
Заминнинг кўйнида кўп талош эдик,
Эртаси бўғотда томчилаб турган,
Бирда бору бирда йўқ бўладиган,
Яна қачонлардир тугиладиган,
Тонгдайин мусаффо оппоқ қор эдик.

Оқликка бурканган қишлоқлар бўйлаб,
Тун бўйи тинмаган томчидек куйлаб,
Қор ҳамон қушлардай кўмсарди камол,
Дарахтлар бошини силарди шамол.
Сен эса кезардинг оппоқ дунёни,
Оппоқ кенглик ичра бўлиб матлаби,
Булутдан заминга интилган қордек,
Йўлларин излаган маъбудлар каби...

Мана шу қор кўмган кулба уйларда,
Гўё унутилган олис йилларда.
Оппоқ нигоҳлар-ла кўкдан боқардик,
Сўнг бўғотдан томчи бўлиб оқардик.
Худо ҳам унутиб кўйган заминга,
Худди сенинг каби севган заминга,
Оппоқ дуолардек шошаман ҳамон,
Ўтган йиллариму лаҳзалар томон.

Оқ қорлар оққушдай кўк узра елар,
Бир дамда йиглагим... яшагим келар...

Леонид ДРАНЬКО-МОЙСЮК

(1961 йилда туғилган)

* * *

Янко Купала...

Мана у қаршимда турибди гўё,
Дала-ю ўрмонлар қалбим шукуҳи.
Лек хуррам хитобим эшитиб,
“Мурудинг не?” – дейди шоирнинг руҳи.

Муносиб сўзларни топа олмадим,
У кўздан йўқолди, нурмиди, рўё?
Қай овлоқ йўллардан излайин уни,
Майли, яйлов қезай, кечайин дарё.

Балки энди уни қайтариб бўлмас,
–Чин Белорус қалбин соғиндим сасин.
У каби ҳар тонгда Қуёш ўз йўлин,
Жалейка¹ да бир қуй чалиб бошласин.

* * *

Менга бир нима де, нимадир сўзла,
Меҳрли бир сўз топ...Тонг палласида.
Ва шундай хотиржам, сокингина айт,
Ер ва мовий Осмон чегарасида.

У ерда қуримиш кекса эман ҳам,
Лайлак афсун айтар, уни тўла хас.
Қичқиригин ерга сочганча бунда,
Энди уйғонмайди, эман жим, бесас.

Камтир йўл халтага бор меҳри билан,
Ўша қичқирининг йиғаркан хокин.
Сенинг хитобингга жавобан аста,
“Хайрли кун” – дейди, маъюс ва сокин.

* * *

Қўшиқ. Дарё. Сув ёнида қиёқ ўт ҳамон,
Осмон баланд, кўз илгамас чексиз, бепоён...

Борлиқ кўм-кўк, қаргалар ҳам бунда гангиди,
Ҳозлар чиқур бўриларнинг изидан қувлаб.
Тошлар ҳам дарз кетди гўё, ёнди майсалар,
Чақмоқлар ҳам булутлардан тушидилар қулаб.

Буғулар-чи, тоғ тизмаси бўйлаб жар солди,
Остонатош сари сузиб борарди отам.
Қўрқув нима билмас эди, ўктам ёш эди,
Бир қайиғу кўйлак эди, бор бисоти ҳам.

Сузар эди, ёқавайрон ўрмонга қараб,
Эшкагин у кенг дарёнинг тубига тираб.

Гулхан узра муз қотгандай бир зум турдию,
У кез ўрмон ажинаси қориб кетди лой.
Ўша лаҳза гувиллаган кулол чархига,
Булутлар ҳам пастлаб келиб қўнди ҳойнаҳой.

¹ Жалейка – Миллий чолғу асбоби.

Маст қилувчи бир қуй оқди кўнгиллар томон,
Сархуш бир куч қайнаб-тошиб қалбларга кирди.
Кўкда Лочин чарчаса-да, учарди ҳамон...
Оҳ, отам-чун жуда ҳам кам нарса буюрди.

Қадрли у сирга, бехос гулханга тушиди,
Унинг олтин теграсин лой қуршаган у тун.
Опаларим орасидан фақат биттаси,
Онам қиёфасин сақлаб қолган кун...

* * *

Яшаиш мумкин ҳар жойда, Пинскда, Бараняда,
Хельсинкида ҳам ҳатто, маъни йўқдур номларда.
Қувгиндининг ул хира кўзларидан тирқираб,
Болтиқ денгиз ашқлари қуйилар оқишларда.

Ҳар жойда яшаиш мумкин, чопма эй дўст, тўхтагил,
Бемаънилик, англамак бундай диллар ниятин.
Ҳар ерда ҳам май, майдур, денгиз, денгиз, шу осмон,
Йўқ қилолмас мусибат, мусибат моҳиятин.

Татьяна СИВЕЦ

(1982 йилда туғилган)

* * *

Ҳар кузақда ўртамизда кўприклар ёнар...
Ҳар кузақда йўқотамиз ненидир жўшиқин...
Сўнгги кузақ... Сўнгги он... деб бу қалб ишонар,
Ғарқ айлайди борлигимни... Бу сиёҳ тўлқин...

Кўнгил ичра узилади омонат ришта...
Жарроҳ шамол улаб-чашиб тилайди тўзим.
Бу кузақ ҳам таъқиб этар унинг измидан –
Чиқиб кетмоқликка нетай, етмайди кўзим...

Деразадан боққил, қондек қизарган ўрмон...
О кун сайин қораяди ҳатто кунлар ҳам...
Қуз гувоҳлар изларини йўқотар ҳар он,
Қолдирмас у сенга элтар сўқмоқларни ҳам...

Аммо, шуни унутмагил, кетмоқчи бўлсанг,
Ёдда тутгил, сен ҳам энди ўзингникимас,
Фақат ёлғиз меникисан, кузақникимас...
Энди фақат меникисан, жоним... Ҳар нафас...

* * *

Аста шивирлайман мен қорга... аста...
Қулогим қўтаролмас жарангингни ҳеч.
Сен менинг лабларим учун қайноқсан.
Елкамга тушмагил... бор, юкингдан кеч...

Салом дейман аста ёмғирга... жим бўл...
Елкаму юзларим силама бир пас...
Ёнимда бир лаҳза ўтириб йигла,
Лек ёмғир кетади, тафтим керакмас.

Нечун сукутдамиз, менинг қуёшим,
Биз учун не етмас, нечун йўқ садо?
Сенинг кўзларингда қорлар ортидан,
Ёмғирлар ёғмоқда айтганча видо.

Ёлвориб сўрайман ўзингдан танҳо,
Ўтинчларим асло топмас ниҳоя.
Қуёшим, бир зумга сукутингни қўй,
Менга баҳор ҳақда қилгил ҳикоя.

* * *

Сенга мос келай деб доим интилгум...
Қаддимни тик тутгум, о балки бўлар.
Қўнгироқхонадай юксаксан ҳамон.
Гўё сув босгандай атрофинг тўлар.

Қанча интилмайин, баландсан ҳар дам,
Мен учун о сенга тенглашиши маҳол.
Менинг иккиланиши, орзуларимдай,
Иккига бўлиниши демакдир дарҳол.

Менинг ўтинчлару изтиробларим,
Мендан бўлак ҳеч ким тасвирлай олмас.
Лек уни ҳеч кимса ололмас илғаб,
Юз эллик ранг, тусда товланар бесас.

Сен-чи, мени қайта тасвирлаябсан,
Майли кел, ранг бергил, чизгил суратим.
Сўзларда жам эрур менинг изҳорим,
Сўзларда жам эрур Абадиятим.

Мен гўё нотугал ёзилган шеърман,
Танҳо бир маъвоман, юлдузсиз туни.
Сўнги ҳарфигача сабр эт, бардош бер,
Фақат сўнгигача ўқигил уни!...

* * *

*Бу шаҳарда, у кенг майдонда ҳоким эди мангу қаҳратон,
Айтиб бўлмас тўсатдан уни, тутқунликнинг маконими ё?
Учи ялангоёқ муз узра рақс тушарди совуқ майдонда,
Рақс тушарди... Ҳар тун тонггача, кулар эди ундан бу дунё.*

*Ўша совуқ тош йўллар узра қон тўкарди уйгонган қуёи,
У сезмасди тиззаси синиб, қўллари муз қотганин ҳатто.
Одамлар-чи, ундан кулишиб, ўзин четга оларди дарҳол,
У тинмайин рақсга тушарди, бу оломон ичида якто.*

*Кетар экан оқшом қайтмоқ-чун, қолдирарди қонли изларин,
Қуёшдан ҳам аввал шошарди изгирин ҳам қилмас эди кор.
Рақс тушаркан ишонч-ла бари бўлар дерди бир кун бошқача,
Чунки ўша совуқ майдонда, муз остида ухларди баҳор.*

Юлия АЛЕЙЧЕНКО

(1982 йилда туғилган)

* * *

*Жазирама ўтди, шиддатли ёмғир,
Сахий томчилар-ла савалар гўё.
О, ҳовучлолсайдим туйғумни дилгир,
Томчилар остида ўзга бир дунё...*

*Сим-сим тўлқин ичра нигоҳинг тутсам,
Англолсам, у шаффоф бегубор сирни.
...Ивиган кўчадан сарпойчан кетсам,
Кўрмоқ-чун осмонга ошиқ ёмғирни...*

* * *

*Юлдузларга нарвон тирасам,
Сомон йўли бағрини очса.
Ифорли ёз тонглари аро,
Зухро юлдуз биз-чун нур сочса.*

*Ҳар дақиқа сезсам абадни,
Кўркмай қўлим ёзолсам ҳар он.
Олисдаги ўша ёвузлар,
Сўзломаса ҳеч қачон ёлгон.*

* * *

Айиқ мўйнасида изгир декабрь –
Уйлар теграсида, муз қотар юзлар.
Оқ бўрон қаърига чўкади бир-бир,
Хотимасиз суҳбат, узилган сўзлар.

Оқшом тилсиз қотди чарчаб кутишдан,
Мавлуд юлдузлари – мўъжизаларни.
Қор нақиллари кўкдан кумушдек ёғар,
Тонггача томоша қилгум уларни.

Ушалгиси келар бу тун орзулар
Тушлар ўнгимизда гулламоқ истар.
Янғидан тугилмоқ – диллар муроди,
Юраклар ўзга бир ҳаётни қўмсар.

* * *

Таниш ҳодисалар талқинидан ҳеч,
Азалий сабабни изламам, бекор.
Азалий ҳар неки бордир абадий,
Фалак назаридан қочмоқ на даркор?

Ким бани-башарга асрлар бўйи,
Ёмғир-у қорлардан ундиради тот?
Ким дарахт остида ёрқин тонгларни,
Севишганлар учун айлар илтифот?

Майли, эски гаплар деб билинг буни,
Майли насиба денг, бизга бу ризқ-рўз.
Лек ҳамон ёдимда отам ва онам,
Мурғак чоғим алқаб шивирлаган сўз.

Ишонаман, ҳикмат, ибрат бор бешак,
Тақдир ато этган қисмат ҳар ишда.
То ҳаёт бор экан, узилмас асло,
Боқийлик аталмиш мангу ришта!





БЕЛАРУСЬ ҲИКОЯЛАРИ

Людмила РУБЛЕВСКАЯ

(1965 йилда туғилган)



ҚОН РАНГИДАГИ ЗУЛМАТ

*Рус тилидан
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИЕВ
таржималари*

Тунни кўр деб ким айтган? Унинг мингта кўзи бўлади. Яна уларнинг барчаси милтиқнинг ўқидек, шафқатсиз.

Бу ҳолат балки шаҳарга қора куз чўкиб, дарахтлар сўнгги тилла япроқларини ташлаб, қип-яланғоч бўлиб қолганидан ва дераза тағларида тун изғиб юрган бу пайтда маҳаллий халқ аллақачон чойларини ҳам ичиб бўлишган, қоронғуликда эса кўзга кўринмай ётган чалагон ер ва тупроққа қапишиб кетган кир япроқлар ҳамда ўт-ўланларни ёмғир аёвсиз савалашидан туғилгандир. Қисқаси, бу готик романлар учун тенгсиз манзара эди...

Федор эса готик¹ романларни хуш кўрмасди. Тўғриси, бор-йўғи икки марта – сарғайиб кетган эски нашрларда, ҳатто “ятъ”лари билан ўқиган... Уларни бувисининг қазноқдаги қуялар еб ташлаган кийим-кечаклар сакланадиган сандиғидан топиб олганди. Афтидан, Федорнинг қариндошлари буларни ўз вақтида қора ноннинг четига ҳам айирбошлаш имконига эга бўлишмаган, “Отранто қасри” ва “Франкенштейн” деб аталган салмоқли бу китоблар гўё кишлоқ ойим қизининг кўз ёшлари ҳўл қилгандек, ундан моғор хиди анкиб турарди.

Ҳа, кишлоқ ойим қизларини кўркитиш... Қаср деворларида юрган хаёлий монахлар, рицарларнинг бўш совутлари, тирик мурдалар ва шуваб ташланган монах аёллар... Уруш кўрганлар эса бундай шарпалардан эҳтимол, кўркишмас, замонавий зиндонларда ўтириб чикқанлар бўлса... яйдок деворлардаги занглаб кетган кишанларни тасаввур этишаркан, ҳеч даҳшатга тушмайдилар...

Ёмғир ҳўл қўллари билан ойнани шундай урардики, Федорнинг назарида ўзининг ҳам юзлари ҳўл бўлгандек туюлди. Ҳатто электр лампочкасида, худди қадимги готик шамларга ўхшаб липиллагандай бўлди.

Пардани очиб ташлаш керак... Қачонлардир қордай оппоқ оҳорланган ушбу ҳозирда тусини йўқотиб, ўргимчак уясини эслатарди. Ярим йилдан

¹ Готик – ўрта асрлар охирида Европада кенг тарқалган бадиий услуб (таржимон).



ортик вақт уй бекасининг қўли тегмагач, нима бўларди... Уйнинг хавоси ҳам бузилган; қанчалик шамоллатма, қанчалик иситма – уйга ўхшамайди.

Юриши ҳам кийин. Қўллари қалтирайди. Ўнг қўлининг тирноғи суғуриб олинган чимчалоғи вақти-вақти билан оловдай куйдиради. Ва-бонинг ўзи. Ҳечкиси йўқ, танаси кучли, вужуди бардош беради. Қайта тикланади, худди қармоқдан чиқиб кетган балик мисоли ўрнига келади.

Рухга келганда... Совет офицери рухга ишонмайди.

Шундан тунги дахшатлар пайдо қилаётган чидаб бўлмас зиккини бе-малол асабларнинг бузилиши дейиш мумкин.

Федор аччиқ куларкан, унинг ёйиқ, йирик юз тузилиши бир сонияга қорайиб кетди. Аслида унга ўхшаганларга разм солсангиз, бундайларнинг асаблари тинч бўлади. Худди уларга қачонлардир ўсиқ қошлари остидаги кўзлари сузилган бир елкадор, микти овчи назар солиб кетгандек.

Ас-саблар...

Худога шукр, ақлдан озиш эмас.

Зотан, совет офицерига, гарчи унинг истеъфога чиқишига ярим кадам қолса-да, Худони эслаш мумкин эмас... Буржуа миллатчиси ва маърифат душманининг набираси бўлиш ҳам; гарчи ўзи кўрмаган ўша бобосининг суяклари, назарида етмиш йилдирки, очкўз Сибирь тупроғида чириб битган бўлса-да. Бирок фронтда насабингга қараб погон беришмайди...

Шу кунларда эса унинг насабини етти отасигача қавлаштириб чиқишди...

Ўша лаънати шаҳарчада поезддан тушиб, вокзалдаги буфетга нимага-ям борди! Мана энди унинг қўлидаги ҳар қандай чойдан қоннинг таъми келиб турибди.

Ойнага навбатдаги ёмғир томчиси урилиши баробарида эшик тақиллади.

Шарпа бундан аъло вазиятни тополмас эди.

Бундай пайтда готик роман қахрамони қандай ҳаракат қилишни ўйлаб, ичидан келаётган қалтироқни босганча тинглаб, кулоқ тутган бўларди... Федор оксоқланганча бориб эшикни очди.

Қанийди бу шарпа бўлса.

Оқ-сарик соч, думалоқ юзига сал-пал сепкил тошган ва кўм-кўк кўзлари катта-катта очилган, бурни тикка, устидаги шинелининг кат-катидан ёмғир ўтиб кетган бир қиз уй эгасига худди қора куздай шунчаки ва аямай тикилиб турарди.

Зеро, нафсиламрини айтганда, қизда кўркитадиган ҳеч нарса йўқ эди. Аксинча, уни рақс майдонида учратганида эди, ўртага таклиф этган бўларди. Бу микти кизнинг қўлига ўроқ (ёки хотин-қизлар тенг ҳуқуқлигини писанда қилувчи болғани) ушлатиб биринчи май плакат-лариغا суратга тушириш мумкин. Албатта, сарик сочларидан гўё нола билан оқаётган сув ва думалоқ юзининг ифодаси бундан мустасно.

Бирок шу топда Федор бу кўм-кўк кўзларни бошка ҳеч қачон кўрмаслик учун борини беришга тайёр эди. Беихтиёр хаёлидан: нахотки ҳали тугамаган бўлса, деган фикр ўтди. Йўқ, у бошка чидамайди... Истамайди... Ҳайвоний, шармандаларча кўркув... Федор уни босди. Бувиси айтганидек, ҳеч кимга ўзи қўтарганидан оғир хоч берилмайди.

Меҳмон қиз совуқкина деди:

– Ўртоқ Сапежинский, киришга изн беринг.

Буни қаранг, “ўртоқ” дедими?!.. Балки унчалик ҳам ёмон эмасдир? Бироз зарда аралаш жавоб қилди:

– Сизга қандай эътироз билдираман, ўртоқ Рабко...

Федор ортига чекинаркан, ўз-ўзидан нигоҳи ёмғир ва зулматга сингиди – яқиндаги шарпалардан қанчаси ҳали кезиб юрибди? Қиз уй эгасининг нигоҳини сезди:

– Мен ёлғиз келдим.

Уй эгаси ўзининг хайронлиги ва енгил тортганини сездирмасликка уринди. У оҳиста эшикни ёпаркан, ҳатто, қизнинг ёмғирдан жикка ҳўл шинелига-да, беҳос тегиниб кетмасликка ҳаракат қилди... Чунки, бемаъни бир сезги – шугина тегинишнинг ўзи худди лабдор қари қурбака асабий қизнинг қўнглини айнитгандек, алағда қиларди.

Ёмғир, тун ва куз ташқарида кутишар эди. Ўлим ўзининг кўм-кўк, катта-катта, комсомолча кўзлари билан тикилиб турарди.

– Мен ёлғизман. Қуролсиз келдим. Ва... сизнинг ёнингизда эканимни ҳеч ким билмайди. Ва...мана...

У мактаб ўқувчисининг дастхати билан ёзилган қоғозни узатди.

Федор ҳеч нима демай олди.

“Мен, Валентина Рабко, ўз ихтиёрим билан ҳаётдан кўз юммоқдаман. Менинг... ҳеч кимни айбдор қилмасликни сўрайман...”

Бу қандай алаҳлаш?! Федор меҳмон қизга шошилиб қаради. Қиз эса унинг елкаси оша ҳувиллаб қолган уйнинг бир бурчагига тикилиб турарди.

– Сизга қилган... ёмонликларидан кейин... Мен...– шундай деб у гўё ўзини муздек сувга ташламоқчи одамдек, нафас чиқарди.– Қисқаси, нима десангиз шуни қиламан.

Буни қаранглар... Федор кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмасди. Вилоят ойим қизлари кейинги ўн асрда ҳам ўзгармадилар. Гарчи қўлларига комсомол билетлари ушлатишди, кураш сирларини ўргатишди, энг муҳими, ваколат беришди. КГБнинг ёш ходимини виждони қийнапти. Ажойиб. Хўш, у, яъни Федор ушбу касал виждонни даволаши керакми? Нима билан? Ўзини осийшга буюрадими? Ёки ўз қўли билан бўғиб ташлайдими?

Ростдан ҳам тугамасдек туюлган кейинги ўн кун ичида бу ҳақда деярли ҳар дақиқада ўйлаган.

... Мағлуб Германияда ўтган икки йиллик хизматдан сўнг (Потсдамдаги ҳарбий қисмда) у Великие Лукига, артиллерия бригадасига йўлланма олди. Урушнинг тугаганига ҳам кўп бўлди. Уйга кетишни орзу қиларди. Дорулфунунга қайтиб, илм қилишни, ўзи севган рақам-формуларга кўмилиб кетса, қанийди... Великолук штабида полкдоши бор экан, жанжалкаш, аммо яхши эркак, унинг ёрдам беришига ишончи туғилди. Ҳозирча эса қондага хилоф ёрдам – кадрдон уйига кириб ўтиш учун бир неча кунга рухсат сўради. Бувисининг Ғалабани қаршилаб, аммо набирасини кутмай вафот этганига ярим йил ўтди. Аттанг, унга айтадиган гаплари бор эди, насиб бўлмади... Онаси эса уруш пайти эски-туски бозоридан қайсидир камзулини егуликка айирбошлаб, қайтарида бомба остида қолган.

Шундай қилиб, бахтиёр, тақдирнинг эркаси ўз ватанига қайтаркан, бу ерда уни ҳеч кимса кутмаётган эди. Қўл-оёғи соғ, кўкрагида учта медал ва орденлар, елкасидаги погонларда капитанлик юлдузчалари...

Қадрдон шаҳарга беш соатлар чамаси қолганда вилоят марказидаги станцияда поезд туриб қолди ва бу ерда камида бир соат хаяллайди, деган гап тарқалди. Одамлар аччиқланиб, гувуллади. Кимдир мудрашда давом этди. Айримларни эса станциянинг чироклари мафтун этиб, ўша томонга юришди. У ҳам...

Ўша дақиқаларни у неча марталаб хаёлидан ўтказди. Мана, охорланган оппоқ бош кийим кийган, пешонасида эса гўё ёпиштириб қўйилгандек қўнғир жамалак сочли буфетчи аёл кулиб чой узатмоқда. Ана, у оёқлари ингичка стол – ёғоч қўзикорин ёнида ёлғиз турибди. Ўшандай бошка бир “қўзикорин” устида ёш оила, эркакнинг устида пахталик, аёл эгнида эса ўнгиб кетган пальто ва оқ рўмолча ўраб олган. Жунлари тўкилиб, қайси хайвоннинг терисидан экани ҳам номаълум уч-қулоқ телпак ва айни шундай, туксиз пўстин кийган, қўлида халта тутиб, соч-соқоллари ўсиб кетган аллақандай ғалати чол столлар оралаб юрибди. Бировдан ҳеч нарса сўрамайди, аммо халтасига биров қуритилган нон, бошкаси қайнатилган картошка солиб қўйяпти. Қариянинг худди дарё тошига ўхшаб йилтираб турган нигоҳи бир дақиқага – чўғни босиб олган одамда шундай бўлади – жойида қотиб қолди.

Бирдан қария қандайдир ўткир нарсага дуч келгандек, Федорга тикилиб қолди. Кўзларининг тубида телбавор бир дахшат кўзгалди. Қария оғриқдан букилгандек, эгилди ва хайқирди:

– Ўша сенсан! Сен отгансан! Мен сени танидим, разил фашист! Сен!

Бундан кейинги воқеалар ёмон тушни эслатади.

Жиннига ишонишди. Унга, Федорга эса – йўқ.

Жинни ўзларининг одами эди. У дахшатли отувнинг тирик қолган охирги гувоҳи бўлиб, ўша воқеадан кейин боякишнинг ақли озиб қолган. Одамлар ҳамон уруш асоратидан кутулишмаганди. Баъзан шаҳар кўчаларида соғлардан кўра хасса таянган, турли-туман аравачаларда бораётган кишилар кўпдек туюларди. Ҳамма жойда фашистларнинг қолган-қутган яширин жосуслари, полициячиларини қўлга тушириш давом этмоқда эди. Федорнинг ёнида эса немис соати, муковасида немисча ҳарфлар босилган, варақларига турли формула ҳамда рақамлар ёзилган ён дафтари бор эди... Ҳа, яна... Мэри Шеллининг чўнтак шаклидаги ўнгиб кетган “Франкенштейн” китобчаси ҳам бўлган.

Хужжатларига кўра ҳам у ҳозирда мазкур темирйўл станциясида эмас, Великие Лукидаги ҳарбий қисмда бўлиши лозим эди.

Великие Лукига қилинган қўнғирок ҳаммасига яқун ясади. Капитан Федор Станиславович Сапежинский хизмат жойига етиб бордимиз, деган саволга тетик бир овозда шундай жавоб беришди: хушёр бошлиқлар хотиржам бўлсинларки, фронтвиклар ичкаридаги каламушлардан фаркли ҳеч қачон кечикишмайди.

Полкдош ўзи ваъда қилгандек, ҳеч нарсадан хайикмай (ҳар доимгидек) сафдошлик ҳурматидан ҳатто ҳарбий уставни бузиб, ишни “суваётган” эди...

Бундай дўстона қахрамонлик Федор учун ҳукми англатар эди.

Шаҳарликларнинг ўзига нисбатан нафратини тушунарди. Кўпчилик уни ўз отасининг қотили, сингисининг жаллоди, ёш болаларни ўлдирган душман сифатида “тан олишди”... Ҳаётларини вайрон қилган

гунохкорнинг жазо топишини кўришга бўлган табиий иштиёқ ҳам ўзини кўрсатмоқда эди...

Кўкрагидаги медалларни юлиб олишгани негадир унинг ёдида сақланиб колди...

Буларнинг барчаси хато экани, эртами-кеч юзага чиқишини у биларди.

Аммо иш чаппасига кетгани ва энди умид йўқлиги тез орада маълум бўла бошлади. У оғир-босиқ бўлишга ҳаракат қилди. Ўзини уларнинг ўрнига қўйиб кўрди: керак бўлганда сотқинни ҳеч иккиланмай чаккаси-дан отиб юбормаганми?! Ўша сариқ сочли йигитчага, деярли ўсмир болага ҳам ачиниш ҳиссини туймаган. Бола кўлини кўтариб, хўрсинганча немислар томон ялиниб-ёлвориб, бир нималарни ғудуралиб бораркан, гўё одам қаторидан чиққандек...

Кейин эса ҳар куни (ёки ҳар кеча?) жосусларга қарши курашда синовдан ўтган терговчилар билан бир неча соатга алмашиб, шу аёл кела бошлади. Катта ёшдаги бакуват эркакнинг попугини пасайтириб қўйишни мана шу ярамас киз – Валентинага тўла ишониб топшириб қўйишгани унга жуда ҳам алам қиларди. У яқиндагина ўқишни битириб келган бўлиб, жангларда иштирок этолмаганидан ўта изтироб чекарди...

Ўртоқ Рабко ўзининг дастлабки топшириғини бажаришга стахановча ғайрат билан киришганди.

Федор ана шуларни қайта эсларкан, титраб кетди.

Мана энди қаршисида истагингни бажараман, деб турибди.

Федор тишларини ғижирлатиб, жим бўлди. Кейин совуқ оҳангда деди: – Бўлмаса, ечин.

Меҳмоннинг юзида ўзгариш сезилмади ва калтабақай бармоқларининг тирноқлари сингудек бўлиб, ҳўл шинелининг тугмаларини ечди... Шу ҳолатда у жим турган уй эгасига қараб, қўлидагини бир чеккага қўйди... Ечиш навбати кофтасига етганда бироз ҳаяллади:

– Факат... Бу ишларда укувим йўқ. Бунақаси...

Федор қиздан, ўзидан ва вазиятдан жирканаркан, сал бўлмаса, инграб юбора ёзди.

– Бас қил! Шайтоннинг урғочиси!

Унинг бақирғидан киз ўзидан кетаёзди. Кўркинчдан кўзлари косасидан чиқиб кетди, гўё.

Нима ҳам қилардик, у тўпчиларга командир бўлиб, замбаракнинг овозини босишга ўрганган.

– Тугмаларингизни қадаб олинг, ойим киз.

Худди биринчи май плакатидаги аёлга ўхшаш кизнинг ёноқлари кизарди. Уйнинг бўғиқ ҳавоси момақалдироқ олдидан бўладигандек, қуюқлаша бошлади. Федор тишининг орасидан ижирғанди:

– Демак, кечирганим белгиси сифатида сен билан нимадир иш қилишимни истаясан? Энди нима қилай, сенинг номусингга тегайми? Юзингни ёрайми? Бирор ўн соат тизангга ўтқизайми? Ёки отиб ташлайми? Нима дейсан?

Валентина чала ювилган тахта полга қараб ютинди.

– Ҳа. Аблахлигингни билиш қийин эканми?

У лабини тишлади.

Федор кескин давом этди.

– Ўзимни аблахга айлантириб, сени енгил тортирмайман.

– Бундай... билан мен энди қандай яшайман?

Шундай деб тиниқ кўм-кўк кўзлари билан тикилиб қолди. Ойим кизнинг бу даражада кўнгилчанглигини ким билибди, дейсиз.

– Қандай яшайсиз? – Федор кулди. – Мени сўроқ қилган хамкасбларинг қандай яшашмоқда? Нима сабабдан лейтенант Кравец ёки майор Тусклий бетимни ёриб ташланг, деган илтимос билан ёнимга келишмади? Ухлашяпти.

– ...

– Кечалари хотиржам-да. Улар сенга нима дейишди? Сизлар барчангиз, шунчаки ўз вазифамизни бажардик, деб ўйлайсизлар-да, шундайми?

– Шундай... – Валентина худди кофтасининг тугмаси айбдордай уни зарб билан айлантира бошлади. – Битга ҳақиқий кўпоровчи ёки соткинни ўтказиб юборгандан, ўнта айбсиз озор чеккани яхши, дейишди улар.

– Сен бундай деб ҳисобламайсан, демак? Менгача биронта ҳам айбсизни камашмаганига ишонасан, шундайми? Мен эса адашиб кўлга олинганларнинг сўнгисиман?

Ўртоқ Рабко тумшайиб тураберди.

– Билмадим...

Ташқарида эса шамол қутургандан қутурар, худди оч кушлардай ойнага ўзини урарди.

Одамлар ҳам шундай. Ўзларини асраш илинжида мафтункор ғоялар дунёси томон учадилар ва билишмайдики, уларнинг самимий интилишлари қаршисида тўсатдан кўринмас девор пайдо бўлиб, тақдирларини чил-парчин қилади.

Ҳар қандай хаёлий ғоялар девори ости укпарлар ва қон билан тўла. Иссиқ уйлардаги ўчоқ қаршисида фақат имтиёз эгаларигина ўз ҳақиқатларига кўмилиб, роҳат-фароғат қилишади. Ўзларини кўр-кўрона ойнага ураётганларга улардан шафқат йўқ.

Қиз бир оёғидан иккинчисига турди. Федор унинг чарчаганини сездди. Нима ҳам дердик... Гапни тугатиш керак. Ўтир, деб айтгиси келмади. Қизгинанинг омади чопмади – дастлабки топшириғи адашиб камалган уруш қахрамонига тўғри келиб қолди.

– Сиздан менга ҳеч нарса керак эмаслигини, ўйлайманки, тушунган бўлсангиз керак?

Валентина ҳўл сочларини силаб қўйди. Сўзлари бўғзида тикилиб, ниҳоят аввал хаёлда, сўнг овоз чиқариб деди:

– Ўз...ўзимдан кўрқиб кетяпман. Бошкага азоб бериш... Камситиш... Шунчалик... осон бўлиб чиқди.

– Бу ишни ҳали кўп маротаба бажаришингизга тўғри келади, – лоқайдлик билан деди Федор. – Кечирасизу, бу ўзингиз танлаган иш. Ўзингизда етарли қатъият сезмасангиз – кетинг!

Қиз ўжарлик билан бош чайқади:

– Душманларни кўргани кўзим йўқ. Фашистларга раҳм-шафқат қилмоқчи эмасман.

Федор ҳу наридаги бир пайтлар икона осиглик турадиган, хотирасида бояғидай сакланиб қолган бурчакка қаради. Ҳали бола экан, бувиси унга: “Бу – худойим, Феденька. У сахий, барчамизни асрагувчи” деб тушунтирганди.

– Инкилоб бўлган йили туғилганман, – Валентина унинг ҳар бир сўзини ёдда саклашга уринаётганини сезиб аста гапирди Федор – биринчи

марта жаҳл ва мазахсиз. – Мен Улуғ Октябрь билан тенгдош эканимдан фахрланаман. Бизга кулоқлар томонидан кийнаб ўлдирилган Павлик Морозов ҳақида ўн олти ёшимда, пионерлар саройида айтиб беришган. Ўшанда барчамиз Павликка хос бирон бир қахрамонлик кўрсатишни орзу қилганмиз. Эртасига ҳар биримиз умумий йиғилишда қариндош-уруғ ёки қўни-қўшниларнинг совет ҳукуматига қарши бирон бир ҳаракатини, айниқса, уйларида икона ёки бошқа ибодат ашёлари, советларга қарши адабиётлар ёки қурол-яроқ сақлаганларни фош этишимиз керак эди. Сўзлашга тайёрланар эканман, сабрим чидамай, турган жойимда ирғишлардим. Навбатим етгач, уйимизнинг қазноғида катта сандиклар борлиги, уларнинг бирида бувим эски-туски кийимларни, иккинчисида эса чет тилларда ёзилган аллақандай шубҳали қоғозларни сақлашини шоша-пиша айтдим. Бир сафар ўғринча кириб кўрганман...

Мактовлар эшитдим. Ҳарбий кийимдаги ўрток қўлимни узоқ силкиди ва пионернинг чин сўзи ҳақида гапирди... Мен бахтиёр эдим. Ўша куни кечда эса уйимизда тинтув бошланди.

Қоғозлар тўла сандикни пастга олиб тушишди. Қинғир-қийшиқ ёзилган бу сарғайган саҳифаларни бир жойга кўтарсангиз бўйим баравар бўларди.

– Полякларнинг ҳужжатлари! – эълон қилди тинтув ўтказганлардан бири ўз ишидан коникиб.

Бувим илгари мен пайқаманган бир овозда ушбулар полякча эмас, беларусь тилида ёзилиб, эрига, яъни менинг бобомга қарашли эканини уларга тушунтирмакчи бўлар, аммо беҳуда эди. Беларусь тили таъқиқлангани боис, лотин ҳарфларида ёзишган, нашр этиш имкони эса бўлмаган. Бобом гарчи, художўй бўлса-да, халқ ишига жон-фидо кишилардан эди. Уни Сибирга сургун қилганларидан сўнг қайтиб келмади, тупроғи ўша ёқларда қолиб кетди. Мулкларини эса мусодара қилишгач, бувим ёш кизи, менинг онам билан шаҳарга, кичкина бир ховлига кўчиб келишган... Мазкур қоғозлар беларуслар учун катта аҳамиятга эга... Ҳозир... буларни олиб кетишса, унинг учун иккинчи мартаба эрини олиб кетгандек бўлади...

Шуларни айтarkan, бувим кўз ёшларига кўмилди. Унинг аҳволи менинг ғуруримга бироз сув сеғди. Чунки бувимнинг йиғлаганини ҳеч қачон кўрмагандим.

Тинтув раҳбари қоғозларни варақларкан, буларнинг барчаси диний мавзуда эканини айтди. Ҳаммаси христиан саркитларини тарғиб қилади. Бобомнинг ер-мулки бўлган, демак, эзувчи синф вакили. Шундай экан, мана бу пўпанак босган уюмлар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Қоғозларни олиб кетишди. Улар ҳақида кейин ҳам ҳеч бир гап эшитмадик. Ўша воқеадан сўнг бувим мен билан бирон марта бўлсин гаплашмади. У... қатъиятли инсон эди. Бир замон келдики, мен тиллар факультетида ўқийдиган университетдошим билан суҳбатлашиб қолдим... У йўқ қилиб юборилган қоғозлар ҳақида эшитаркан, сал бўлмаса оппоқ сочларини юлаёзди. Ўта қимматли тарихий ҳужжатларни гумдон қилишганини айтди.

Нима иш қилиб қўйганимни улғайгандагина тушундим. Бироқ у пайт кечирим сўрайдиган ҳеч ким йўқ эди.

Валентина уй эгасига анграйиб қараб турарди.

– Аммо... Ўз бурчингизни бажаргансиз, холос. Сиз тўғри иш қилгансиз. Федор аччиқ кулимсиради.

– Ундай тақдирда сен ҳам тўғри қилгансан. Фашистлар ҳам ўзларини ҳақ билишган. Бизларни одам каторида кўришмаган. Мен Германияда эканимда концлагер худудида бўлдим... Биласанми, мени ҳаммадан кўп нима ҳайрон қолдирди? Тартиб. Тозалик. Тўп-тўпга бўлинган пальто, кофта, киркилган сочлар, болалар оёқ кийимлари... Уларнинг эгаларини ўшандай тоза крематорияларда катъий тартиб билан ёкишган. “Экскурсия”дан кейин тўхтаган уйимизда бир қари немисни этикларимизни тозалашга мажбур қилдик. Уни урмадик, ҳақорат қилмадик, босиб олинган славян тупроғида балки, унинг ўғли қилганидек, қулоғи остида тўппонча отмадик. Шунчаки тоза конли арийнинг ғайрат қилишини томоша этиб турдик, у эса кўрқувдан чанг-тупроқ кирзани тозалапти, тозалапти, тозалапти.

У ҳамда унга қўшни-бюргерлар ҳам ўзлари яшайдиган икки юз қадам наридаги бўялган тиканли сим девор ортида нима воксалар юз берганини билишмаган. Инсоннинг ҳайвонга айланиши ҳеч гап эмас. Ва у ўзининг ҳақлигига тез ишонади. Онамни олинг... Ниманидир айирбошлаш учун бозорга борганда... Демак у немислар орасида яшаган, нимадир ишлаб топган, сотган... Шундай экан, у соткин бўлиб чиқадими? Қоидага кўра шунақа-да, а?.. Хавфсизлик химоячиларимас, инсонийликка кўра-чи?

Қиз бирдан ўзгарди-қолди. Ҳеч бир асабийлашмасдан ерда ётган ҳўл шинелини даст олиб кийиб, этакларини тортиб кўйди. Тугмаларини қадади ва тунд бир алпозда қаддини кўтариб кўйди. Федор сесканиб кетди... У қаршисида ўзига азоб бериб лаззатланган, жирканчли нафрат билан муносабатда бўлган жинси йўқ хизмат одами – аввалги КГБ ходимасини кўриб турганди...

– Тутган йўлим тўғри экан. Шубҳаланиб ўтирибман-а, телба. Сен эса... давлат хавфсизлик кўмитаси ходимларини фашистлар билан қиёслаяпсан?! Яна бу фронтвик эмиш... Панларнинг уруғи, бошқа ҳеч қиммас!

Шундай деб у Федорнинг қўлидан ўзининг “васиятномаси”ни тортиб олди.

– Шошмай тур, сен нотўғри тушундинг...

Жавоб ўрнига эшик қарсиллаб ёпилди.

Федор орқа суянчиғи ёғочдан туғро шаклида ишланган курсига ҳолсизланиб ўтираркан, худди ёш бола каби сўроқ пайтида жароҳатланган кўлини кўкрагига босди. Ҳатто лўкиллаётган синчалоғидаги оғриқни босиш учун курсини тебрата бошлади. Чакагинг очилиб кетди-я, жинни. Дардингни тўкишга топган одамингни кара-я. Ҳасрат, укам, яхшиликка олиб бормаиди...Шаллақини аяб ўтирибсан. Урушда осонроқ эди... Ўйлаган ўйи ўзига шундай фитнакор туюлдики, Федор бу алаҳлашдан қутилиш учун бошини сараклатди.

Олиб кетгани эртаси келишди. Бу сафар адашишмади. У ўзи учун жавоб беришга мажбур. Уни бор бўй-басти билан сўроқ қилишди. Капитан Сапезинскийга Великие Лукини кўриш тақдир этмади. Ҳар ҳолда озкўпи билан озодликдан маҳрум этилган ўн беш йилгача. Тергов даврида Валентина Рабко билан юз кўришмади, аммо чақувлардан келтирилган иқтибослардан унинг овози эшитилиб турарди.

...Минск-Москва поездда чой тўлдирилган киррали стаканлардаги якрагн қошиқчалар “тил”га кирди. Кўп сонли йўловчилар орасидан кимдир куз кечаларига тикилганда юракка ғулу солувчи ҳасратни шунчаки хайдаш учун ёки уйқусизликни сезиб уйдан олиб чиққан колбасали нон, бир пайтлар Ильф ва Петров томонидан қуйланган димлама товукни дастурхонга ёзади... Шунингдек, яккаш нон чайнамаслик сабабидан ёнига солиб олган бошқа майда-чуйдаларни ҳам чиқаришади.

Купедаги ёши ўтган, бақувват бир йўловчи арпадан тайёрланган қахва билан кифояланди. Биринчидан, поездда табиий қахва йўқ эди. Иккинчидан, у чойни хуш кўрмасди. Қошиқча билан қахвасини аралаштирар экан, унинг синчалоғи йўқлигини пайкаш мумкин. Ёшига қараганда уруш кўрган эркак бўлганидан ундаги ярадорга хос белгилар ҳеч кимни ажаблантирмайди. Аммо у купеда ёлғиз эди. Деярли оқарган сочлари калта қирқилган, бутун жисмидан сокинлик уфуриб турибди: елкалари бақувват, суяклари бўртиб турган юзлари ёйиқ, диққат билан боқувчи кўзлари коп-кора... Айниқса, йўғон танаси кўзга яккол ташланади. Балки бу унинг эғнидаги пиджагини ечиб, купе бурчагидаги ёғоч илгакка осиб қўйгани ва томоғигача ёпиб турган юпка энгилда (бундай кийим-бош Совет Иттифокида ҳали урф бўлмаган эди) эканидан бўлса ажаб эмас. Йўловчи қахвасини ичиб бўлиб, шу жойнинг ўзида стол устида турган бир тахлам қоғоз жилдларга махзун кўз ташлади. Конференцияга яхшилаб тайёрланиш имкони бўлмади. Демак, бу материалларни ҳозир кўриб чиқиси лозим. Тўйиб ухлашга яна вақт йўқ...

Купе эшиги тақиллагандай туюлди ва шу заҳоти гилдираб очилиб кетди. Остонада ифодасиз ялпоқ юзли, шунга ўхшаб ҳеч нарсани англамай диган катта-катта, ялтироқ кўзли, бутун йўғон танаси қандайдир қаттиқ жисмдан қуйилгандай проводник аёл баланд овозда сўради:

– Чойшаб оласизми?

Купенинг ягона хожаси эса гўё ҳозиргина сохта деб эълон этилган буюк рассомнинг илгаритдан таниш картинасини синчиклаб текшираётган санъатшунос каби вагон бекасига негадир жим қараб колди.

– Ҳой киши, вақтимни олманг! Олмоқчи бўлсангиз, бир рубль эллик тийин.

Темир аёлнинг сўзлари йўловчини хушига келтирди. У бурчакда илиғлик пиджагидан катмонини олди.

– Пулни, хурматли йўловчи, жамоат жойларида ёнингизда ушланг. Одамлар арзимас бир нарсаси йўқолиб қолгудек бўлса, дарров вагон кузатувчисига ташланишади. Улар ҳамавақт кимнидир айбдор қилишга уста...

Проводник аёлнинг шанғиллаган овози йўлакдан келар, кейинг купени тақиллатгани ҳам эшитилди...

Федор юзини қўллари билан ёпди.

Танимади... Ёки танимаганга олдими? Унга қараб билиб бўлармиди...

Энди уларга нимани ҳам айтасан? Балки ўртоқ Рабко ҳозир, ўзининг чақувидан сўнг у қачонлардир бобоси сургун қилинган Сибирда олти йил ўтириб келганидан кейин қайта кечирим сўрашни истаб қолар? Йўқ, бу аёл тавба қилмайди. Аксинча, ёшликдаги бир лаҳзалик иродасизлиги туфайли виждон азобидан қутулса ўлишга ҳам рози бўлиб “Менинг ўлимимда ҳеч кимни айбдор қилмаслигингизни сўрайман” деган маз-

мундаги тилхат билан тергов қилинаётган одамнинг уйига борганига халигача афсусланса керак.

Балки... давлат органларининг янглишмаслигини исботлашни бугун ҳам хоҳлаб қолар?

Жирканч совук кўркув юрагининг аллакаерида шиллиқуртдай ғимирлаб қўйди. Ана, афтидан унда хориж буюмлари борлигини пайқади. Братиславага сўнги бор қилган сафари чоғида ватандош-муҳожир билан ўша кераксиз ва очик-ойдин суҳбат бўлиб ўтган эди... Кейин Сапежинский ўзи билан борган илмий гуруҳ ҳақида ёпик ҳисоботида – нима деб ўйлагандингиз, мабодо у шундай қилишга рози бўлмаганида хорижга чиқаришармиди – ана шу суҳбатдан ташқари барча касбдошлари ҳақида чин дилдан ёзиб берди. Орадан вақт ўтиб эса ўша хорижликдан унга ўтмишни эслатадиган совға – беларусь тилига таржима қилинган “Франкенштейн” номли романни олиб келишди. Совғани миннатдорлик билан қабул қилди. Яна тарихчи ошнасининг илтимоси билан диншунос ва кўзғолончи бобоси ҳақида ҳамма билганлари ёзилган эсдаликлари ҳам бор. Жуда ҳам оз, онда-сонда бувисидан эшитган гаплари, бобосининг коғозларидан ёдида қолган айрим фикрлар, китоблар номлари... Ўша дўсти айтдики, булар ҳозирча туриб туради, вақти келганда... Бировга кўрсатмасликка ваъда берди...

Айбсиз парвардигор... Мана энди оддий проводник аёлнинг чакуви билан Люблинга сафар ҳам тугайди...


Унинг ҳамма ишлари оқибати яхшилик билан ниҳоя топди. Лагерда жазони махсус техник-бюрода ўташига тўғри келди. Илмий билимлари, тўпчилик тажрибалари ва албатта, омади чопди: унинг соҳаси бўйича мутахассис зарур экан. Кейин эса Сталин вафот этгач, эллик учинчи йилдаги ўзгаришларда озорликка чиқди. Оқланиш, университет...

Ўртоқ Рабконинг эса “ишлари” афтидан, юришмаганга ўхшайди... Ҳеч бўлмаганда майор ёки подполковник даражасига етгандир, деб юрарди у.

Поезд худди кул меҳнати учун жон киритилган темир Франкенштейн каби нолиганини ҳам ёки қарғанини ҳам англаш қийин бир тақлидда ўзининг бир хил қўшиғини айтиб келмоқда. Унинг механик ҳаракати, темир юраги билан зулматга тикилган машинистнинг ҳам, гўё ўз-ўзидан учиб бораётган мана шу уй бир неча юз одам учун вақтинчалик бошпана бўлиш баробарида Харон қайиғи мисоли охиргиси ҳам бўлиб қолишини хаёлларига келтирмай, хотиржам ўтирган йўловчиларнинг ҳам ишлари йўқ эди.

...Поезд Беларусь вокзалининг Лета соҳили каби тунд тўхташ жойига келаркан, мудроқ қалбларни битта-битта тупириб ташлади. Эғнида плаш, қўлида портфель, бошидаги шляпасини кўзигача босиб қийиб олган Федор Сапежинский проводник аёл ёнидан қисилиб ўтди... Бироқ нигоҳи ўз-ўзидан бошқа томонга сирпанди. Во дариг: қизил байроқча ушлаган қалта қўлининг синчалоғида тирноғ йўқ эди.

Федор “Правда” газетасига ўралган, муковасидаги готик ҳарфларигача ишқаланиб кетган китобчани вокзалнинг ёруғ қисмидан наридаги ахлат қутисига ташлаб юборди.



Олег ЖДАН

(1938 йилда туғилган)

САЁХАТ

Анна Васильевна ҳар йили сентябрь ойининг иккинчи ярмида кенжа синглизини Марияни даволаниш учун Пятигорск шаҳрига, учинчи синглизини Мартаникига йўллар эди. Ҳар учовчи ҳам шундай ёшда эдики, касалликлар доираси торайса-да, аммо оёқ курғур кўп панд беради: масалан, автобусга тиззалаб чиқиб, ундан орқа билан тушиларди – бундай ёшлик пайтава-ю, бошмоқни ёдга солар; аммо Анна Васильевна даволанишни истамас-ишонмасди, Мария эса ишонар, чунки кунлардан бир куни у хосиятли туш кўрган.

Тушлар тўғри келмаслигини Анна Васильева унга уқтирган, аммо қандай тўғри келмаслиги мумкин, қачонки, бир куни хавода учиб бораётгани тушига кирди ва орадан бир ой ўтиб оёқлари шундай оғрий бошладики, кўзларидан тиркираб ёш оқди; болалигида кўрган тушичи, ота-онаси унга қараб гўё оғизларини очишиб, лаб-лунжларини қимирлатишади-ю, бироқ сўз дейишмайди ва орадан бир ой ўтиб у, Мария тиф билан касалланади, кейин эса қар бўлиб қолди.

Шу гаплардан сўнг Анна Васильевна ҳам ўзиникини маъқуллаб ўтирмади.

Тушида доим учиб юради. Бироқ энди бу тушлар яхшиликка эканини Мария билади.

Одатда йўл-йўлакай ҳамроҳлар учрарди. Бироқ бу сафар улар йўқ. Мана шу нарса ахволни мушқиллаштирди. Чунки Пятигорск шаҳригача автобус ва поездни ҳисоблаганда уч жойда чиқиб-тушади. Энг тўғри йўл сафарни қолдириш эди, аммо бу саёхатни Мария жуда интиқ бўлиб кутаётгани сезилар эди. У ҳақда тинимсиз гапирар, жўнаш куни яқинлашган сари кайфияти ҳам яхшилана борди. Энди уни қолдириб бўлмасди. Анна Васильевна синглизини жўнатишга қарор қилди.

Умуман олганда Мария ўзининг нотанти қисматига қарамай, хуш-чақчақ аёл (“мени ҳамма яхши кўради, чунки мен ёш ва қувнокман”), аммо бир хафа бўлса ҳафталаб, балки ундан ҳам кўпроқ ёзилмас эди.

“Белые Горы” бекатигача Анна Васильевнанинг ўзи кузатишга қарор қилди, Старогородда укаси Костя, Киевда эса жияни Толя, Пятигорскда синглизининг ўзи кутиб олади.

Режа мураккаб эди. Шундан Анна Васильевна иккиланар, Мариянинг ўзи эса бундай мустақил сафардан хурсанд ва опасини тинчлантиришга уринарди.

Йўлга чиқиладиган кечаси Анна Васильевна мижджа қоқмади. “Мен нима қиялман ўзи? – ўйлар эди у.– Худо кўрсатмасин, бирор фалокат... Ўзимни ҳеч қачон кечирмайман”.

Фақат қаттиқ ухлаётган Мариянинг бир маромда, чуқур нафас олишигина афтидан, уни тинчлантириб турарди.

Анна Васильевна чўчиб тушди, сездики, кўзи илинибди. Соатга қараб, жўнаш вақти келганини пайқади. Марияни елкасидан туртди, у ҳам тезда уйғона қолди ва қаравот четига сурилиб кела бошлади: унинг оёқлари билан қаравотдан шунчаки тушиб бўлмас эди.

Автобус жўнашига ҳали икки соат бор эди, аммо хона бўйлаб ҳассаларини тўкиллашиб юришар экан, нонушта килишга ҳам вақт қолмади. Курук иссиқ чойни ҳўплашди-да, ҳассаларини бурчакка тираб (кўчага улар билан чиқишга уялишди), кейин жўнашди... “Қани, судралдик”, – деди Анна Васильевна, – оғрик ва аҳволнинг кулгилигидан кўзлари жикқа ёшга тўлиб.

Ёш эркак ҳайдовчи уларга қизиқиб қаради:

– Қари аёлга остона ҳам печкага чиқишдай гап! – деди.

Шаҳардан чикавериш ўнқир-чўнқир бўлиб, йўловчилар тутқичга маҳкам ёпишганларича, навбат билан бир-бирларининг устларига энгашиб боришарди.

“Ростдан ҳам кулгили, – ўйлади Анна Васильевна. – Юмалашмоқда...”

Анна Васильевна тез-тез ўзининг қарилигини уришар, ғамгин тортиб – нима ҳам дердим, унда ҳеч бир яхшилик қолмабди, дея алам билан нолиб қоларди.

Тонгги катнов эди. Йўловчилар мудрай бошлашди. Анна Васильевна атрофга қараб, яна хавотир ола бошлади. Ниманидир ҳисобга олмагандай туюлди. Синглисига қаради – у ҳам мудғи билан курашар эди, гўё. “Ҳавасимни келтиради”, – ўйлади у. Мария деярли ҳар доим мулойим. Аммо бу сафар адашиш ҳам ҳеч гап эмас. Зотан, аҳвол канчалик хавотирли бўлса, унинг юз ифодалари шунчалик катъий ва ҳаракатлари секин эди. Гўё аъзолар ўзининг нотавонлигини англаб, шошилишдан асраётгандек.

“Белые Горы” гача ўттиз беш чақирим бўлиб, Анна Васильевна синглиси билан юз бериши мумкин барча ҳолатларни йўл-йўлакай ўйлаб оламан, деб умид қилган эди, аммо майда-чуйда хаёллар унинг диққатини бўлди.

“Белый Горы”да эса бошқа машинага ўтириш вақти қиска – бор-йўғи йигирма беш-ўттиз дақиқа бўлиб, чипта сотиб олиш ва ҳайдовчилар билан Старогородга боргач, Марияни Советская ҳамда Октябрская кўчалари кесишган чорраҳада тушириб қолдиришни келишишга етар эди, холос. Укасининг уйи чорраҳадан икки қадам нарида. Бу ерда Мария бир неча марта бўлган ва топиб боришини катъий туриб ишонтирди. Афтидан, дабдурустдан бориб, укасини хурсанд қилмоқчи шекилли...

Вақт етди. Қайта ўйлашга фурсат йўқ. Анна Васильевна синглисининг кўзларига сўров назари бокди:

– Қўрқяпсанми?

– Йўқ... – бошини сараклатди Мария.

Бирок Анна Васильевна унинг юзида аллақандай тушунарсиз тараддуд ифодасини кўрди. Ва ўша дамда нима бўлмасин, телеграмма жўнатишга қарор қилди. “Ҳечқиси йўқ, азизам”.

– Бора қол, жойингга ўтир...

Шу пайт кўйлақларининг энглари билақларигача шимарилган, қўл ва бўйинлари, ҳатто куюк сочларигача офтобда куйган ёш, бакувват

хайдовчилар диспетчер хонасидан чиқиб келишди. Негадир улардан одам хуркир эди. Чапанича кувноклик билан кузатувчиларга қарашаркан, улар орқага тисарилишди.

– Йигитлар, марҳамат килиб, эслаб қолинглар...

– Қўрқма, онажон, бизга демокдан Буэнос-Айрес бўлмайдами!

Анна Васильевна хавотир билан кулди.

– Буэнос-Айрес керак эмас, – деди ўзини тутиб, – Советская билан Октябрьская бурчагида...

– Кампиршо бизни жинни деб ўйлапти шекилли.

Эшикнинг кулфи катъий ёпилди. Анна Васильевна орқага чекинди, нигоҳи билан сингисини кидирар экан, шу пайтнинг ўзида маъюс тортиб, юраги сиркиради: Мария унга бутун борлиги билан тикилиб турарди.

Мариянинг аҳволи яхши эди. Ҳа, автобус ўрнидан қўзғалган ўша пайтда у хавотир эмас, қўрқувни хис этди, буни опаси ҳам сезди, бироқ шаҳардан чиқишгач хотиржам тортди.

Даволанишга боришни Мария бундан ўн йил олдин бошлаган эди. Оёқларининг оғриқлари йўқ бўлди, деб айтолмайди, аммо бу саёҳатларнинг бошқа бир жиҳатлари ҳам йўқ эмасди: у ердан бахтиёрроқ ва ёшариброқ қайтар, гўё унда яшашга иштиёкни янгилловчи қандайдир манба бордек.

Уйга қайтар экан, даволаниш яхши ёрдам берганига опасини ишонтиришга уринар, тез кунда духовой оркестр остида рақсга тушиш учун шаҳар боғига боришини айтарди. Фақат яна бир-икки, боринги, уч марта даволанса кифоя.

Бундай бориб-келишлар анча-мунча харажат талаб қилишини у яхши тушунар, шу боис ҳам йил бўйи ҳамма нарсани қисиб-қимтиб ишлатар, зотан, унинг ўн олти рубллик нафақаси билан йўлнинг бир бошига ҳам боролмас эди.

“Ҳамманинг нафақасини оширишди, – ўйлади у автобусда бораётиб. – Мартанинг нафақаси ўттиз етти рубль эди, қирқ беш бўлди. Мени эса ёддан чиқаришди. Ишламаган эмишман... Қанақасига? Соат олтида туриб, кеч ётган бўлсам...”

У хар сафар Старогород оркали юрарди. Укаси озрок бўлса ҳам пул берса қайтармас эди. Бундан хабар топган Анна Васильевна уни уришар экан, Мария кулиб: “Ҳечкиси йўқ, – дерди. – У кўп олади, мен эса оз оламан. Бунинг устига мен унинг опасиман”.

Орадан ярим соат ўтиб, Мария хотиржам тортигина эмас, атрофга хурсанд қарай бошлади. Ўзининг Мартаникида сўнгги бор бўлган кунларини, бурунбойнинг унга қилган таклифини эслади.

Мартанинг эри ўлганига бир неча йил бўлган. Кейинги пайтларда унинг олдига истёфодаги бир полковник тез-тез келиб, ўзига турмушга чиқишини, қолган умрларини бирга ўтказишни таклиф қилар эди. “Менинг ёшимда бундай нарсалар ҳақида ўйлаш, албатта, ножоиз, – деб ёзган эди Марта, – бироқ бошқа жиҳатдан қараганда, эртага нимадир бўлса, оғзимга ким сув томизади?..”

Анна Васильевна сингисининг иккинчи маротаба турмуш қилишига қарши эмасди, аммо Мариянинг сўзларига кўра, полковник дастурхонга виносиз ўтирмайди, оладиган нафақаси эса ярим ойга етмай тугайди, шуларни ўйлаб Анна Васильевна қандай маслаҳат беришни билмасди.

Полковник баъзан ошна-оғайнилари, кўпинча битта семиз гуржи билан ташриф буюрарди. У ҳам қари бўйдоқ эди. Гуржининг кизик одатлари бўларди: ўзига қараган одамга кўз кисар, кўзларини ола-кула қилиб қўрқитарди.

– Менга турмушга чик!

– Йўқ! – катъий жавоб берарди Мария.

– Нега?

– Сен бурунбойсан, бунинг устига қарисан!

Ҳаммалари кулишарди.

Кейин ичишарди. Мария одатга кўра бундай машгулотни қораласа-да, бироқ бир-икки қадахни сипқориб, худди ичиб маза қилгандек, лабларини чўччайтириб ҳам кўярди.

Бурунбой эса ичишдан олдин ўрнидан туриб афтини бужмайтирар, ўзини худди винодан жиркангандек ҳаракатлар қилар, лекин қадахни бир кўтаришда сипқориб, устиконнинг остини ўпиб кўярди.

– Ичкиликбоз! – дерди Мария унинг қилиғига қараб.

– Йўқ! – бақирар эди гуржи. – Ўта яхши одам!

Мария автобусдаги йўлдошларининг унга ҳайрон қарашларидан қизариб, қулиб борар экан, олдинда турган йўл ва умуман ҳаётидаги қийинчиликларни унутиб ана шулар ҳақида ўйлади.

“Мана мен ўламан, – деди бир куни Анна Васильевна, – нима қиласан ўшанда? Опангникига борасанми, уқангникига ёки ўғлим Витяникигами?”.

Мария бир дақиқагина ўйлади ва “Мен ҳам ўламан” деб жавоб берди.

Автобус тез эди. Мария олдинга қараб борар, ростдан ҳам гоҳ у шаҳарчани, гоҳ бу посёлкани таниб қоларди. Қайрилишда четан дарахтини кўриб, “оҳ”лаб юборди: бу ўсимлик ўтган йили ҳам шу йўлда учраган, фақат унда ёркинроқ эди, балки ўша куни қуёш қарақлаб турганидан ярақлаб кўринган бўлса, ажабмас. Анави туман кўпириб ётган ўтлоқ ёки ху, наридаги анҳорми, кўлми, буларнинг барчасини илгари кўрмаган бўлса-да, аммо айнан ана шу нарсалар унда бир қур хотираларни уйғотди. Буларнинг ҳаммаси уни ўйга толдирар, афсуски, шу лаҳзаларда ўзи ёлғиз ўй сурган пайтлардагидек, қўлларини ёзолмайди.

Шундай бир пайтлар бўлдики, Анна Васильевнани Пятигорскка кўчиб кетишга астойдил кўндира бошлади. “Илик. Қишда ҳам, ёзда ҳам давола-намиз”. Ҳа, Анна Васильевна эсини танибдики, қишда пақир ёки бошқа жиҳоздаги музни синдириб, кейин сув олишган, бет-қўлларини ювишган. “Уйни нима қиласан?” – сўради опа. “Сотамиз”. – “Боғни-чи?” – “Бир йилда йигирмата олма керакмикан...” – “Қабристонни-чи? Қабрларга ким қарайди?” – “Шундоқ ҳам биз у жойга қатнамаяпмиз...” – деркан у тилини тишлаб қолди: бундай гапириш яхши эмаслигини тушунди. Қабристонда оиланинг бир неча авлоди ётибди.

Бундан ташқари, Пятигорскда яшайдиган жойнинг ўзи йўқ. Марта бор-йўғи битта хонага эга. Ошхонадаги битта плита устида учта оила қуймаланади. Тўғри, итғифокликлари бор. Бирларида бўлмаса, иккинчилари ёрдамга келади: бундай айтганда, бир майизни учга бўлиб ейишади.

“Маъқул эмас!” – деди Мария.

“Лекин коммунизмга яқинроқ”, – жавоб берди Марта.

Марияга “коммунизм”ни тушунтириш жуда осон: бу тушунча унга қизил ранг орқали англатилади, қизил рангни кўрсатиш учун эса

бармоқни лабга тегизсанг бўлди... Маъно анча мураккаб, аммо буни Мария тез илғаб олади.

Қўшнилар билан Мария яхши таниш эди. Келган куниёк, эшикни дадил очиб, ҳамма билан бир чеккадан ҳол-аҳвол сўрашар, соғ-саломатлик ҳақидаги сўзларини у юз ва қўл ҳаракатлари орқали кундалик жараёнлар ҳамда ходисаларга ўхшатиб англатар эди. Шу боис уни тушуниш осон кечарди. Ўрта яшар, тўла, тилла гардишли кўзойнак таккан чиройли даволовчи шифокор ҳам уни танир, кулиб қарши олар ва ёнига бориб ўтирар эди. Барча айтганларига чин дилдан ишонгани ва атрофидагиларни ҳам кундан-кун соғайиб бораётганига ишонтиришга урингани учун ҳам шифокор Марияга хайрихоҳ эди.

– Мария Васильевна, аҳволлар қандай?

Мария лабларни ўқишни билмасди, аммо ички бир сезги ва фаҳм-фаросати ила шифокорнинг муддаосини тушунарди. Саволга дадил ва соғайишига ишонч билан жавоб қайтарарди.

Бир сўз билан айтганда, унинг таниш-билишлари анчагина эди. Шу боис ҳам подадан олдин чанг чиқариб, хавотир олишга ҳожат йўқ. Хайдовчилар ҳам тез-тез орқаларига ўгирилиб, қараб-қараб қўйишади, демак, Старородга етгач, уни Анна Васильевна айтган жойда тушириб колдиришни унутишмаган. Мария бўлажак учрашувни ўйлаб, яна кулиб қўйди. Опа-ука бир-бирларини яхши кўришарди. Кам учрашганлари туфайли, укаси унинг “тилини” унутган бўлса-да, нима демокчи эканини Мария кўзларидан тушунарди. Қолганлари учун эса киссасида опаси ёзиб, 1 сони қўйилган хати бор. Иккинчи мактуб Мартанинг номига, учинчиси бирор кор-ҳол юз берса у ёки бу одамга мурожаат қилиб ёзилган.

Мариянинг келаётгани ҳақидаги телеграммани Евгения Борисовна олди. Мехмон ташрифи ва яна телефон қилиш учун сабаб туғилганидан хурсанд бўлди. Айниқса, куннинг биринчи палласида ёлғизликдан тарс ёрилай дейди.

– Костягинам, сенми? – деди куёвига сим қоқиб. – Эшитдингми, янгиликни?

– Йўқ, – жавоб берди Костя, одатига кўра қайнонасининг яхудий шева-сига тақлидан. – Билмайман.

– Хушxabар! – деди овозини кўтариб Евгения Борисовна. – Сен унчалик банд эмасмисан?

– Сиз-чи? – сўради Костя.

Бу қиликни у Тоняга уйланган давридаёқ бошлаган эди. Бошида Евгения Борисовна хаффа бўлиб юрди, кейинчалик ўрганиб кетди. Нима демайин, Костя қизимни ўта яхши кўради, деб ўйларди у.

– Машенка келяпти! Анягинадан телеграмма олдим.

Евгения Борисовна ҳамма нарсани эркалаб сўзларди: некбин эди. Бошқалардан ҳам, ўзига бўлмаса-да, ҳеч йўғи болаларига ўшандай яхшилик қайтишини кутарди.

– Нахотки?.. Мана буни янгилик деса бўлади! – хурсанд бўлди Костя. – Қачон?

– Бугун!.. Факат, ғалати... “Мария Белье Горы – Минск” автобусида боряпти. Советская-Октябрьская кўчасининг бурчагида кутиб олинглар...” деб ёзибди.

– Бунинг нимаси ғалати. Шундок уйнинг ёнида. Сизнингча, бу ғалатими?

- Шундайку-я, лекин...
- Келиш вақтини аниқлаб, ўн дақиқа олдинроқ чиқиш керак.
- Лекин...
- Унда ярим соат олдин... Бўлдимми?
- Бўлди... – хўрсинди Евгения Борисовна.

Йўқ, кизига бошка эрни истамайди, ҳеч қачон.

Шундай бўлса-да, бари бир озгина руҳи тушди. Хонада у ёқ, бу ёқка юрди, ўтирди. Унинг ҳам оёқлари оғрир ва у ҳам даволанишни ёқтирмас эди. Ичидан яна бир хўрсиник келди, кейин телефон гўшагини кўтарди.

– Тонягинам, сенмисан? – деди. – Бу менман...

– Эшитяпман. Нима дейсиз?

Кизининг овози анчайин куруқ (у онасининг иш пайтида сим қоқишини ёқтирмасди) эса-да, тўсатдан Евгения Борисовнага жон кирди.

– Тонягинам, бу ерга телеграмма келди...

– Аняданми? Хабарим бор.

– Қанақадир ғалати... теле...

– Ғалати-палати эмас, ойи, вокзалга боришнинг ҳожати йўқ.

Евгения Борисовна бу гапни эшитиб, телефон устида анча туриб қолди.

“Нима ҳам дердим, улар ёш ва ақлли” – ўйлади у.

Қачонлардир, йигирма беш йиллар нарида теварак-дунё унга жуда қизиқ туюлар эди. Бу уруш тугаган йили юз берди: тўсатдан сезиб қолдики, у аввалгидан бошқача экан.

Бундай кашфиётни бирмунча кейинги авлодлар ҳам ўзларида сезишди. Шундай бўлиши ҳам керак эди-да, ахир ўтган йиллар мобайнида худди ана шу умид билан яшашмадимиз, аммо унинг қандайлигини ҳеч ким билмасди.

Мария эса ҳаммадан кам биларди. Одамларнинг юз-кўзларидан қандайдир ўзгаришлар даври келганини сезар, хавотирга тушар, ўйлар ва ҳар бир одам ўз-ўзича эмаслигини, балки бир бутуннинг қисми эканини тушуниб қолди. Шунинг учун ҳам ўзининг мавжудлигини бошка одамларнинг мавжудлигига нисбатан аниқлаб олиши муҳимдай кўринди.

Буни бошка одамларнинг тасдиқи орқали тушуниш осонроқ туюлди. Шунда у укаси билан мулоқотга кирди.

– Мен қанақаман? – сўради у бир сафар.

Ука саволни тушунмади.

– Мен ёмонманми?

– Э, йўқ, – деди Костя. – Сен яхшисан.

Бошка сафар эса мулоқотни обдон ўйлаб олди.

– Мен қари ва хунукманми? – деди Мария.

– Йўқ, – эътироз билдирди ука. – Сен ёш ва чиройлисан. Мен сенга қараб ўтиришни яхши кўраман.

– Одамлар-чи, улар қанақа?

– Ҳар хил. Баъзилари чиройли, бошқаси – йўқ.

– Улар мен ҳақимда ҳам гапиришадими?

У одамлар хусусида кўп ўйлар эди. Улар ҳам мен ҳақимда ўйлашармикан? Табиий савол.

Ука ниҳоят айтмоқчи бўлганларини битта сўзга жамлади:

– Улар ҳаммадан яхши эканингни айтишади.

Мария хурсанд бўлди. Укасининг шундай дейишини билар эди. Ўша кундан эътиборан у ўзини бахтли сеза бошлади, зотан ўзининг ўзгалар билан тенг, балки айрим одамларга нисбатан устунроқ эканига тасдик олди.

– Мана бу кўйлакни ағдариб тикса, худди янгидай бўлади,– деди бир куни опасига.

Анна Васильевна унга қараб ўйлади, ўзи хали қирққа ҳам қирмаган, синглиси эса ундан ўн ёш кичик.

– Яқшанба куни бозорга бориб, сенга янги кўйлак сотиб оламиз.

Мария ўзининг тақдири олдиндан маълум эса-да, барибир унга қизик туюлар, одамнинг битта камчилигини бошқа фазилатлари ювиб кетади, деб ҳисобларди.

– Менга қанча иш қўп бўлса, шунча яхши,– дер эди.

Яна бир сафар эса укасига шундай деди:

– Нега уйланмаяпсан?

– Ҳали ёшман.

– Янада яхши. Бир-бирларингни севиб яшайсиз.

– Ўқиш керак.

– Ўқинглар!.. Бола туғилса, олиб келиб берасизлар. Мен қарайман.

Костя ёшлигига бориб, унутди, аммо Мария орадан бир неча кун ўтгач бу ҳақда унга эслатди.

– Йўқ, олиб келма. Таътилда келмаса агар, бошқа пайт ўзларинг билан яшагани дуруст, мен нотавон гапиришни билмасам, уни нимага ҳам ўргатар эдим?

Анна Васильевна баъзан синглисига разм солар экан: “Уни эрга берсам, яхши бўлармиди”, дея ўйлаб қоларди. Аммо бунинг имкони йўқ эди, сабаби шаҳарда икки нафаргина гунг-соков бўлиб, улар ҳам гапирадиган аёлларга ўйланиб кетишган.

Анна Васильевна кўпинча Мариянинг гунг бўлиб қолганига сабаб қилиб ўз вақтида шифокорларга мурожаат қилишмаганида, деб ўйлайди. Қасаллигининг дастлабки пайтларида маблағ бўлмади, бўлганда нима, қаёққа ҳам боришар эди. Ўз-ўзидан яхши бўлиб кетади, деган умид ҳам йўқ эмасди.

Бора-бора қасалликка қўниқиб ҳам қолишди, бу ёқда эса уруш бошланиб кетди.

Анна Васильева бахтини синаб кўрмоқчи бўлди. У синглисининг қасалини бир варақча батафсил ёзди-да, Соғликни сақлаш вазирлиги манзилига буюртма хат қилиб бир ахволда жўнатди. Ана шу дақиқадан умид ўса бошлади. У шу даражада қучайдики, соат сайин ҳаяжонга солди ва “Сизнинг хатингиз илмий-текшириш институтига жўнатилади...” деган мазмунда жавоб олинган куни эса ҳеч бир асоссиз ўша умид сўна бошлади. Қасаллик ўтиб кетгани боис жарроҳлик йўли билан даволашнинг иложи йўқлиги, бошқа усулларга институт ҳозирча эга эмаслиги хусусида хабар келганда умид бира тўла сўниб бўлганди. “Хайрият ҳам унинг ўзига айтмагандим”, деб ўйлади Анна Васильевна ёқимсиз қўқ конвертни гижимлар экан.

Албатта, Мария қулоғи соғ кишиларга ҳавас қиларди, аммо улардан кўра ҳам бармоқ тилида сўзлаша оладиган қар-соқовларни кўрганда юраги қинидан чиқиб кетарди, гўё... Шаҳарда ўшандай мактаб бўлиб, унинг

ёнидан ўтаркан, Мария, уларнинг ҳис-ҳаяжонга тўла имо-ишоралар билан сўзлашаётганларини кўриб жунбушга келарди.

Бу мактабда ўқиш унга nasib этмади: ёшлигида бунга имкон бўлмади, урушдан сўнг эса қари, деб олишмади.

Синглисининг келажигага жавобгарлик ҳисси Анна Васильевнага тинчлик бермасди – бир пайт уйга ўқитувчи таклиф қилди. Бу гапдан Мария ўта қувонди.

Ўқитувчи келадиган кун у янги пайпоғи ва кўйлагини кийиб, қандок бўлди, деган маънода ойна олдида анча турди, кейин аллақандай бир ҳадик билан опасига қаради.

– Яхши, – кулиб қўйди Анна Васильевна. Унинг ўзи ҳам бугунга умид боғлаб, Мариядан кам ҳаяжонланмаётган эди.

Мария зўриқишдан инқиллаб-синқиллаб бўлса-да, қоғоз устида қалам юргизишни, қайта уйғонган овоз толаларидан бинойидек одам товушини ҳам чиқара бошлади. Ўқитувчини интиқ бўлиб кутар, янги сўзлар ўрганаётганини тинимсиз намоиш этар, вазифаларни сидқидилдан бажарар эди. Бироқ орадан бир ой ўтиб хомуш тортиб қолди. Кейинги сафар Анна Васильевна олдига қалам билан қоғозни қўйди.

– Энди бошқа ўқимайман, – деди у четга қараб. – Бундан бир иш чиқмайди, шекилли. Бошдан бошлаш учун қари эканимни тушундим.

Ўша маҳалда у ўтгиз ёш атрофида эди.

Бу пайт автобус Старогородга яқин қолганди.

Ёлғиз пайтлари нима ҳақдадир фикр юритганда, Мария, юз-кўз ва қўл ҳаракатлари билан ўзига ўзи ёрдам беришга одатланган эди. Бироқ одамлар олдида имо-ишора қилавериш ноқулай. Шу боис у бундай ҳаракатлардан ўзини тийиб ўтирарди. Аммо баъзан чуқур ўйга ботар экан, шеригига тикилиб қараб турганини тўсатдан сезиб қоларди.

Албатта, бу ёмон одат. Аммо у арзимас бир нарса ҳақида ўйлаб олиш учун ҳам кўп вақт сарфлайди. Қандайдир чалғитувчи олов мудраб бораётган мияга кириб олади-ю, ҳатто ухлашга қўймайди. Ва мана шундай пайтларда ўша ниманидир ўйлаб олиш учун нафақат қўл, балки бутун танасининг ҳаракати ёрдамга келади.

– Нима бўлган унга? – сўради шеригидан орқани кўрадиган ойнадан Марияга ишора қилиб.

– Ким билсин... – иккинчиси ҳам қаради. – Уларнинг барчаси шунака...

Автобус эса чорраҳаларда ўқириб, худди фил хартумидай қапотини силқитиб шаҳар кўчаларидан оҳиста ўтиб боради.

– Бояги кампир анавини қаерда тушириб қолдиришни сўраган эди? – тўсатдан безовталаниб сўради биринчи ҳайдовчи.

– Октябрьский ва Советскийнинг бурчагида.

– Ёки Социалистический ва Октябрьскийдами?..

Иккинчиси ҳам ўйланиб қолди.

– Ҳар ҳолда Советский бўлса керак, – деди у.

– Бу соков сайёҳлар, – жахли кўзиди биринчининг. – Ўтказиб қўйишади-да, кейин олиб юрасан...

– Биридан иккинчисигача юз қадам. Пиёда ўтиб кетади.

– Ана шу мулоҳаза иккаларига ҳам маъқул келди.

Мария шаҳарни узоқданок таниди ва кўчалардан ўтиб борар экан, анчайин ҳаяжонланди. Кадронлари билан учрашувни, айникса, Евгения

Борисовнанинг гапларини тушунтиролмаи иккала кўлини ёнларига уриб, хижолатли табассум килишини тасаввур этди. Кейин эса Тоня ишдан, ўгли Толька мактабдан қайтади, ниҳоят укасининг ўзи ҳам хизматдан келади.

– Хой-хой!..Эшитяпсанми? Мана сенинг кўчанг...

Хушига келганда автобус тўхтаган, унинг эшиги очик, ҳайдовчилар унинг автобусни бўшатишини кутишарди. Шошиб ўрнидан туришга уринди. Бирок, тўрт соат мобайнида бир жойда ўтириб, увишиб колган оёқлари унга бўйсунмасди. Ўтиргичлар, ушлагичлар ва тўсиқларга осилганча, бир амаллаб автобусдан тушиб борар, йўловчилар эса ўтиргичлар оша бўйинларини чўзиб унга тикилиб бокишарди.

Автобусдан тушган жойи Марияга нотаниш кўринди. Ҳозир олдидан укаси турадиган кўча чиқишини хотирадан кўра қалб кўзи билан ҳис қилганча олдинга юра бошлади. Юки оғир эмасди, оёқларининг оғриғи хар доимгидек, чидаса бўлади.

Пул солинган ён чўнтагини силаб кўйди: пул ҳам, хатлар ҳам жойидалигидан кўнгли ўрнига тушди. Синглиси Марта Пятигорскда хатто ювиниш хонасигача кузатиб бориши шу пайт хаёлидан ўтди ва ўзининг ёлғиз саёҳати ҳақида эшитгач, ҳайрон бўлишларини ўйлаб, хузурланиб кулиб кўйди. Мариянинг кулгиси касал одамникига ўхшамас, одатдагидай, хатто ёкимли бўлиб, ўтган-кетганлар: бу одам нега овоз чиқариб куляпти, дегандай ажабланиб қарашди.

Бирок Мария тез орада юришдан тўхтади ва хавотир билан орқасига ўгирилди: кўча унга олдингидан ҳам нотаниш туюлди. Йўл чўзилиб кетди, таниш қайрилишдан эса дарак йўқ. У ташвишланиб, яна юз-икки юз кадам юриб, такка тўхтади. Ўйланди-ўйланди ва қарши кўча бўйлаб кетди. Номига битта бўлса ҳам таниш бинони топиши муҳим эди.

Уч соатга яқин вақт ўтди. Костя била Тоня шаҳар бўйлаб зир югуришмоқда: Советский ва Октябрьский чорраҳасидан автобус вокзалига, ундан чиқиб уйга чопишади. Уйдан эса яна чорраҳа... Мариядан дарак йўқ. Ташқарига қоронгу туша бошлади.

Икки соат чамаси илгари улар Мария келиши кутилаётган автобусни кўриб орқасидан чопишди, аммо машина тезлигини ошириб, вокзал томонга қайрилиб кетди. Костя билан Тоня вокзалга етиб келишганда автобус аллақачон жўнаб кетган эди. Кар-соков аёлни эса ҳеч ким кўрмаган.

Балки бирор сабаб билан Мария автобусдан олдинроқ тушиб, ўзи бормоқчи бўлгандир, деган ўй билан уйларига чопишди. Уйда эса қувончли учрашувга қизғин тайёргарлик кўриб ўтирган Евгения Борисовна аҳволни эшитиб, оҳлаб юборди ва тасодифан ортида турган курсига ўтириб қолди.

– Вой-эй! – Ўзини у ёқдан, бу ёқка ташлаб йиғи бошлади. – Телеграммани кўрганамдаёқ беҳудага кўркмагандим! Вой, худойим-эй! Бирор қор-қол бўлишини сезгандим!

– Ойи!

– Вой, энди нима қилами-из! Юрагим бекорга оғримаган экан!..

Тоня эрига қаради. Унинг бу нигоҳида ҳам “Энди нима қиламиз?”, деган савол мужассам эди. Костя одамлар билан мулоқотга киришиш имкониятидан маҳрум опасининг ёт кўчалар бўйлаб ёки бундан ҳам

дахшатлиси бутунлай бошқа шаҳарда адашиб юрганини тасаввур қилар экан, юраги ачишиб, хотинига мўлтираб қаради...

Мария адашиб қолганини тез орада тушунди. Қайси томонга юрмасин, пешонаси нотаниш уйларнинг деворига бориб тақалар, уларнинг деразалари одам бўйидан баланд бўлиб, кўчалари эса гўё чексиз кенгликлар оша бутунлай бегона жойларга этаклайди.

Дастлаб бу ҳодиса унга қувнок, ҳатто кулгили туюлди. У ҳақда қандай сўзлаб беришни ҳам ўйлаб қўйди. Аммо теварак-атрофга кеч қира бошлагач, Мария хавотирга тушди.

Яхшилаб ўйлаб олиши зарур, ахир. Бир нусхадаги уйлар оралаб бориб-келаётганини у аллақачон тушунди. Шундан сўнг Мария тўғрига, токи катта кўчага чикмагунга қадар юришга қарор қилди. Мабодо вазият шунда ҳам аниқ бўлмаса...

Бундан ташқари уни оёғи ташвишга солар эди. Оғриётганидан эмас, кўп юриб қўйганидан. Оёқ қурғур юради-юради-да, бирдан юрмай қўяди, шунақа одати бор. Ана ундан сўнг юмалаб кетмайсанми, бари бир саёҳат тугайди...

Кўча бўйидаги кичкина хиёбонда темир эшак учради ва Мария унга ўтириб ўн беш-йигирма дақиқа нафас ростлади. Кейин турди. Яхши, оёғи юриб кетди.

Олис ёшлик пайтида ўрмонда адашиб қолганини эслади. Ўшанда орқа-олдига югурди, “ау” деб кичкирди. Қаердандир акс-садо эшитилди. Бугунга келиб эса одамнинг овози қандайлигини ҳам унутган. Фақат бир ажиблигини билади.

Баъзан радиоприёмник олдига келиб, устига қўлини қўяди.

“Мусиками?” – сўрайди.

“Ҳа”.

“Яхшими?”

“Яхши”.

“Болалигимда сурнай ва гармошкани эшитганман. Ўшанга ўхшайдими?”

“Ҳа...”

Аслида, радио-приёмникка тегинар экан, уни мусика эмас, овозлар жунбушга соларди. Назарида нима ҳақда сўз бораётганини тушунаётгандек бўларди.

Бир сафар эса қулоғи остида худди биров овоз бергандек, уйғониб кетди. Бакириб юборди. Кўрпадан даст туриб, опасининг олдига югурди. Сўнг бу бор-йўғи васваса эканига иқроқ бўларкан, ажабки, кўнгли тинчланди. Ҳатто қайта ухлаб ҳам қолди. Балки бу унинг элликка кириб, қариб қолганидандир. Балки тушдир.

Мария ўз ўйлари қаърига чўмиб кетганданми ёки йўлида кенг кўча учрамаганиданми шаҳар четига келиб қолганини сезмади: қаршисида овлоқ ер, ху нарида эса ўрмон кўзга ташланди. Буларни кўриб Мария кўркиб кетди ва тезда орқасига қайтди. Энди биргина иш – одамлардан сўраш қолди. Шуларни ўйлаб у ён чўнтагидаги 3 рақамли хатни қўлига ушлаб, юраги дуқуллаган бир ҳолда қаршисидан келаётган аёл томон қадам ташлади.

“Мен қар-соқовман!”

У қўли билан оғзи ва қулоғини кўрсатди.

“Ўқиб кўринг!”

Хатни қўлида силкитди.

Аёл уни тушунди. Хатни олиб тўхтади.

– Менга нимани сунаясан? – деди ачинган, аммо айни пайтда, болалар ва ногиронларга айтиладиган алмисоқдан қолган жазогир оҳангда. – Кўзойнақсиз бирон нарсани кўради, деб ўйлайсанми?

Тўладан келган бу аёлнинг нафаси қисарди: улар тахминан тенгдош бўлиб, Мария унга минг умид билан қараб турарди.

– Нега тикилиб қолдинг, кўзойнагим йўқ, кўзойнақ!

Аёл бармоқларидан халқа ясаб, кўзига олиб борди. Мария тушунди. У эшитиб, гапира оладиган оламга қарам эди, шу боис уларни шипшигидан тушунишга ўрганган. Бирок улар Марияни яхши англашмас, демак, ҳар доим хушёр бўлиш керак. Шундай вазиятларда у қулоғи динг одамга айланар, тушунтиришнинг энг қиска усуларини топа биларди. Бу сафар ҳам шундай бўлди

– Жжжжж! – деди у қўли билан ғилдиракни ўхшатиб силкитар экан.

– Вокзалгами? Поездми? – аёл унинг ҳаракатларини такрорлади.

– Ҳа! Ҳа! – хурсанд маъқуллади Мария.

– Бошимга бало ортирибман-ку! У томонларга боришга кўзим учиб турибдими?.. Нега ҳам сени учратдим-а? Бошқа йўлдан кетай дедим-а...

Шу тариқа кампирлар бири иккинчисига тиркалиб (фақат ким кимга тиркалганини ажратиш кийин эди), қўлтиклашганча юриб кетишди.

Анна Васильевна буни кўрганда “Судралдик” деган бўларди.

– Сингилжон! Марусенка! – кичкирди аёлларга қараб бир эркак ва уларнинг ёнига борликни гўё селдек ёриб етиб келди.

Евгения Борисовна ҳар қандай изтиробни оғир енгарди. Мия узок вақтгача ташвишли хабар юборар, захарланган қон қари томирларда адашар ва кўз олдига бир-биридан дахшатли манзаралар пайдо қилар эди. Бирок – худога шукур! – зиён-заҳмат етмади! – деган ўйлар уни тез орада ўзига қайтарарди.

Албатта, бундай катта-кичик асаббузарликлар унинг гоҳо қулиши, гоҳида эса йиғлаши, баъзан эшик олдига қўйилган одам бошли ҳайкалдай қотиб туришига, баъзан “Сут!” деганча ошхонага чопишига халакит этмасди.

Унинг дунё ходисаларига муносабати ҳамма нарсадан улуғи ва муҳими соғлиқ билан оиланинг бахт-иқболи, деган бири иккинчисига уланиб кетадиган маълум халқага ўхшаб кетади. Ҳаяжони турли суратларда, кўпроқ ҳолатининг бирдан ўзгаришида намоён бўлади: гоҳ қўлларини партуғи остига яширганча тек туриб қолар, худди ибодат қилаётгандек тебранар, гоҳида эса ҳовлиқиб, тўлиб-тошар эди. Ана шундай пайтларда бир қадрият иккинчиси билан аралашиб кетар, шахсий ҳаёти ва мамотини эса деярли унутарди.

Евгения Борисовна эшик олдига Мария, Костя ва Тоняни кўриб йиғлаб юборди. Ошхонага кириб тухум оқини аралаштираркан, ҳеч бир ёмонлик юз бермаганидан, барчалари бирга уйда эканликларидан, ўзини бахтиёр хис қилди. Ана, шундай эшикни очса бўлди, ҳаммасига кўзи тушади.

Баъзан унга дунё фалокат бўсағасида тургандек, бирон чорасини кўрмаса бўлмайдигандек туюлади. “Ҳамма нарса ўз-ўзидан юз беради, деб ўйлайсиз-да?”, дейди ўзи билан ўзи гаплашаркан, “Йўқ, адашасиз!”

Фалокат худди йиртқичга ўхшаб, кутилмаганда ҳамла қилишига, уни олдинроқ сезсанг, айланиб ўтишига астойдил ишонарди.

– Ойи! – деб эътироз билдирса-да, аммо анчадан буён, хусусан, ўзи ўғиллик бўлгандан бошлаб қизи ҳам онасининг ўзгачалигини ич-ичидан тушуниб етгандай эди.

Бир сафар онасининг ҳолсизланиб ўтириб колганини кўриб, юраги қалқди, бирдан умрнинг бебақолиги ҳақида ўйлаб колди. Қизда онага нисбатан ана шу заҳотдан бошқача бир муҳаббат, балки бир кўрқув уна бошлади.

Кечки овкатга ошхонага тўпланишди; Мария янги шароитга тез мослашарди: идишдан ҳовури чиқиб турган шини косаларга қуйиб, нон кеса бошлади.

– Меникида турасанми? – сўради Костя.

– Йўқ. Опаларим кутишяпти.

У суҳбатлашишни ёқтирар, аммо холи-хаёти асосан ёлғизликда кечгани учун жим юришга ҳам кўниккан эди.

– Шўринг курғур, шўринг курғур аёлгина... – Евгения Борисовна энди бошлаганди, қизи уни тўхтатди:

– Ойи!.. Евгения Борисовна пиқиллаб, жим бўлди.

Мариянинг нигоҳи бехос унга тушиб, қулиб қараркан, овкатни тўкиб юборди ва оғзини қўли билан артди.

– Нима қиялсан? – сўради Евгения Борисовна гарчи тушунмаса-да.

Мария укасига қаради.

– Мен зўрман, – деди у. – Менинг ўрнимда бошқа биров бўлганида кўрқиб кетарди, мен эса йўқ. Ҳатто қулиб турибман.

– Баракалла, – деб олқишлади Костя.

– Фақат бу ҳақда опаларимга ёзманглар, хавотир олишади.

Мариянинг иштаҳаси соз эди. Евгения Борисовна қадахга ишора қиларкан, шахд билан маъқуллади.

– Кўп ичиш яхшимас, – англатди у, – озгина бўлса – мумкин.

Қадахларни чўқиштирган пайт, балки бу одатга аҳамият берганидан бўлса эҳтимол, у жиддий тортиб колди.

Костя ва опа-сингилларнинг барчаси болаликда бир-бирларига ўхшарди. Афтидан вақт, ҳатто ўхшаш юзларни ҳам ўзгартирар, фақат кўзлар ўша-ўша эди.

– Меҳмон бўлиб борардинг, – қайта сўради опасидан Костя.

Йўқ. Тезроқ бориб, тезроқ қайтиш керак. Анна бир ўзи ёлғиз. Йиғлайди.

“Йиғлайди”ни қайгуради, зерикади деган маънода тушуниш керак. Баъзан эса йиғлайди ҳам.

– Ўзинг биз томонларга бор, сени яхши кўраман. – Шундай деб Мария тўсатдан укасининг қўлини олиб, ўпди.

Евгения Борисовна ва Тоня бирдан йиғлашга тушишди, Костя эса Мария бу изхорни кўнгли бўшаб кетганидан эмас, укасига меҳрини билдириш учун қилганини тушунди. Бундай одат унда кўп йиллар муқаддам пайдо бўлди: чеккасидан ўпганда ҳар икки томон жўш уриши лозим, кўлдан эса... – мана менинг муҳаббатим.

Костя оилада кенжаси бўлган. Шу боис опаларининг меҳрини кўп кўрди.

– Саломатлигинг яхшими? – сўради Костя таомдан сўнг.

– Тьфу. Мана кўрасан, Пятигорскдан ёш ва соғлом бўлиб қайтаман. Айтчи, кўринишим ёмонмасми?

– Мен учун ҳар доим гўзалсан, – жавоб берди укаси.

Мария хурсанд бўлганча ўзига ажратилган хонага кетди. Укасининг бегидир муболаға қилаётгани унинг кулгисини кистарди...

Эртасига тонгда Марияни кузатишди. У ҳар доимгидек, кузатувчиларнинг маслаҳатларига обдон кулок тутиб, улар билан қўл қисиб, ўпишиб хўшлашди. Бу аёл гўёки узоқ ва таниш йўлга чиқаётгандек эди. Фақат поезд ўрнидан силжигандагина у бирдан сергак тортди ва ойнадан каради: укаси югуриб борарди. Поезд шаҳардан узилиб чикканда ҳам укаси ҳамон чопиб келаётгандек туюлди унга.

Қулайроқ ўтириб олгач атрофига қараб, шароитга кўниккандан сўнггина хотиржам тортди. То Киев шаҳригача, яъни роса йигирма тўрт соат ҳаяжонланмасдан кетиши мумкин.

Марияни поездга ўтказгач, Костя сўнгги вагон кўздан ғойиб бўлгунга қадар перронда турди ва жиянига телеграмма жўнатиш учун телеграфга йўл олди. У Марияни Киевда кутиб олиб, Пятигорскка борадиган поездга ўтказиб қўйиши лозим эди. Навбатда турар экан, ўзи ва опалари ҳақида ўйга толди: оилада кичиги бўлгани сабабми унинг омади чопди. Ака-ука ва опа-сингиллар қанчалик меҳрибон бўлишмасин, ҳаёт уларни барибир ажратади, бу албатта, ачинарли, аммо табиий, уларни фақат бахтсизлик бирлаштириши мумкин. Мана Мария бутун тани-жони билан ҳаётга тирмашиб, яшаяпти.

Кейинги пайтларди кўнгли нозик тортиб қолди. Таниш бир нарса юрагини қисиб келар экан, тескари ўгирилди, бармоғи билан аввал бир кўзини, кейин иккинчисини артди.

Бир пайтлар опасининг уйига айвон қуриб бериш учун у ёқ бу ёқларни ўлчади, чизди-ёзди, аммо вақтида таътилга чиқолмади, кейин хотини, орқасидан ўзи ётиб қолди, ўша ниятга ҳам йигирма йил бўлибди.

“Ғишт ва цемент сотиб олдик, – ёзган эди яқинда Анна, – Ертўла кулаб тушмасидан томини янгилаш керак... Сен биларсан, шу иш неча пул туради? Кеча ғишт терувчилар келиб уч юз рубль сўрашди, жўнатиб юбордим. Билмасам, балки ростдан ҳам шунча турар?..”

– “Бораман”, – катъий ўзига сўз берди у.

– Гапиринг!

Ўн етти ёшлар чамасидаги киз унга худди телбага карагандай тикилиб турарди. Костя бу ҳолатдан кулиб қўйди-ю, кўлидаги пул ва манзил ёзилган бланкани узатди.

Саёҳат эса давом этарди.

Мария ойна қаршисида ўтирар ва липиллаб ўтаётган сим ёғочлару дарахтларга қараб ўй сурарди: ўрмон ҳар фаслда яшариб кўринадиди, далалар эса фақат баҳор ва ёзда. Ўрмонга ҳам онда-сондагина боришади, уч йилдан бери эса уни кўрмади. Қирк ёшдан ўтиб ҳисобда адашадиган бўлиб қолди, ўзининг ёши нечада эканини ҳам яхши англамаяпти. Вақтдан фойдаланиб ҳисоблаб кўрмокчи бўлди: икки-уч ёш фарқи билан уч хил натижа келиб чиқди.

Йўл бўйи чикиб-тушувчилар кўп эди. Ёнига ўтирганлар у билан мулоқотга оғиз очишар, аммо кар-соқовлигини англашгач, хайрон бўлиб жим қолишарди.

Бироқ узун бўйли, басавлат бир кампир ҳеч бир хижолат тортмай, аксинча, хурсанд бир алфозда Мариянинг елкасидан тортиб, қулоғини кўрсатди. Бир дақиқа ўтиб, улар суҳбатга киришиб кетишди. Унинг айтишича, кампирнинг ҳам кар-соқов қизи бўлиб, фақат у лаб воситасида гапириш ва тушуниш мактабини битирган, кейин ўзига ўхшаган болага эрга тегиб, қизалоғи бор экан. Қизчанинг овози ўткиргина чиқибди.

Шундан сўнг Мария ҳам ўзи, опалари, укаси ҳақида гапириб берди. Афсус, кампир озгинадан сўнг йўлда тушиб қолди.

Кампирни кузатгач анчагача унинг гапларини ўйлаб кетди: қани энди у ҳам ўша мактабда ўқиган бўлса, бирон жойда, масалан, тикувчи ёки бошқа касбда ишлаётган, энг муҳими, ҳаёти ёлғизликда эмас, одамлар орасида кечарди.

Бир аёл қизи билан қанчадир жойгача борди. Қизчанинг сочида катта бантик бўлиб, кўзлари кўм-кўк, йўловчилар унга узоқдан қулиб боқишди. Мария эса унга қўлини узатиб ўйинга чорлаб, тилини қокди ва тўсатдан унинг овозидан узилиб чиққан товуш қизчани кўрқитиб юборди. У онасининг ортига яширинар экан, Марияга тилини чиқарди. Мария хафа бўлиб, ойнага ўгирилиб олди.

У ўзини болалар ёқтирмаслигига ҳеч кўниқолмасди. Кичкиналар кўрқарди, катталарнинг эса бағритош эди. Баъзан кўчадаги болалар оғизбурунларини қийшайтиришиб, қандайдир маймунона қилиқлар билан атрофида чопиб кузатиб қолишарди.

Кейин Мария Мартанинг невараси Ирочкани эслади. У Мариядан кўрқмадигина эмас, аксинча унга боғланиб қолди, биринчи учрашгандаёқ, яхши кўрди. Шу ҳақда эсларкан, юзига қулги ёйилди ва бошқа ҳамма болаларни кечирди.

Баъзан йўлақдан қиз ва йигитлар югуриб ўтаркан, Мария уларга синовчан нигоҳ ташлайди. Бундай ёшларнинг суҳбатларига ҳаваси сўнган, эндиликда бегона ёшлик унда раҳм-шафкат уйғотар, гоҳида нозик, шикаста қизни кўриб қолса, ачиниб кетарди.

Чиптачи келиб, униқини жуда узоқ, ҳатто, чирокка тутиб текширар экан, Мария ҳаяжонга тушди: хайрият, тешиб берди. Вагонлар бўйлаб газета-журналлар, турли озик-овқатлар жойланган саватларни кўтариб ўтишади. Қун охирига бориб, Мария шароитга шундай ўрганиб кетдики, ўзига борш сотиб олди, кейин эса расмларини томоша қилиш учун журнал сўради.

Чарчаб, мудрай бошлади.

Кўп йиллар олдин укаси урушдан унга ва опасига қўйлақлик олиб келган эди. Анна материални иккиланиброк ушлаб кўзгу қаршисига бориб елкасига ташлар экан, бирдан унинг ҳар доимги беҳаловатлик, ғамташвишни акс эттиришга ўрганиб қолган юзлари ўзгариб, унинг ўрнида осон, омадли, бугуни ва эртасидан кўнгли хотиржам одамга айланиб қолгандай туюлди. Кўзгу қаршисида бир-икки дақиқа туриб, ундаги оловни ўчиргач, четга чиқди.

– Энди сен ўлча, – деб Марияга ирғитди қўйлақликни.

Синглисининг ҳам очилиб кетгани ўзидаги ўзгаришни тасдиқлаганидан қайта жунбушга келди.

Аммо қўйлақни ўша пайтнинг ўзида тиктиришнинг иложи бўлмади. Чунки аввал материалга кўниқиб, ундан кейин бичимини танлаш, ти-

кувчи ва унинг нархини аниқлаш керак бўлди. Қўни-қўшнилари чиқаркан кўйлақлик жавондан тушар, оловга тутиб (жунми ёки сунъийми), сувга солиб (хитойнинг тахта ипагига ўхшаб, ёйилиб кетмайдими) ва албатта, кўзга қаршисида елкага ташлаб қўрилар эди.

Келишиш учун чеварни уйга таклиф қилишди. Бу аёл ҳам уларга тенгдош бўлиб, жон деб келди. Кўйлақлик унинг ақлини шоширди: биринчидан, ўзи ҳам ҳали ёш эди, иккинчидан эса у кейинги йилларда факат кийимларни ағдариб ёки қайта тикарди.

Кўйлақ узок муддатда тикилди. Тайёр бўлгач эса Анна Васильевна уни ўлчаб-ўлчамай жилдга солиб, жавонга илиб қўйди. Мария аксинча, чеварнинг уйидан янги кўйлақда қайтди ва ўша кунёк айланишга чиқди.

Икки соатдан сўнг қайтаркан, Анна Васильевна унинг юзидаги чарчок ва ҳафсаласизликни кўриб хайратда қолди.

– Тьфу! – деди у кулиб.

– Нега?

– Билмадим... Қарайверади ҳамма, қарайверади...

Эскиларини кийиб, янгини жилдга солиб, у ҳам жавонга илгачгина кўзларида қониқиб зухур этди.

Замонлар ўзгарди. Мариянинг энди кийимлари етарли. Уларнинг аксариятини опалари, укаси ва унинг аёли совға қилишган. Буларнинг бари Мариянинг ёдида. Балки бу эскиларини ташлаб юборишга кўзи киймаганидандир.

– Осилиб тураверсин!

Албатта, бу гапда айёрлик ҳам йўқ эмасди: укам келиб ўзи совға қилган кофтани кўраркан, хурсанд бўлади.

Бир сафар укасига шундай деди:

– Менга рақсга тушишни ўргат!

– ...

– Мен қобилиятлиман! Бир дақиқада ўрганиб оламан! Ҳозир ҳам унча-мунча биламан! Майдондан ўта туриб кўрдим: бир қадам чапга, икки марта ўнга! Мана, қара!.. Тўғрими?

– Тўғри... Лекин... Сенга нега керак?

– Керак!.. Рақс тушишни хуш кўрасанми?

– Билмадим... Назаримда, йўқ.

– Бошқалар-чи?

– Ҳар ким... Унчалик эмас.

– Нега унда рақс тушишади?

– Телбалар.

Мария уйга толди. Кейин:

– Йўқ! Улар ёшлар! – деди.

– Бориб ўйнаб келсам майлими? – катта опасидан сўради кечки пайт.

– Мумкин.

Янги кўйлагини кийиб, атир-упалар турган стол ёнига боради.

– Сепсам майлими?

– Албатта.

Кўча бўйлаб жим юради. Кейин эса ёғоч деворлар тагидаги тор сўқмоқлар, эски боғнинг узун йўлақлари, йигит-қизларнинг соялари кўриниб турган ўтирғичлар, икки кунгурали черковнинг сукутдаги суратлари ва коронгуликка чўмкан дарахтлар, бинолар ёнидан уйга қайтади.

Уйга қайтаркан, у опаси китоб кўриб ўтирган хонага кирди.

– Хўш? – опа аста ўгирилади.

– Аргувонлар гуллаяпти. Эшитмаяпсанми?

– Эшитяпман.

Озгина бўлса-да, инсон ҳақидаги билимлар унга маълум эди.

– Иккинчи болангни нега тугмаяпсан? – сўрайди опасидан.

Анна Васильевна кизариб кетди.

– Биринчидан, эрим йўк. Қолаверса... менинг ёшимда яхшимас.

– Йўк, – деди Мария, – ажойиб.

Поезд Киевга яқинлашмоқда эди.

Киевда уни ҳеч ким кутиб олмаслиги Марияга деярли маълум эди.

Гап олдиндан сезганида эмас, зеро, ҳар қандай занжирнинг маълум бўш халқаси борки, Анна Васильевна жияни билан ҳеч қачон ёзишмаган, табиийки Мария ҳам уникада бўлмаган. Бироқ у ҳаяжонланмади. Чунки бу пайтга келиб, бир қадар тажриба орттирган, энди ундан фойдаланишга тайёр турарди.

Ҳа, жияни йўк эди. Бироз турди-да, ўйлаб-ўйлаб кўпчилик одамлар бораётган томонга йўл солди. Ҳозир энг муҳими, шошмаслик ва хотиржам бўлиш. Оҳисталик осойишталикни, осойишталик эса ишонч-ни туғдирмоқда эди. Доира кўнгилдагидек туташмоқда – Мария ҳали-ҳозирча ташлаётган ҳар бир кадамини яхши биларди.

Бир неча одам турган навбат охирига бориб турди. Ҳаял ўтмай кўлидаги чипта, пул ва учинчи сонли хатни дарчага узатди.

Ҳаммаси беҳатар ўтишини у сезарди... Бир пайт хошияси қизил фурашқа кийган аёл киши қалин юзларидаги табассум билан Марияга бош қимирлатди, унинг кетидан иккинчиси, учинчиси... Улар Марияни қўлтиклаб олишиб, унга аллақандай телеграммаларни кўрсатишиб, етаклаб кетишди. Мария тўсатдан юз берган бунлай меҳрибончиликдан дастлаб ўзини йўкотаёзди, хатто қаршилиқ кўрсатмоқчи ҳам бўлди. Бирдан эсига укаси Костя тушиб тинчланди ва кулганича ҳомийларига эргашди. Аттанг, бошқа поездга ўтириш маросимини тўла ўзи бажарганида кизикарли ўтарди, деб қайғуриб ҳам қолди.

Мария ойнага дастлаб қарабоқ опаси Мартанинг безовта юзини кўрди. Унинг феъли-хўйи бир жиҳатдан Евгения Борисовнага тортиб кетади. Аҳамиятсиз воқеалар ҳам уни ташвишга солар, бугунгидай кутиш-жўнатишлар эса хаёлига инсон зоти дучор бўлиши мумкин бўлган минглаб мушкулотларни олиб келиб, унинг бутун кувватини суғуриб оларди. Бундан ташқари, бироз хаёли ҳам жойида эмасди. Учинчи вагон платформанинг охирида бўлишини биледи, йўк, вагон эшигидаги ракамга эргашиб олдинга югуриб кетди. Дарвоқе, олтмишга кирган кампир қандай ҳам югурсин. Мария чуқур нафас олди.

Мана энди ҳамма тушиб олгунича кутиш зарур. Опаси эса ташқарида сарсон. Нотаниш юзлар руҳини туширарди. Ана ниҳоят кўз кўзга тушди!.. Марта сумкага қўл чўзди, Мария одатига кўра эшикка орқасини ўгириб, тиззалаб поезддан туша бошлади. Пастга тушиб, Мартанинг кўзларида ёш кўрди...

– Сенга нима бўлди?

– ...Қариб колдик!

– Сен қари бўлсанг – бордир, аммо мен ҳали ёшман! Қани, кетдик!

Мана энди, шу тобда бир-бирларини қўлтиқлаб, имкони борича тенг кадам ташлашар, саёҳат охирига етганини, барча хаяжонлар ортда колгани ва улар жуда ҳам бахтиёр эканликларини хис қилишди.

– Қандай ўзинг ёлғиз етиб келдинг? – сўради Марта трамвайда бораётганларида.

– Кейин сўзлаб бераман.

Шу лаҳзада унинг умумий танишлари: полковник, Бурунбой ва бошқа қўшнилари ҳақида жуда билгиси келарди. Аммо Мария Мартанинг ишоралар ёрдамида сўзлашни яхши билмаслиги ва нима десанг бошини ликилатишини билганидан индамай қўяқолди.

– Кўркмадингми?

– Ҳечам.

– Баракалла. Сенинг ўрнингда мен бўлсам...

– Сенинг ақлинг камроқ, менда эса ғиж-ғиж, деб кулди. Мария мактанишни яхши кўрар ва эпларди. Гарчи, мактанаётганини билиб турсам ҳам.

Бирок адолат ҳисси баланд келди.

– Аннага раҳмат. У хат ёзиб берди.

Шундай деб, Мария опасига юмшаб кетган конвертни узатди ва Марта ўкиди:

“Қадрли ўртоқ!

Мен болалигимдан буён ногиронман. Менинг исмим Мария Васильевна Русанова. Опам Марта Васильевна, Пятигорск шаҳар, Южная кўчаси, 7-уйда туради, даволанишга боряпман.

Бу шаҳарда адашиб колдим.

Мени темирйўл вокзалига кузатиб қўйсангиз.

Саводсизман. Ёрдам кўрсатишингизни ўтиниб сўрайман.

Хурмат билан, кар-соков Мария Васильевна”.

Эртасига Костя ҳамда Анна Васильевна битта мазмунда телеграмма олишди: “Мария эсон-омон етиб келди. Ўпиб қоламан. Опа-сингиллар”.





Азизиддин НАСАФИЙ

КОМИЛ ИНСОН КИТОБИ¹

*Форс тилидан
Нажмиддин КОМИЛОВ,
Олимжон ДАВЛАТОВ таржимаси*

ЎН БИРИНЧИ РИСОЛА

МУЛҚ, МАЛАКУТ ВА ЖАБАРУТ ОЛАМЛАРИ БАЁНИДА

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.

Алҳамду лиллаҳи роббил-ъаламийн вал-ъақиба ту лил-муттақийн, вас-солату вас-саламу ъала анбиёиҳи ва авлиёиҳи хойру холкиҳи, ва ъала алиҳим ва асҳобиҳим ат-тоййибиён ат-тоҳирийн.

Аммо баъд, заифларнинг энг заифи ва фақирларнинг ходими, камина – Азизиддин Муҳаммад Насафий ушбу китобнинг биринчи жилдини ёзиб, авом ҳам, хослар ҳам фойдаланаётган ўн рисола тугатганимдан сўнг дарвешлар – Аллоҳ уларни янада кўпайтирсин – бу бечорадан мулк олами, малакут олами ҳамда жабарут олами ҳақида бир рисола тартиб беришимни сўрадилар. Уларнинг таклифларини қабул қилдим ҳамда хато ва гумроҳликдан паноҳ истаб, Аллоҳ таолодан мадад ва ёрдам сўрадим. Негаки, фақат У ниманики, истаса Қодир эрур ва сўраганларни ижобат қилишга муктадир.

Эй дарвеш! Биринчи жилдда сўз юритишнинг қоида ва қонунлари бошқа эди, ушбу иккинчи жилдда сўз юритишнинг қоида-қонунлари бошқачадир. Ҳар бирининг ўзига хос ва бири-бирдан узокрок бўлган услуги бордир.

Биринчи фасл

ОЛАМ БАЁНИДА

Аллоҳ сени икки оламда азиз этсин, билгилки, олам жавҳарлар (моҳият, субстанция) ва аразлар (атрибутлар, хоссалар)нинг исмидир. Барча жавҳарлар ва аразларнинг номини умумлаштириб, олам дейдилар. Муайян жавҳар ё аразни алоҳидаликда ҳам олам деб айтадилар. Олам маъносини билдинг, энди билгилки, мавжуд бўлган оламнинг ташқи вужуди бордир ва биринчи қисмда иккига бўлинади: мулк олами ва малакут олами, яъниким, маҳсус (сезги) олами ва маъқул (ақл) олами. Бу икки

¹ Давоми. Бошланиши аввалги сонларда.



оламини қўшимча тарзда турли исмлар билан зикр этмишлар, яъниким, мулк олами ва малакут олами, халқ олами ва амр олами, шаходат олами ва ғайб олами, зулмоний олам ва нуроний олам, маҳсус олами ва маъкул олами ва ҳоказо. Бу ибораларнинг барчасидан шу икки олам англашилади, яъни мулк олами ва малакут олами.

Эй дарвеш! Жабарут олами мулк ва малакут олами сингари эмас. Чунки жабарут оламининг ташки вужуди йўқдир. Мулк, малакут ва жабарут – учаласи учта оламдир, учаласи ҳам Аллоҳнинг оламларидир; учаласи ҳам биргадир, бир-бирининг ичидадир ҳамда бир-биридан айрилмасдир. Жабарут олами мулк ва малакут оламларининг зоти (моҳият, асос)дир, мулк ва малакут оламлари эса, жабарутнинг важҳидир. Жабарут олами мухтасар китобдир, мулк ва малакут олами муфассал китобдир. Жабарут олами уруғдир, мулк ва малакут олами дарахтдир, маъданлар, наботот ва хайвонот бу дарахтнинг меваларидир.

Эй дарвеш! Бу сўзнинг ҳақиқати шуки, жабарут олами мулк ва малакут оламининг мабаъдидир. Мулк олами ва малакут олами жабарут оламидан пайдо бўлиб, борликка айландилар. Жабарут оламида яширин ва мужмал бўлган нарсаларнинг барчаси мулк ва малакут оламида зоҳир ва муфассал бўлдилар; ижмол оламидан тафсил оламига келдилар, зот мартабасидан сифот мартабасига етишдилар. Бу сўзлар мисол келтирмагунча маълум бўлмайди ва ойдинлашмайди.

Билгилки, кичик олам катта оламнинг намунаси ва кичрайтирилган нусхасидир, катта оламда нимаики бўлса, кичик оламда ҳам бор. Демак, катта оламда ниманики исбот этсалар, кичик оламда ҳам унинг кўриниши бўлиши керак, бу сўз тўғридир.

Бу мукаддималарни билиб олдинг, энди билгилки, одамзоднинг нутфаси (уруғи) жабарут оламининг намунасидир, жисми ва руҳи эса, мулк олами ва малакут оламининг кўринишидир. Жисм ва руҳ нутфадан пайдо бўлдилар ва вужудга айландилар; нимаики нутфада пинҳон ва мужмал эди, барчаси жисм ва руҳда зоҳир ва муфассал бўлди; ижмол оламидан тафсил оламига келдилар, зот мартабасидан сифот мартабасига етишдилар.

Эй дарвеш! Катта оламнинг даражаларидан хабардор бўлиш учун катта олам ва кичик оламнинг ўртасида уларнинг татбиқ этишдан кўра аниқроқ ва равшанроқ далил йўқ, чунки катта оламнинг қайси даражасини исбот этсалар, агар бу даража кичик оламга мутобик бўлса, тўғридир, агар мутобик бўлмаса, тўғри эмас. Катта олам ва кичик олам ўртасидаги муносабатни маълум қилдинг, энди билгилки, нутфани жисм ва руҳнинг зоти деб атасанг, жисм ва руҳни нутфанинг важҳи деб билсанг, тўғридир; агар нутфани мужмал китоб, жисм ва руҳни муфассал китоб деб айтсанг, бу ҳам тўғридир; агар нутфани уруғ, жисм ва руҳни дарахт деб айтсанг, бу ҳам тўғридир. Эзгу сўз, эзгу амал, эзгу ахлоқ ва маориф бу дарахтнинг меваларидир, агар дарахт (одам)нинг меваси шулар бўлса, шажарайи таййиба (яхшиликлар дарахти)дир, агар меваси айтилганларнинг зидди бўлса, шажарайи хабиса (ёмонликлар дарахти)дир.

Бу мукаддималарни билиб олдинг, энди билгилки, жабарут бу вужуднинг зотидир, мулк ва малакут бу вужуднинг важҳидир. Бу вужуднинг исмлари важҳ мартабасидадирлар, бу вужуднинг амаллари нафс мартабасидадирлар.

Эй дарвеш! Мулк, малакут ва жабарут хақида кискача билиб олдинг, энди батафсил бу ҳақда сўзлайман. Шоядки, тафсил йўлида билиб ол-

санг, негаки бу масала олимлар, файласуфлар ва шайхлар олдида илмнинг мушкулотидадир. Олимлар, файласуфлар ва шайхлардан кўпчилик бу масалада сарсон-саргардондир. Бу масалани билиш солиқлар учун жуда муҳимдир, чунки бу масала ишнинг асл асосидир. Агар асос мустаҳкам ва маҳкам бўлса, бошқаси ҳам мустаҳкам ва маҳкам бўлади. Агар асос мустаҳкам бўлмаса ва путур етган бўлса, унинг устида нимаики курсалар, барчасига дарз кетади. Яна шуки, нимаики бор бўлса, бу уч даражадан – жабарут даражаси, малакут даражаси ва мулк даражасидан Мосуво эмас; бу уч даража биргадирлар, бир-бирларининг ичларидадирлар, бир-бирларидан айри бўлмаслар. Кимки бу даражаларнинг ҳақиқатини англамаган бўлса, ҳеч нарсанинг ҳақиқатини билиб ололмайди. Яна билгилки, нисож, тухум ва нутфа мураккаб зотлардан эмаслар, аммо зотнинг намунасидирлар, тушунтириш учун яхши мисолдирлар.

Эй дарвеш! Мураккаб нарсаларнинг зоти моҳиятлардир, моҳиятлар маҳсусот (сезгилар) ва маъқулот (ақллар)дан ҳам юксакдирлар.

Иккинчи фасл

МУЛК, МАЛАКУТ ВА ЖАБАРУТНИНГ БАТАФСИЛ БАЁНИ

Билгилки, мулкнинг ҳиссий мартабаси бор, малакутнинг ақлий мартабаси бор, жабарутнинг ҳақиқий мартабаси бор. Жабарут олами моҳиятлар оламидир. Маҳсусот ва маъқулот (сезгилар ва ақллар), оддий нарсалар ва мураккаб нарсалар (муфрадот ва мураккабот), жавҳарлар ва аразлар (субстанция ва акциденция)нинг моҳиятлари барчаси жабарут оламидадир, бу моҳиятлар айримлари жузъий, айримлари куллий тарзда мавжуддирлар. Моҳият – Борлик ва Йўкликдан ҳам юқорирок турган нарсадир. Чунки моҳият Борлик ва Йўкликдан ҳам кўра умумийроқ тушунчадир, у ҳам борлик, ҳам йўкликнинг таркибий жузъи бўла олади.

Билгилки, моҳиятлар махлуқ (халқ қилинган, яралган) эмаслар, уларнинг ибтидоси йўқдир. **Аллазий аъто қулла шайъин холқоҳу сумма ҳадо.**

Аллоҳнинг сўзи: “(Мусо) айтди: “Роббимиз ҳар бир нарсага ўз яратувчилигини ато этиб (кўрсатиб), сўнгра (уни) тўғри йўлга йўллаган зотдир”.

Моҳият Борлик ва Йўкликдан кўра умумийроқ экан, демак, у барча нарсаларни камраб оладиган тушунча бўлиб, барча нарсаларнинг таркибий қисми бўла олади. Бу сўзлар сенга фақат мисол оркали тушунарли бўлиши мумкин.

Билгилки, жисм умумий тушунчадир, аммо жавҳар (асос, субстанция) жисмдан умумийроқ тушунчадир; жисм умумий тушунча бўлиши билан вужуд (Борлик) ундан кўра умумийроқ тушунчадир; вужуд умумий тушунча бўлгани билан шайъ (нарса, материя) ундан-да кўра умумийроқ тушунчадир, чунки шайъ Борлик ва Йўкликнинг жузъи бўла олади. Шайъ Борликдан ҳам, Йўкликдан ҳам кўра умумийроқ экан, демак, барча нарсалардан кўра умумийроқ ва барча нарсаларнинг жузъи бўла олади. Шайъ, Моҳият ва Зот – учаласи бир даражададирлар, бу уч нарсдан юқорирок ҳеч нарса йўқ, барчаси уларнинг остидадир.

Эй дарвеш! Мулк махсусот оламининг номидир, малакут маъкулот оламининг номидир, жабарут моҳиятлар оламининг номидир. Моҳиятларни баъзилар аъёни собита, баъзилар ҳақиқати собита деб айтганлар, бу бечора ашъи собита деб айтади. Ашъи собита бу ашъи собита қандай бўлсалар, ўшандайлар, ҳеч қачон ўзгармаганлар ва ўзгармайдилар ҳам; шу сабабдан уларни ашъи собита (ўзгармас нарсалар) деб айтадилар. Пайгамбар алайҳиссалом бу нарсаларнинг қандай бўлса, шундайлигича билмоқ ва кўрмоқни истарди “Аллоҳумма аринал-ашъе кама хия”, бу орқали нарсаларнинг ҳақиқатини билиб, ўзгарувчан ва ўзгармас нарсаларни билиб олмақчи эди. Ва бу нарсаларга хитоб келдиким “Аласту бироббикум”.

Аллоҳнинг сўзи: “Раббингиз Одам ўғилларининг белларидан (пушти камарларидан) зурриётларини (руҳларини) чиқариб олиб, уларни ўзларига гувоҳ қилиб туриб: **“Мен Раббингиз эмасманми?”**, (деди). (Улар): “Йўғ-е! (Раббимизсан!), Гувоҳлик бердик”, – дедилар. Қиёмат куни: “Биз бундан ғофил (беҳабар) эдик”¹.

Эй дарвеш! Жабарут Одами бошқадир, Малакут Одами бошқа, Мулк Одами ўзгадир, Тупрок Одами ўзгадир. Жабарут Одами Борликнинг аввали ва жабарутникидир, шу жиҳатданким, барча мавжудот жабарутдан пайдо бўлдилар. Малакут Одами малакут оламининг аввалидир, у Биринчи Ақлдир, чунки малакут оламининг барчаси Биринчи Ақлдан пайдо бўлдилар. Мулк Одами мулк оламининг аввалидир, у Биринчи фалақдир, негаки, мулк оламининг барчаси Биринчи фалақдан пайдо бўлдилар. Тупрок Одами барча илмларнинг мазҳари ва нурларни тўпловчисидир, у Комил инсондир, чунки барча илмлар Комил инсондан пайдо бўлди.

Эй дарвеш! Тупрок Одами нурларнинг мағрибидир, чунки барча нурлар жабарут машриқидан чиқиб, Тупрок Одамига сингиб кетдилар. Энди нур Тупрок Одамидан зоҳир бўлади, қиёмат бўлди ва Қуёш мағрибдан чиқади.

Сўз чўзилиб, мақсаддан узоклашмайлик, жабарут олами оламининг зоти эканлигини билдинг, энди билгилки, жабарут олами бир кўзгу истади, токим бу кўзгуда ўз жамолини кўриб, ўз сифатларини мушоҳада этса. Тажаллий этиб, ижмол оламидан муфассал оламга келди. Бу тажаллийдан икки жавҳар мавжуд бўлдиларким, улар зулматни асровчи ва нурларни тўпловчи, нурларни химояловчи фонусдир; бу икки жавҳардан бири – Биринчи Ақл ва иккинчиси Биринчи фалақдир. Жабарут дарёсидан Вужуд соҳилига чиккан илк нарсалар шу икки жавҳар эди. Чунки Биринчи ақлни малакут оламининг биринчи жавҳари, Биринчи фалақни мулк оламининг биринчи жавҳари деб ҳам аташади. Яна шу учунким, Биринчи Ақлни малакут оламининг Арши, Биринчи фалақни мулк оламининг Арши деб айтишади. Икки жавҳар нузул қилиб, бир неча даража қуйи тушдилар, натижада Биринчи Ақлдан ақллар, нафслар ва табиатлар пайдо бўлдилар, Биринчи фалақдан осмонлар, юлдузлар ва унсурлар зоҳир бўлдилар, махсусот ва маъкулот пайдо бўлдилар, оламининг муфрадоти тамом бўлди. Оламининг муфрадоти бундан ортик эмас.

Бу муқаддималарни билиб олдинг, энди шунга ҳам билгилки, ақллар, нафслар ва табиатларни малакут олами дейдилар, осмонлар, юлдузлар ва унсурларни мулк олами дейишади, ақллар, нафслар ва табиатларни обо (оталар), осмонлар, юлдузлар ва унсурларни уммаҳот (оналар) дейдилар.

¹ Аъроф, 172-оят.

Эй дарвеш! Жабарут олами, малакут олами ва мулк оламини билдинг, таҳкик оркали маълум қилдингким, ҳар бири қайси ҳолатда эдилар ва қандай вужудга келдилар; нимаики кетган бўлса, ўзи кетди, нимаики бор эди ўзи бор эди. Энди шубҳасиз билгилки, малакут нур дарёсидир, мулк эса зулмат дарёсидир. Бу нур дарёси зулумотдаги обихаёт – тириклик сувидир. Яна шу нур дарёси (малакут олами) илм ва ҳикмат дарёсига нисбат олганда айни вақтда зулмат дарёсидир; илм ва ҳикмат малакут оламининг зулумотидаги обихаёт – тириклик сувидир. Шундай қилиб, тириклик чашмасининг тўрт даражаси, балки ундан-да кўпроқ даражаси бор. Бу зулматлардан ўтиб, тириклик сувидан ичиш учун Искандар керак.

Эй дарвеш! Анча вақтдан бери оби ҳаёт зулумотда эканлигини эшитиб юрибсан, аммо обихаёт нима, зулумот қаердалигини билмайсан. Айрим солиқлар айтадиларким, биз бу нур дарёсига етишдик ва бу нур дарёсини кўрдик. Ҳадсиз-ниҳоясиз нур, тубсиз ва бепоён денгиз эди. Мавжудотнинг ҳаёти, илми ва иродаси бу нурдандир; мавжудотнинг кўриш, эшитиш, гапириш, ушлаш ва тамъ билиш хоссалари бу нурдандир; мавжудотнинг табиати, хосияти ва амаллари бу нурдандир; қисқаси, барча нарса бу нурдандир. Ҳифз этувчи зулмат дарёси ва нурнинг тўпловчиси бу нурдир, бу нур фонус ва химояловчидир, сифатларнинг мазҳари ҳам шу нурдир.

Сўз чўзилиб, мақсаддан узоклашмайлик. Бу нур дарёсини обо (оталар) дейдилар, зулмат дарёсини уммаҳот (оналар) дейдилар. Бу ота-оналар ўз бўйинларига қўлларини ҳалқа қилиб, бир-бирларини қучоқлаб олдилар: **Маражал-бахрайни ялгақиёни байнаҳумо барзахун ло ябғиён**”. Бу ота-оналардан фарзандлар пайдо бўлдилар: **яхружу минҳумо аллуғлу вал-маржон**. Бу маволид (фарзандлар) маъданлар, ўсимлик ва ҳайвонот оламидир. Маъдан, наботот ва ҳайвонот мураккаботдирлар. Оламнинг мураккаботи бундан ортиқ эмас. Мураккабот бирор жойдан келмайди ва бирор жойга кетмайди. Муфрадот мураккаб бўлади ва мураккаб яна муфрад бўлади – **Кулла шайъин яржиъу ило аслихи**. Мураккаблашувнинг ҳикмати шуки, тараккий топишга истеъдод топсинлар ва уруж эта олишсин; жами жаҳоннамо ва Искандар кўзгусига айланишсин. Бу нур ва зулмат дарёларида ўз жамолларини кўришсин ва ўз исмлари ва феълларини мушоҳада этишсин. Сўзни чўзмай, мақсаддан узоклашмасликка шунча уринсам ҳам, ихтиёримдан ташқари сўз чўзилаёпти.

Учинчи фасл

УРУЖ БАЁНИДА

Билгилки, муфрадот нузул этадилар, мураккабот уруж этадилар. Уруж нузулнинг карама-қаршисидир. Аслида муфрадот неча даража нузул этганлари маълум эмас. Демак, мураккаботнинг уружи нечта мартабада бўлиши кераклиги ҳам маълум эмас. Ҳеч ким ҳақиқат юзидан фалакларнинг адади нечталигини билмайди. Дейдиларким, муфрадот ўн тўрт мартаба нузул этдилар. Демак, мураккабот ҳам ўн тўрт мартаба уруж этишлари лозим, ўшанда доира тамом бўлади.

Эй дарвеш! Муфрадот ўз мабдаъидан қанча узоклашсалар, ғашлик уларда шунча кўпаяди; мураккабот ўз мабдаъидан қанча узоклашса, шунча поклик кўпаяди. Оламнинг моҳиятлари биринчи мартабада бўлганлари сабабли бир қисмдирлар; бу жабарут эрур. Оламнинг муфрадоти иккинчи

мартабада бўлганларидан икки қисмга бўлиндилар; булар – мулк ва малакутдир. Оламнинг мураккаботи учинчи мартабада бўлганликлари учун уч қисмга бўлиндилар; булар маъданлар, наботот ва ҳайвонотдир.

Эй дарвеш! Мавжудотнинг мартабалари тамом бўлди, жабарут олами ижмол олаמידан тафсил оламига келди, зот мартабасидан важҳ мартабасига етишди. Бу Вужуд ўз жамолини кўрди ва ўз сифатлари, исмлари ва амалларини мушоҳада этди.

Эй дарвеш! Ушбу рисолада кўп илмларни дарж этдим. Кўп маънолар ва тушунтиришларни ёзиб кўйдим, уларни тааммул ва диққат билан ўрганиб чик. Дарвешлар мулк, малакут ва жабарутни шарҳлаб ёзишимни илтимос этгандилар, аммо шарҳи билан ёза олмадим. Шоядки кейинги рисолада шарҳ билан ёзишга эришсам, иншоаллоҳи таоло.

Тўртинчи фасл

НАСИХАТ БАЁНИДА

Билгилки, донишманд кимсалар бу дунёда бирор нарсани хоҳласалар, фақат бу нарсдан уларга хотиржамлик ва фароғат етиши, паришонлик ва ғусса етишмаслиги учун талаб қиладилар. Донишманд кимсалар тинчлик ва хотиржамлик талабида эканлар, демак, тинчлик ва хотиржамлик катта неъмат ва бебаҳо роҳат эрур.

Эй дарвеш! Сен ҳам тинчлик ва хотиржамлик талабида бўлгин! Нимаки паришонлик ва ғам-ғусса сабаби бўлса, ўзингдан улоқтир ва унинг бандида бўлма. Аниқ билгилки, тинчлик ва хотиржамлик мол-дунё ва амал-мансабда эмас. Мол-дунё ва амал-мансаб паришонлик ва ғам-ғуссага сабабдир. Хотиржамлик омонликда, соғлиқда, етарли ризқ ва донишмандлар суҳбатидадир. Валҳамду лиллаҳи Роббил-ъаламийн.

ЎН ИККИНЧИ РИСОЛА

МУЛК, МАЛАКУТ ВА ЖАБАРУТ ОЛАМЛАРИ БАЁНИДА

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.

Алҳамду лиллаҳи роббил-ъаламийн вал-ъақибату лил-муттақийн, вас-солату вас-саламу ʼала анбиёйҳи ва авлиёйҳи хойру холқийҳи, ва ʼала алиҳим ва асҳабихим ат-тоййибийн ат-тоҳирийн.

Аммо баъд, эй дарвеш! Умид улдурким, ушбу рисолада мулк олами, малакут олами ҳамда жабарут олами ҳақида баҳс яқун топиб, дарвешларнинг муроди шарҳ билан ҳосил бўлгай.

Биринчи фасл

ЖАБАРУТ ОЛАМИ ВА МОҲИЯТ СИФАТЛАРИ БАЁНИДА

Билгилки, мулк – шаҳодат оламидир, малакут– ғайб оламидир, жабарут – ғайбнинг ғайби оламидир. Яъниким, мулк – сезгилар оламидир, мала-

кут – ақллар оламидир, жабарут – фитрат оламидир. Фитрат олами – кенг оламидир. Унда яратиклар кўп, бу яратиклар мавжудотнинг асли ва мавжудотнинг уруғидирлар. Бу яратиклар, қандай бўлсалар, худди ўшандайлар, ҳеч қачон ҳоллари ўзгармаган ва ўзгармайди ҳам.

Эй дарвеш! Фатир (патир) деб хамиртурушсиз нонни айтадилар. Мулк олами ва малакут оламининг моя – хамиртуруши бор, чунки улар жабарут оламидан пайдо бўлдилар. Жабарут олами моясиз – хамиртурушсиздир, чунки жабарут мабдаъи кул – куллий сарчашмадир. Ундан юқори ҳеч нарса йўқ, жабарут оламининг азамати ва улуглиги кишининг фахматасавурига сиғмайди. Ҳадсиз ва ниҳоясиз бир олам, тубсиз ва бепоён бир денгиздир. Мулк олами шунча азамат ва катталиги билан малакут оламининг олдида бир томчининг денгиз олдидаги нисбатига ўхшар; малакут олами шунча азамат ва катталиги билан жабарут олами наздида денгиз олдидаги томчига ўхшар; жабарут олами шунча катталиги билан яратиклардан тўладир, бу яратиклар сон-саноксиздир. Бу яратиклар ўзлари яшаб турган ер ва осмондан бошқа яна ер ва осмонлар борлигидан беҳабардирлар. Бу яратиклар бошқа ер ва осмонда бир замонлар Одам ва Иблис бўлганлигидан беҳабардирлар. Бу яратиклар кимдир Аллоҳ таолога осий бўлиши мумкинлигидан беҳабардирлар.

Эй дарвеш! Бу яратикларнинг ҳар бирининг иши бордир, ҳар бири ўз ишига ярайди, бошқалар ишини қилолмайди. Бўрининг моҳияти ҳеч қачон қўзининг моҳияти бўлмас ва қўзилик қилолмас. Қўзининг моҳияти ҳеч қачон бўрининг моҳияти бўлмас ва бўрининг ишини қилолмас. Бошқа нарсаларни ҳам худди шундай деб билгил.

Эй дарвеш! Бўрининг моҳиятининг ўз сифати бор, қўзи моҳиятининг ўз сифати бор. Моҳиятларнинг сифатлари ҳеч қачон ўзгармайди ва эврилмайди. Қандайки ўзлари билан олиб келган бўлсалар, ўзлари билан олиб кетадилар. Аммо нафс сифатлари ва жисм сифатлари ўзгариб, эврилишга дуч келадилар. Пайғамбарлар ва валийларнинг даъвати ҳам ана шу нафс ва жисм сифатлари ўзгариши боисидандир. Бу сўзлар сенга фақат мисол орқали маълум бўлади. Билгилки, даррандалик, озор етказишлик ва хатарли бўлишлик бўрининг моҳиятининг сифатларидир, бу сифатлар ҳеч қачон ўзгармайди ва эврилмайди, яъни бўри бўлиб қолгунича бу сифатлар бор. Худди шу каби беозорлик, зарар етказмаслик ва бўйсунувчанлик қўйнинг моҳиятининг сифатларидир ва бу сифатлар ҳеч қачон ўзгармайди ва эврилмайди, яъни қўй бўлиб қолгунича бу сифатлар бор. Аммо бўрининг бошқа сифатлари бор, қўйнинг бошқа сифатлари бор, бу сифатлар ўзгаради ва эврилади. Бўри ва қўйнинг моҳиятига оид бўлган сифатлар айримлари бўри ва қўйнинг жисмига оид сифатлардир, айримлари бўри ва қўйнинг нафсига оид сифатлардир. Масалан, бўри ваҳший ҳайвондир ва одамлардан қочади. Қўй эса ваҳший эмас ва одамлардан қочмайди. Қўй ва бўрининг бу сифатлари уларнинг нафсига оид сифатдир. Ҳар бир кимса ва ҳар бир нарсанинг нафси ўрганувчи бўлади. Нимани хоҳласалар ўшанга одатлантириб қўйиш мумкин, негаки, “алхайру ʼодатун вaш-шарру ʼодатун вaн-нафсу муьтодун”. Агар бўрини қўлга ўргатмоқчи ва қўйни ваҳший ҳайвонга айлантирмоқчи бўлсалар, бу осон ишдир. Жисм сифатлари ўзи аёндир.

Эй дарвеш! Бўри ва қўзида билган нарсаларни бошқа жонзотларда ҳам шундай деб билгил. Одамнинг моҳиятига оид бўлган сифатлар ҳеч қачон

ўзгармайди ва эврилмайди, ammo нафсининг сифатлари ва жисмининг сифатлари ўзгаради ва эврилади.

Иккинчи фасл

БОРЛИҚ, ЙЎҚЛИК ВА ИШҚ БАЁНИДА

Билгилки, муфрадот – оддий нарсаларнинг моҳиятлари жабарут оламидан келиб, бор бўлди. Улар жабарут оламига қайтмайдилар ва йўқ бўлмайдилар. Мураккаб нарсаларнинг моҳиятлари жабарут оламидан келиб, бор бўлади. Улар жабарут оламига борадилар ва йўқ бўладилар. “Минхо холақнакум ва фийҳа нуъийдукум ва минха нухрижукум торатан ухро”.

Аллоҳнинг сўзи: “Биз сизларни ундан (ердан) яратдик, унга қайтарурмиз ва (қиёмат кунида) сизларни яна бир марта ундан чиқарурмиз.”

Эй дарвеш! Олдинги рисолада айтиб ўтилганидек, моҳиятлар Борлик ва Йўқликдан устундир, Борлик ва Йўқликдан кўра умумийроқдир. Демак, моҳият баъзида йўқ бўлиб, баъзида мавжуд бўлади. Мумкин (имконият) ҳам худди шу кабидир.

Эй дарвеш! Сен вужуддан кейин бошқа нарсани идрок этолмайсан, сенинг фаҳминг унга етмайди. Борлик олами бошқа, Йўқлик олами бошқадир. Борлик оламида яратиклар кўпдир. Йўқлик оламида ҳам яратиклар кўп эрур. Борлик оламида нимаики мавжуд бўлса, унинг зоти Йўқлик оламидандир. Нимаики Йўқлик оламида йўқ бўлган бўлса, унинг важи Борлик оламидандир.

Эй дарвеш! Борлик оламидан Йўқлик оламича йўл узок эмас, уларнинг орасида тафовут ҳам унча кўп эмас. Иккаласи бир-бирига чирмашиб, айрилмасдир. Йўқлик – ижмол оламидир, Борлик – тафсил оламидир; Йўқлик – мухтасар китобдир, Борлик – муфассал китобдир, Йўқлик – тоза лавҳдир, Борлик – накшинкор лавҳдир. Лавҳ накшдан тозаланса, бу лавҳ Йўқлик оламидадир. Агар тоза лавҳга нақш чизилса, бу лавҳ энди Борлик оламидадир. Борлик олами ва Йўқлик оламида шунча тафовут бор, холос. Ҳар куни бир нечта карвон Йўқлик оламидан Борлик оламига келадилар, бир муддат ушбу оламда бўладилар; ҳар куни бир нечта карвон Борлик оламидан Йўқлик оламига борадилар ва бир муддат ўша ерда бўладилар. Бу сўзнинг ҳақиқати шуки, оқилларнинг билимлари ва тушунчалари уч ҳолатдан ўзга эмас: ё вожибдир, ё мумкиндир, ё мумтаниъдир (манъ этилган). Вожиб шундай вужуддирким, ҳеч қачон йўқ бўлмайди, унинг йўқлиги маҳолдир; мумтаниъ шундай Йўқликдирким, ҳеч қачон бор бўлмайди, унинг мавжудлиги маҳолдир. Мумкин шундай нарсаким, икки томони ҳам тенгдир, унинг мавжудлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас, йўқлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Икки оламнинг ашёси унда бор, бири Борлик олами ва иккинчиси Йўқлик олами. Гоҳида Йўқлик оламида бўлади, гоҳида Борлик оламида бўлади.

Эй дарвеш! Йўқлик оламида Аллоҳ таолонинг кўп хазиналари бордир: мол-дунё хазинаси, амал-мансаб хазинаси, омонлик хазинаси, соғлик хазинаси, ризқ хазинаси, илм хазинаси, хулқ хазинаси, қаноат хазинаси, офият хазинаси, фароғат хазинаси, хотиржамлик хазинаси ва ҳоказо. Бу

хазиналарнинг калити сабаблардир. Айрим сабаблар бизнинг қўлимизда эмас. Фалакнинг гардиши, юлдузларнинг ҳаракати, сайёраларнинг жойлашуви ва яхши тасодифларнинг калити ҳеч кимнинг қўлида эмас... Сўз чўзилиб, асл максаддан узоклашдик.

Эй дарвеш! Сезгилар жабарут оламига йўл тополмайдилар, ақл ҳам унда сарсон-саргардондир. Сезгилар сени мулк оламига етаклайди, ақл сени малакут оламига етказди, ишқ сени жабарут оламига етказди. Негаки, жабарут олами ишқ оламидир. Жабарут оламидаги барча яратиклар ўз-ўзларига ошиқдирлар. Ўз жамолларини кўриш ва сифатларини мушохада этиш учун кўзгу истайдилар. Оламдаги муфрадот ва мураккабот (оддий ва мураккаб) нарсалар жабарут аслининг кўзгусидирлар.

Эй дарвеш! Бу важхнинг ҳар бир мартабаси ишққа тўладир. Келадиган ҳар бир мартаба олдинги мартабанинг кўзгусидир. Олдинги мартаба ўзига ошиқдир, шунингдек, кўзгуга ҳам ошиқдир, демак, бу мавжуд ишққа тўладир. Солик ишқ мартабасига етиб, ишқ оташига куйса, пок, мусаффо, содда ва ишқсиз бўлади, жабарут оламига муносабат пайдо қилади, негаки, жабарут аҳли жуда ҳам содда ва нақш-безаксиздирлар. Соликнинг кўнгили кўзгуси билан жабарут аҳли орасида муносабат пайдо бўлгандан кейин у жабарут оламининг муносабатларидан хабардор бўлиб туради. Жабарут оламидан нимаки бу оламга юборилса, бу оламга етишидан олдин солик ундан хабардор бўлади. Бошқалар тушида кўриши мумкин бўлган нарсани у уйғоклигида кўради.

Эй дарвеш! Бу кўрмоқ оддий кўз билан эмас, балки кўнгили кўзи билан бўлади. Солик ишқ мартабасига етганидан кейин унинг кўнгили кўзгуси шунчалик мусаффо, беғубор, содда ва нақш-безаксиз бўладики, оинаи жаҳоннамо ва оламини кўрсатувчи жомга айланади. Жабарут дарёсидан нима оқиб келса, вужуд соҳилига етишидан олдин соликнинг кўнгилида пайдо бўлади.

Эй дарвеш! Анчадан бери эшитиб юрибсанким, Муҳит дарёсида оинаи жаҳоннамо кўймишлар, токим бу дарёда нимаки сузиб келадиган бўлса, уларга етишидан олдинроқ ўша нарсанинг акси оинаи жаҳоннамода пайдо бўлармиш. Аммо оинаи жаҳоннамо аслида нима-ю, Муҳит дарёси қайси, билмайсан. Соликлардан ташқари ҳам шундай бир тоифа борки, улар жуда софдил ва кўнгилида ғубори йўқ кимсалардир, уларнинг кўнгилида ҳам пайдо бўлади. Баъзиларнинг айтишича, айрим ҳайвонларнинг юрагидан ҳам кечади. Бу оламга бирор бало ё яхши ҳолат келадиган бўлса, ўша воқеа содир бўлишидан олдин айрим ҳайвонлар хабардор бўлиб, одамларга хабарини берадилар. Айрим одамлар буни тушунадилар, айримлари тушунмайдилар... Сўзни чўзмасликка шунча уринсам ҳам, беихтиёр чўзилиб кетяпти.

Эй дарвеш! Шундай соликлар ҳам борки, уларнинг кўнгили кўзгуси билан жабарут олами ўртасида муносабат пайдо бўлмайди, чунки жабарут ҳали ҳаддан ташқари пок ва соф ва содда (безак)дирлар, аммо уларнинг кўнгили кўзгуси билан самовий ақллар ва нафслар ўртасида муносабат пайдо бўлади. Самовий ақллар ва нафслар жабарут олами билан муносабатлари барқарордир – жабарут оламининг акси дастлаб самовий ақллар ва нафсларда пайдо бўлади, сўнг улар орқали солик дилида акс топади. Шунингдек, жабарутдаги хазиналар калити самовий ақллар ва нафсларга зоҳир бўлади. Калит зоҳир бўлгач, улар қайси хазинани очиш кераклиги-

ни билиб оладилар, сўнг қайси нақш самовий ақллар ва нафсларда пайдо бўлса, унинг акси улар билан муносабат боғлаган солиқлар кўнглида ҳам пайдо бўлади. Бу нарса кўпчилик учун тушда аён бўлади, бедорликда аёнлашуви камдан-кам ҳолларда насиб қилади.

Эй дарвеш! Бу нақшларнинг зоҳир бўлиши куфр ва исломга тааллуқли эмас, илм ва жоҳилликка ҳам дахли йўқ. Нақшнинг зуҳури мусаффо ва бегидир кўнгилга тааллуқли. Бу маъно комиллик ва ноқислик, шунингдек, яхшилик ва ёвузликда пайдо бўлади. Агар яхши кишида пайдо бўлса, унинг яхшилиги кўпаяди, кўпчилик унинг оркали фойдалар топади. Агар ёвуз кишида пайдо бўлса, унинг ёвузлиги кўпайиб, кўп кишилар у туфайли зиён топадилар.

Эй дарвеш! Сўз юксалмасдан, суҳбатдошларнинг фаҳмига яқинроқ бўлишини истаётган бўлсам ҳам, менинг ихтиёримсиз сўз юксалиб, суҳбатдошлар мақомидан баландроқ сўзлар айтилаётир. Чунки Куръони мажид бепоён бир уммондир. “Инналлоҳа таоло анзалал-Куръона ʔало ʔашарати абтунин”. Тилшунос, луғатдон, факих, муҳаддис ва муфассир – буларнинг барчаси биринчи катламдадирлар, иккинчи катламдан хабарлари йўқдир. Бу вужуд жудаём азаматли ва пурҳикматдир. Мулк, малакут ва жабарут ҳар бири бир денгиздир. Ҳар бир денгизда минглаб жавоҳирлар бор, ҳар бир жавоҳирда қанчадан-қанча ҳикмат бор. Муҳаммад Расулуллоҳ (сав) ушбу уч денгизда ҳамиша ғаввос эди. Қанча кўп ғаввослик қилса, ушбу денгизларнинг аҳволи ва жавоҳирлар ҳикматидан кўпроқ хабардор бўларди ва унинг мақоми юксалиб борарди. Куръон ҳам унинг мақоми кадрига нозил бўларди.

Ушбу рисолада мулк, малакут ва жабарут баҳсини тамомламоқчи эдим, аммо уддасидан чиқолмадим. Шоядки келгуси рисолада баҳсимиз ниҳоясига етса.

Учинчи фасл

НАСИҲАТ БАЁНИДА

Билгилки, оламнинг аҳволи бир ҳолатда қолмайди, у ҳамиша айланишдадир, ҳар замонда бошқа суратга қиради. Ҳар замонда бошқача нақш пайдо бўлади. Биринчи шакл ҳали тугамасдан, иккинчи шакл пайдо бўла бошлайди ва биринчи шаклни маҳв этади.

Эй дарвеш! Бу ўз моҳиятига кўра дарёнинг тўлкинига ўхшар, балким тўлкиннинг ўзидир. Оқил киши ҳеч қачон дарё тўлкинида иморат солмас ва унда яшашга ният этмас. Шубҳасиз билгилки, биз мусофирмиз, оламнинг аҳволи ҳам мусофирдир. Агар давлат бўлса ҳам, ўтади, агар меҳнат бўлса ҳам ўтади. Бас, агар давлатнинг бўлса, давлатингга ишонмаким, кейинги соат қандай аҳволда бўлишинг маълум эмас. Агар меҳнат-машаққат бўлса ҳам, ғусса чекмаким, кейинги соат қандай бўлиши ҳали маълум эмас. Фақат шуни ўйлаким, одамларга фойданг тегсин ва ҳеч қачон зараринг тегмасин.

Валҳамду лиллаҳи Роббил-ʔаламийн.

ЎН УЧИНЧИ РИСОЛА

МУЛК, МАЛАКУТ ВА ЖАБАРУТ ОЛАМЛАРИ БАЁНИДА

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.

Алҳамду лиллаҳи роббил-ъаламийн вал-ъақибату лил-муттақийн, вас-солату вас-саламу ғала анбиёйҳи ва авлиёйҳи хойру холқиҳи, ва ғала алиҳим ва асҳабиҳим ат-тоййибийн ат-тоҳирийн.

Аммо баъд, эй дарвеш! Ушбу рисолада мулк олами, малакут олами ҳамда жабарут олами ҳақида баҳс якун топишига умид қиламиз.

Биринчи фасл

ВАҲДАТ БАЁНИДА

Билгилки, мулк қарама-қаршилиқлар оламидир, малакут – уйғунлик олами, жабарут – ваҳдат (бирлик) оламидир. Жабарут оламида уйғунлик ва қарама-қаршилиқлар йўқ, чунки жабарут – ваҳдат оламидир, ҳамма нарсаси бор эди, шу билан бирга ҳеч нарсаси йўқ эди.

Эй дарвеш! Зот мартабаси шунақа бўлади, ҳамма нарсаси бор, аини пайтда ҳеч нарсаси йўқдир. Жабарут олами пок, мусаффо, содда ва безак-сиздир, ном ва нишони, шакл ва сурати йўқ. Малакут оламида уйғунлашув ва тартибга солиш пайдо бўлди. Ном ва нишон зоҳир бўлди, яъниким ақллар, нафслар ва табиатларнинг исмлари пайдо бўлдилар, қаррубий фаришталар ва руҳият оламидагиларнинг мартабаси зоҳир бўлди. Мулк оламида қарама-қаршилиқлар пайдо бўлди, олов, тупрок, сув, ҳаво, мозий, бугун ва келажак пайдо бўлди.

Эй дарвеш! Жабарут оламида асал ва ханзал (итковун, Абуҷаҳл тарвузи) бир таомдадир, заҳар ва тарёқ (заҳарни кеткизувчи дори) бир идишда сақланилади, лочин ва каклик бирга яшайдилар, бўри ва кўзи бирга турадилар; кеча ва кундуз, нур ва зулмат битта рангдадир, азал ва абад, кеча ва эрта ҳамхонадилар. Иблис Одам билан душман эмас, Намруд Иброҳим (а) билан сулҳу салоҳдадилар, Фиръавн билан Мусо (а) урушмайдилар.

Эй дарвеш! Қасрат (кўплик)дан олдин бир ваҳдат бор, қасратдан кейин бир ваҳдат бор. Иш – кейинги ваҳдатдадир. Агар солиқ бу кейинги ваҳдатга етишса, муваҳҳид (ваҳдат соҳиби) бўлур ва ширкдан ҳалос бўлар. Файласуфлар биринчи ваҳдатдан хабарлари бор, аммо кейинги ваҳдатдан бебаҳра ва бенасибдилар.

Эй дарвеш! Агар қасрат бўлмаса эди, тавҳид мавжуд бўлмасди. Чунки тавҳиднинг луғавий маъноси “яккалатиш”дир, якка нарсани яккалатиб бўлмайди, яккалатиш учун кўп нарса керак. Кўп нарсани яккалатишнинг икки йўли бор, бири – илм йўли, иккинчиси – амал йўли. Бас, тавҳид ҳам икки қисмга бўлинади – илмий тавҳид ва амалий тавҳид.

Эй дарвеш! Тавҳидни ўз ниҳоясига етказганнинг аломати шуки, агар Намрудни Иброҳим билан урушаётганини кўрса, ёки Фиръавн билан Мусо душманлик қилаётганига гувоҳ бўлса, уларни битта деб билар ва битта деб кўрар. Охирги ваҳдат шудир. Тавҳид ўз ниҳоясига етгач, ваҳдат мақоми пайдо бўлар. Сўз чўзилиб, мақсаддан узоклашмайлик!

ҚАДР КЕЧАСИ ВА ҚИЁМАТ КУНИ БАЁНИДА

Билгилки, мулк ва малакут жабарут сифатларининг мазҳаридирлар. Жабарутда нимаики яширин ва мужмал бўлган бўлса, мулк ва малакутда зоҳир ва муфассал бўлди.

Эй дарвеш! Малакут жабарутнинг кўриниши ва намунаси, мулк – малакутнинг кўриниши ва намунаси. Токим малакутни билиш учун мулкдан далил келтирадилар, жабарут ҳақида эса малакутдан далил келтирадилар. Бу Имом Жаъфар Содик алайҳиссаломнинг сўзларидир: “Инналлоҳа таъала холақол-мулкаъала мисали малакутиҳи ва асса-са малакутаҳуъала мисали жабарутиҳи лийастадалла бимулқиҳиъала малакутиҳи ва бималакутиҳиъала жабарутиҳи”. Агар десаларким, малакут – жабарутнинг кўзгуси ва мулк – малакутнинг кўзгусидир, бу ҳам тўғридир; негаки, малакут мулкда ўз жамолини кўради ва ўз исмларини мушоҳада қилади, жабарут малакутда ўз жамолини кўради ва ўз исмларини мушоҳада қилади. Жабарутда ҳар нимаики яширин ва мужмал эди, энди мулкда зоҳир бўлиб, муфассал бўлди. Шу жиҳатдан жабарутни Қадр кечаси ва Жума кечаси дейдилар; мулкни Қиёмат куни, Жума куни, фасл куни, Тирилиш куни деб айтадилар. Шу жиҳатданким, мавжудотнинг моҳиятлари барчалари бирварақайига жабарут оламида эдилар, айримлари жузъий шаклда, айримлари куллий ҳолатда. Барчанинг тақдирини жабарутда муайян этдилар ва ҳар бир нарсанинг меъёрини жабарутда белгиладилар: ва кулла шайъинъиндахъй бимикдорин.

Аллоҳнинг сўзи: “Факат Аллоҳгина ҳар бир аёлнинг хомиласини, бачадонлар (муддатидан илгари) ташлайдиган (бола) ни ҳам, (тўққиз ойдан) ортиқроқ туриб қоладиган (бола)ни ҳам билур. Унинг даргоҳида ҳар бир нарса ўлчовлидир¹.”

Жабарут оламида тақдир этилган нарсалар яширин ва мужмал эдилар, улар мулк оламида зоҳир ва муфассал бўлдилар, ижмол оламидан тафсил оламига келдилар: фаҳаза явмул-баъси ва лакиннакум кунтум ла таъламу.

Аллоҳнинг сўзи: “(Ўша куни) илм ва имон берилган зотлар айтурлар: “Аниқки, сизлар Аллоҳ (Лавҳул-маҳфузда) ёзиб қўйганидек, тирилиш кунигача турдингиз. Бас, мана шу тирилиш кунидир. Лекин сизлар (қизикмаганинингиз сабабли бунинг ҳақ эканини) билмас эдингиз”².”

Эй дарвеш! Қиёмат куни уч кундир: кичик қиёмат, катта қиёмат ва энг катта қиёмат. Фасл куни тўрт кундир.

Учинчи фасл

НАСИХАТ БАЁНИДА

Билгилки, барча одамларнинг миясида подшоҳлик ҳаёли ёки ҳокимлик таманноси ёки раҳбарлик савдоси айланади. Ҳар бир одамнинг миясида шу учта фикрдан биттаси, албатта, бўлади. Донишманд киши буни узлуксиз риёзат ва мужоҳада билан миясидан чиқариб ташлайди. Донишманд кишининг миясидан энг охириги чиқиб кетадиган нарса – амалпарастлик-

¹ Раъд, 8-оят.

² Рум, 56-оят.

дир. Бошқа барча одамлар бу балога гирифтордирлар, интиқлик дўзахиди куйиб, ҳасад оловида жизғанақ бўладилар. Бу сўзларнинг далили шуки, бу дунёда ҳар бир киши ўзи ҳақида ўзи шундай фикрдадирким, бу дунёда у бетакрордир ва ҳеч ким унга тенг келолмайди. Ҳар бир киши ўзини бошқалардан кўра яхшироқ деб ҳисоблайди. Шунинг учун бу дунёда улуг мартабаларгагина ўзини муносиб деб ҳисоблайди. Агар ўша мартабани бошқа киши банд қилиб турган бўлса, ҳасад оловида жизғанақ бўлади. Бу тоифа ҳар куни маҳфилларда, давраларда ўзларини мактаб юрадилар, бошқалар ҳам уни макташларини хуш кўрадилар; агар бошқа кишини унинг олдида мактаб қўйсалар, ранжийдилар.

Эй дарвеш! Қаердаки ақл ва илм камроқ бўлса, ушбу сифатлар ғалаба қилади; кимдаким, илм ва ақл ўз камолига етган бўлса, бу фикр унинг хотиридан ўтмайди; агар ўтса ҳам, Аллоҳ таоло уни бу азобдан сақлашини сўраб Аллоҳдан паноҳ истайди.

Эй дарвеш! Билгилки, бир киши ҳамма нарсани билолмайди, бир киши ҳамма ишларни эплаёлмайди. Демак, ҳеч нарса ва ҳеч ким бу дунёга бекорга келмаган. Ҳар бир киши ўз ўрнида керакдир; ҳар бир киши ўз ўрнига эгадир. Оламнинг низоми барча билан устувордир, барча бу Вужуднинг даражаларидирлар. Сен ҳам қайси мартабада бўлсанг, шу вужуд мартабаларининг бирисан. Донишмандлар ушбу сирга огоҳ бўлганларидан шундай мартаба ихтиёр этдиларким, унда паришонлик ва ғам-ғусса камроқ, хотиржамлик ва роҳат-фароғат кўпроқ бўлур.

Эй дарвеш! Подшоҳлик, амалдорлик ва раҳбарлик бу дунёда бор ва бўлади ҳам. Бугун бу суратда зоҳир бўлган бўлса, эртага бошқача суратда зоҳир бўлади. Сен бугун ўз вақтингни ғанимат деб бил, хотиржамлик ва фароғат билан умр кечир, имкон борича бирор нарса ё кимсага озор етказма; бировга озор етказишдан кўра оғирроқ гуноҳ йўқ. Имконинг борича бошқаларга фойданг тегсин, чунки одамларга яхшилик қилишдан кўра устунроқ тоат йўқдир. Шунини аниқ билгилки, ким нима қилса, албатта, ўзига қилади; агар озор етказса, аслида ўзига етказди, агар яхшилик қилса, ўзига қилади. Бу шу жиҳатданким, Вужуднинг кўп хосиятлари бор, бир хосияти шуки, унда мукофот вожибдир: ал-мукофоту фий табиъатиҳи вожибун. Ул азиз шу учун ушбу байтни айтибдир:

*Чу бад карди, мабош эмин зи офот,
Ки вожиб шуд табиатро мукофот.*

Маъноси:

*Ёмон қилдинг, омон қолдирмас офат,
Ки вожиб келди оламга мукофот.*

Валҳамду лиллаҳи Роббил-ъаламийн.

ЎН ТЎРТИНЧИ РИСОЛА

ЛАВҲ, ҚАЛАМ ВА ДАВОТ БАЁНИДА

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.

Алҳамду лиллаҳи роббил-ъаламийн вал-ъақибату лил-муттақийн, вас-солату вас-саламу ʼала анбиёиҳи ва авлиёиҳи ҳойру холқиҳи, ва ʼала алиҳим ва асҳабихим ат-тоййибийн ат-тоҳирийн.

Аммо баъд, заифларнинг энг заифи ва факирларнинг ходими, камина – Азизиддин Муҳаммад Насафийдан дарвешлар – Аллоҳ уларни янада кўпайтирсин – лавҳ, қалам ва давот баёнида бир рисола тартиб беришимни сўрадилар. Уларнинг таклифларини қабул қилдим ҳамда хато ва гумроҳликдан паноҳ истаб, Аллоҳ таолодан мадад ва ёрдам сўрадим. Негаки, фақат У нимагаки, истаса Қодир эрур ва сўраганларни ижобат қилишга муктадир.

Биринчи фасл

ДАВОТ БАЁНИДА

Билгилки, жабарут битта оламдир, аммо бу битта оламни турли кўшимча ва изофалар билан турли-туман исмлар билан зикр этмишлар; бизнинг мақсадимиз ушбу мавзуда жабарутнинг бошқа номланишлари ҳақида эмас.

Эй дарвеш! Сизгилар, ақллар, оддий нарсалар, мураккаб нарсалар, жавҳарлар (субстанция, асл, асос), аразлар (атрибутлар)нинг моҳиятларининг барчаси жабарут оламида эдилар, аммо барчалари яширин ва мужмал эдилар, бир-бирларидан айрилмагандилар. Шу жиҳатдан жабарут оламини давот (сиёҳдон) деб айтадилар. Катта оламнинг Давоти бўлгани каби кичик оламнинг ҳам ўз Давоти бор; кичик оламнинг Давоти нутфа (уруғ)дир. Шу жиҳатданким, кичик оламда нимаики мавжуд бўлган бўлса, барчаси нутфада мавжуд эди аммо барчалари яширин ва мужмал эдилар, бир-бирларидан айрилмагандилар. Шу жиҳатдан нутфани кичик оламнинг Давоти деб аташади.

Эй дарвеш! Катта оламнинг Давоти ва кичик оламнинг Давотини билдинг, энди шуни ҳам билгилки, бу икки давот ўзлари билан бирга котиб, қалам ва лавҳлари бордир. Иккала котиб ҳам китобат қилишни бировдан ўрганмадилар. Китобат қилиш иккала котибнинг зотида бор эди.

Бу муқаддималарни маълум этдинг, энди билгилки, катта оламнинг давотига хитоб келдиким, “Ёрил!” Кўз очиб-юмгунча ёрилди ва иккига бўлинди: Ва ма амруна илла ваҳидатун каламҳим бил-басари.

Аллоҳнинг сўзи: “Бизнинг фармонимиз фақат биргина (“Бўл!”, - деган сўздир) (Муддати) кўз юмиб очгунчадир¹.

Бир шоҳи Биринчи Ақл бўлди, у Қалам истади; иккинчи шоҳи биринчи Фалак бўлдиким, у Аршни истади. Қалам истаган Биринчи Ақл ақлли ва мусаффо нарсаларга хос бўлди, Арш истаган Биринчи фалак сезгилар соҳиблари ва безакли ашёларга хос бўлди. Аллоҳнинг Арши Лавҳи кабирдир.

Иккинчи фасл

КАТТА ОЛАМНИНГ ҚАЛАМИ ВА ЛАВҲИ БАЁНИДА

Билгилки, Аллоҳнинг Қалами бўлмиш Биринчи Ақлнинг қанчалик муаззам ва улуғвор эканлигини Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмайди; Аллоҳнинг Арши бўлмиш Биринчи фалакнинг қанчалик муаззам ва улуғвор эканлигини Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмайди.

¹ Қамар, 50-оят.

Эй дарвеш! Пайгамбарлар Биринчи Ақлнинг мартабасини олий деб билмишлар ва унинг мадҳида кўп сўз юритмишлар. Унга кўп исм кўйганлар, ҳеч нарсани ундан-да донороқ деб ҳисобламаганлар, ҳеч нарсани Аллоҳ таолога унга нисбатан яқинроқ деб билмаганлар. Мавжудотнинг энг шарафлиси бўлмиш одамзоднинг шарафи ҳам Ақл туфайлидир. Хитоб ҳам, савоб ҳам, азоб ҳам ақл биландир. Файласуфлар ҳам Биринчи Ақлнинг мартабасини олий деб билмишлар ва унинг мадҳида кўп сўзлар айтмишлар. Файласуфлар айтадиларки, Аллоҳ таолонинг Зоти-дан биттагина жавҳар содир бўлди, бу жавҳар – Биринчи Ақлдир. Бошқа яратикларнинг барчаси Биринчи Ақлдан содир бўлганлар.

Эй дарвеш! Пайгамбарлар яхшироқ айтадилар. Пайгамбарлар айтадиларки, маъқулот (ақллар олами) Биринчи Ақлдан пайдо бўлдилар, маҳсусот (сезгилар олами) Биринчи фалақдан пайдо бўлдилар. Биринчи Ақл ва Биринчи фалақ – булар иккаласи жабарут оламидан пайдо бўлдилар ва бор бўлдилар. Жабарут дарёсидан ушбу икки гавҳар баббаравар вужуд соҳилига етишдилар; шу жиҳатдан Биринчи Ақлни малякут оламининг биринчи жавҳари (бирламчи асос, идея) деб айтишади, Биринчи фалақни эса мулк оламининг биринчи жавҳари (бирламчи асос, материя) дейишади.

Гап чўзилиб, асосий мақсаддан узоклашмайлик. Давот ёрилиб, икки шоҳга бўлингач, бир шоҳи Биринчи Ақл, иккинчи шоҳи Биринчи фалақ бўлди. Биринчи Ақл нур дарёси эди, бу дарёнинг катталигини Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмайди; битта (ўзандаги) дарё эди, ҳали ақллар ва нафслар пайдо бўлмаганди. Биринчи фалақ – зулмат дарёси эди, бу дарёнинг катталигини Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмайди; битта (ўзандаги) дарё эди, ҳали осмонлар ва юлдузлар пайдо бўлмаганди.

Бу муқаддимларни билиб олдинг, энди шуни ҳам билгилки, баъзилар айтадиларки, Аллоҳ таолонинг қалами бўлмиш Биринчи Ақлга хитоб келдиким, “Аллоҳ таолонинг Лавҳи бўлмиш бу Биринчи фалакка ёз!” Қалам деди: “Илоҳо! Нимани ёзайин?” Хитоб келдиким: “Нимаки бор эди, бор ва қиёматгача бўлади – ҳаммасини ёз!” Қалам буларнинг ҳаммасини ёзди, сўнг Қалам куриди. “Фарағар-Раббу мин ал-халки варризки вал-ажали”. Бу тоифанинг сўзлари юкорида айтилди. Аммо бу бечоранинг назидадирки, Аллоҳ таолонинг Қалами бўлмиш Биринчи Ақлга хитоб келдиким: “Ўзингга ва бу Биринчи фалакка ёз!” У кўз очиб-юмилгунча ёзди. “Иннамо амруху изо арода шайъан ан якулу кун фаякун”.

Аллоҳнинг сўзи: “Бирор нарсани (яратиш)ни ирода қилганида, Унинг иши фақатгина: “Бўл!” – дейишдир. У (наrsa) эса бўлур (вужудга келур)”¹.

Ўшанда ақллар, нафслар ва табиатлар Биринчи Ақлдан пайдо бўлдилар, фалақлар, юлдузлар ва унсурлар Биринчи фалақдан пайдо бўлдилар ва табақаланиб, бир-бирларидан айрилдилар. “Авалам яраллазийна кафару иннассамовота вал-арза конитан раттақан фафатақано хумо ва жаъално минал-мои кулла шайъин ҳаййин афало юъминун”.

Аллоҳнинг сўзи: “Кофир бўлганлар осмонлар ҳам, Ер ҳам (аввалда) яхлит бўлганини, бас, Биз уларни ёриб юборганимизни ва барча тирик мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни кўрмадиларми?! Энди ҳам иймон келтирмайдиларми?!”²

¹ Есин, 82-оят.

² Анбиё, 30-оят.

Яъниким, Биринчи Ақл буларни ёзди ва булар пайдо бўлдилар. Бу пайдо бўлган нарсалар ўзлари билан нималари бўлса, асли ўзларидандир ва ўзлари билан олиб келганлар. Оламнинг муфрадоти (оддий, бўлинмас нарсалар) барчаси пайдо бўлди, обо ва уммаҳотнинг яралиши тугади, Қалам қуриди. Негаки, бу Қалам муфрадотнинг калами, обо ва уммаҳотнинг калами эди. Муфрадот – бу обо ва уммаҳотдир, буларнинг яралиш жараёни тугади, шу билан Қалам қуриди.

Учинчи фасл

КОМИЛ ИНСОН БАЁНИДА

Билгилки, катта оламда учта осмон ва учта ер бор. Битта хос осмон ва ер жабарут оламида, битта хос осмон ва ер малакут оламида, битта хос осмон ва ер мулк оламидадир. “Танзийлан мимман холақол-арза вас-самаватил-уъла” –

Аллоҳнинг сўзи: “(У) Ерни ва юксак осмонларни яратган зот (Аллоҳ томони)дан нозил қилингандир”¹.

Булар биринчи хос осмон ва ердир. “Ар-Роҳману ʼалал-аршистава” –

Аллоҳнинг сўзи: “(У) Арш узра “муставий” бўлмиш Раҳмондир”².

Булар хос иккинчи осмон ва ердир. “Лаху ма фис-самавати ва ма фил-арзи ва ма байнаҳума” –

Аллоҳнинг сўзи: “Осмонлардаги, Ердаги ва уларнинг орасидаги ҳамда замин остидаги бор нарса Униқидир.

Булар учинчи хос осмон ва ердир. “Ва ма тахтас-саро”³.

Аллоҳнинг сўзи: “Осмонлардаги, Ердаги ва уларнинг орасидаги ҳамда замин остидаги бор нарса Униқидир.

– Саро мизождан иборатдир. Мизожнинг остида мураккабот оламидир. Мураккаботда ҳам учта осмон ва учта фалак бор, ҳаммаси бўлиб олтига бўлади. “Хувал-лазий холақос-самавати вал-арзи фий ситтати айёмин”⁴.

Аллоҳнинг сўзи: “У осмонлар ва Ерни олти кунда яратиб, сўнгра Арш узра “муставий” бўлган зотдир. У ерга кирадиган нарсаларни ҳам, ундан чиқадиган нарсаларни ҳам, осмондан тушадиган нарсаларни ҳам, унга (осмонга) кўтариладиган (яхши амал ва дуолар каби) нарсаларни ҳам билур. Сизлар қаерда бўлсангиз, У сизлар билан биргадир. Аллоҳ қилаётган (барча) амалларингизни кўриб турувчидир”⁵.

Кун – мартабадан иборатдир, яъниким, “олти мартабада яратдик”. “Суммас-тава ʼалал-Барши”.

Аллоҳнинг сўзи: “Аллоҳ осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсани олти кунда яратиб, сўнгра Арш узра “муставий” бўлган зотдир. Сизлар учун Ундан ўзга бир дўст ва окловчи йўқдир. Ахир (бундан) эслатма олмайсизми?! Сўнг ундан-да юксакроқдир, яъни “ушбу олти мартабадан кейин Арш мартабаси муставий бўлди (юксалди)”. Бундан мурод – Комил Инсондирким, нузулда уч осмон ва уч ердан ўтди, уружда уч осмон ва уч ердан ўтди, сўнг Аршга юксалди; яъниким, Биринчи Ақлдан

¹ Тоҳо, 4-оят.

² Тоҳо, 5-оят.

³ Тоҳо, 6-оят.

⁴ Тоҳо, 6-оят.

⁵ Ҳадид, 4-оят.

келди, яна Биринчи Ақлга етишди, доирани тугатди. Биринчи ақл Аршга юксалгандир, у ҳам Аршга юксалди. Бу оятнинг тафсирини бошка бир оят билан қиладиким: “Йудаббирул-амро минас-самаи илал-арзи сумма яъружу илайҳи фий явмин кана миқдаруху алфа санатин”¹.

Аллоҳнинг сўзи: “(У) осмондан ергача бўлган барча ишни тадбирини кўрар (бошқарар), сўнгра (бу ишларнинг барчаси) сизларнинг ҳисобингизча минг йилга тенг келадиган (бир) кунда (яъни қиёматда) Унинг ўзига кўтарилур.

Эй дарвеш! Минг йил энг камидир, беш юз минг йил энг кўпидир. Бундан кам, ундан кўп бўлмас. “Ват-тийни ваз-зайтуни ва Тури Сийнийни ва ҳазал-баладил-амийн”².

Аллоҳнинг сўзи: “1. Қасамёд этурман анжир ва зайтун билан, 2. Тури Синин (тоғи) билан, 3. Мана шу тинч-осойишта шаҳар (Макка) биланки, Тин – Кул дарёси ҳамда нур ва зулматни камраб олган Давотдан иборат, Зайтун – Аллоҳнинг Қалами бўлмиш Биринчи Ақлдир, Тури Сийнийн – Аллоҳнинг Арши бўлмиш Биринчи фалақдир; “Ва ҳазал-баладил-амийн” – Комил Инсондирким, мавжудотнинг қаймоғи ва хулосасидир, илмларнинг тўпловчиси ва нурларни тўпловчиси удир. Шу жихатдан уни “балад” деб айтадиларким Комил Инсон Мисри Жомеъдир, барча яҳши хулқлар ва гўзал хислатлар билан безангандир. “Амин” деб айтишларининг сабаби шуки, Комил Инсонда ҳеч қачон танлаган йўлидан қайтиш ёки ярим йўлда қолиб кетиш хавфи бўлмайди. Комил Инсон шундай шаҳарга етганким, “ман дахалаҳу кана аминан”³.

Аллоҳнинг сўзи: “Унда аниқ аломатлар – “Макоми Иброхим” бордир. Унга (Қаббага кирган киши) омонда бўлур. Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир. Кимда-ким (буни) инкор этса, бас, албатта, Аллоҳ одамлардан беҳожатдир”⁴.

Тўртинчи фасл

КИЧИК ОЛАМНИНГ ДАВОТИ, ҚАЛАМИ ВА ЛАВҲИ БАЁНИДА

Билгилки, нутфа кичик оламнинг давотидир, деган гап ушбу рисолада бир марта айтилди. Энди шуни билгилки, ушбу нутфа бачадонга тушганидан кейин, бир муддат ўтгач, хитоб келдиким: “Ёрил!” у ёрилди ва икки шохга бўлинди. Бир шохи табиат бўлди, у кичик оламнинг қаламидир. Бир шохи алақа (эмбрион) бўлди, у кичик оламнинг Лавҳидир. Инсоннинг тана аъзоларининг ибтидоси ушбу алақадандир: “Холақол-инсона мин ыалак”⁵.

Аллоҳнинг сўзи: “(У) инсонни лахта қондан яратди”⁵.

Эй дарвеш! Нутфа Куллиёт дарёси эди, чунки мусаффо ва аъло дарё эди, сезгилар ва ақларни камраб олганди. Ёрилиб, икки шохга бўлингандан кейин, бир шохи табиат бўлди, бир шохи алақа бўлди. Энди табиат мусаффолик ва ақлга хос бўлди, алақа аълолик ва сезгиларга хос бўлди.

¹ Сажда, 4-оят.

² Сажда, 5-оят.

³ Тин, 1-3 оятлар.

⁴ Оли-Имрон, 97-оят.

⁵ Алақ, 2-оят.

Бу муқаддималарни билиб олдинг, энди шуни ҳам билгилки, кичик оламнинг Қалами бўлмиш табиатга хитоб келдиким: кичик оламнинг Лавҳи бўлмиш ушбу алақага ёз! Қалам айтди: “Нима ёзайин?” Хитоб келдиким: “Ушбу кичик оламда нимаики ўтган, бўлаётган ва бўлажак барча нарсаларни ёз бу киши вафот этган муддатиғача”. Қалам буларнинг барчасини ушбу фарзанднинг пешанасига ёзди, сўнг қуриди. “Фарағар-Раббу минал-халқи вар-ризки вал-ажали”. Бу тоифа юқорида айтилган сўзларни айтадилар, аммо бу бечора айтадиким, кичик оламнинг Қалами бўлмиш табиатга хитоб келдиким: “Ўзингга ва ушбу кичик оламнинг лавҳи бўлмиш алақага ёз!” Ва у ёзди, токим инсоннинг ташқи ва ички аъзолари ҳаммаси пайдо бўлдилар, тадрижий равишда зоҳир бўлиб, камолга етдилар, одамнинг жисм ва руҳи буткул шаклланди, яъниким табиат ёздиким, булар пайдо бўлдилар. Булар пайдо бўлгач, нимаики ўзларида бўлса, ўзлариникидир ва ўзлари билан келтирганлар. Катта оламнинг давоти, қалами ва лавҳи ҳамда кичик оламнинг давоти, қалами ва лавҳи баёни ушбу эди.

Эй дарвеш! Катта оламнинг Давоти нузулнинг мабдаъидир, кичик оламнинг давоти уруж мабдаъидир. Бу шу жиҳатданким, катта оламда аввал Ақлдир, охири табиат, кичик оламда аввал табиатдир, охири ақл.

Эй дарвеш! Катта олам биттадир. Тугал бўлгач, катта оламнинг қалами қуриди. Аммо кичик олам сон-саноксиздир, қайси олам тугал бўлса, ўша оламнинг қалами қуриydi. Демак, кичик оламнинг Мутлак қалами ҳеч қачон қурилмагай ва ҳамийша ёзгай, чунки бу сўзлар ҳеч қачон ўз ниҳоясига етмас: “Қул лав қонал-бахру мидодан ликалимоти Раббий ланафидал-бахру қабла ан танфада калимоту раббий ва лав жиъно бимислиҳи мададан”.

Аллоҳнинг сўзи: “Айтинг: “Борди-ю, денгиз (суви) Раббимнинг сўзлари (илму ҳикматларини битиш) учун сиёҳ бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирсак ҳам, Раббимнинг сўзлари битишидан илгари у денгизлар тугаб битар”.

Бешинчи фасл

НАСИҲАТ БАЁНИДА

Эй дарвеш! Шуни аниқ билгилки, бу дунёда хурсандчилик йўқдир. Хурсандчиликни талаб қилмаким, тополмассан, чунки бу олам омонликда эмас. Бир соатдан кейин қаерда бўлиши, қайси ҳолатда бўлиши ва нима бўлишини билмаган киши қандай ўзини омонликда ҳис этиши мумкин?! Омонликда бўлмагандан кейин, хурсандчилик қаердан бўлсин?! Хурсандчилик тасавури бор, у ҳам ақл йўқ жойда бўлади.

Эй дарвеш! Шуни аниқ билгилки, кимда ақл бўлса, у биладиким, бу дунёда хурсандчилик йўқдир. Шундай бир оламдаким, бир бегуноҳ пайғамбарни бир замонлар тутиб олиб, оловга солдилар, токим оловда қуйсин – шундай ҳам қилдилар, шундай бир оламдаким, унда ҳатто юзлаб валий зотни дорга осиш мумкин дир – ва шундай ҳам бўлди, шундай бир оламдаким, юзлаб адолатли, яхши хулкли, гўзал фазилатли подшоҳлар ёшлик пайтидаёқ ўнлаб табиб ва қўриқчиси бўлишига қарамасдан, бир иситма баҳонасида ҳалок бўлса – шундай бўлди ҳам – қандай қилиб,

¹ Каҳф, 109-оят.

омонлик ва хурсандчилик бўлиши мумкин?! Кимдаким бир зарра ақл бўлса, биладиким, бу оламда омонлик ва хурсандчилик йўқдир.

Байт:

*Ҳазор нақш барорад замонаву набувад
Яке чунон, ки дар ойинайи тасавури мост.*

Маъноси:

Замона минг хил нақш чикарди, аммо бизнинг тасаввуримиздаги бирорга ҳам нақш йўқ.

Эй дарвеш! Шунга рози бўлиб, муроса қилиш керак, ўшанда бу оламдан саломатлик билан ўтгайсан.

“Валҳамду лиллаҳи Роббил-ъаламийн”

ЎН БЕШИНЧИ РИСОЛА

ЛАВҲИ МАҲФУЗ БАЁНИДА, ЖАБР ВА ИХТИЁР БАЁНИДА, ҲУКМ ВА ҚАЗОВУ ҚАДАР БАЁНИДА

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.

Алҳамду лиллаҳи роббил-ъаламийн вал-ъакибату лил-муттакийн, вас-солату вас-саламу ъала анбиёҳи ва авлиёҳи хойру холқиҳи, ва ъала алиҳим ва асҳабихим ат-тоййибийн ат-тоҳирийн.

Аммо баъд, заифларнинг энг заифи ва фақирларнинг ходими, камина – Азизиддин Муҳаммад Насафийдан дарвешлар – Аллоҳ уларни янада кўпайтирсин – Лавҳи маҳфуз баёнида, Жабр ва Ихтиёр баёнида ҳамда казо ва қадар баёнида бир рисола тартиб беришимни сўрадилар. Уларнинг таклифларини қабул қилдим ҳамда хато ва гумроҳликдан паноҳ истаб, Аллоҳ таолодан мадад ва ёрдам сўрадим. Негаки, фақат У нимагаки, истаса Қодир эрур ва сўраганларни ижобат қилишга муктадир.

Биринчи фасл

ЛАВҲИ МАҲФУЗ БАЁНИДА

Шуни билгилки, умумий Лавҳи маҳфуз ва хос Лавҳи маҳфуз бор. Умумий Лавҳи маҳфуз шуки, бу оламдаги бўлган, бор ва бўладиган ҳар бир нарса Унда битилгандир ва хос Лавҳи маҳфуз шуки, (оламдаги) баъзи нарсалар Унда битилгандир.

Бу муқаддима сенга маълум бўлди, энди билгилки, Лавҳи маҳфуз тўрттадир: аввал жабарутдир ва жабарут умумий лавҳи маҳфуздир, чунки жамики мавжудотнинг моҳияти бир бутун ҳолда жабарутда бор эди ва (барча ашё) ундан пайдо бўлгандир. Иккинчи – Ақли аввалдир ва Ақли аввал хос лавҳи маҳфуздир, чунки малаклар олами барчаси Ақли аввалда пайдо бўлган эдилар ва ундан пайдо бўлганлар. Учинчи – Биринчи фалакдир, буни фалулафлок (фалаклар фалаги) ҳам дейдилар. Ва Биринчи фалак хос Лавҳи маҳфуздир, шунинг учунки, мулк (моддий) олам ҳаммаси Биринчи фалакда бор эди ва ундан пайдо бўлгандир. Тўртинчиси – одамнинг нутфаси (уруғи)дир ва нутфа кичик оламнинг Лавҳи маҳфузидир. Шу жиҳатданки, кичик оламда бор нарсалар одам нутфасида мавжуд

бўлдилар. Лавҳи маҳфуз, биринчидан, рикки маншур, иккинчидан, байти маъмур, учинчидан сакфи марфўъ ва тўртинчидан, баҳри масжурдир.

Билиб турибманки, яхши тушунмадинг, шунинг учун бундан равшанроқ қилиб айтай. Билгилки, оталар ва оналар деб номланувчи бирликлар Лавҳи маҳфуз ва Худонинг китобидирлар. Ва мураккабликлардаги туғиладиган ҳар бир нарса – бўлган, бор ва бўладиган жамийки нарсалар – бу Лавҳи маҳфуз ва Худонинг китобида битилгандир ва Худонинг китобида ёзилмаган ҳеч нарса йўқ: “Ва ла ротбив ва ла йабисин илла фи китабим мубийн”.

Аллоҳнинг сўзи: “Ғайб (яширин иш ва нарсалар) қалитлари Унинг ҳузурдадир. Уларни Ундан ўзга билмас. Яна, куруклик ва денгиздаги нарсаларни (ҳам) билур. Бирор япроқ (узилиб) тушса (ҳам) уни билур. Ер зулматлари (қаъри)даги уруғ бўлмасин, ҳўлу курук бўлмасин, (ҳаммаси) аниқ Китоб (Лавҳул-маҳфуз)да (ёзилган)дир”¹.

Эй дарвеш! Агарчи туғилганлар (маволид) ҳам Худонинг китоби бўлсалар-да, аммо улар пайдо – кўринган китобдирлар ва обо ва уммаҳот эса пайдо қилувчи китобдирлар. Ва пайдо қилувчи китобда ёзилган нарсалар пайдо китобида у пайдо бўлади.

Сезиб турибманки, охиригача фаҳламадинг, бошқа иборалар билан бундан ҳам очиқроқ қилиб тушунтирай.

Иккинчи фасл

АФЛОК ВА АНЖУМ БАЁНИДА

Билгилки, афлок ва анжум (фалаклар ва юлдузлар) Лавҳи маҳфуз ва Худонинг китобидирлар. Ва бор бўлган, бор ва бўладиган жамики ашёлар шу лавҳи маҳфуз ва Худо китобида ёзилгандир. Ва қалам куригандир: “Фарағар- Роббу минал холқи ва ризқ валажал”. Ва Худонинг китобида ёзилмаган ҳеч нарса йўқ: “Ва ла ротбив ва ла йабисин илла фи китабим мубин”.

Аллоҳнинг сўзи: “Ғайб (яширин иш ва нарсалар) қалитлари Унинг ҳузурдадир. Уларни Ундан ўзга билмас. Яна, куруклик ва денгиздаги нарсаларни (ҳам) билур. Бирор япроқ (узилиб) тушса (ҳам) уни билур. Ер зулматлари (қаъри)даги уруғ бўлмасин, ҳўлу курук бўлмасин, (ҳаммаси) аниқ Китоб (Лавҳул-маҳфуз)да (ёзилган)дир”².

Ва нимаики бу Лавҳи маҳфуз ва Худо китобида ёзилган бўлса, бу сифлий олам (моддий олам)да бу нарсалар зоҳир бўлади. Ва Лавҳи маҳфуз ва Худо китобида ёзилган нарсалардан ҳеч ким хабардор эмас.

Мунажжимлар ўғринча кулоқ солиб, нимадир билиб оладилар ва одамларга айтадилар; шаҳоби соқиб шариятдирким, уларни уради ва улар маломатга қоладилар: “Қазабал-мунажжима ва роббул-қаъбати. Ман амана бин-нужуми фақод кафаро” каби ҳукмлар келгани бунга далил.

Эй дарвеш! Нужум илми шариф илмдир; агар мунажжим ҳисобда адашмаса, замон ва маконни тўғри белгиласа, тўғри топади. Аммо Пайғамбаримиз алайҳиссалом мунажжимлар ҳукм қилишини маслаҳат кўрмаганлар. Ҳақ Пайғамбаримиз алайҳиссалоту вассалом томонидадир. Чунки нодон одамлар бундай ҳолатда иккиланиб қоладилар.

¹ Аъном, 59-оят.

² Аъном, 59-оят.

Сўз чўзилиб, мақсаддан узоклашмайлик. Бу муқаддималарни маълум қилдик, энди шуни билгилки, бу сўзни айтганингда сенга иккита савол билан мурожаат қилишади. Биринчи савол шуки, агар Аллоҳнинг Китобида барча нарсалар ёзилган, Қалам қуриган бўлса, ушбу Китобда ёзилган барча нарсалар қуйи оламда содир бўладиган бўлса, машаққат ва роҳат, саодат ва бадбахтлик, яхшилик ва ёмонлик қилишда агар биз мажбур эканмиз, унда бизнинг саъй-ҳаракатларимиз, парҳезкорлик ва эҳтиёткорлигимиз нима учун? Пайғамбарлар даъвати ва авлиёлар тарбияти кимга керак, оқилларнинг тадбири ва ҳакимларнинг муолажасидан не наф? Иккинчи савол шуки, агар барча нарсалар Аллоҳнинг Китобида ёзиб қўйилган бўлса, Аллоҳнинг Китобида ёзилган барча нарсалар ушбу қуйи оламда албатта зоҳир бўладиган бўлса, нега ушбу қуйи оламда айрим ишлар, масалан, босқинчиликлар, зулм-зўравонликлар, ноҳақ қон тўкишлар ва хоказо – тартибсиз ва низомсиз зоҳир бўлади? Бундай ишлар тартиб ва низом билан содир бўлиши керак эди, чунки Аллоҳнинг Китобида бундай тартибсизлик ва беқарорлик йўқдир.

Жавоб. Билгилки, шак-шубҳасиз, осмонлар ва юлдузлар Аллоҳнинг Лавҳи маҳфузи ва Китобидирлар, бу дунёда бўлган, бўлаётган ва бўладиган барча нарсалар Аллоҳнинг Китобида ёзиб қўйилган ва Қалам қуригандир. Аллоҳнинг Китобида нимаки ёзилган бўлса, уларнинг барчаси қуйи оламда зоҳир бўлади. Аммо билгилки, осмонлар ва юлдузларда ёзилган ҳукмлар қуллий ҳукмлардир, жузъий ҳукмлар эмасдир; ушбу қуйи оламда осмонлар ва юлдузлар ҳаракатидан зоҳир бўладиган таъсирлар умумий кўринишда зоҳир бўлади, жузъий кўринишда аён бўлмайди. Шу сабабдан, бизда бир ихтиёр бор, биз истаётган нарсага эришиш ва истамаётганимиз нарсаларни дафъ этиш бизнинг саъй-ҳаракатимизга боғлиқ. Агар осмонлар ва юлдузларда жузъий ҳукмлар ҳам ёзилганида ҳамда уларнинг ҳаракатидан зоҳир бўлган таъсирлар жузъий кўринишда зоҳир бўлганида эди, биз ҳеч нарсада ихтиёримиз йўқ бўларди, бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз зое кетарди, пайғамбарлар даъвати ва авлиёларнинг тарбияти ҳам абас кетарди; олимларнинг раҳнамолиги ва оқилларнинг тадбири бефойда бўлиб қоларди.

Учинчи фасл

ОСМОНЛАР ВА ЮЛДУЗЛАР ҲАРАКАТИНИНГ ИШИ БАЁНИДА

Билгилки, айрим шоирлар фалак ва юлдузлардан шикоят қиладилар. Улар айтадиларким, осмонлар ва юлдузлар жохилларни тарбият қиладилар ва билимли кишиларни тарбият қилмайдилар. Бу шикоят ўринсиздир. Улар нима деяётганларини билмайдилар. Агар осмонлар ва юлдузлар ҳақиқатда ҳам ўз ихтиёрлари билан кимнидир тарбиялаб, кимнидир тарбияламайдиган бўлганида эди, тарбия топмаган кишиларнинг шикоятлари ўринли бўларди; аммо фалаклар ва юлдузларнинг ихтиёрлари ўзларида эмас. Қуёш чиққач, барчага бир хил нур сочади; кимгадир кўриниб, кимгадир кўринмасликнинг иложи йўқ. Аммо бизда маълум маънода ихтиёр бор: агар хоҳласак, офтобда турамиз, агар хоҳламасак,

офтобда турмаймиз. Оламини куёш ҳароратидан асраш имкони йўқ, аммо ўзимизни куёш ҳароратидан асрай оламиз; бошқа юлдуз ва сайёраларнинг ҳаракатини ҳам шундай деб бил. Бу дунёнинг айрим ишлари бенизом ва тартибсиз амалга ошади, деганларига жавоб шуки, осмонлар ва юлдузлар куйи оламнинг мударбирлари (иш бажарувчилари)дирлар, уларнинг ихтиёрлари ўзларида эмас. Уларнинг иши – ушбу оламга хашиша роҳат ва машаққат, бахт ва бахтсизликни куллий ҳолатда сочишдир, улар бўлиб-бўлиб тақсимламайдилар. Кимга нима тушса, ўшанинг насибаси бўлади. Кимгадир мол-дунё ва амал-мансаб тегади, кимдандир мол-дунё ва мансаб кетади. Оламда бахт сочаётган пайтларида уруғ бачадонга тушади-ган бўлса, бахт бу нутфага йўлдош бўлади. Оламга бахтсизлик сочаётган пайтда нутфа бачадонга тушиб қолса, бахтсизлик бу нутфага ҳамроҳ бўлади. “Ас-саъиду ман саъада фий батни уммиҳи ваш-шакийю ман шақо фий батни уммиҳи”.

Тўртинчи фасл

КЕЙИНГИ САВОЛНИНГ БАЁНИДА

Билгилки, бу сўзлардан кейин яна битта савол берадилар: сўрайдиларким, агар осмон ва юлдузларнинг тадбирлари ушбу куйи оламга умумий бўлса, жузъий бўлмаса, унда биз барча ишларда ўз ихтиёримизда бўлардик, аммо ундай эмас. Биз аниқ биламизки, айрим ишларда ихтиёримиз ўзимизда, айрим ишларда эса мажбуримиз.

Жавоб. Билгилки, ушбу рисоланинг бошида айтилдиким, Лавҳи маҳфуз тўрттадир: бири рикқи маншурдир, иккинчиси байти маъмур, учинчиси сақфи марфуъ, тўртинчиси баҳри масжурдир. Рикқи маншур ва байти маъмурда бўлган нарсалар энди сақфи марфуъдадир. Чунки сақфи марфуъ уларнинг барчасига мазҳардир, уларнинг меҳнат қуроли ва асбобидир. Уларга шундай катта дастгоҳ ва ҳикмати кўп қурол бермишким, ҳар лаҳзада янги нақш пайдо қилади. Демак, энди бизда ҳақиқатда иккита Лавҳи маҳфуз бор – бири сақфи марфуъ ва бири баҳри масжур. Сақфи марфуъ – осмонлар ва юлдузлардир, баҳри масжур – одамнинг нутфасидир.

Аллоҳнинг сўзи: “У очик саҳифалардир; яна Байтул-маъмур билан, баланд кўтарилган том (осмон) билан ва тўлқинланган денгиз биланки”¹.

Олдингиларни билиб олдинг энди билгилки, осмонлар ва юлдузларда ёзилган нарсалар ушбу куйи оламда зоҳир бўлади ва уларда бизнинг ихтиёримиз бор – уларни ўзимизда ҳосил этиш ҳам, ўзимиздан даф қилиш ҳам бизнинг саъй-ҳаракатимизга боғлиқ. Одамзоднинг нутфасида ёзилган нарсалар инсон ҳаёти давомида зоҳир бўлади, улар одамзоднинг ихтиёрига бўйсунмайди. Чунки осмонлар ва юлдузларда ёзилган нарсалар умумий тарзда ёзилган, инсон нутфасида ёзилган нарсалар эса жузъиёти билан ёзилган.

Сўз чўзилиб, мақсаддан узоклашдик. Бизнинг мақсадимиз ҳукм, қазо ва қадарнинг баёни эди.

¹ Тур, 3-6 оятлар.

Бешинчи фасл

ҲУҚМ, ҚАЗО ВА ҚАДАР БАЁНИДА

Билгилки, юкорида айтилган нарсаларни камраб олувчи Аллоҳнинг Илми – Аллоҳнинг ҳукмидир; осмонлар ва юлдузларда ёзилган нарсалар – Аллоҳнинг қазосидир; ушбу қуйи оламдаги осмонлар ва юлдузларнинг таъсирларининг зоҳир бўлиши Аллоҳнинг қадаридир. Бу сўзлар сенга фақат мисол орқали тушунарли бўлади.

Билгилки, кимдир агар тегирмон қурмоқчи бўлса, дастлаб ушбу тегирмонга нималар кераклиги, масалан, дўл, сув ва тегирмон тошини ўзида тасаввур этиб, қаердан топишни ўйлайди. Сўнг тош, дўл ва ариқни топади, ундан кейин қуриб, тегирмонни айлантиради, натижада ун ҳосил бўлади. Демак, уч мартаба келди – аввал бу ишни амалга ошириш учун нималар кераклигини ўйлаш – бу ҳукмидир. Сўнг керакли нарсаларни тўплаш ва пайдо қилиш – бу қазодир. Қуриб, тегирмонни айлантириш ва ун ҳосил қилиш – бу қадардир. Худди шундай осмонлар, юлдузлар, унурлар ва мижозлар бўйича Аллоҳнинг илми – бу Аллоҳнинг ҳукмидир; осмонлар, қозулар, унурлар ва мижозларни йўқдан бор қилиши – Аллоҳнинг қазосидир. Уларни айлантириб, қуйи оламда осмонлар ва юлдузларнинг таъсири зоҳир бўлиши – Аллоҳнинг қадаридир.

Ҳукм, қазо ва қадарнинг маънисини билиб олдинг, энди шуни билгилки, ҳукми рад этиш ва қазони рад этиш имконсиздир, аммо қадарни рад этиб бўлади. Оламдан қадарни рад этиб (қайтариб) бўлмайди, аммо қадарни ўзидан рад этиб бўлади. Ўзидан қайтариб бўладиганлиги учун, қазони буткул қайтариб бўлмайди, аммо айримларини қайтариб бўлади. Айримларини қайтариб бўладиганлари ҳақида айримлар, ақл билан қайтариш мумкин, айримлар дуо билан қайтариш мумкин, айримлар садақа билан қайтариш мумкин, деб айтишади. Умуман, қадарни қисман ўзидан қайтарса бўлади, қайси йўл билан имкони бўлса, қайтарилади.

Эй дарвеш! Қадарни қадар билан ҳам қайтариб бўлади, негаки, пўлатни фақат пўлат билан қайтариб бўлади. Масалан, осмонлар ва юлдузларда совук ҳаво ёзилган бўлса, бу Аллоҳнинг қазосидир ва агар қуйи оламда зоҳир бўлса, бу Аллоҳнинг қадаридир. Агар осмон ва юлдузларда иссик ҳаво ёзилган бўлса, бу ҳам Аллоҳнинг қазосидир ва агар қуйи оламда зоҳир бўлса, бу Аллоҳнинг қадаридир. Демак, совукни иссиклик билан қайтариш мумкин, иссикликни совуклик билан қайтариш мумкин; хийлани хийла билан қайтариш мумкин, кўшинни кўшин билан қайтариш мумкин ва ҳоказо.

Ушбу рисолада хос Лавҳи маҳфуз, яъни кичик оламнинг Лавҳи маҳфузи ҳақида ҳамда жабр ва ихтиёр бобида бундан-да кўпроқ баҳс юритмоқчи эдим, аммо қилолмадим. Кейинги рисолада бунга амалга ошираман, деган ниятдаман.

Олтинчи фасл

НАСИҲАТ БАЁНИДА

Эй дарвеш! Улуғлар агар сенга насиҳат қилсалар, қабул қилгин ва улуғликка ет. Ўзингдан қуйроқ одамлардан насиҳатни дариг тутма;

Ўзидан улуғроқлардан насихатни қабул қилиш ва ўзидан қуйиларга насихат қилиш табаррук ва фойдали ишдир. Кимки улуғларнинг насихатларини қабул қилса, бу унинг бахтлилигининг аломатидир, кимки қабул қилмаса, бу унинг бадбахтлигининг аломатидир. Шунингдек, яхшилар ва солиҳ кишиларнинг суҳбатини лозим тут ҳамда фосиқлар ва ёвузларнинг суҳбатидан йироқ тур. Яхшиларнинг суҳбатига қатта таъсирлар ва кўп хосиятлари бордир. Валҳамду лиллаҳи Роббил-ъаламийн.

ЎН ОЛТИНЧИ РИСОЛА

КИЧИК ОЛАМНИНГ ЛАВҲИ МАҲФУЗИ БАЁНИДА

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.

Алҳамду лиллаҳи роббил-ъаламийн вал-ъақибату лил-муттақийн, вас-солату вас-саламу ғала анбиёихи ва авлиёихи хойру холқиҳи, ва ғала алиҳим ва асҳабиҳим ат-тоййибийн ат-тоҳирийн.

Аммо баъд, заифларнинг энг заифи ва фақирларнинг ходими, камина – Азизиддин Муҳаммад Насафийдан дарвешлар – Аллоҳ уларни янада кўпайтирсин – кичик оламнинг Лавҳи маҳфузи ҳақида бир рисола тартиб бериб, унда кичик оламнинг Лавҳи маҳфузининг моҳиятини шарҳлаб беришимни сўрадилар. Уларнинг таклифларини қабул қилдим ҳамда хато ва гумроҳликдан паноҳ истаб, Аллоҳ таолодан мадад ва ёрдам сўрадим. Негаки, фақат У нимагаки, истаса Қодир эрур ва сўраганларни ижобат қилишга муктадир.

Биринчи фасл

АЙРИМ НАРСАЛАРДА ОДАМЗОД МАЖБУР ЭКАНЛИГИ БАЁНИДА

Аллоҳ таоло сени икки оламда азиз этсин, билгилки, кичик оламнинг Лавҳи маҳфузи нутфа (уруғ)дир. Шу жиҳатданким, одамда нимаики пайдо бўлса, улар барчаси унинг нутфасида ёзилгандир; бахт ва бахтсизлик, диёнат, омонат, хиёнат, зийраклик, аблаҳлик, бахиллик, саховат, ҳимматбаландлик, пасткашлик, бойлик, дарвешлик ва ҳоказо – барчаси одамнинг нутфаси билан биргадир; Одамзод буларни ўзидан ҳеч қачон дафъ этолмайди, одамзод буларга мажбурдир. Демак, кимки бахтли бўлса, бахтни она қорнида ўзи билан бирга олиб келгандир, кимки бадбахт бўлса, бахтсизликни она қорнидан ўзи билан бирга олиб келгандир: “Ас-саъиду ман саъада фий батни уммиҳи ваш-шақийю ман шако фий батни уммиҳи”. Бахт ва бахтсизлик ҳақида билиб олдинг, одам боласининг бошқа ҳолатларини ҳам шундан киёсла. Буларнинг барчаси одамзоднинг нутфасида ёзилгандир. Бу нарсаларнинг нутфада ёзилганига сабаб – қуйи оламнинг барча ишлари улвий оламнинг ишларига боғлиқ. Улвий оламда нимаики ёзилган бўлса, қуйи оламда уларнинг барчаси зоҳир бўлажак. Нутфада пайдо бўлган бу нарсалар ўша улвий оламда ёзилган нарсалардир; фарқ шуки, улвий оламда умумий тарзда ёзилганди, нутфада алоҳида тарзда ёзилди. Шу сабабдан, уни ўзидан дафъ этиш мумкин, буни эса ўзидан дафъ этолмайди.

Буларни билиб олдинг, энди шуни ҳам билгилки, ушбу куйи оламда бахтли бўлган одамнинг саодати – уни яхши кўрганликлари учун унга бахт бермаганлар; унинг насибасида бахтли бўлиш гавҳари тушди. Бахтсиз одамнинг бахтсизлиги уни ёмон кўриб, бахтсиз қилмаганлар; унинг насибасига бахтсиз бўлиш қисмат бўлди. Чунки осмонлар ва юлдузларнинг иши ҳаминша саодат, бахтсизлик, ақллилик, аҳмоқлик, саховат, бахиллик, олийҳимматлик, пасткашлик, бойлик ва камбағаллик гавҳарларини ушбу куйи оламга умумий тарзда сочадилар, алоҳидаликда тақсимламайдилар. Кимга нима тушса, ўшанинг насибаси бўлади. Яъни-ким, осмонлар ва юлдузларнинг ҳаракати ушбу оламга таъсир кўрсатади. Бундай таъсирлардан бири – замонда хосиятлар пайдо бўлади. Шундай давр бўладики, ким ўша пайтда сафар қилса, яхши бўлади, шундай давр ҳам бўладики, ким ўша пайтда сафарга чикса сафари хайрли бўлмайди. Шундай пайт бўладики, ўша пайтда агар уруғ онанинг қорнига тушса, бола бахтли бўлади, шундай пайт бўладики, агар ўша дамда уруғ онанинг қорнига тушса, бола бахтсиз туғилади. Шундай пайт бўлади, агар ўша пайтда уруғ онанинг қорнига тушса, бола бой бўлиб туғилади, шундай пайт бўлади, ўша пайтда агар уруғ онанинг қорнига тушса, бола камбағал бўлиб туғилади. Худди шу каби ҳар бир замоннинг ўз хосияти бўлади.

Кичик оламнинг Лавҳи маҳфузини билдинг, энди билгилки, бу сўздан кейин шундай савол берадиларким, бахт ва бахтсизлик, бойлик ва камбағаллик одамнинг нутфаси билан бирга, деб айтилди. Айрим одамларнинг эса ахволи ўзгариб туради, баъзилар умрнинг аввалида бой ва амалдор бўладилар, умрлари охирида дунёси ҳам, амали ҳам қолмайди. Баъзи кишиларнинг умрларининг аввалида мол-дунёси ҳам амали ҳам бўлмайди, умри охирида бой ва амалдор бўлиб қолади. Шу ва шунга ўхшаш ҳолатларни қандай изоҳлаш мумкин?

Жавоб. Билгилки, аҳволларнинг бундай ўзгариши тўртта замонанинг таъсирига боғлиқ.

Иккинчи фасл

ТЎРТ ЗАМОННИНГ БАЁНИДА

Билгилки, юкорида айтилганидек, осмон ва юлдузларнинг айланиши ва уларнинг ўзаро боғлиқ ҳаракатлари сабабли ҳар бир замоннинг ўз хосияти пайдо бўлади ва ҳар бир замон бир ишга ярағулик бўлади. Буларни билиб олдинг, энди билгилки, нутфа она қорнига тушган замони, фарзанд пайдо бўлган замон, болада ҳаёт асари пайдо бўлган замон ҳамда бола она қорнидан чиққан замон – бу тўрт замон боланинг аҳволига кучли таъсирлари ва катта хосиятлари бордир. Агар бу тўрт замоннинг барчаси ўша боланинг илми ва ҳикматида далил бўладиган бўлса, боланинг ўзи ҳам кўп риёзатлар чекса ва яхши тасодифлар ҳам юз берса, бу бола илму фанда ягона ва ҳикматда пешқадам ва раҳнамо бўлар. Агар бу тўрт замоннинг барчаси боланинг бой бўлиши ва амалдорлигига далолат қилса, боланинг ўзи ҳам кўп саёй-ҳаракатлар қилса ва яхши тасодифлар ҳам юз берса, бу бола мол-дунё ва амал-мансабда кўп муваффақ бўлар, ҳатто ҳукмдор бўлиб, кўп хазиналар ва лашкарларга эғалик қилиши ҳам мумкин. Агар айтилганларимизнинг акси юз берса, натижа ҳам айтган-

ларимизнинг тескариси бўлади. Яъниким, агар бу тўрт замон боланинг бахтсизлиги ва наҳсиятига далил бўлса, ҳаттоки кўп мол-дунё унга мерос қолган бўлса ҳамки, киска муддатда уни кўкка совуриб, шунча кўп саъй-ҳаракат қилса ҳам, ҳатто бир кунлик таом унга қийинчилик билан мурасар бўлади. Агар эрталабки таомни пайдо қилса, кечки таоми бўлмас, агар кечки таомни топса, эрталабга нони қолмас. Агар бу тўрт замон боланинг яхши ахлокига далил бўлса, бу бола жуда тавозуъли, ҳалим, очиккўл, адолатли, диёнатли, одамларга фойдасига тегадиган бўлиб камолга етади, фақат тўғри гапиради ва яхши амаллар пайида бўлади. Агар бу тўрт замон бу боланинг ёмон хулқига далил бўлса, бу бола ўтакеткан аблах, бахил, золим, диёнатсиз, дилозор бўлиб вояга етади, фақат ёлғон сўзлайди ва одамларга ёмонлик қилади. Болаларнинг бошқа хислатларини ҳам шундан қиёслаб олгин.

Эй дарвеш! Бунақа – тўрт замон ҳам бир нарсани тақозо қилиши ҳолати жуда кам ҳолатларда юз беради. Ҳар замонда бир иқлимда бир кишига шундай ҳолат учраши мумкин. Қолган вақтларда кўпчилиكنинг замони турли ҳолатда бўлади. Кўп ҳолатларда замонлар турли нарсага далил бўладилар, шунга қараб, боланинг аҳволи ҳам бу дунёда турлича кечади. Яъниким, агар дастлабки икки замон боланинг бахт-саодати, қолган икки замон унинг бахтсизлиги ва мусибатига далил бўлса, бу бола ҳаётининг дастлабки йилларида фаровонликда, бахтли кун кечиради, умрининг охирида мусибат ва фалокатларга юзма-юз келади. Агар замонларнинг далили айтганимизнинг акси бўлса, боланинг ҳаёт йўли ҳам шунга муносиб тарзда ўзгаради. Агар тўрттала замон ҳам бир-бири билан ихтилофли бўлса, унинг ҳаёти ҳам ихтилоф ва зиддиятларга тўла бўлади. Умрини йиқилиб-тойилиб ўтказади. Бу – кичик оламнинг Лавҳи маҳфузи баёни эди.

Учинчи фасл

ИНСОН ЎЗ АМАЛЛАРИДА ИХТИЁРИ ЎЗИДА ЭКАНЛИГИ БАЁНИДА

Билгилки, ушбу рисоланинг аввалида айтилганидек, инсоннинг нутфаси (уруғи) унинг Лавҳи маҳфузидир. Чунки одамзодда пайдо бўлган барча нарсалар унинг нутфасида ёзилгандир; нутфада нима ёзилган бўлса, одамзод ўшани амалга оширишга мажбур. Олдинги рисолада айтилган мисол бу ерда ҳам такрор топади: яъниким, агар одамзод машаққат ва роҳат, бахтсизлик ва бахт, тоат ва гуноҳ, камбағаллик ва бойликда мажбур экан, одамзоднинг саъй-ҳаракати, ўзини асраши ва эҳтиёткорлиги нега, пайғамбарлар даъвати ва авлиёлар тарбияти нима учун, оқилларнинг тadbирлари ва ҳакимларнинг муолажасидан не фойда?!

Жавоб. Билгилки, бу масъала ўша олдинги рисолада айтиб ўтганимиз масъаладир. Айтиб ўтганимиздек, қуйи оламнинг Лавҳи маҳфузи бўлмиш улвий оламда ёзилган нарсалар умумий тарзда ёзилгандир, жузъий тарзда ёзилган эмас. Шу сабабдан бизда ушбу нарсаларда ихтиёр бор, яъниким ўша ёзилган нарсаларни ўзимизда ҳосил қилиш, ёки ўша нарсаларни ўзимиздан даф этиш каби ҳолатлар ўзимизнинг саъй-ҳаракатимизга боғлиқ. Бу рисолада ҳам шуни айтаемиз, яъниким, одамзоднинг нутфасида умумий тарзда ёзилган нарсаларда биз ихтиёримиз ўзимиздадир, аммо одамзоднинг нутфасида жузъий тарзда ёзилган нарсаларга мажбуримиз.

Олдингиларни билиб олдинг, энди билгилки, одамзоднинг нутфасида унинг жисми, рухи, истеъдоди ва амалларининг қанақалиги ёзилгандир. Одамзод ўзининг жисми ва рухи бўлишига мажбурдир, истеъдоди борлигига ҳам мажбур. Аммо ўз амалларида ихтиёри ўзидадир. Чунки, нутфада одамзоднинг жисми, рухи ва истеъдоди қанақа бўлиши икир-чикири билан ёзилган бўлиб, амаллари умумий тарзда ёзилган. Яъниким, истеъдод, жисм ва рухнинг қанча умр кўриши ва қанақа бўлиши нутфада ёзилган, аммо инсоннинг амаллари қанча ва қанақа бўлиши батафсил ёзилмаган, унинг амаллари тақдирда белгиланмаган.

Эй дарвеш! Агар одам ўз амалларида мажбур эса эди, унда нега яхшилик қилувчини мактайдилар, ёмонлик қилувчини маломат қиладилар; нега оқиллар ва донишманд кишилар доимий тарзда яхшиликка тарғиб этиб, ёмонликдан қайтарадилар?! Нега насиҳат ва маслаҳатни эзгу амаллардан билганлар ва ҳозир ҳам шундай ҳисоблайдилар?!

Эй дарвеш! Сўзни бундай чўзишдан мақсад шуки, сенга шак-шубҳасиз маълум бўлсинким, инсон ўз истеъдодида мажбурдир, аммо ўз амалларида ихтиёри ўзидадир. Бундай эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқдир. Одамлар хоҳлаган ишларини қиладилар, истаган нарсаларини гапирдилар, кўнгиллари тусаган нарсани ейдилар. Демак, пайғамбарлар даъвати, авлиёлар тарбияти ва ҳакимлар муолажаси ҳам ўз ўрнида керакли, одамнинг саъй-ҳаракати, парҳезкорлиги ва эҳтиёткорлиги ҳам ўз ўрнида кераклидир.

Эй дарвеш! Гапирмоқ, ҳаракат қилмоқ ва емоқ – учаласи инсон учун тенг даражададир. Агар олдиндан ёзилган бўлса, учаласи ҳам ёзилган бўлади, агар олдиндан тақдирда ёзилмаган бўлса, унда учаласи ҳам ёзилмаган бўлиб чиқади. Инсоннинг ихтиёри ўз қўлидадир. Хоҳласа, чин гапирди, хоҳласа, ёлгон; хоҳласа, кўп гапирди, хоҳласа кам гапирди; хоҳласа, ибодат қилади, хоҳласа, гуноҳ қилади; хоҳласа, кўп ишлайди, хоҳласа кам ишлайди; хоҳласа, кўп ейди, хоҳласа, кам ейди; хоҳласа, ҳалол ризқ топади, хоҳласа, ҳаром ейди; яъниким, одамзоднинг сўзлари ва амаллари тақдирда белгиланган, аммо бу мутлақ сўзлари ва амалларидир, истеъдоднинг ҳилофига боғлиқ сўз ва амаллар тақдирда олдиндан белгиланмаган.

Эй дарвеш! Ўтганларга тақлид қилиш катта бир хижоб-тўсиқдир. Кимки бу парда ортида қолса, бирор нарсани ўз моҳиятига кўра кўрмади ҳам билмади ҳам. “Фарағар-Раббу мин ал-ҳалқи вар-ризқи вал-ажал” ҳадиси саҳиҳдир. Ризқ олдиндан белгилаб қўйилган, ажал ҳам олдиндан белгилаб қўйилган, аммо ризқи мутлақ ва ажали мутлақ белгилаб қўйилган, муқайяд ризқ (топиш-топмаслиги ўзига боғлиқ бўлган ризқ) ва муқайяд ажал белгилаб қўйилган эмас. Агар ризқи муқайяд ва муқайяд ажал бўлмаса эди ҳамда ризқ ва ажал тақдири азалда бўлмаса эди, оламда ризқ ва ажал деган нарсани ўзи бўлмасди. Ризқ ва ажал ҳақида билганингдек, сўз, амал, илм, хулқ, тоат, гуноҳ ва шу каби нарсалар ҳақида шунга қараб ҳулоса чиқар. Гап чўзилиб, асл мақсаддан узоклашдик.

Тўртинчи фасл

ИСТЕЪДОД ВА САЪЙ-ҲАРАКАТ БАЁНИДА

Билгилки, сенга айтадиларким, бизга маълум бўлдики, инсон ўз истеъдодида мажбур, ўз амаллари ва сўзларида ихтиёри ўзидадир, аммо

бу сўздан яна савол туғиладики, инсоннинг нутфасида унинг бахтли ёки бахтсиз бўлиши, ҳоҳил ё оқил, бой ё камбағал бўлиши, ризки кенг ё тор бўлиши каби нарсалар ёзиб қўйилган экан, унда бу нарсалар ўзи билан бирга бўлиши керак, аммо ундаймас; яъниким, инсон нутфасида ёзилган нарса ортикча саъй-ҳаракатсиз унга муяссар бўлиши керак, аммо бундай эмас. Барча нарса банданинг саъй-ҳаракатига боғлиқ экан, у билан нутфасида бойлик ёки бахт ёзилмаган одамлар ўртасида нима фарк бор?

Жавоб. Билгилки, инсон нутфасида илм, бойлик, мансаб, ризк каби нарсалар ёзиб қўйилгандир, яъниким, инсон нутфасида ёзиладиким, бу банда қанча илм ўрганади ва қандай ўрганади, қанча мол-дунё топади ва қайси йўл билан топади. Бошқа ишларни ҳам шундай деб билгил. Инсон нутфасида илм ва ҳикмат истеъдоди, мол-дунё ва мансабга эришиш истеъдоди ёзилган. Туғилажак фарзанд уруғида илм ва ҳикмат ҳосил қилиш истеъдоди ёзилган экан, демак, илм ўрганишга риёзат чекиш ва истеъдодни рўёбга чиқариш унинг зиммасида қолади; бошқа ишларга шунга қараб ҳукм қил. Бу фарзанднинг бошқа ака-укаларидан фарқи шу бўладики, унга илм ўрганиш ва мол-дунё тўплаш осонроқ кечади; озгина ҳаракат билан бу ўғлон ўз мақсадига етади, чунки у ўз насибасини талаб қилади; яъниким у учун яратилган нарсанинг талабидадир: “Қулла муяссарин лимо хулика лаху”. Нутфаларида бу истеъдод ёзилмаган бошқа фарзандларда эса, бунинг акси кечади; яъниким, уларга илм ўрганиш ва бойиб кетиш қийинроқ кечади, баъзида уринишлари самарсиз бўлади. Чунки улар ўзларига мансуб бўлмаган нарсанинг талабидадирлар.

Эй дарвеш! Аниқ ва равшан бўлдики, инсон истеъдод ва саъй-ҳаракат билан ўз мақсадига етади, у истеъдодда мажбурдир ва саъй-ҳаракатда ихтиёри ўзидадир. Демак, кимки барча нарса жабр (мажбурий, олдиндан белгилаб қўйилган)дир, деса, хато қилади, кимки барча нарса қадар (ўзига боғлиқ)дир, деса, у ҳам хато қилади. Кимки жабр ҳам бор, қадар ҳам бор, жабр ўз жойида, қадар ўз жойида зоҳир бўлади, деса, ўша ҳақ гапни айтади.

Эй дарвеш! Тўғри йўл жабр ва қадарнинг ўртасидадир. Биламанки, тўлиқ тушуниб олмадинг, очикроқ баён этайин. Билгилки, инсонда уни мақсадга етказадиган икки нарса бор – бири ақл, иккинчиси амал. Инсон ақл мавжудлигига мажбурдир, амални қилишда эса мухтор (ихтиёри ўзида) дир. Демак, жабр ва қадар инсоннинг икки қанотидир. Агар бу икки қанот бўлмаса, ёки бу икки қанотнинг бири бўлмаса, ҳеч қачон мақсад ва муродига етолмайди. Ақл икки қисмдан иборат, бири ақли ғаризийдирким, бу истеъдоддир; иккинчиси ақли мустафодким, у ақлнинг камолидир. Амал ҳам икки қисмдан иборат – Қалб амали ва жисм амали.

Олдингиларни билиб олдинг, энди шуни ҳам билгилки, ҳар бир нарсанинг истеъдоди ўша нарсага муносиб равишда берилади. Масалан, илм ва ҳикмат ўрганишнинг истеъдоди – идрок қуввати ва ҳифз этиш салоҳиятидир: нимаики эшитса, дарров илғаб олади, илғаган ва англаган нарсасини эса сақлай билади. Яна шуки, истеъдод ҳар бир кишида турлича кузатилади: шундай истеъдод соҳиблари борки, озгина саъй-ҳаракат билан кўпгина илм ва ҳикмат ҳосил қиладилар, шундай истеъдод соҳиблари борки, кўп саъй-ҳаракат қилиб, озгина илм ва ҳикмат ҳосил қиладилар. Илм ва ҳикмат бўйича билиб олдинг, бошқа нарсаларни ҳам шундай деб билгил. Ҳар бир нарсанинг истеъдоди бордир, ҳар бир фар-

занднинг нутфасида бир нарсага истеъдодли қилиб ёзганлар. Ўша нарса боланинг насибасидир, бу болани шу нарса учун яратдилар ва ўша нарса-нинг амалини унга осон қилиб қўйдилар. Жабр ва қадар ҳақида сўзнинг охири шудир.

Инсоннинг моҳияти, қобилият ва истеъдоди бор, бу қобилият ва истеъдод умумийдир, тўрт замон воситасида барчага умумий бўлган истеъдод хос хусусиятга айланди. Нутфа қоринга тушиб, гўдак ҳолатида онадан вужудга келса, бу боладаги истеъдод ота-она ва муҳит таъсирида хос ҳолатидан махсус ҳолатга дўнади.

Бешинчи фасл

НАСИҲАТ БАЁНИДА

Эй дарвеш! Оқил кишилар улар бу дунёга келишларидан олдин барча ишлари белгилаб қўйилганини билгач, бунга рози ва таслим бўлдилар. Аллоҳ таолонинг берганига қаноат қилдилар, ўзларидан ва бошқалардан иложсиз нарсаларни талаб қилмадилар. Кимдаким бирор ишда истеъдодини мушоҳада этсалар, уни шу ишга йўналтирдилар, токим уларнинг умри ва ишлари зое кетмасин ва осон ва шукроналикда умр кечирсин.

Эй дарвеш! Агар қўлингдаги нарсага шукр қилиб, уни ғанимат деб билсанг, ҳамиша кўнглинг хотиржам бўлиб яшайсан. Агар ўзингда бор нарсага рози бўлмасдан ортиқча нарса талабида бўлсанг, ҳамиша парижон ва захматда яшайдиган бўласан, чунки орзу-ҳаваснинг чек-чегараси йўқ. Ул азиз шу нуқтаи назардан айтибдирким:

*Агар кунӣ талаби нониҳода, ранча шавӣ,
Вагар ба дода қаноат кунӣ, биёсой.*

Маъноси:

*Сенга берилмаган нарсанинг талабида бўлсанг, қийналасан,
Агар сенга берилган нарсага қаноат қилсанг, осуда бўласан.*

Эй дарвеш! Аниқ билгилки, фароғат ва хотиржамлик орзу-ҳавасни тарк этишдадир, қаердаки тарк этиш кўпроқ бўлса, фароғат ва хотиржамлик ҳам кўпроқ бўлади. Валҳамду лиллаҳи Роббил ʼаламайин

(Давоми келгуси сонда)





Хулио КОРТАСАР

(1914–1984)

МОНТЕКИЛЬЯНИНГ СЎНГГИ КУНИ

Ҳикоя

*Рус тилидан
Олим ОТАХОН
таржимаси*

Бунақасини фақат ва фақат бизнинг Перальта ўйлаб топиши мумкин – койил қолиш керак унга! – табиийки ҳар доимгидек тафсилотларини ҳижжалаб тушунтириб ўтирмади-ю, лекин бу сафар одағига хилоф равишда очикрок йўл-йўрик бера туриб, бу ўғирланган мактуб ҳақидаги латифага ўхшайди, деб ишора қилиб қўйди. Эстевес аввалига ҳеч нарсани англамади ва кейин-чи, дегандек давомини кутиб Перальтадан қўз узмай тураверди. Бироқ Перальта гапни кўпайтиргиси келмай елкасини қисиб қўйди-да, унга бокс мусобақасига билет тутқазди. Эстевес сариқ ранг узра қизил тусда катта қилиб ёзилган “уч” рақамини кўрди, аммо ундан олдинроқ аниқ-равшан қилиб ёзилган Монсон-Наполес – буни энди кутмагани! – деган номларга қўзи тушди.

– Иккинчи билетни, – деди Перальта. – Вольтерга етказиб беришадди. Сен беллашув бошланишидан олдинроқ бориб турасан (Перальта ҳеч қачон гапини икки марта такрорламаслигини билгани учун Эстевес жон кулок бўлиб эшитарди). Вольтер эса асосий олишувдан аввал ўтадиган беллашувнинг ўргаларида келади. Унинг жойи, сенинг ёнингда, ўнг томонингда, хушёр бўлиб тур: охириги дақиқаларда шовкин-сурон бошланади, ҳамманинг яқинроқ ўтириб олгиси келади, ана шу пайтда янаям ишонч ҳосил қилиб олиш учун испан тилида бирон нима сўра. Унинг хиппилар елкасига осиб юрадиган латтадан тикилган халтаси бўлади, ўшани ўргангизга, ўриндикка қўяди. Мабодо, стуллар қўйилган бўлса полга қўяди. Фақат бокс ҳақида гапирасан, жуда хушёр ўтир (қулоғинг динг бўлсин), атрофингда мексикалик ёки аргентиналиклар бўлиши мумкин. Пакетни сумкага солишдан аввал текшириб қўр.

– Вольтер сумкани олдинроқ очиб қўйиш кераклигини биладими? – деб сўради Эстевес. – Ҳа, билади, – худди ёқасига қўнган пашшани ҳайдаётгандек елкасига қараб, жавоб қилди Перальта. – Лекин шошилма, охиirroғига борганда ҳеч ким атрофига алангламайди, фикри-хаёли рингда бўлади, шунда солиб қўйишга ҳаракат қил.

– Аренада Монсон қолганда ҳаммининг кўзи ўшанда бўлади, шу пайтдами? – деди Эстевес. – Ёки “Монтекилья” қолганда, фарқи йўқ, – деди Перальта. – Ҳол қўйиб юрма тагин. Биринчи бўлиб Вольтер чикиб кетади, сен одамлар таркала бошлаганда бошқа томондан кетасан.

У метрода “Дафанс” станциясига кетаётганда ҳаммасини яна бир қара ҳаёлидан ўтказиб чиқди. Вагонда одам кўп, кўпчилиги эркаклар, ортидан улар ҳам Эстевесга ўхшаб бокс кўргани кетишяпти, шекилли. Аксари Монсон икки марта уриб энка-тенкасини чиқариб ташлаган, ишонган тоғлари – Буттянинг шармандали мағлубиятидан кейин ташвишга тушган ва ҳали боксёрларнинг реванш олишидан умидини батамом узмаган французлар эди. Эҳтимол, улар Монсоннинг қандай қилиб бўлса ҳам реванш олишига ҳалиям ишонишар, балки ич-ичларида, пинҳоний равишда умидларини узишгандир. Лекин Перальтага қойил қолиш керак, башарти ўзи келиб топширдими бу вазифани, демак, бекорга эмас, бирор жиддий иш бўлса керак. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам баҳонада шундай оламшумул беллашувни ўз кўзим билан кўраман, ҳар кимга ҳам насиб этавермайди бунақа омад, миллионерларгина бориши мумкин фақат, менга ўхшаганларга йўл бўлсин! Перальтанинг ўғирланган хатта шамасини энди тушунди, эҳ-хе, Вольтер билан бокс мусобақасида учрашиши кимнинг ҳаёлига келибди дейсиз. Гап уларнинг учрашувида эмас, уни Парижнинг истаган ерида ўтказиш мумкин, бунақа жой сон минг – гап Перальтанинг ҳаммасини ипидан-игнасиғача ўйлаб, пишитиб олишида! Уларни қармоққа илинтириши мумкин бўлганлар, асосан, қахвахона, кинотеатр, битта-яримтанинг уйини мўлжаллаши турган гап, бироқ, мабодо кимсан Ален Делон қурган чодирга бурунларини тикқудек бўлсалар борми, ана унда кўринг томошани. Уларнинг ҳунари ўтармиди: жаҳон чемпиони деган номга даъвогарларнинг беллашуви бўлса, ҳазилакам ишми! Парижнинг манамен деган бойваччаси борки, келади, пул кетса кетсин, обрў кетмасин – фақат манагина сарғиш билетлар бўлса, бас, газеталарда ёзишларидан ҳам бир ҳафта аввал сотиб тугатилган!

Боринги – бунинг учун ҳам Перальтага раҳмат – уни ё Вольтерни изига тушган айғокчилар ҳар қанча олғир ва уддабурро бўлмайдами, уларни на қираётганда, на кетаётганда юзма-юз кўришмайди. Метрода, автобусларда келаётган сон-саноксиз ишқивозлар издиҳоми орасидан, қолаверса, беллашув бошланиши яқинлашган сари одамлар оқими камайиш ўрнига кўпайиб борса, иккита ишқивозга ким ҳам эътибор берарди дейсиз ё гапим нотўғрими?

Вой тавба, Ален Делоннинг учарлигини! Тасаввур қилинг, бир хароба – ташландик майдоннинг қок ўртасида баҳайбат кўчма чодир, у жойга бориш учун осма кўприқдан ўтилади, у ёғига оёқ остига ташлаб қўйилган тахталардан юриб борилади. Кечаси билан шаррос ёмғир қуйган, ҳаммаёқ билч-билч лой, одамлар лой сачратмаслик учун эҳтиёт бўлиб, секин оёқ босишади. Метродан чиққанинг ҳамано кадамингда рангли кўрсаткичлар-у, “Монсон-Наполес” деган улкан афиша йўл кўрсатиб турибди. Қойилман, Ален Делонга, шу кўрсаткич белгиларни метронинг дахлсиз деворларига ҳам ёпиштиришни эпладими, отасига раҳмат! Пулниям роса сочиб ташлагандир-ов ўзиям. (Эстевеснинг ўша уддабурро тадбиркорга бироз ғашиям келди). Осмон қўлингда бўлса, ташлаб юбор-а! – ўз ҳисобидан бокс бўйича жаҳон чемпиони унвони учун беллашув ўтказяпти, брезент-

дан анови бахайбат иншоотни куриб кўйибди, бирни ўнга айлантиряпти, қисқаси, ана бизнес, мана бизнес. Таҳсинга сазовор эмасми, бунақа учрашув – Монсон билан Наполес – беллашувни қаранг, гап йўқ, ранг-баранг афишалар-чи. Бундан ташқари метродаги рекламалар – худди мана кўриб кўйинг ишқивозларни қандай кутиб олишимни, деяётгандек. Тантиликми, айтинг, ўғил боланинг иши мана шунақа бўлади, тўғрими, акс ҳолда ҳозир ур-йикит, тўполонни кўрадингиз, лой-балчик... э-э...

Эстевес аини пайтида келган экан: зал одамга тўлиб бўлибди. У эшик олдида бир лаҳза тўхтаб, атрофга кўз югуртирди: полиция машиналари, ойналари парда билан тўсилган трейлерлар, тўғри чодирга олиб кирадиган усти ёпиқ йўлкалар.

Боксчилар ўшаёқда бўлишса керак, деб ўйлади Эстевес. Бизнинг Карлитос анови яп-янги, ярақлаб турган оппоқ трейлердалиги аниқ. У шунга муносиб, Наполеснинг трейлери нариги тарафдадир, эҳтимол. Бу ерда ҳаммаси жой-жойига қўйилган, шу билан бирга шоша-пиша куриб ташлангани сезилиб турарди. Тўғри-да, катталигини қаранг, факат брезентдан кўтарилган яна! Пул бўлса – чангалда шўрва, деб бежиз айтишмагандир?! Эстевес маъюсгина хўрсиниб кўйди. Энг муҳими, каллани ишла-тиб, таваккал қилишдан кўркмасанг бўлди, огайни!

Унинг ўрни гир айланаси пишиқ аркон билан ўралган рингга яқин – бешинчи қаторда экан, умуман томошагоҳга йирик ракамлар ёзиб белгилаб қўйилган оддийгина ўриндиклар ўрнатилганди. Рингга келганда Делоннинг хизматига кўз текканга ўхшайди, бу ёғи ўртамиёна цирк шароитидан ортиқча фарқ қилмас, тасаввурга сиғмайдиган даражада калта юбкали ёш-ёш патгачи қизларни кўрган одамнинг бирор эътироз билдиришига ўрин қолмасди. Эстевес гарчи қайси томонга юриши лозимлигини билса-да, қизчалардан бири гул-гул очилганча ёнига келди ва худди у бир саводсиз, билетда кўрсатилган жойини тополмайдиган телба-тескари одамдек уни бешинчи қаторнинг бошланғич қисмигача кузатиб кўйди. Эстевес бориб ўтирди ва ўзини бепарвогина тутиб, “уф” торгди-да, кўлидаги газетани варақлашга тушди. Кейин тагимга кўйиб оларман, деб хаёлидан ўтказди. Ўзича чамалади: ўнг томонимга ўтиради, пул билан ҳужжатлар чап чўнтагида, зарур пайтда олиб, тиззасига қўяди, шошилмасдан, бамайлихотир, атрофга алангламай туриб, очиб қўйилган сумкага тикади.

Вакт имиллаб ўтарди. Эстевес Мариса билан кенжатоийни эслади, ҳозир кечки овқатни еб бўлишгандир, деб кўнглидан кечирди. Кенжатоий ухлаётган бўлиши ҳам мумкин. Мариса, эҳтимол, телевизор кўраётгандир. Бугунги беллашувни кўрсатишса, албатта кўради. У, табиийки, шу мусобақа бўлаётганда ўла қолса ҳам мен ўша ерда эдим демайди, кейинчалик, ҳаммаси тинчиб кетгандан кейин айтмаса, ҳозирча бу хусусда оғиз очмайди. Эстевес эснаб-эснаб яна газета варақлади. (Мариса боксни охиригача кўрса борми, Наполес билан Монсон ҳақида фикр билдира бошлайди, ана унда кўр томошани, ўзингни тутиб бера оласанми – ҳеч қачон! Вьетнамга оид хабарлар билан полиция маълумотлари эълон қилинган саҳифани синчиклаб қараб чиққунча, зал деярли тўлди. Орқа томонида бир тўда французлар Наполеснинг имкониятлари хусусида талашиб-тортишарди, чап тарафига бир ғалати нусха жойлашиб олди. У раҳи бузилмаган шимини эҳтиёт қилиб, ўриндикни бошдан-оёқ пайпаслаб, кафти билан сийпаларди. Бир йиғит билан қиз жойлашган ўриндиклар ёнида

уч кишидан иборат улфатлар ўтирар, бири олиб, бири қўйиб испанчалаб мексика шевасида тинмай бидирлашарди. Очиғи, Эстевес уларнинг гапини сира тушунмади, бироқ мексикалик ишкибозлар тиқилиб кетганди: уларнинг Наполеси – буни каранг! – келиб-келиб Монсоннинг тожига кўз тикканига ўласанми-коласанми? Эстевеснинг ўнг ёнидаги бир нечта ўриндик хали бўш турарди. Лекин кираверишида одам гужғон ўйнар, қўли-қўлига тегмаётган паттачилар амал-тақал қилиб тартиб-интизомни сақлашарди. Эстевеснинг назарида, ринг кўзни олгулик ёритилгани ва кулокни қоматга келтириб, поп-муסיқа янграётганига қарамай, томошабинлар худди бу шовқинни сезмагандек пинагини бузмасди. Уларнинг нигоҳи зерикарли, бош билан калтис ҳаракатлар-у, клинчга киришдан бошқа томошаси йўқ илк беллашувда эди. Вольтер ёнига келиб ўтирган пайтда Эстевес залда, жиллақурса, унинг ёнида боксни чинакамига тушунадиган биронта ишкибоз йўқлиги, ҳаммаси нодон гумроҳлар-у, олифтагарчиликдан бошқасини билмайдиган мирқуруқлар экани ҳақида хуноби ошиб, ўйлаб ўтирарди. Уларга барибир, Монсон билан Наполесни кўришса бўлгани.

– Кечирасиз, – деди Вольтер Эстевес билан ўзига ўхшаб семириб кетган эрининг тиззасига ёнбошлаб олган бақ-бақалок хотиннинг ўртасига сукулиб кирар экан.

– Қулайроқ ўтириб олинг, – деди Эстевес. – Ҳа, осон эмас, бу французлар нозик аёлларни бежиз яхши кўришмас экан.

Вольтер мийиғида кулиб қўйди, Эстевес бўлса минг бир андиша билан, худо кўрсатмасин, кўк шимли нухханики тутиб колмасин, деган ўйда чап томонга сурилди. Пировардида Вольтер билан унинг орасида озгина жой очилди-ю, Вольтер тиззасидаги сумкани олиб ўриндикка қўйди. Иккинчи жуфтликнинг жанги бошланиб кетганди – буниси ҳам ланж. Шу чок томошабинлар эътиборини залда пайдо бўлган бир тўда мексикаликлар жалб этди, уларнинг бошларида чарро ва сомбреро бўлса-да, эгниларидаги кийим жуда башанг эди. Албатта, бунақа бойлар учун битта самолётда “ғирр” этиб Мексикадан Монтекильяга учиб келиш – карнайчидан бир пуф. Ҳаммалари ғўлабирдан келган, калтабақай, бўйинлари тирсиллаган ва афт-башаралари худди Панчо Вильянинг ўзгинаси, бакир-чакирлари авжида. Гўё Наполес рингда юргандек самбрероларини ирғитишганига ўласанми – биронтаси ринг теграсидаги биринчи ўрнига бориб ўтиролмади. Ален Делонни айтмайсизми, улдабурулигини, ҳаммасини бекаму-кўст хозирлаб қўйган-а: туйкус карнайлардан мексикаликлар корридасига ўхшаш аллақандай қуй янграб қолди-ю! Очиғи, улар кадрон муסיқаларини эшитиб, рухланиш тугул, хатто пайкашмади ҳам. Эстевес билан Вольтер кўз уриштириб бир-бирига жилмайиб қўйишган чокда рўпарадаги йўлкадан “Аргентина! Аргентина!” деган ҳайкириқлар янгради ва олдинда 5-6 та оппоқ свитер кийган амма-холалар бошлаб келаётган оломон кўринди-ю, бу издиҳомнинг нариги тарафида Аргентинанинг улкан байроғи фавворанинг жўшқин сувлари янглиғ ҳавога отилди. Мана шу тўда паттачи кизлардан иборат тўсикни янчиб ўриндиклар ёқалаб пастга – тўғри ринг сари туша бошлади. Рингда пишириб қўйибдими уларга! Йўқ, бакириб-чакириб ўпкалари хиёл босилгач, калта юбка кийган офатижон кизлар келиб, оппоқ тишларини яраклатиб, тиржайганча уларни девдек-девдек азаматлар ёрдамида йўл-йўлакай бир нималарни

тушунтирган кўйи икки қатор бўш ўриндикларга ўтказиб қўйишди. Аргентиналик аёллар майкасининг ортига қатта-қатта қилиб, қора рангда “Монсон” деб ёзиб қўйилганди. Мана шу кий-чув, шовкин-сурон бошқа томошабинларнинг завқини тоширар, тўлкинлантирар, улар ўзларини тутолмай, ўринларидан туриб кетган ва беихтиёр буларга тақлид қилгандек қийқиришарди. Қолганлар эса ортиқча аҳамият беришмасди, боксчиларнинг миллати француз бўлмаганидан кейин нима қизиғи бор дунёни бошига кўтариб бақиришни?! Учинчи беллашувда боксчилар гладиаторлар каби қўрқув нималигини билмай, аёвсиз олишардилар. Ҳолбуки, Ален Делон булардан ҳеч қанақа манфаат кутмаган ва уларнинг нархини ошириб ҳам юбормаган бўлса керак. Ростданам трейлерда бокс дунёсининг чинакам наҳанглари навбат кутиб ўтиришган, бунинг устига томошабинлар фақат ўшалар учун бу чодирга келишган бўлса, бу занғарчаларнинг аёвсизлиги-ю, ёвқурлигидан нима фойда?

Дафъатан Эстевеснинг эти жимирлаб, томоғига бир нима тикилгандек бўлди. Микрофонлардан танго садолари таралди, бу куйни маэстро Освальдо Пуглиес оркестри ижро этаётган бўлса керак. Ана энди Вольтер унга тикилиб ва қандайдир яхши кўриб қарагандек бўлди-ю, Эстевес, ҳамюртим, шекилли, дея тўлкинланиб кетди. Умуман олганда, боксчилар шаънига айтган икки-уч оғиз танбехни айтмаса, улар хали тузукрок гаплашгани йўқ. Ҳарқалай у ё уругвайлик, ё чилилик. Лекин савол-жавоб қилишнинг хожати йўқ. Перальтанинг кўрсатмаси ёдида хали – эси паст одам ҳам эсдан чиқармайдиган қилиб айтган: ёнма-ён ўтирасан – бир, икковинг ҳам – тасодифни қаранг! – испан тилида гапирасан – икки, кейин куён – уч!

– Ана энди бошланади зўри! – деди Эстевес норози оҳангдаги қийқирик ва ҳуштакларга эътибор ҳам қилмай. Ҳамма ўрnidан туриб кетган, чап томонда бўқирган овозлар, давомли қарсақлар янграган, сомбреролар хавога учган... Монтекилья югурганича рингга чиқиб келди, прожекторлар нури янаям равшанлашгандек бўлди, лекин ҳамма ўгирилиб ўнг тарафга қаради. У томонда шовкин, бесаранжомлик сезилмади, гулдирок қарсақлар ва бир маромдаги ғовур-ғувур унғача зўрға етиб келарди. Вольтер билан Эстевес ўтирган ердан рингни нариги бурчагига олиб борадиган йўлка кўринмасди, қутилмаганда бир сония сукунат чўкди ва ўша заҳоти кетидан қулоқни қоматга келтиргудек ҳайқирик янгради. Ҳа, ана энди икковининг ҳам ринг тўсиғининг ёнгинасидаги Монсонга кўзи тушди: Монсон уларга орқа ўгириб олганча гуруҳ аъзолари билан суҳбатлашиб турарди. Наполес у томонга кела бошлади, магнит чақинлари остида бош ирғаб саломлашдилар, судья микрофон туширишларини қутаяпти. Томошабинлар секин-аста тинчиб, ўриндикларига жойлаша бошладилар, фақат битта-яримта сомбреро нариги тарафга учиб қоларди. Кимдир эрмак топилганига хурсанд бўлди шекилли, шляпани хавода илиб олиб, учиб келган томонга улоқтирди. Лекин томоша бошланиб кетгани боис қурмағур бош кийимининг бумерангга ўхшаб ажабтовур тарзда орқага қайтиб кетишидек антиқа манзара ҳеч кимнинг диққат-эътиборини жалб этолмади. Чунки Жорж Карпентье, Нино Бенвенути, Франция чемпиони Жан Клод Буттьелар таништирилди, табрик сўзлари янгради. Қарсақлар, фотокамераларнинг чакмоқдек чакнаши тинмай, тез орада рингда ҳеч ким қолмади. Мексика мадҳияси тантанавор оҳангда янграб, сомбреролар яна

хавода чарх урди. Ниҳоят, Аргентина мадҳияси бошланмасидан аввалроқ кўкиш-ок улкан байроқ кўтарилди. Эстевес билан Вольтер кимир этмай ўтиришар, аммо Эстевеснинг юраги учишга чоғланган каптардек потирларди. Бундай қилишга ҳақки йўқ, бундай қилса хато бўлади, нима кераги бор бунақа калтис ишнинг? Ён-верида биронта аргентиналик йўқ экан, хўп, яхшиям лоақал шунга эътибор берибсан. Уларнинг ҳаммаси байроқ кўтарганча мадҳиянинг сўнги сатрларини айтишяпти, кўкиш-ок энли мато у ёқдан – бу ёққа шунчалик тез-тез ўтадики, девдек азаматлар ташвишланиб унинг ордидан югуришади. Боксчиларнинг исми ҳамда вазни канчалиги эълон қилинади, секундантлар рингга таклиф этилади.

– Ким ютаркин, а? – деб сўради Эстевес.

Боксчилар саломлашгани кўлқопларини тезгина уриштириб олишаётганида у ёш боладек тўлқинланиб кетди. Монсон боксчилардек қаддини ростлаб турарди. Ўзини ҳимоя қилиш нияти йўқдек узун-узун, озгин кўллари Монтекильяга нисбатан нимжонроқ кўринади. Ракиби бўйи пастроқ бўлгани билан бақувват, ана, каранг, ўзини синаб кўриш учун икки марта қўл ташлаб кўрди.

– Мана шунақа ўт-оловларга доғман, ким-ким чемпионга қарши чиққанига қойил қоламан, – деди Вольтер. Унинг ортида ўтирган француз эса кимгадир жон-жаҳди билан уқтирарди: Монсоннинг устунлиги – бўйида; яна синовчи зарбалари зўр. Хўп, демак, Вольтерга ўт-олов боксчилар ёқаркан-да, аргентиналик бўлганида бундай демасди. Та-лаффузига қараганда, уругвайлик, билмайман, Перальтадан сўрайман ҳали. Бир нарса равшан: Вольтер Францияга яқинда келган. Хотинини елкасидан қучиб ўтирган бақалок унга бир нима деганди, у шунақаям тушунарсиз жавоб бердики, азбаройи худо, аччиғи чиққан француз афтини бужмайтирди ва олдинда ўтирган киши билан гапга тушиб кетди. Наполеснинг зарбалари кучли. Бунинг устига, аниқ экан, дея ташвишланди Эстевес. Икки марта урганда Монсон каловланиб колганидан ўша заҳоти дурустроқ жавоб қайтаролмади. Уришга урди, фақат хиёл ўтиброк – Эстевес кўрдик – иккала зарбаси тегди, лекин у қадар кучли эмас. Чамаси, Монтекилья ўзининг ягона устунлиги кетма-кет зарба бера олишида эканини тушуниб етди, шекилли. Монсон билан гўё қиличбозлик қилди – бефойда, нега деганда бу йўл билан Монсонни енгиб бўлмайдди. Монсон эпчил, ўта абжир, шўнгиб зарбадан қочишга жуда мохир, шу боис Наполеснинг тилларда дoston бўлган хужумлари чоғида хавфли зарбалар бирон нарсани ҳал қилишга қодир эмасди. Монсон ракибининг афт-башарасига тўсатдан уриб қолди, яна, кетма-кет икки-уч зарбалар ёғилди. Орқада ўтирган француз эса жиғибийрон бўларди: “Кўрдингизми, кўллари узунлиги унинг ярим ютуғи, деганмидим”. Иккинчи раунд. Наполеснинг тўла устунлиги остида ўтди, зал нафасини ичига ютиб томоша қилар, гоҳ у ердан, гоҳ бу ердан битта-яримтаси қийқиб қоларди. Учинчи раундда Монтекилья бор кучи маҳоратини ишга солди. Хўп, майли, ижирганди Эстевес, бизнинг Карлитос ҳозир кўрсатиб қўяди. Бурчакка сиқиб қўйилган Монсон бирдан кескин тортилган камон ёйидан ногоҳ отилиб чиққан пайкондек тасира-тусур зарбалар беришга ўтди, чап-ўнг қўли билан илон ҳамласидек тез, чаккон ҳаракатга тушди-ю, яна арконга суяниб колмаслик учун клинчга – Наполеснинг бақувват билаклари орасига кириб олди. Кейин, раунднинг сўнги дақиқаларида иккала тарафдан

қақшатқич зарбалар ёғилди, мексикаликлар яктан, якдил, уларнинг ортида бакир-чакир, хуштак тинмайди, ҳамма ўрнидан туриб олган – кўриш керак, шарт, ўтказиб юборма!

– Зўр тушаяпти-да ўзиям, бунақасини биринчи кўришим, ха-ха! – деди Эстевес. – Рост айтяпман – зўр!

Иккови келишиб олишгандек чўнтагидан бараварига сигарет чиқаришди-да, илжайиб бир-бирларига узатишди. Вольтернинг чакмоқтоши “ширк” этиб ёнди, Эстевес сигаретини тутатиб олаётганида бир кур Вольтернинг юз-кўзига қараб кўйди, эътиборга лойик бирон эсда қоларли ифода кўрмади: сочларига оқ оралаган, кўринишдан анча ёш, жинси шимда, эгнида спортчиларнинг жигарранг кўйлаги. Талаба ёки инженер, дейсан. Шохи қайрилса қайриладиган, лекин синмайдиганлар тонфасидан. Монтевидео ёки Буэнос Айресда, эхтимол, Сантьягода дўстларидан айрилган бўлса бордир. Перальтадан сўраш лозим, дарвоқе, нима кераги бор шуни, улар бошқа кўришадими, йўқми, худо билади. Ҳамманинг ўз йўли, хаёти бор, мабодо кўришиб қолишди ҳам дейлик, нима каромат килиб беради? Узоғи билан Монтекилья ҳамда шу бугунги окшомни эслашади, холос – шуми ҳақиқат?! Мексикалик боксчи бешинчи раундда бўлмаса бўлмасинга ўтди, ҳамма тик оёқда, жазава ичида бақириб-чақирган. Аргентиналик ва мексикаликларни французлар орқада қолдирди – бокс мусобақаси шуни-си билан мароқли, эсда қолади, боксчиларга чикора, улар рақибининг ҳар битта ҳаракати, гавда бурилиши-ю, илдам-илдамлик билан ўйнашларини илгарди. Эстевес чиройли, таъсирчан, лекин бесамар зарбаларга бой экани беш-ўнта тўнқаларни эътиборга олмаса, аксар томошабинлар диққат билан, тушуниб кўраётганини англаб етди. Анови озчилик эса, рингда нималар бўлаяпти, жанг қандай тус олаяпти, боксчилар мақсадларига қай йўл билан эришмоқчи ва бунинг учун нималар қилишяпти – бу хусусда шашварни тушунмасди. Рингда эса ҳамон вазни енгилроқ Монсон қапалакдек учиб юрар, ҳар хил масофадан жангга ташланар, ҳужумни тобора кучайтирар ва рақибининг тинқасини куриштиш учун янада тезроқ ва илдамроқ ҳаракат қиларди; бу шиддатли ва чақиндек тегиб қайтувчи зарбаларнинг залварига Монтекильянинг дош беролмаслиги борган сари аён бўлиб борарди. Унинг ҳаракатлари сушлашиб, оёқлари бир-икки чалқажиб кетганига қарамай жон-жаҳди билан ташланар, лекин бу номувофиқ, жангари усуллар самара бермас, Монсоннинг чайир ва узун қўллари уни тўхтатиб қолар, оқибат яна арқоннинг силтаб-улоқтириб юборишига таяниб олдинга сапчир ва туйкус – тап – бир, тап-тап-тап – икки – кетма-кет ёғилган зарбалар остида қолди. Худди уни тўрт киши ўраб олган-у, аямай ураётгандек қулочкашлаб ёндан иягига, пешонасига, биқинига – дуч келган ерига гурзидек урилган муштлардан гандираклаб кетди. Занг чалинганда Эстевес яна чўнтагидан сигарет олаётган Вольтерга юзланди:

– Нима қилардинг, бўлмаганга бўлишма, деганлари шу-да, – деди Вольтер тутунни ичига тортиб.

Бунақа шовқин-суронда эс-хуши бор одам гапирмайди, чунки ёнидаги ҳамроҳими, шеригими, умуман гапини эшитмаслиги аниқ. Нима бўлган тақдирда ҳам томошабинлар кейинги раунд ҳал қилувчи эканини фаҳмлашар – ишқибозлар Наполесни олқишлаб руҳлантирмоқда эдилар. Уни рингда энди ҳеч қачон кўрмасликларига ишончлари юз фоиз комил бўлаяпти, деб ўйлади Эстевес уларга ачиниб. Энди Монсон очикдан-очик ҳужумга ўтди, у бир кадам чекинмай, пайсалга солмай, бошқа нарсага

чалғимай, рақибини танг аҳволга солиб кўйганига қатъий ишонган холда унинг устига бостириб бораверди – юз-кўзи аралаш, гавдасининг дуч келган ерига тушаётган сон-саноксиз зарбалардан қочиш учун Наполес дабадам кўзларини чирт юмиб сувга шўнғиётган одамдек клингда кириб олмоқчи бўлиб, Менсонни кучоклаб олаверарди. Тамом, деб кўнглидан кечирди Эстевес ва кизиқиб кетганиданми, кадалиб қолган рингдан амаллаб кўзларини узди-да, сумкага қараб қўйди. Ҳаракатингни қилиб қол, одамлар ўзларидан ортмай ўтирганида, айни вақти, акс холда ўрнидан туриб олишса сумкага ҳамманинг кўзи тушиши мумкин. Наполеснинг башарасига яна иккита оғир зарба тушди, у яна рақибини кучоклаб олишга талпинди, бироқ Монсон бирдан ўрнини ўзгартирди-да, ўзини ёнбошга олгач, қўли билан урди – худди тўқмоқ билан ургандек бўлди – ана энди чап оёқлар, асосийси оёқларда, Эстевес бунинг нималигини яхши биларди. Монтекилья оғирлашиб, каловланиб қолганини кўрдингми, амаллаб арқондан сапчиб узилиб чиқди, лекин унинг машхур аниқ зарбалари қани? Монсон бўлса бамисли рақсга тушарди, ринг узра гир айланиб ўзини намойиш қилаётгандек сакраб юрарди, орқага жайрондек ирғишлаб қочар, қўл-оёқ, гавда ҳаракатларининг уйғунлиги таҳсинга лойиқ эди. Дафъатан, гарс-гарт этди-ю, ўнг қўл билан рақибининг тўшига тушган кутилмаган зарба ҳаммасини бир лахзада ҳал қилди-қўйди. Жазава уммони узра янграётган ҳайқирик ва ўкиришлар туфайли занг товушини эшитган эшитди, эшитмаган эшитмади. Илло, Эстевес билан Вольтер аниқ эшитди. Вольтер жойига ўтирди ва сумкани тўғрилаб қўйди; Эстевес эса шартга жойлашиб олди-да, пакетни халтага солгач, бўш қўлларини рингда нималар юз берганини ҳалиям англаёлмаётган кўк шимли олифтанинг бурни тагида кизариб-бўзарганча паҳса қила бошлади.

– Ҳақиқий чемпион шунақа бўлади! – деди паст овозда Эстевес, бунақа шовқинда барибир минг бакирсин, ҳеч ким эшитмаслигига ақли етса-да. – Карлитос, бопла уни, азамат!.. – деб қичқирарди.

У шошилмай сигаретани тутатиб олаётган Вольтерга зимдан назар солди. Начора, тан бермасдан иложинг йўқ, чидамай кўр-чи, ноиложга – найлож! Еттинчи раунд арафасида ҳамма занг уришларини бетоқат кутаётганида, ногаҳон оғир сукунат чўқди. Катта оқ сочиқ ёйилиб келди-да, “шалоп” этиб ринг ўртасига тушди-ю, томошабинлар “увв”, деб юборишди. Наполес ўз кунжагида михлаб қўйилгандек қилт этмай ўтирарди. Монсон эса қўлқопларини боши узра силкитганча ринг марказига югуриб чиқди – мана буни чемпион деса бўлади. У ишқибозлар олқишига жавобан миннатдорлик билдирган бўлди ва табриклагани рингга чиққанларнинг оғушида кўмилиб кетди. Сўнги ўйин – финал кутилганидек тугамади, холбуки, беллашувнинг шундай тугаши муқаррар эди. Монтекилья таслим бўлди, тўғриям қилишди. Ҳаммаси тугади, Монтекильянинг қуёши сўнди – заволга юз тутди, ўзи ғолиб ёнига бориб қўлқопи билан унинг юзини силаб қўйди, улар қўл уриштириб, икки ёққа кетишди. Энди умрбод рингда учрашмасалар керак, деб ўйлади Эстевес.

– Боксмисан бокс бўлди-да, ўзиям, – деди у сумкани елкасига осиб олишга чоғланган Вольтерга. У оёқлари увишиб қолганиданми, чайқалиб турарди.

– Бироз эртарок эди, менимча, – деди Вольтер. – Секунданлари руҳсат беришмаганга ўхшайди.

– Тўғри қилишган! Кўрдинг-ку, оёғида зўрга турибди. Наполес калласи бутун боксчи, ўзи тушуниб етди.

– Тўғрику-я, лекин бунақа даражадаги боксчилар охиригача тушиши керак, бутунлай тескариси бўлиши ҳам мумкин!

– Монсон билан “тескариси” бўлмайди! – деди Эстевес катъий қилиб ва бирдан Перальтанинг кўрсатмалари эсига тушиб, хайрлашгани қўл узатди. – Танишганимдан бағоят хурсандман.

– Мен ҳам... Омон бўлинг.

– Чао!

Эстевес хотинига бир балолар деб эътироз билдираётган бакалокнинг ортидан чиқиб кетаётган Вольтернинг ортидан кузатиб қолди. Сўнгра ҳафсаласизгина ўрнидан туриб, эринчоқлик билан беғам-бепарво кетаётган кўк шимли нусханинг ортидан юрди. Йўлканинг адоғига довур унга эргшиб борди ва йўллари иккига ажралди. Ён-верида кимдир боксчиларнинг санъати юксак даражада эканини уктириб келарди, бироқ Эстевес аёлдан кўзини узмасди – у эрими, дўстими – энгашиб қулоғига бир нималар деб шанғиллар, кучоқлаб олар, бўйнидан, юзларидан чўлпиллатиб ўпар эди. Агарда шу эркак бироз ғалати бўлмаса, деб мийиғида қулиб қўйди Эстевес, аёл уни эмас, ўзига махлиё этган Монсонни қучиб, ўпаётганини фахмларди.

Пулдан кутулди, чўнтаги бўшади, энди эркин нафас олса ярашади, иш хамирдан қил сўзургандай осонгина ҳал бўлди – бемалол чор-атрофни кузатиш мумкин – ёшгина, хушрўй бир киз нукул ҳамрохининг солинчагини чимчилаб ғашига тегапти. Ана бояги мексикаликлар, тарвузи қўлтиғидан тушганча кетишяпти, ярмигача ўралган Аргентина байроғи ҳамон оломоннинг боши узра силкинапти, икки нафар италиялик йигит бир-бири билан кўз уриштириб олишди-да, биттаси тантанали оҳангда: “*Gliele messo in culo*”, дея ҳайқирди. Бошқасига эса бу гап ёқиб қолди-ю, оппоқ тишларини яраклатиб ишшайди; эшик олди тикилинч; толиқан одамлар осма кўприкдан ҳорғин одимлашади, ёмғир шивалапти, осма кўприклар одамларнинг оғирлигидан чайқалади, чўкканга ўхшайди. Нариги бошида эса кўприкнинг аркон ёндорига суянган Перальта билан Чавес чекиб туришарди, улар Эстевес бизни албатта кўради, дегандек кўзлари олма-кесак термай бамайлихотир турарди. Эстевес чўнтагидан сикаретини олиб, унинг ёнига келди.

– Роса дабдала қилди-ю! – деди Эстевес улар билан қўл олишиб кўришаркан.

– Хабарим бор, – деди Перальта хиссиз. – Кўрдим.

Эстевес хайрон бўлиб кўзларини пирпиратиб қаради. Перальта билан Чавес иккови кўприкка чиқиб, оломонга қўшилиб олишди. Эстевес уларнинг орқасидан бориш кераклигини тушунди, олдинда Перальта, сал ортда Эстевес кўприкдан тушиб, метрога элтувчи катта кўчани кесиб ўтишди-да, ним қоронғи, тор кўчага бурилишди. Эстевес бизни кўздан йўқотиб қўймадимикин, деган хавотирда Чавес бир-икки ўтирилиб қаради, кейин тўппа-тўғри бориб машинага ўтиришди. Очиғи, шошилиш уларнинг хаёлига ҳам келмасди. Эстевес Перальтанинг олдига ўтирди, машина аста кўзғалиб шаҳарнинг жанубий қисмига йўл олди.

– Демак, сен шу ерда экансан-да! – деди Эстевес. – Боксни ёқтирасан, деб сира ўйламагандим.

– Ўлиб кетмайдами! – деди Перальта. – Монсон бебаҳо бўлган тақдирда ҳам, мен ҳар эҳтимолга қарши сенга бирон қорихол бўлмасин, деб келдим.

– Унақада ҳаммасини кўрибсан-да?! Вольтер шўрлик Наполесга...

– У Вольтер эмасди ...

Машина ҳалиям жануб томон олиб борарди. Аллақандай еттинчи туйғу билан Эстевес Бастилия майдонига эмас, бошқа ерга кетишаётганини бирдан хис қилди. Буни ғира-шира, тусмоллаб англади, мабодо эртасига ёки индинига сўраб қолишса қаерга боришганини айтиб беролмас, гўё Монсон Монтекильянинг эмас, унинг афт-башарасига тўқмоқдек мушглари билан ургандек бўлар, мана оқибати, у гангиб, нималар бўлаётгани ва қаерга, қайси тарафга кетишаётганини илғаёлмасди. Бир нимани сўрашга ҳам ҳоли келмасди, у Перальтадан кўзини узмай лом-мим демай кутарди.

– Биз сени огоҳлантиришга улгуролмадик, – деди Перальта. – Аксига олиб уйдан анча эрта чиқиб кетибсан, кўнғирок қилсак, “Мариса уйда йўқ, қаерга кетганини ҳам, қачон келишини ҳам билмайман”, деди.

– Озгина бўлса ҳам пиёда юргим келувди, – деди Эстевес. – Лекин бундай тушунтириброк гапир, нима бўлди?..

– Иш пачава, – деди Перальта. – Вольтер эрталаб учиб келган заҳотиёқ Ормедан кўнғирок қилди, унга нима қилиши лозимлигини тушунтирдик, у боксга олинган билет кўлимга тегди, деди. Бир сўз билан айтганда, ҳаммаси ҳамирдан қил суғургандек кетаётганди. Йўлга тушмасидан олдин Лучонинг олдига борганда кўнғироқлашадиган бўлдик – ишончирок бўлиши учун етти яримгача кутдик – кўнғирок қилмади. Охири ўзимиз Женевага телефон қилдик, у бошқатдан боғланиб, Вольтер Лучонинг олдига бормабди, деди.

– Улар Вольтерни аэропортдан чиқиб кетаётганида қўлга олишган, – деди Чавес.

– Тушундим, лекин ким унга... – деб гап бошлаган Эстевеснинг нафаси ичига тушиб кетди, – Нима гаплигини бирдан тушуниб қолди, бўйинлари, чеккаларини қоплаган ғарақ-ғарақ тер кўйлак ёқаси ичидан оқа бошлади.

– Саккиз соатга бормай ичидаги неки сир бўлса борини суғуриб олишган, – деди Перальта. – Исбот қилишнинг ҳожати йўқ, бу нусха ўзини қандай тутишдан тортиб, нималар қилиш лозимлигигача гуллаган. Кўп нарсадан хабардор эди. Ўзингдан қолар гап йўқ. Уларнинг усулини биласан, ҳатто Вольтер дош беролмаган.

– Эртага бўлмаса индинга жасадини биронта харобазордан топишади, – Чавеснинг товуши ҳорғин ва хиссиз чикди.

– Энди бунинг аҳамияти йўқ, – деди Перальта. – Чодирга келгунча, дарҳол гумдон бўлинглар, деб ҳаммани огоҳлантиришга улгурдим. Манови лаънати циркка келаётганда озгина бўлсин, умидим бор эди, лекин қарасам, ўша касофат ёнингга ўтирибди, расвои жаҳон бўпти, дедим ичимда.

– Лекин кейин-чи, пулни олиб кетаётганда, иложи йўқмиди? – деб сўради Эстевес.

– Юрдим. Орқасидан пайт пойлаб.

– Олдинрок-чи, эшитган заҳотинг..

– Нима қила олардим, – деди Перальта. – Агар иш пачава эканини билиб қолса борми – унақасигаям, бунақасигаям холига вой. Шунақа то-

моша кўрсатиши мумкин эдики... бир чеккадан қиришарди ҳаммамизни, уларга ким ҳомийлигини биласан-ку!

– Хўп, кейин-чи?

– Ташқарида уч киши кутиб турган экан, биттасининг қанақадир рухсатномаси бор экан. Қисқаси, мен нима қилишимни билмай турганим-да, улар Делоннинг оғайнилари билан бойваччалар учун махсус ўраб кўйилган ерда машинага ўтириб жўнаб қолди. Ҳамма ёқда полиция изғиб юрибди. Хулласи калом, Чавес кутиб турган кўприк олдига қайтиб келдим, бор гап шу! Машинанинг рақамини эслаб қолишга эслаб қолдим, лекин бунинг нима фойдаси бор ҳозир?

– Шахардан чиқиб кетяпмизми? – сўради Эстевес.

– Ҳа, чеккароққа бориб гаплашиб олишимиз керак. Ҳозир энг асосий муаммо сен эканлигингни англаётган бўлсанг керак?!

– Нега мен бўларканман?

– Чунки ўша азамат сени таниб олди, энди сени қидириб топиш пайига тушишади. Вольтернинг ишидан кейин жон сақлашимиз учун биронта “бошпанамиз” қолмади.

– Демак, мен кетишим керак экан-да! – деди Эстевес. У шундай деди-ю, ўша замони кўз олдига хотини, боласи келди. Уларни қандай қилиб олиб кетади ёки қайси юрак билан қолдиради – боши қотди, фикри чалкашиб кетди. Гўё кулоқлари остида хафсаласи пир бўлган оломон “Монсон! Монсон!” деб бақираётгандек эди. Монтекильянинг куёши ботаётган чоғда ринг ўртасига сочиқ учиб тушгунча анови нусха Монтекильяни олкаётганди. Қара-я, омадсиз, бўш боксчининг тарафида эди”. Кейин қайрилиб ҳам қарамай ҳамма пулни олиб кетди. Индамасдан орқа ўгириб, бу билан енгилганни ерга ургандек кетди. Машина дарахтзор орасига кириб тўхтади, Чавес моторни ўчирди. Қоронғулик кўйнида чакмоқтошнинг оқиш-қизғиш шуъласи таралди – Перальта сигарета ёндириб олди.

– Бундан чиқди, мен жўнаб кетишим керак экан-да! – дея бояғи гапини давом эттирмакчи бўлди Эстевес. – Бельгия-пельгиягами, у ерда ким борлигини билсанг керак балки...

– Агар етиб боролсанг, кутулдим, деб ҳисоблайвер, – деди Перальта. – Аммо жуда қийин, Вольтерни кўрдинг-ку, ҳамма ёқда одами бор уларни. Осмондаги юлдузни бенарвон уришади.

– Мени тутишолмайди!

– Вольтер-чи! Ким ўйлабди уни қўлга тушади-ю, ҳаммасини гуллайди, деб. Сен эса Вольтердан кўпроқ нарса биласан. Мана шуниси чатоқ.

– Мени ушлашолмайди! – дея тақрорлади Эстевес. – Ўзинг бир ўйлаб кўр. Мариса ҳақида, ўғлим ҳақида ўйлашим керакми ахир? Уларни бу ерда қолдириб бўлмайди, у итдан таркаганлар ўч олиш учун ҳам Марисанинг бошини ейишади. Бир кунда улгураман, ҳаммаларини Бельгияга олиб кетаман ўзим билан. У ерга бориб келгач, қаерга кетиб яшашни ўйлаб кўраман.

– Бир кун жудаям кўп, – деди Чавес бутун гавдаси билан буриларкан. Кўзлари қоронғуликка оз-моз ўрганган Эстевес унинг шамойили ва сигарет тортаётган Перальтанинг афт-ангорини яққол кўрди.

– Хўп, яхши, иложи бўлди, дегунча кетаман, бўптими? – деди Эстевес.

– Йўқ, ҳозир кетасан, – деди Перальта ва аста тўппончасини чиқарди.



ОЛИМ ОТАХОННИНГ КАВАБАТАСИ

“У умр бўйи жимликда, ёлғиз яшашга одатланган эди”.

Кавабата “Кемачалар” ҳикояси қаҳрамони Акикони шундай тасвирлайди. Шундай жим ва ёлғиз яшашига қарамасдан, Кавабатанинг қаҳрамонлари руҳий носоғлом эмас, барқарор одамлар. Ўзлари тушиб қолган ҳолатга кўниккан, хотиржам тортиб қолган қаҳрамонлар. Лекин Шопенгауэр айтганидек ҳаётнинг, умрнинг дард-у азоблигига тоқат қилиб, бочкадаги Диоген каби “итфёъл”га айланган инсонлар эмас улар. Тоқат қилишнинг, кўникишнинг ўзи жазавага олиб боради. Бу қаҳрамонлар ҳаётида эса босиклик, Сокинлик бор. Оддий, ғам-ташвишли турмушдан топилган сокинлик исёни инкор этади. Ва азоб онларида исёнга мойил қалбимнинг Шопенгауэрга талпиниб, Шопенгауэр асарларидан топган ҳақиқатидан ўзга ҳақиқат, ўзга Рух борлигига мени ишонтиради. Бу сокинлик аламзадалиқнинг долғали сокинлиги эмас, Оламнинг Олий Рухи билан инсон қалбининг қовушгани, уйғунлашгани каби нурли сокинлик.

Нега Кавабата асарлари қаҳрамонлари ҳар қандай кўнгилсизликни, фожиани оддий, табиий қабул қилади? “Кемачалар” ҳикояси қаҳрамони ногирон киз Акико унаштирилган йигитининг онаси қизнинг отаси билан гаплашгани келиб кетгач, мана бундай ўйга берилади:

“Ё куёв урушда ўлган, ё тўйни тўхтатмоқчи бўлишяпти, – деб ўйлади Акико. – Ногирон киз билан унаштириб қўйиш ҳам балки кўнгилчанликдир, уруш йиллари одамлар шунақа бўлиб қолишган бўлса бордир”.

Қиз шуларни ўйлайди-ю, яқин атрофда қурилаётган янги бинони кўргани кетади. Ёзувчининг сўзи ҳам, қизнинг ҳаёллари ҳам ўша янги бинога кўчади. Қиз қутилаётган кўнгилсиз ҳодисадан фожиа ясаб, тақдирига лаънат ёғдириб ўтирмайди. Ногиронлигидан ҳам ўксинмайди. Эҳтимол ўксинару, аммо унинг японларга хос қалби буни пинҳон тутади. Бир суҳбатда эшитганим бор – японлар ўлимни оддий ва табиий қабул қилади, бир эшикдан кириб, бошқасидан чиқиб кетиш деб билади. Ўлимгаки шундай қарай олган одам учун, эҳтимол, ҳаётда фожианинг ўзи қолмас.

Кавабата ҳикоялари аксар ҳолатда япон қалбининг фожиани қандай қабул қилиши ва қандай яшаш ҳақидаги маънос руҳият чизгиларидек туюлади менга.

Бу ҳикоялар лаҳзалардагина кечадиган Маънодор туйғулар ҳақида. Шу сабаб Кавабата воқеага, воқеликка ҳам, ҳолатга ҳам урғу бермайди, тўғрироғи, унинг воқелик ва ҳолатга урғуси ўша лаҳзаларда одам

туйиб коладиган Маънодор туйғулардан ўсиб чиқади. “Анор” ҳикояси қаҳрамони Кенкитининг урушга кетаётгани ва қаллиғи билан хайрлашгани келиши ҳикоянинг асосий воқелиги (Ундан ҳам устунроқ воқеа анорнинг фарқ пишганидир). Йигит кетгач, она ва қиз ўртасида суҳбат кечади. Шу оддий суҳбат давомида қиз турли аёллик ҳисларини бошидан кечиради. Ва гоҳ алам, гоҳ севинчга йўйилган ҳислари ўйинида кўнгилни хотиржам қиладиган бир ҳақиқатни, Маънони англаб етади. Кавабата асарларининг турмушнинг оддий икир-чикирига ўралашган қаҳрамонлари ҳам рухий, руҳоний яшайди. Ҳислари доимо уйғоқ ва тийрак. Ўша ҳис билан Маънога боришади, Маънони топишади. Бу маъно ҳақиқатга шу қадар дахлдор, ё ҳақиқатнинг ўзики, кўнгилнинг ором олиб, хотиржам тортиши учун кифоя.

* * *

Бу ҳикоялардан англаганим, тушуниб етганим – улар Зиддиятсизлик фалсафасига қурилган. Қаҳрамонлар руҳиятида гарчи доимо изтиробнинг ҳовури бўлса-да, бу ҳеч қачон олов, ўт олиб кетмайди. Ўт бўлиб кимнидир ёки дунёни ёндиргиси келмайди. Зиддиятга бормайди. Улар ҳамма нарсани босиқлик билан англаб етади. Эҳтимол, шу сабаб руҳоний яшар, эҳтимол, руҳоний яшагани сабаб шундайдир. Айнан мана шу зиддиятни четлаб ўтиш одам ва воқелик, табиат билан уйғунликка олиб келади. Ёки аксинча, табиат билан уйғунлиги сабабидан ҳам одамлар воқелик билан зиддиятга боришмайди.

“Қизил олхўри” ҳикоясида “Сенга тегибманки, шу қизил олхўрингни кузатиш учун бир минут бўш вақтим бўлмаган” дея гина қилган хотинига: – Беғам, беташвиш, ҳеч нарсани ўйламай ҳаёт кечиргансан-да”,– деб эътироз билдиради эр.

Шундай. Гулнинг очилиши ё дарахтнинг гуллашига термулиб, олдида соатлаб сокин қола олган, жим кузатган кишининг нигоҳи ва ўша маънос гуллар орасида бир масофа бор – изтироб масофаси. Ғами бор одамгина шу хайрат олдида соатлаб туриши мумкин. Ва бу кузатиш кўнгилда яна нималарнидир кўзгайди. Ғам одамни босиқ қилади. Инсондаги турли ҳавойиликларни жиловлаб, босиқ қилишда ғамдан кўра кучлироқ туйғу йўқ. Бу ғамгин одамларнинг гулларга термилиб ўтириши эса Мангуликка термилиб ўтиришдай туйилаверади. Эҳтимол, мана шу Гул, Мангуликка термилиш изтиробларни аламзадаликдан поклаб, маънос ғамга айлантириб беради. Шу сабаб Кавабата ҳикояларида маънос хотираларга қоришган ҳасратнинг синик нурига дуч келаверасиз.

* * *

Кавабата ҳикоялари қаҳрамонлари камдан-кам ҳолатда “Нега?” деб савол беради. Чунки улар бошқалар учун бемаънидек кўринадиган нарсалардан ҳам пинҳон пурмаъноликлар топишади. Тўғрироғи, Кавабатанинг ўзи қаҳрамонларнинг маъносиздек туюлган кечинмаларидан ҳам мазмун чиқаришга қодир.

“Инсон боласи ўзига ўхшаган инсонни бахтсиз қилишга қодир эмаслигини тушуниб етди... Ҳаёлан ундан кечирим сўрагани хато эканини

англади... Инсон ўзига ўхшаган инсонни таҳқирлашга курби етмаслигини англади.”

“Худо барҳақ” хикоясидан келтирилган бу парча бир неча йил мукаддам бир кизни таҳқирлаб, кейин ўша машғум воқеани унутолмай виждони қийналган йигит икрори. Киши бошқа бировнинг бахтсизлигига сабаб бўлолмайди, инсон қилмишлари ҳеч қачон тақдири азалга таъсир кўрсатмайди, демокчи адиб. Ўзига ўхшаган яратикнинг тақдирини издан чиқаришга у ожиз. Унинг яхшилигу ёмонлиги олий тартибларга заррача дахл килолмайди. У шу даражада ожиз мавжудот. Худо эса ҳамиша барҳақ. Шу туйғунинг ўзиёқ кўнгилга мангу таскин беради.

“Ё раббим, нақадар кудратлисан! – дея хитоб қилди у. Во ажабо, назарида шарқираб оқаётган дарё сувлари худди унинг икрорини тасдиқлагану, номаълум йирокларга етказиш учун ошикаётгандай туйиларди”.

Пастернакнинг “Касалхонада” шеърисида ифодаланган кечинмалар ва Кавабатанинг ушбу хикоясидаги рухий уйғунликни сезиш қийин эмас.

*Парвардигор, қандай мукамал
Сенинг қоринг – ўйлайди бемор.
Ўрин-тўйшақ, одамлар, ажал,
Тунги шаҳар, девор, тўрт девор.*

Шундай, тенг кудратли буюк рух эгалари гоҳо китобхони, ихлосманди қалбида рухий лаззат чоғларида бир-бирига дуч келиб турар эканлар.

* * *

Хикояларни ўқиган бир дўстим хайратини яширмади: “Қандай тиник таржималар, худди ўз тилимизда ёзилгандай!” Менимча эса булар таржима эмас, балки Кавабата руҳини, қалбини қайта англаш ва ўша руҳни жамлаган асарларни ўзбекчада ёзиш, етказиб бериш. Мен Кавабата хикоялари таржимасини шундай тушунаман. Кавабатани ўзбекчада англаган инсон – Олим Отахон: “Мен бу асарларга умримни бердим. У менинг ўз ёзувчим”, – деб бекорга айтмаган.

“Таржимон фақат ўзига яқин асарни таржима қилиши керак. Зўр ёзувчилар кўп. Аммо Ўзингники бўлганларини танлаб, умр бўйи улар билан шуғуллиниш керак. Кавабатани ҳеч қим мендай таржима қилолмайди! Мен унга умримни бердим. Адабиёт ва ҳаёт орасидаги чегарани йўқотдим. Ҳаёт ёлғон. Адабиётда ўн фоиз бўлса ҳам ҳақиқат бор”. Олим Отахон топган ўн фоиз ҳақиқат эса эҳтимол Кавабата, эҳтимол Кортасар асарлари қатида ётгандир. Шу ҳақиқатга биз ҳам етсак, умримизни беришга арзиса керак.

“Адабиётни қиздай севиш керак”, дейди Олим Отахон. Кавабатанинг ўзбекчадаги хикоялари жозибасидан таржимоннинг ёзувчига ошуфталиги шундоқ сезилиб туради.

“Йиллар давомида Кавабатага атаб “Сенсей”, яъни “Устоз” деган қирқ-эллик бетлик эссе-мақтуб ёздим”, дейди яна ёзувчи. Икки адиб қалби бир пардада сасланган, бирлашган пайтда яралган эссе-мақтуб Олим Отахоннинг Кавабатани англаш жараёни ҳақиқалигига ишонаман. Олим Отахон англаган, тушунган Кавабатани мен ҳам унинг каби англагим келади.

Тилланисо ЭШБОЕВА

“БОБУРНОМА” ДАН “ЎТКАН КУНЛАР” ГА

Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигига

Абдулла Қодирий романларининг бетакрор жозибаси, тилидаги гўзаллик, образлилик, аниқлик, тасвирийлик каби фазилатлар ҳозиргача ҳаммани хайратга солиб келади. Адибнинг бадиий маҳоратини, асарлари умрбоқийлигини барча бирдек эътироф этади. Зеро, бундай эпик кўламининг юзага келиш омиллари, бетакрор поэтиканинг туб илдизи ҳамда таъсирланиш асосларини кузатиш фойдалидир. Абдулла Қодирий дунё адабиётини, ўзбек халқининг миллий руҳини, шеваларидаги луғат бойлигини яхши билгани, XX асрнинг 20-йилларида қайта шаклланган замонавий ўзбек адабий тили учун беқиёс хизмат қилгани ҳақиқат. “Ўткан кунлар” романи бошида тилга олинган “Тоҳир-Зухра”, “Чор дарвиш”, “Фарҳод ва Ширин”, “Баҳром гўр” каби кўплаб мумтоз асарларни ўқиганига ҳам шубҳа йўқ, албатта.

“*Бобурнома*” ўқиётган Отабек. “Ўткан кунлар” романининг “Мажбурият” фаслида шундай эпизод бор: “Кечлик ошни ўтказгач, Ҳасанали ўз хужрасидан кийиниб чикди-да Отабек ёнига кирди. Отабек “Бобурнома” мутолааси билан машғул эди”. Ҳасанали асил ниятини билдирмай “ҳаммомга бориш” учун рухсат сўрайди. Отабек кўзини китобдан узмай: “Юмишим йўқ, бораверингиз”, деб жавоб беради¹. Машхур китоблар орқали қаҳрамонни баланд макомга кўтариш, уларнинг маънавий оламига урғу бериш, аниқ детал воситасида образга маҳобат бағишлаш дунё адабиётида ҳам, ўзбек мумтоз адабиёти тарихида ҳам, шунингдек, Абдулла Қодирий ижодий биографиясида ҳам мавжуд адабий ҳодисадир. Отабекнинг “Бобурнома” мутолааси “Ўткан кунлар” илдизи устида фикрлашга, тасвирдаги ички манера, сўздаги ростлик, характер мантиғи, инсон шакли-шамойили, айниқса, романнинг поэтик нутқи – тили тўғрисида айрим мулоҳазалар айтишга имкон беради. Тасаввур кўлами “Бобурнома” матни стони бўйлаб кенгайди. Адиб бошқа асарларида ҳам бу муаззам китоб ва унинг эгасини эслайди. Бобурга “фотих” – фатх этувчи сифатини беради; “Бобурнома”ни: “Бобурнинг кенг руҳлик, ўз замонига очуқ фикрлик...” китоби, дейди. Қурдошлари билан баҳслашган бир масалада “Бобурнома”дан “далиллар келтурмак”ка чоғланади². Тарихий манбалардан маълумки, қатоғон – “дапсан” йиллари Абдулла Қодирий иккинчи марта қамолқа олинганида кутубхонасидаги етмишдан ортиқ араб имлосида ёзилган мумтоз китоб йиғиштирилади. Шулар қатори “Бобурнома”нинг олиб кетилгани аниқ.

¹ Абдулла Қодирий. Рўмонлар. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. –Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994. 38-39-бетлар (Кейинги кўчирмалар шу манбадан олинади ва саҳифа рақами кўрсатилади – Б.К.).

² Абдулла Қодирий. Дийёр бақир. –Т.: “Янги аср авлоди”. 2007. 106-бет.

Хўш, нега Абдулла Қодирий ва “Ўткан кунлар” мавзусидаги фикр йўли Бобур ва “Бобурнома” тарафга бурилмоқда? Нима учун Қодирий ижодидан, асарлари, таржимаи ҳоли, хотира китоблари, қодирийшуносларнинг асарларидан Бобур ва “Бобурнома” изларини излаб қолдик? Тўғриси, реал воқелик замирида туғилган митти интуиция – ички сезим янги фикрга замин ҳозирлайди; одам беихтиёр тафаккур офтобида пишиб етилган битта мулоҳазани далиллаш ва унга бошқаларни ишонтиришни истади. Адабиётшунослик Абдулла Қодирий романларининг шухрати, таъсир кучи, тасвир тиниқлиги, тилининг гўзаллигига урғу берди. Энди бундай фазилатлар илдизини ҳам тадқиқ этиш лозим. Истеъдодли адиб ўзбек, рус ва жаҳон адабиётидан, халқ оғзаки ижоди ва халқнинг жонли тилидан баҳраманд бўлди. Бунга шубҳа йўқ. Фикримча, ушбу баҳрамандлик илдизининг бир қирраси “Бобурнома”га бориб такалади. Шунинг учун “Бобурнома” билан “Ўткан кунлар” орасидаги поэтик боғламни, ўзаро таққослашга зарурат сезилади. Абдулла Қодирий эпик тафаккур тарзи, насрининг бадий жозибаси, гўзал тили куп-қурук саҳрода ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Текис саҳрода ҳайбатли тоғ ўсиб чиқиши учун ўша ер остида қайноқ вулкон булоқлари бўлиши шарт. “Ўткан кунлар” романи учун “Бобурнома” шундай булоқлардан бири вазифасини ўтаган бўлса не ажаб?!

“Кўч”нинг қўлами: Адабий асар ўқилиб, бадий матнга эврилар экан, ундаги семиотик элементлар – товуш, бўғин, сўз каби увок унсурлар поэтик ғоя ва мантик воситасида бирлашиб муҳташам семантик майдонни бино қилади. Матн ичида сўз тиради, товушлар жонланади; сўзнинг кадр-қиймати ортади ва маъноси кенгаяди. Турли замонда яшаган икки адиб қўллаган нодир, очкич-калит сўзларнинг ўхшашлиги, такрори ва маъно уйғунлиги типологик-интуитив таққосга асос беради. “Бобурнома” – кўп маъноли, серқатлам ва ўлмас асар. “Бу муаззам асарнинг ҳар бир сатри ҳақида биттадан ҳикоя ёзиш мумкин”¹. Дарвоқе, “Бобурнома”да қўлланган бир қанча нодир сўзларни Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар”да ишлатади; ўз ўрнига тушган жонсўз романга жозоба бағишлайди. Бепоён стилистик майдондаги битта сўзнинг ассоциатив таъсири олтин занжир ўлароқ асарларни асарларга, адибларни адибларга, асарларни асарларга боғлайди.

Эсга оламиз: Отабекнинг қутидор эшигидан қувилиб, Тошкентда нисбатан узок қолиб кетган кунларининг бирида Ҳасанали ундан Марғилонга кетмай юриши сабабини сўрайди. Отабек: “Ҳавсала йўқ”, дегач: “Қайин отангиз кўнса, кўчингизни олиб келсангиз ҳам маъқул эди қатнаб юргандан...” (283-бет), дея тақлиф айтади. Бу ўринда “кўч” – хотин, оила маъносида. Ўзбек ойим Офтоб ойим билан Кумушга қараб: “Ахир маним ҳам ўзимга яраша обрўйим бор. Тошкандда кимсан, Юсуфбек ҳожи деганнинг кўчиман. Худоёрхон ҳам бир кун кечаси келиб бизга меҳмон бўлдилар...”(325-бет), деб гина қилади.

Айнан “Бобурнома”да ҳам “кўч” сўзи “оила, хотин” маъносида келади. Бобур 1497–1498 йил воқеаларида ёзади: “Беклар ва ичкилар ва йигитларким, менинг била қолиб эдилар, аксарининг кўчлари Андижонда эди”².

¹ Хайридин Султонов. Бобурнинг тушлари. –Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1993. 230-бет.

² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. –Т.: “Юлдузча” нашриёти. 1989. 52-бет (Кейинги кўчирмалар шу манбадан олинади ва саҳифа рақами кўрсатилади). Рус тилига ҳам “кўч” сўзи “оила” (семья), “оила аъзолари” (домочадцы) деб таржима қилинади: “Семья большинства оставшихся при мне беков, внутринних приближенных и йигитов находились в Андижане”. “Бобурнаме”. –Т. 1993. Стр.78.

Бошқа мисолларга қараймиз: “Менинг онамни ва улуғ онамни ва баъзи менинг била қолғонларнинг кўчлари била Хўжандка менинг қошимға йибордилар” (52-бет); “Менинг волидаларим ва кўч ва улуғларим мен Андижондин чиққандин сўнгра юз ташвиш ва машаққатлар била Ўратепа келиб эдилар...” (77-бет); “Ушбу кун Мулло Алихонким, Самарқандга кўчини келтурғали бориб эди, келиб мулозамат қилди” (218-бет). “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “кўч” сўзининг “1.кўчиш пайти ташиладиган уй-рўзғор буюмларидан иборат юк” ҳамда “2.ахли аёли, хотин (эрига нисбатан)” тарзида изоҳланган¹. Эрининг уйига ота уйдан кўчиб ўтгани учун ҳам ўтмишда хотин “кўч” деб аталган.

Буйрук феълнинг “кўч” шаклидан фаркли ўларок ҳозирги ўзбек адабий тилининг от сўз туркумида “кўч” ёлғиз қўлланмайди. Кўпинча жуфтлашиб “кўч-кўрони” тарзида “Луғат”даги изоҳнинг биринчи маъносига мос ишлатилади.

Ҳозирда “кўч” сўзини “оила, хотин, бола-чақа” маъносида ишлатиш оғзаки нутқда ҳам, ёзма адабиётда ҳам кузатилмайди. Балки мамлакатнинг қайсидир худудидаги шева таркибида сақланиб қолгандир. Тасаввуримизча, Абдулла Қодирий қўллаган “кўч”лар “Бобурнома”даги “кўч”ларга семантик жиҳатдан уйғун келади. Ҳар икки асарда бор-йўғи учта товушдан таркиб топган биттагина ихчам “кўч” сингари сўзнинг ҳам ўзига хос поэтик кучи ва ўрни бор. Сўз сўзни етаклаб келади, сўз изидан воқе-ҳодисалар тизими ёдга тушади. Адабий матндаги муайян очкич сўз замонларни ўзаро боғлайди.

Шакл-шамойил тавсифи. Ёзувчилар мақсади ва маҳоратларига кўра турли йўсинда қаҳрамонларининг ташки кўриниши – портретини чизади. Ташки киёфа белги-чизгиларини образларнинг ички олами билан уйғунлаштиради, баъзан қаршилантиради. Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романи бошида Кумуш киёфасини “коп-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийик қошлари”ни, “тўлган ойдек ғуборсиз оқ юзи”ни, яъни “киз суратида кўринган малак” сиймосини қуюқ, нафис ранглар уйғунлигида (29-бет) нисбатан кенг, Ўзбек оймни “элли беш ёшлар чамалик, чаладუმбул табиъатлик” (129-бет) тарзида қисқа тавсифлайди. Бирок адиб бошқа образлар портретини бир жойга жамлаб, жуда тигиз баён этади. Отабекни “оғир табиатли, улуғ гавдали, кўркам ва оқ юзли, келишган, қора кўзли, мутаносиб қора қошли ва эндигина мурти сабз урган бир йигит” (7-бет), Юсуфбек хожини “тўла кўркам юзли, катта малла кўзли, узун мош-гуруч соқоллик мулланамо бир зот” (82-бет), Зайнабни “ўн етти ёшлар чамалик, қулча юзлик, оппоққина, ўртача ҳуснлик” (158-бет), Уста Алимни “қирк ёшлар чамалик, қонсиз юзлик, сийракқина соқоллик, қўй кўз, кўп вақт мадраса риёзатини чекканнамо, қотма, узун бўйлик” (186-бет), Ҳасаналини “олтмиш ёшлар чамасида, чўзик юзлик, дўнгирок пешаналик, сариққа мойил, тўгарак қора кўзлик, оппоқ узун соқоллик” (8-бет), Ҳомидни “узун бўйлик, қора чўтир юзлик, чағир кўзлик, чувок соқол, ўттуз беш ёшларда бўлган кўримсиз бир киши” (8-бет), Ўтаббой кушбегини “тўла юзлик, ўсик қошлик, оғир қарағучи кўзлик, сийрак соқол, ўрта бўйлик, устидан кимхоб тўн кийиб, белига қилич оскан қирк беш ёшлар чамасида бир киши” (69-бет), Азизбекни “...бошига оқ шоҳидан салла ўраган... сийрак қошлик, чўққи соқол, буғдой ранглик,

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. –Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 2-жилд. 2006. 476-бет.

кирк беш-элли ёшлар чамалик бир киши” (81-бет), Райимбек додхонни “... жин ялаган деганларидек кошсиз, корамтил юзлик, икки чакагининг устида бир оз, иягида бир оз сийрак, кўримсиз қора соқоллик, кўзлари ичига боттироқ, ammo қон қуйилгансумон бир киши” тарзида (81-82-бетлар) киёфаларни бошқасига ўхшатмасдан индивидуал тасвирлайди. Бу поэтик усул романдаги бошқа образларнинг шакл-шамойили, хулқатвори ва рухияти тавсифида ҳам кузатилади. Эринмасдан узундан узок кўчирилган ҳар бир образ киёфаси бошқасини такрорламайди. Қолаверса, ташқи шакл-шамойил тасвирида қўлланган сўзлар маъно тусидан ёзувчининг ўз қахрамонларига нисбатан меҳр-муҳаббати ва тескари муносабати – симпатия ҳамда антипатияси сезилади. Киёфаларнинг бадий-эстетик таъсири ўқувчи кўнглига кўчади. Ўқувчи тасаввур майдонида киёфалар жамланиб, Абдулла Қодирий “адабий мамлақати”нинг фуқароларига айланади; романда туркум образлар пайдо бўлади. Гарчанд тарихий-мемуар деб номланса ҳам, бундай қиска, аниқ ва лўнда поэтик тасвир усули “Бобурнома”га хос. Бобур отаси – Умаршайх Мирзо тўғрисида: “Паст бўйлик, тегирма соқоллик, қўба кўзлик, танбал киши эди”, деб ёзади (9-бет). Асардаги кўпгина шахслар “шакл ва шамойили” учун махсус ўрин ажратилади. Султон Аҳмад мирзони: “**Шакл ва шамойили:** баланд бўйлик, кункор соқоллик, қизил юзлик, танбал киши эди. Соқоли энгакида эди. Икки янгокида соқоли йўқ эди. Бисёр хушмуҳовара (гапга чечан – Б.К.) киши эрди” (19-бет), деса, кирк уч ёшида вафот этган Султон Маҳмуд мирзони “паст бўйлик, суюк соқоллик, танбал, синчисизроқ киши эди”, деб тавсифлайди (26-бет). Бошқа бир саҳифадан “Одилый” таҳаллуси билан ижод этган ва битган ғазаллари Самарқанддаги ҳар бир хонадонга бориб етган Бойсунғур мирзонинг “шакл ва шамойили”га: “улуғ кўзлик, қўба юзлик, ўрта бўйлик, туркман чехралик, малоҳатлик йигит эди”, дея таъриф беради (63-бет). Бобур шакл-шамойил, ташқи киёфа характеристикаси ёнида ҳар бир инсон табиати ва ички оламига тегишли “покиза эътиқодли”, “одми ва фақир киши эрди”, “таъби назми бор эрди”, “фосик киши эрди”, “муттакий киши эрди”, “золим ва кофирваш киши эрди”, “қулагач ва ҳаззол киши эрди” каби сифатлар билан маънавий хулқини ҳам очиқ ёзади. “Бобурнома”дек мўътабар асарнинг ҳаққоний тасвир услуби, эҳтимол, Абдулла Қодирийга манзур бўлгандир. Қодирийшунос профессор Умарали Норматов “Қодирий мўъжизаси” китобида: “Ўтмишда яратилган талай асарлардаги, жумладан, “Бобурнома”даги реалистик хусусиятларни асло камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, “Ўткан кунлар”да ўзбек халқи ҳаёти илк бор ўзининг тўлақонли реалистик ифодасини топди”, деб таъкидлайди¹.

Жон қадри – умр мазмуни. Ҳар қандай асардаги ҳаёт ва ўлим, ишқ-муҳаббат, турмуш зиддиятлари, инсонлараро тўқнашувларнинг баёни ҳеч қимми бефарқ қолдирмайди; умр мазмуни, жон қадри, дунёга келиш ва кетишга тегишли ҳаётий ҳикматлар эса бадий асарнинг фалсафий мазмунини бойитади. “Бобурнома” ва “Ўткан кунлар” саҳифалари шундай ўғитлардан холи эмас. “Ўткан кунлар” романида орадан ўтган йиллар суронига боқиб Мирзакарим қутидор: “Умр – отилган ўқ эмиш” (15-бет), дейди; аслида умр мазмуни устида фикрламайдиган, ҳаёт моҳиятини ўйлаб кўрмаган одам кам бўлади. Зеро, Ватан, она, ишқ-муҳаббат, ҳаёт,

¹ Норматов У. Қодирий мўъжизаси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти. 2010. 195-196-бет.

ўлим, садокат, дўстлик, инсоннинг дунёга қараши бадиий ижоднинг доминант мавзулари саналади. Рус адиби Лев Толстойнинг: “Агар инсон фикрлашни ўрганган бўлса, нимани ўйлашидан қатъий назар – у ҳамини ўлим тўғрисида фикр юритади”¹, мазмунли гапи бор. Жон кадрини, синовли дунё ўткинчилигини, имтиҳонни, ўлимни эслаш – ўзи ва ўзлигини англаган ориф инсонга хос фазилат. Бобурнинг бошига турли кўрғиликлар ёғилиб, омад ундан юз ўйирган ва душмани Аҳмад Танбал одамлари изига тушиб таъкиб этган, шоир ўз таъбири билан айтганда “иш тадбирдан ўтган” кунларнинг бирида у: **“Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ нима бўлмас эмиш”**, деб ёзади (107-бет). Бобурнинг “Бобурнома” асаридаги икромлари, ҳақгўйлиги, типирчилаб турган юрагини қўшқўллаб ўқувчига тутқазшига доир реалистик тасвирлари дунё адабиётидаги жуда кўп асарлардан бениҳоя юкори туради. Бобур ўзини, юрагини, юзини, аъмолини, сўзини, амалини, кўзини пардаламайди. Иккиланишини, андишаси, ғзабини, кўнгил гулғуласи ва безовталигини очик ёзади. Шаръан қаралганда, кундалик намоз ибодатлари билан маъжун истеъмоли, одамнинг ақл-хушини оладиган чоғир, май ичишнинг бир инсон фитратида жамланиши мақталадиган ижобий хислат эмас. Бобур бу шаръий ҳукми ҳар кимдан яхши билади. Шунинг учун ёнидаги шерикларини чоғирга ҳам, маъжунга ҳам мажбурламайди; на ортиқча дағдаға, на даъват қилади. Ҳолбуки у ўзининг чоғир мажлисларию маъжунхўрлигини ҳам, тонгласи сабуҳий қилишларини ҳам бемалол сир тутиши мумкин эди. Уни тафтиш қилишга, қалами қитирлатиб ёзаётган “Вақое”ни кузатиб туришга гувоҳларнинг юраги бетламас эди. Бобур Яратгувчининг “самиун басир”, “қулли шайун қодир”лигига, барча ишларни “киромин қотибин” малоикалар амал дафтарига аллақачон ёзиб қўйганига инончи боис ҳақ сўзларни битади. Бутун айбу гуноҳини, бор эзгулигу одамийлигини, барча тавбаю тазарруларини бор ҳолича баён этади. Тўғриси, қиёснинг иккинчи эгаси мавлоно Абдулла Қодирийнинг ўз қўли билан ёзган бундай тарихий икромномалари, кундаликлари ёки ўз табиатига оид эътирофлари йўқ ҳисоби. Адибнинг “Суддаги нутқи”, замондошларининг хотиралари, Ҳабибулла Қодирийнинг “Отам ҳақида”, Масъуд Абдуллаевнинг “Ўтганлар ёди” китобларида бу хусусдаги айрим маълумотлар учрайди, ҳолос.

Бирок тасаввуримизча, Бобур билан Қодирийнинг табиатида, поэтлик тафаккур тарзида, адабий-эстетик тушунчалари, одамийлиги ва борликни кўришида қандайдир яқинлик бор. “Ўткан кунлар”да ёзувчи: “Дарҳақиқат, бизнинг қаршимизга йўлбарс чикса, биз қаттиқ кўрқамиз, чунки бизни ўлум кутади, инсон учун дунёда ўлумдан кўркунч нарса йўқ” (320-бет), дейди. Адиб келгуси воқеаларни ўқувчига олдиндан сездиришнинг махсус адабий усулини қўллабми ёки ички бир туйғу даъвати биланми, хартугул, Кумуш охириги мактубида онасига: “Маним бўлса нима учундир юрагимда бир кўркув бор...”, деб ёзади (363-бет). Воқеалар ривожидан кўркув сири очилади, захарлаган Кумуш “жомга ўқчиб қусар эди”. Айбдор Зайнаб Юсуфбек хожа ҳовлисидан ҳайдалади, акалари уни қишанлаб қўйишади. Жинниргани қози ва табиблар томонидан тасдиқлангач, жинояти учун жазоланиш ҳукми унинг устидан кўтарилади. Захарланиш ҳодисаси подшоҳ Бобур ҳаётида ҳам юз беради.

¹ Горький М. Портреты. “ЖЗЛ”. 1967. Стр. 123.

Ҳинд ошпазлари кўлидан захарли ош егач, унинг кўнгли беҳузур бўлади. Бу тўғрида: “Обхонага боргунча йўлда бир навбат қусаёздим. Яна бир навбат қусаёздим. Обхонага бориб, калин кустум. Ҳаргиз ошдин сўнг қусмас эдим, балки ичганда ҳам қусмас эдим” (281-бет), деб ёзади у. Айбдорлар жиноятига яраша жазо олади: бирининг териси тириклайин шилинади; яна бир айбдор филнинг оёқлари остига ташланади (282-бет). Бир ўлимдан қолган Бобур гўё онадан қайта туғилгандек бўлади. “Тенгри менга бошин жон берди”, дея шукрона айтади у. Жон халқумга келиб кетган бундай вазиятларда инсон учун жони азиз кўринади. Шунда умр мазмуни, тириклик неъматиди устида ўйлайди. Бобур икроман ёзади: “Жон мундоқ азиз нима эмиш, мунча билмас эдим, ул мисраъ борким: Ким ўлар ҳолатқа етса, ул билур жон кадрини...” (282-бет). Аслида инсон ҳаёти ижтимоий-маънавий, рухий-моддий ва бошқа зиддиятлар ҳамда мураккаб ҳолатлар асосига қурилади; ўзини ва ўзлигини англаганлар фурсатни ғанимат билиб, охираат кунини учун озуқа жамлайди; савол-жавобга ҳозирлик кўради. Чунки Бобур таъбирича, “хар кимки ҳаёт мажлисига кирибтур, оқибат ажал паймонасидин ичкусидур ва хар кишиким, тириклик манзилига кетибтур, охир дунё ғамхонасидин кечгусидур” (289-бет). Тириклик ва ўлимга оид “ҳаёт мажлисига” келиб-кетишнинг хикматона ифодаси жуда тўғиз ва қаршилаш усулида берилди. Шу гап давомидан Бобур барчага машҳур “...даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ” мисраларига мослаб жуда муҳим ва мардона ҳаётини бир гапни ёзади: “Ёмон от била тирилгандин яхши от била ўлган яхшироқ”. Бунда “яхши-ёмон”, “тирилган-ўлган” тазодлари ифода таъсирини оширади. “Ўткан кунлар”да ўзининг ҳаёти мазмунини ўйлаётган Юсуфбек ҳожи дейдики: “Мен кўб умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим... Боболарнинг муқаддас ғавдаси мадфун Туркистонимизни оёқ ости қилишга ҳозирланган биз итлар яратгучининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур Қўрагон каби дохийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилганлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрагучи албатта тангрининг қаҳрига сазовордир” (294-295-бетлар). Ҳожи беш кунлик умрида “дунё можароларидан этак силкиб гўшаъи охираат тадорики”ни кўришга ўзида рағбат ва зарурат сезади. Дарвоқе, Абдулла Қодирий тирик маҳалида ўз Ватани ва миллатига бўлган севгиси, ҳақ гапи, эзгу амали ва бебаҳо асарлари эвазига ҳожига ўхшаб ўзига азоб-уқубатлар, тухмату бўҳтонлар ортиб олди. Аммо адибнинг фавқуллодда жасорат эгаси экани ҳам, бу мардона фазилат қахрамонлари табиатига кўчгани ҳам бор гап. Шу ўринда уч душмани билан бир ўзи олишган Отабекни ёки дор остиди ўлимга тик қараб турган Анварнинг ўткир кўзларини эслаш ўринли, албатта. “Ҳақиқат, очиб сўзлашдадир” хикмати ҳаётини дастури бўлган адиб “Суддаги нутқи”да ўша мустабид даврнинг “одил суд”ига қарата: “Мен тўғрилиқ орқасида бош кетса, “их” дейдиган йигит эмасман... Кўнглида шамси ғубороти, тескаричилик мақсади бўлмаган содда, гўл, виждонлик бир йигитга бу қадар хўрликдан ўлим тансиқроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича, маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга кўркинч эмасдир”¹, деб айтади. Кейинги хибс терговиди: “Менга

¹ Қодирий А. Суддаги нутқ // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 1989. 1 декабрь.

қўйилган айбларни бошдан-оёқ рад этаман. Ҳақиқат йўлида ҳар қандай, ҳеч қандай жазодан, қийноқдан кўркмайман. Агар отмоқчи бўлсаларинг, кўкрагимни кериб тураман...”¹, деб мардона сўзлайди. Худди шундай мардона туйғу, ҳаққоният, фавқуллода жасорат, улкан шижоат Бобур умрига, “Бобурнома” матнига нур бағишлайди. Унинг фотиҳлиги, элободчилиги, бағрикенглиги, дўсту душманларига кўрсатган муруввати, айниқса, фарзандидан жонини ҳам аямагани узоқ мозийнинг ўчмас ҳақиқати. Ўғли Ҳумоюннинг дардига ҳақими хозиклар “...яхши нимарсаларни тасаддук қилмоқ керак” деб ташхис қўйишади. Бобур “Ҳумоюннинг мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ”, фикрига келади ва уч марта ўғлининг теграсида айланиб айтадики: “...мен кўртгардим ҳар не дардинг бор”. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сихат бўлиб кўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим” (355-бет). Бундай вазиятда Ҳақ билан авлиёсифат инсон орасидаги пардалар кўтарилади. Тоза юракли отанинг чин дуоси Тангри хузурига ўқдай боради ва ижобат бўлади. Бобур ўлимни мардона бўйнига олади. Бобур насрида ифода йўсини жуда қиска, кам сўзга кўп маъно юкланади.

Эъжоз мақоми. Кам сўзда кўп фикр баёни мумтоз поэтикада “эъжоз” дейилади. “Бобурнома” – шоирнинг насри, подшоҳнинг назари; унда инсон умри, тарих воқелиги, географик маълумотлар йўл-йўлакай куруқдан-куруқ баён қилинмайди. Дейлик: “Кўнгуллар гул янглиғ очилиб, кўзлар чирогдек ёруди” (354-бет) каби қиска, ўхшатишли ва тоза туркий ифода Бобур услубигагина хосдир. Бобурнинг насри таъсирли, оҳангли, шеърли, маҳобатли, сажли, тавзеъли, лафофатли, ўхшатишли; унда тавсиф билан тасвир уйғунлашади. Ора-орада лирик пафос билан безатилган, айни дамда трагизм билан суғорилган “Бобурнома” ўзбек мумтоз насрининг фасохат ва балоғат намунаси, эъжоз мақомидаги бетакрор асар. Сўзи кам, маъноси ўктам; фикр ва тушунчалар тўкнашади, сўз сўзга уринади, сўздан сўз униб чиқади. Ўқиймиз: “На учунким, алар асру қалин, биз кўп оз, ўзга бу қавийлик била алар аркта ва бу заифлик била биз тош кўрғонда” (101-бет). Ўзаро қарама-қарши қутбда турган “алар – биз”, “қалин – кўп оз”, “қавийлик-заифлик”, “арк – тош кўрғон” каби жуфт ва зид сўзлар орасида бир дунё тушунчалар жамланади. Бошқа бир мисол: “Вилоят ораси, тонг ёвуқ ва мақсад йироқ” (105-бет). Қаршилантиришдан ифода тиниклашиб гўзаллашади. Бошқа бир саҳифага назар соламиз. Бобур алғов-далғовли кунларнинг бирида Банда Али деган шеригини кутиб ўтирибди. Кутганда кун чўзилади, сониялар иммиллайди; вақт юрмайди, гўё тўхтаб қолади: “Субҳ узлаб келадур, бу ҳеч келмайду” (105-бет). Бундай баён тарзи фақат ҳолат ифодаси, маълумот бериш жараёнида эмас, балки турли тарихий воқеалар тафсилоти ёки тарихий шахслар табиати ёритилган саҳифаларни ҳам тез-тез учрайди. “Бобурнома”да воқелик, фикр ва туйғу ноўрин тафсилотларсиз ёзилади. Тўғриси, кенгқамровли, адабий-тарихий насрининг универсал услубида ёзилган “Бобурнома”дек муаззам ва бетакрор асар ўзидан кейинги турли жанрдаги ўнлаб-юзлаб бадиий асарлар учун таянч, илдиз, манба бўлиб хизмат қилгани айни ҳақиқатдир.

Сўзнинг эъжоз мақоми Абдулла Қодирий насри поэтикасига, қаҳрамонлари нуткига ҳам хос. Отабекни иккинчи марта уйлантириш

¹ Қодирийни қўмсаб. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1994. 6-бет.

ҳавасида юрган Ўзбек ойм бир куни Ҳасанали билан гап талашиб айтадики: “Сандек соколи узун, акли қисқадан кенгаш сўраб ўлтурган мен ҳам аҳмоқ!” (163-бет). Шокирбекнинг Отабекка эврилиш ҳикояси фойдалиқ”, деб сомьликка ҳозирланади (254-бет). Бундай нутқда “сен” – “мен”, “узун” – “қиска”, “яхши” билан “ёмон”, “жаноза” билан “ҳикоя” сўзлари зидланади. Юсуфбек хожи бир йиғилишда: **“Бу сокол шу эл кайғусида оқарди. Бу кўнгил шу манфаатпарастрлар таъсирида қорайди”** (318-бет), деган гаплари семантикаси каршилидир. Юсуфбек хожининг ўз нафсига назари, маломати ва эътирофидаги соқолининг оқариши ёки кўнглининг қорайиши тасаввурни тоза бир инсон умрининг йўллари томон йўллайди. Аслида вазият, характернинг контрастли-қиёсли тасвири-ни романининг дастлабки саҳифаларида, яъни карвонсаройда Отабек тушган хужра ёки Отабек билан Ҳомид характери баёнидаёқ кўринади. Адиб бу бадиий санъатдан романда жуда кўп ва ўринли фойдаланади. Баъзан кундошларнинг маънавияти, сажияси ҳар жихатдан таққосланади. Ўз мақсади йўлида янги қаҳрамонларни саҳнага олиб чиқиш жараёни романи охирлаб колганида ҳам давом этади. Адиб романининг “Хушрўйбиби ва Зайнаб” фаслидаги: “Хушрўй узун бўйли, котмарок ва зарча танлик эди. Зайнаб қиска бўй, гўштор ва ок танлик эди. Хушрўйнинг харакати кнйил ва лавзи тез эди, Зайнаб лоппос ва ўнта сўзга аранг битта жавоб кайтарадирган эди” (353-бет), деган опа-сингиллар табиатининг киёсидан тасаввур тўлишади.

Эъжоз мақомидаги бундай мисолларда Бобур Мирзо ҳам, Абдулла Қодирий ҳам чин маънодаги ўз эли ва тилининг билимдони, ўз даври адабий тилининг бунёдкори ҳамда ўзбек тилининг барча имкониятларидан тўла фойдаланган адабий шахслар сифатида кўринади. Бу икки муаззам адабий сиймо туркий-ўзбек адабий тилининг ифода салоҳияти ва камровини ўзларининг амалий хизматлари билан исботлади, шунингдек, зукко тилшунос сифатида баъзан назарий карашларини ҳам баён қилишди.

Икки тилчи. Абдулла Қодирий ўзининг бетакрор бадиий асарлари билан ўзбек адабий тилининг бойлигини исбот этди; ўрни келганида шева сўзларидан унумли фойдаланди. Адиб халқ тилида қўлланадиган “чип” сўзи учун “ғов, баррикада маъносида”, бошқа бир саҳифадаги диалогда келган “эшиқ” сўзини “Фарғонада ховлини эшиқ дейдилар” деб изоҳлайди. Ҳомид Жаннат опага “...гузардан чиқиб бир чорак эт келтириб, шўрба қилиб берсангиз” дейди. Ёзувчи “бир чорак”ни “уч ярим-тўрт қадок чамаси тошдир” деб изоҳлайди. Бугунги ўқувчи учун бир қадокнинг 409,512 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги эканини эслатишга зарурат бор. Бошқа бир эпизодда узок айриликдан кейин қайта учрашган Кумуш Отабекка “Сиз энди қирчиллабсиз!” деб айтади. Адиб “қирчиллаш” сўзига: “Қирчиллаш – одатда корга айтиладир. Масалан, каттиғ совукда ёқган кор қирчиллайдир. Шундан олиб, айни етилган йиғитларни қирчиллама йиғит, дейдилар” тарзида романининг асосий контекстидан ташқарида изоҳ ёзди.

Адиб ўзбек тилининг табиий хусусиятларини, жамики фазилатларини кадрлаш устида бош котирган; шунинг учун ҳам тилдаги бундай муаммоли фонетик ходисага махсус тўхталади.

Бобур ўзининг машҳур:

*“Ёд этмас эмиш кишини меҳнатта киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни гурбатта киши.
Кўнгулум бу ғариблиқта шод ўлмади ҳеч,
Гурбатта севунмас эмиш, албатта, киши”*,¹

рубойисидан кейин туркий тилнинг товушлар уйғунлигига доир мулоҳаза ёзади: “Сўнгра маълум бўлдиким, турк лафзида маҳал иктизоси била “то” ва “дол” яна “ғайн” ва “қоф” ва “қоф” бир бирлари била мубаддал бўларлар эмиш” (90-бет). Ўрнига қараб “т” билан “д” ундошининг, “ғ”, “қ” ва “к” товушларининг ўрни алмашиб келишини, уларнинг ўзаро мослашув табиатини тушунтиради. Бобурнинг йигирма саккизта ҳарфдан таркиб топган алоҳида алифбо – “Хатти Бобурий”га тартиб бергани, шу хатда фарзандларига мактублар, хатто замонасининг хаттотларига “Мусҳаф”ни кўчиртириб Маккаи Мукаррамага юборгани маълум². Бобур “Бобурнома”да жой номлари, турли тарихий шахслар, мамлакат, шаҳар ва қишлоқларнинг тавсифи, турфа урф-одат, удумлар, ҳайвонот, наботот олами муносабати билан кўп сўзларга юз ёзади. Масалан: “Яна ҳинд эли ададни ҳам хўб тайин қилибтурлар: юз мингни “лак” дерлар, юз лакини “курур” дерлар. Юз курурни “арб” дерлар. Юз арбни “карб”, юз карбни “нил”, юз нилни “падам”, юз падамни “сонг”. Бу ададларнинг тайини Ҳиндустон молининг кўплугининг далилидур” (266-бет) “Бобурнома” асари тилини тадқиқ қилган тилшунос олимлар Бобур кўплаб сўзларнинг келиб чиқиш тарихга эътибор бериб, кўпгина сўзларга изоҳлар ҳам беради.

Бобур ўғли Ҳумоюнга ёзган жавоб мактубида набираси исмининг маъносига, хатида йўл қўйган имло хатоларигача эътибор беради. Энг асосийси услубига нисбатан: “Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити: ҳам санга ташвиш озрок бўлур ва ҳам ўқуғучиға” (321-бет), деб ўзи қўллаган усуллардан қимматли ўғит беради. Бундай мулоҳазалар барча давр фарзандлари учун оталар айтган умрибоқий насихатдир. Бобур билан Абдулла Қодирийнинг асар, битик, мактуб, иншони аниқ ва тиниқ ёзиш хусусидаги фикрлари ўзаро уйғун. Қодирий фикрича, ёзганларига “ёзувчининг ўзигина тушуниб бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб”, “фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин бермаслик лозим”. Ёш ёзувчилар ўз асарларига бировнинг сўнгсўз ёки сўзбошиси билан тумор такқандан ёки нашриёт муҳаррирларга ортикча иш қолдигандан кўра ўз сўзларида собит туриб, “бир соатда эмас ўн соатда ёзишлари” ва ёзганларини “бир қайта эмас, ўн қайта тузатишлари кишининг ёрдамига термулишга қараганда ҳам фойдалиқ, ҳам умидликдир”³. Назаримда, ҳар икки аллома адибнинг асарлари, ёзиш малакаси ва тажрибасидан ўтган адабий-назарий ўғитлари

¹ Мазкур рубойи “Бобурнома” таркибида айни шаклда келади. Аммо шу кўнгулдан босилган Бобур шърий мажмуаларида бу рубойининг адабиётшунослар қиёсан аниқлик киритиши лозим бўлган:

“Ёд этмас эмиш кишини гурбатта киши,

Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатта киши.

Кўнгулум бу ғариблиқта шод ўлмади, ох,

Гурбатта севунмас эмиш, албатта, киши” нусхаси ҳам кенг оммалашган.

² Бу ҳақда қаранг: Ўктам Султонов. “Хатти Бобурий”. “Мозийдан садо” журнали, 2003. 3-4-сон. 90-92-бетлар.

³ Абдулла Қодирий. Дийри бакр. –Т.: “Янги аср авлоди” нашриёти. 2007. 230-бет.

барча даврнинг ёш ижодкорлари учун муаззам дорилфунун сабоклари ўрнини босади.

Замон ўлчови.Тарихий-биографик асарларда замон ва макон чегаралари танланган тарихий шахснинг ҳаётига кўпинча мос келади. Бу табиий ҳол. Аммо адабиёт оламидаги тарихий асарлар турли асослар устига қурилади. Инсон ақли билан чегараланган замон – эралар, асрлар, йиллар, фасллар, ойлар, ҳафталар, кунлар, соатлар... каби кўламли астрономик тизимни ташкил этади. Ижод аҳли юз берган воқелик тасвирида – вақт ифодасида астрономик тизим унсурларидан турлича фойдаланади. Тўғриси, бадиий асарда замон – вақт физикавий мазмундан адабий-фалсафий моҳиятига кўчади. Замон тушунчасининг аниқ бўлагини кун ва тун – йигирма тўрт соат ташкил этади. Бу ҳисоб учун қуёш ҳаракати, аниқроғи, Ернинг ўз ўқи теграсида айланиши асос саналади. Ижодкор замон тасвирида қуёшнинг чиқиши, ботиши ёки соат миллирининг чопишига эътибор беради. Абдулла Қодирий романларида кунлик вақтнинг “қуёш ботган”, “саҳар пайти” ёки “бу кун соат ўн иккида...”, “ҳозир соат кечки еттилар бўлиб қолган...”, “кечки соат тўртларда...” тарзидаги ифодаси онда-сонда кузатилади. Гоҳо шу тарздаги ифода давомидан махсус изоҳ қўшилади: “... қуёш ботқан, теваракдан шом азони эшитиладир”, “саҳар вақти туриб чой ичдилар. Субҳ намозини ўқуб, арава қўшилди”, “Кечки соат тўртлар, асрдан бир оз эртароқ ҳукумат аскари билан халқ орасида уруш бошланди...”. Вақтнинг ифодаси учун “шом азони” (шом вақти), “субҳ намози” (бомдод вақти), “асрдан бир оз эртароқ” (аср вақти) тарзидаги изоҳ, яъни кунда фарз ўлароқ беш маҳал адо қилинадиган намоз вақти Абдулла Қодирий романларида индивидуал маъно ва поэтик-категориал моҳият касб этади; адиб кунлик вақт қисмлари учун намоз атамаларини танлайди.

Абдулла Қодирий каламига бундай тасвир йўсини ўз ажодларининг адабий тафаккурдан ўтгани, айни дамда, “Бобурнома” булоғидан сув ичгани табиий кўринади. Чунки “Бобурнома”да ҳодиса бўлган йил, ой, ҳафта, кун ва ҳатто кўпинча ўша куннинг аниқ маҳалигача тиник битилади. Масалан Бобур: “Ахсидин намози жумъа вақтида чиқиб, Банди Солор йўли била намози шом била намози хуфтан орасида Андижонга келдим” (32-бет) деб замонни намоз вақтига боғлаб ёзади. “Бобурнома”нинг ҳар бир саҳифасида, юзлаб ўринларда “намози бомдодни ўтаб”, “намози пешиндин сўнг”, “намози дигаргача”, “намози дигарга ёвук”, “намози дигарда”, “намози дигар била намози шом орасида”, “намози шомғача”, “намози шомға яқин”, “намози шомда”, “намози шом била намози хуфтан орасида”, “намози хуфтанғача”, “намози хуфтанда”, “намози хуфтандин кечроқ” каби таъбирлар учрайди. Баъзан Бобур фалон куни “сабоҳи”, “офтоб бир найза бўйи чиқиб”, “офтоб чикқанда”, “офтоб ўлтурур маҳал” деганича қуёшнинг ҳаракати ва бошқа вақтларга ҳам диққат қаратади. “Бобурнома”да улкан вақт бутунлиги, унинг қисмлари ҳамда кунлик вақт ўлчами муайян тизимга солинган, албатта.

Қиёсланаётган асарлардаги бундай ўринларга ҳар икки адиб шуурдаги табиий сезим ва туйғулар ифодаси, имон-эътиқодли қалам эгаларининг баён усули сифатида қараш ўринлидир. Қолаверса, замонга мос ўлчамлар измида қаҳрамонларнинг ҳаракат қилиши ҳамда уларнинг тафаккур ва тасаввурига уйғун ифодаланиши ҳам ҳар қандай асарнинг кадр-қийматини оширади.

«**Китоб – бадний восита.** Яхши китоб – инсон умрининг зийнати. Бобур ва Абдулла Қодирийдек алломалар ёзган китоблар эса инсониятнинг маънавий мулки. Одамларнинг маданий-илмий, маънавий-маърифий даражасини улар ўқиган китоблар белгилайди. Тақдир Алишер Навоийни 6-7 ёшида “Зафарнома” муаллифи Али Яздийга рўбарў қилади. Мўйсафид тарихчи билан бола Алишер ўртасида савол-жавоб бўлиб ўтади. Шунда мўйсафид аллома боладан ўқиган китобларини сўрайди. Навоий “Мулк”кача таълим олганини айтади. Ёшлигида “Манتيкут тайр”ни ёд билгани барчага маълум. Табиийки, тарихий китоблардаги бундай маълумотлар тарихий шахслар маънавий дунёсини кўрсатади; улар киёфасига маҳобат бағишлайди. “Бобурнома”да ўз даврининг машхур ақоибларига баҳо берилар экан, улар ёзган ёки ўқиган китобларни эсга олади. Алишер Навоий ажратилган бетларда аллома шоир “Хамса”, “Лисон ут-тайр”, “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадоеъ ул-васаъ”, “Фавойид ул-кибар”, “Мезон ул-авзон” каби барча асарларини санаб ўтилади. Бобур “Бобурнома”да Алишер Навойдан бошқа бирор шахс таърифида бундай “кўб ва хўб” – кенг кўламли тўхталган эмас.

Отаси Умаршайх Мирзони таърифлар экан ёзади: “Равон саводи бор эди. “Хамсатайн” ва маснавий китобларини ва тарихларни ўқур эди. Аксар “Шоҳнома” ўқур эди. Таъби назми бор эди, вале шеърға парво қилмас эди” (10-бет). Замондошларидан баъзиларига “Ҳамиша Мусхаф китобат қилур эди” деб ҳам таъриф беради. Умуман олганда зарурат юзасидан қайси бир машхур уламо ёки тарихий жой таърифи жараёнида “Саҳиҳи Бухорий”, “Ҳидоя”, “Темурнома”, “Фатҳнома”, “Зафарнома”, “Искандарнома”, “Шоҳнома” каби мўътабар китоблар эсга олинади. Бунинг натижасида ўша инсон ёки маконнинг таъриф-тавсифи теранлашиб, уларга тегишли тасаввур ойдинлашади. Мемуар асарда тарихий маълумот сифатида бундай унсурларнинг мавжуд бўлиши табиий. Бирок дунё адабиётидаги бадний асарлар таркибида эсланадиган машхур китоблар муайян бадний функцияни бажаради. Отабекнинг “Бобурнома” ўқиши бежиз эмас. Абдулла Қодирийнинг бошқа қаҳрамонларини ҳам маълум ва машхур китоблардан насибадор қилади. Дейлик, Юсуфбек хожига Куръони қарим ва “Далойил- ул хайрот”ни, ошиқларга Фузулийнинг “Девон”ини ўқитади. Раъноси эса Навоий, Фузулий, ўзларига замондош шоирлардан Амирий билан Фазлий Намонгонини ўқиган. Қодирийнинг иккинчи романи “Чаённинг намойиши” фаслида масжиддаги хужралардан бири тасвири келади. Хужра тоқчасига араб тили грамматикаси “Кофия”ни шарҳлаган Абдурахмон Жомийнинг “Шарх мулла Жомий” асари, хошиясида диний ҳукмлар изоҳланган “Ақоиди маъалҳавоший”, мантикка доир “Ҳикматул айн”, Марғинонийнинг “Алвиқоя”, Расулulloҳ (с.а.в.) ҳаётини ёритган “Сияри шариф” каби мўътабар китоблар тахлаб қўйилади. Калоншоҳ мирзо, Шаҳодат муфти, Абдурахмон домла шу китобларни ўқиганми – ўқиган эмасми? Адиб уларнинг қўлларига бу китобларни тутказмайди. Такрор айтаман – тоқчага тахлаб қўяди. Ўқилмаган китоб очилмаган тилсим. Ўқиганлар билан ўқимаганлар ҳеч қачон бир-бирлари билан тенг келмайди. Ўқиганлар олим, уламо бўлади, ўқимаганлар кўнглига шайтон оралайди, ғийбату ғурбатлар билан машгул бўлишади.

Сарлавҳа. Адиб романи учун ном танлаши хусусида ҳам бир фикр бор. Мутахассислар орасида “Ўткан кунлар”ни Абдулла Қодирий татар

адиби Олимжон Иброҳимовнинг “Бизнинг кунлар” романи номига уйкаш қўйган, деган гап бор. Ҳолбуки, матнда аниқ битилган бир жуфт сўз, “Бобурнома” мутолааси туфайли адиб шуурига муҳрланиб қолмаганмикин, деган фикр келади. Сарсон-саргардон кезган 1502–1503 йиллар воқеалари охирида Бобур шундай ёзади: “Ўшал замон отланиб, Андижон тарафига юруй бердук. Икки кун бўлуб эрдиким, ҳеч таом емайдур эдим. Намози пешин бўлуб эдиким, бир қўйни топиб келиб, бир ерда тушуб, ўлтуруб, кабоб қилдилар. Ўшал кабобдин тўйгунча едим. Андин сўнгра отланиб беш кунлук йўлни икки кеча ва кундуз илғор қилиб келиб, Андижонга кириб, улуғ хон додам ва кичик хон додамни қўрунуш қилдим ва ўткан кунларни тамом баён қилдим” (108-бет). Роман мавзуини “яқин ўткан кунлар”дан танлаган Абдулла Қодирий ҳам Туркистон ўтмишини, қутидор эшигидан қувилган Отабекни ҳаёлан ўткан кунларига қайтаради; сўнгра адиб ўз қаҳрамонига унинг “ўткан кунларини заҳар билан булғаб келган” мудҳиш душманларини танитади ва манзарани тиниклаштириб воқеликни имкони борича батамом ростлик рутбасида баён қилади.

Туғанчи: Ҳар икки адиб асарларида бундан бошқа ҳам қиёслашга муносиб ўринлар кўпчиликни ташкил этади. Дейлик “Бобурнома” матнида баъзан бирор воқелик ёнида оят ва ҳадислардан парчалар келади. Абдулла Қодирий мумтоз эпик анъанага мос равишда ўз асарларининг айрим саҳифаларида замона ҳазми қўтаргунча “Ҳар бир нарса ўз аслига қайтади”, “Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир”, “Агар бир қавмнинг иши ноаҳил одамга топширилган бўлса, бас, ўшал қавмнинг қиёматини яқин бил”, “Ҳар ишнинг ўртакчаси яхши”, “Қаноатли азиз, таъмали киши хордир” каби айрим оят ва ҳадисларни қўллайди.

Хуллас, Абдулла Қодирий руҳияти, адабий-эстетик концепцияси, одам ва олам хусусидаги қарашлари Заҳириддин Муҳаммад Бобур руҳига яқин туради. Ҳар икки адиб фитратидаги мардлик, жасорат, тўғрилиқ, ҳақгўйлик, маҳорат, истеъдод каби фазилатлар ўзаро уйғун келади. Тарихнинг жуда олис қаъри ва яқин ўтмишдаги дили, маслағи, тили, юраги бир бўлган адабий сиймолар маънавий майдонидан ёнма-ён туришади. Дунё ва борликка доир қарашлари яқин ижодкорлар орадаги масофа қанчалик узоқ бўлмасин, сўз санъатининг поэтик хусусияти ва метафорик табиатига кўра улар адабиёт тилида бемалол гурунглаша олади. Зеро, уларнинг мозийдаги ғойибона ўзаро адабий суҳбатлари, маънавий робита ва руҳий боғичлари жуда табиий туюлади.

*Баҳодир КАРИМОВ,
филология фанлари доктори,
профессор*



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВА ТЕАТР САНЪАТИ

Улуғ адиб Абдулла Қодирий миллатнинг зиёлиси ўлароқ, ўз даврида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ривожда фаол иштирок этгани маълум. Ёзувчи ижодий меросининг бир қисмини ижтимоий-сиёсий, маданий жабҳаларга муносабати акс этган публицистик асарлари ташкил этади. Қодирийнинг кичик асарлари орасида санойи нафиса, хусусан, театр санъатига оид қарашлари алоҳида ўрин тутди.

Номма-ном санаганда, театр масаласи кўтарилган мақолалари кўп эмас, лекин уларнинг мазмуни, мулоҳазаларининг долзарблиги бугун ҳам аҳамиятлидир. Адибнинг *“Иштирокиюн”* газетасида эълон қилинган *“Эски шаҳар театру ҳаваскорларига”* (1919), *“Бизда театру ишининг бориши”* (1919) мақолалари, *“Бозор суриштирмайдир”* (1920) фельетони ва бошқа ҳажвиялари бизни унинг театр борасидаги зақоси билан юзлаштиради.

Маълумки, XX аср туркий миллатларнинг уйғониш даври бўлди. Жаҳолатга қарши маърифат билан курашишни ижтимоий-сиёсий, маиший турмушнинг ўзи тақозо этди. Бу гоё барча зиёлиларни бирлаштириб, жадидчилик ҳаракатининг юзага келишига олиб келди. Батафсилроқ ифода этганда, мустақиллик ҳаракати раҳнамоларидан бири Мунаввар қори ўз хотираларида баён этганидек, *“бу даврнинг ўзи миллатчилик майларининг кучайишига туртки бўлди. Миллатчиликнинг ўсишини ҳамма жабҳаларда – оммада ҳам, матбуотда ҳам, адабиётда ҳам, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида кузатишди. Бу ҳолатдан миллийликни ривожлантириш ва мустақамлаш учун фойдаланиш”* зарурати юзага келади.

Бу ҳаракатларни амалга оширишда маориф, матбуот, адабиёт ва театр соҳалари асосий минбарга айлангани табиий. Даврнинг сиёсий-иқтисодий аҳволи ва халқнинг онг даражаси билан боғлиқ мушкулотларга қарамай, дунёвий билимларга ихтисослашган миллий мактаблар, газета ва журналлар, театр труппалари жадал шаклланиб борди. Театрчилик ҳаракатларига ҳам миллат келажаги учун қайғурувчи бир қатор маърифатпарварлар йўлбошчи бўлади. Ҳаракатнинг бошланиши кўплаб ҳаваскор кучларни ўзида бирлаштирди. *“Шу боис жадидчилик ҳаракатининг аксарият йирик намояндалари драматургияга, театр ишларига алоҳида аҳамият бердилар... Драматургия ва театр маърифат, миллат тараққиёти, озодлиги, маданияти, мустақиллиги гоёларини ташувчи энг асосий маънавий қуроллардан бири бўлиб қолди”*¹.

“Турон” театр-студиясининг ташкил топиши Европа типидоги профессионал театрнинг тамал тоши қўйилиб, маҳаллий ҳаваскорлар томонидан турли пьесалар ёзила бошлайди. Бехбудий бошлаган ёзма драматургия тажрибаси кўпгина янгича фикрли ёшларни руҳлантиради. Қодирий айт-

¹ Ш.Ризаев. Жадид драмаси. Т.: Шарқ, 1997 й. 8-б.

ганидек, “Падаркуш” рисоласи Туркистоннинг умуман деярли катта кичик шаҳарларида мавқъ томошага қўйилиб, ёшлар учун бир даража театру мақсади онглашилди”¹ йўл очди.

Нусратилла Қудратилла, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ҳожи Муин, Ғулум Зафарий, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Шамсиддин Хуршид каби ўнлаб маърифатчилар миллий драматургиянинг дастлабки намоёндалари бўлиб майдонга чиқадди.

Шеърлар, хикоялар билан ижодини бошлаган Абдулла Қодирий ҳам ўн тўққиз ёшида “Бахтсиз куёв” (1915) номли театр рисоласини ёзади. Адиб бу сахна асарига қўл уришини кейинчалик қуйидагича шарҳлайди: “1913 йилда чиққан “Падаркуш” (1911 йилда ёзилган) таъсирида “Бахтсиз куёв” деган театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим” (1926 йил 15-17 июнда бўлиб ўтган судда сўзлаган нутқидан).¹

Бу даврда ёзилган драматик асарларда илмсизлик, халқнинг саводсизлиги асосий мавзу сифатида кўтарилди, илму маърифат ғояси олға сурилди. Қодирийнинг “Бахтсиз куёв” пьесасида ҳам жамиятдаги хурофот ва илмсизликнинг оқибати акс этади. Катта тўй бериб, сўнг хисобсиз қарзга ботиб, охир-оқибатда ўз жонига қасд қилган камбағал йигитнинг ҳаётидан олинган мазкур пьеса 1915 йилда “Садои Туркистон” газетасида чоп этилади ва “Турон” театр-студиясида сахналаштирилади.

А.Қодирий ижодининг кейинги давларида бошқа сахна асари ёзмаган, аммо бу у театр санъатининг моҳиятини англамагани ёки бу унга нисбатан кизикиши бардавом бўлмаганини билдирмайди. Бизнингча, адиб адабий тажрибаларининг натижасида ўз салоҳиятини назм ва драматургияга нисбатан фикрни ифодалаш имконияти кенгрок бўлган наср ва публицистикага йўналтиради.

Туркистонда театрчилик ҳаракатининг жадаллашуви (Самарқанд, Тошкент, Қўқонда театр труппаларининг ташкил топиши) табиий равишда зиёлилар орасида унга бўлган муносабатни ҳам шакллантиради. Қўйилган томошалар хусусида матбуотда ахборот ва танқидий муносабатлар эълон қилина боради. Бундай мақолаларда асосан дастлабки таассуротлар ифодаланиб, бу кейинчалик мустақил йўналиш сифатида шаклланган театр танқидчилигининг бошланиши эди. Матбуотда зиёлилардан асосан, Мунаввар қори, Бехбудий, Мирмулла, Ғози Юнус, Чўлпон, Фитратлар кўрилган томошалар юзасидан чиқишлар қилиб, театр санъатининг хос табиати ҳақида оммага тушунча беришга интиладилар.

Қодирий кейинги фаолиятида театр билан махсус шуғулланмаган бўлса ҳам, санъат нафисининг барча турларини нозик тушунувчи шахс сифатида миллий адабиёт, кино, мусика ва театр масаласини эътибордан четда қолдирмайди.

Қодирий ёзганларида ўлкада миллий театрчилик ҳаракатларининг юзага келишида аввало татар театр труппаларининг ижодий сафарлари таъсири борлигини айтиб ўтади. Шунингдек, театр деган санъат нафисининг Туркистон жадидчилик ҳаракати таркибида 1912 йилдан бошланди, деб маълумот беради. Тарихий шарт-шароит тақозоси билан европача шаклдаги театр юзага келиши ўтган асрнинг 10-йилларидан сўнг жадал тус ола бошлайди. Адиб кўрсатган йил, театр тарихига оид бошқа манбалар-

¹ А.Қодирий. Танланган асарлар. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. 2018 й. 798-б.

да ҳам профессионал миллий театрнинг туғилиш вақти деб қаралса-да, бу унга қадар изланишлар, кураш ва ташаббуслар бўлмаган, деган маънони аңлатмайди. Адабиётшунос олим Ш.Ризаев ўз тадқиқотида изоҳлаб ўтганидек, бу сана дастлабки профессионал театр томошаларининг ёзилиш эмас, оммалашган вақтини билдиради.

Адибнинг юқорида номлари келтирилган мақолаларида ўша даврдаги театр томошалари аҳволати баёнида сўз юритилган бўлиб, фикрлар моҳияти театр санъатининг тарихий-умумназарий мезонлар билан ҳамоҳанг келади. Мақолаларда акс этган фикрларни мазмунан қуйидаги йўналишларда таснифлаш мумкин:

- Театр санъатининг моҳияти, гоё ва бадийят масаласи;
- Драматургия ва жанрлар;
- Замондош драматурглар ижодига муносабати;
- Театр танқидчилиги ва танқид мезонларига оид қарашлари;
- Театр соҳасининг ижодий-ташкилий муаммолари;
- Аниқ тизимни шакллантириш мезонлари ва бошқа масалалар.

Қодирий халқ турмушида қадимдан мавжуд қизиқчилик, масҳарабозлик аънаваний томошалар росмана театр билан мавқе алмашинишини аввало, ижтимоий зарурат сифатида қарайди. Хусусан, “Бизда театру ишининг бориши” мақоласида *“Ёшларимизнинг тарбия ери мактаб бўлса, катталаримизники театрулардир”* дейди. Театрнинг зиммасида халқни тарбиялаш(!)дек улкан миссия борлигини теран аңлайди. Қолаверса, ҳар бир миллатнинг ўз театри бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ўз даври театр санъати ҳали ёш, ярим маданий жамият ҳаётига энди кириб келган чоғларидаёқ, унинг асл вазифаларини белгилашга устивор масала сифатида қарайди. Шу маънода театр тараккий этиши, халқ онига таъсир кўрсата оладиган кучга айланиши учун, аввало, миллийлик ва бадийят сифатлари зарурлигини ҳис этади. Шунинг учун ўз даврида сахналаштирилган томошалардан энг биринчи навбатда миллий руҳ ахтаради ва театр аҳли ишини ҳам шу нуқтаи назардан танқид қилади. Дарҳақиқат, театр труппаларининг дастлабки томошалари татар ва озарбайжон труппаларининг гастроль спектаклларига тақлидан ўз турмушимиздан йироқ мавзуларда бўлган. Қодирий *“театр турмушимизда етишмайдиган ва ортиқча жиҳатларни акс эттирадиган бир оинадур. Иш шундаг экан, биз ҳам ўз театруларимизни кўрганимизда турмушимизнинг аксини кўрмагимиз керакдир”* деганида театр замон ва халқ билан ҳамнафас яшаши кераклигини назарда тутган.

Дастлабки театр труппалари хаваскорлардан ташкил топгани боис, биринчи қадамлар тақлиддан бошланиши табиий ҳол, албатта. Аммо бу ҳол адиб сингари маънавийат кишилари ташвишга солади. Театр миллий руҳда, “адабий мактаб” бўлиб халқ онига таъсир кўрсатишидан умид қилади. Шу боис, Қодирий ўз даври театри аҳволатига танқид назари билан қараб, томошалардаги шаклсизлик, бачканаликларни очиқ муҳокама қилади: *“Театру бизим Тошканд мусулмон ёшлари орасинда жуда ҳам енгил бир иш оңлашилганликдан фавқуллодда бир бузуқликда давом этмакда бўлиб, улуглар мактаби бўлган театру сахналари аллақандай сафсата ва ноаҳил кишилар қўлинда бир ўйинчиқ бўлиб келмоқдалар”*¹.

¹ А.Қодирий. Танланган асарлар. Т.: “Шарқ”. 2018 й. 536-б.

Дастлабки спектаклларнинг барида бу нуқсонларнинг такрорланиши, омма томонидан ҳам бу санъат шунчаки эрмак, бекорчи бир иш каби қабул қилинишининг бирламчи сабаби – албатта, тажрибасизлик эди. Табиийки, бу даврда мутахассис кадрлар тақчиллиги катта бўлган. Қодирий кузатувларида бу омилни эътибордан қочирмаган ҳолда, муаммони барта-раф этиш чораларини излайди ва “бунинг каби эътиборсизликларни ора-дан кўтарув учун бирдан бир чора бўлса, у ҳам танқид йўлидир”, деган хулосани ўртага ташлайди. Ҳаққоний танқид “асарни адабиёт ўлчовига солиб, операция қилиб чиқиш”, бадиий савия ва дидни шакллантириш демакдир.

Драматургия алоҳида, айни пайтда мураккаб адабий тур бўлиб, у билан қўлида қалами бор ҳар қандай киши ҳам шуғуллана олмайди. Адиб муаммонинг айни шу жиҳатларидан ҳам ечим ахтаради. Театр учун асарлар ахлсизлар (соҳага бегона кишилар) томонидан эмас, ўз эгалари, яъни, драматурглар шуғулланиши лозимлигини таъкидлайди.

Аммо профессионал драматургия ҳали тетапоя кадамларини қўйиб, майдонга чиқиб келаётгани боис, театр рисоалари ёзадиган ижодкорлар аниқ малакага эга эмасдилар. Шу боис, бирининг ёзганида халқ турмушидан яхши мавзу топилса, бадиий талқини, бошқасиникида талқини топилса, мавзу бегоналашуви каби камчиликлар кузатилган. Буларнинг ҳаммасини, аввало, адабиёт тарозисида ўлчаб баҳолаш Қодирийга хос хусусият эди. У бошқалардан ҳам шу нуқтаи назарни кутади. Драматургия ва жанрлар “адабиёт тарозуси”га солиниши унинг бадиий-ғоявий қийматини ўлчаш, муаллифларга ўз ёзганларининг камчиликларини кўриш имконини беради.

Маълумки, комедия, кулги жанри адиб ижодига яқин. Қодирийнинг бу жанрдаги маҳорати, чуқур билими “Муштум” журналида босилган кўплаб сатирик асарларидан маълум. Айниқса, “Қалвак Махзумнинг хотира дафтари”, “Тошпўлат тажанг нима дейди” каби асарларида унинг комик характер яратиш маҳорати ёрқин намоён бўлган. Адибнинг жанрлар масаласида талабчанлиги ва айнан комедия деб аталувчи унча-мунча томошалардан қўнгли тўлмаслигининг боиси шунда.

Комедия сиртдан қаралганда, ниҳоятда енгил жанрга ўхшаб туюлади, айни вақтда энг қийини ҳам шу. Драмада ҳақиқий кулгини шакл ва мазмун бирлигида ёзиш муаллифдан катта маҳорат талаб этади. Қодирий айтмоқчи “Комедия, дегич нима тўғри келса шундан қула бермак эмас, балки ўзининг туб шартига мувофиқ этиб кулмак, драма ёзганда мавзунини турмушимизнинг нақ бир қирқ жойидан олмоқ ва шунинг ила баробар адабиёт тарозусига солиб ёзмоқ лозим”.

Жаҳон театри амалиётида комедиянинг асосий икки тури – ҳолатлар комедияси ва характерлар комедияси кенг оммалашган. Қодирий яшаган даврда опера, драма, комедия номи остида ёзилган хаваскорона пьесаларда жанр мезонларига тўла мувофиқлик бўлмагани учун эътирозли фикрлар билдиради. Унинг комедия жанри ва унда характер яратишга оид қарашлари ҳамма замонда ҳам эътиборга моликдир. Қодирий кулгини қуйидаги уч турга бўлади: мутойиба, ҳажв (юмор) ва сатира. “Шу уч тур-лук кулгунини ифода қилишда ёрдамчи хизматини ўтагучи унсурлар эрса: ҳазил, киноя, муболага, тасфир, ташбия, тамсил, халқ мақоллари таъ-

бирлари ва шунга ўхшаш гаплар”¹ дея шарҳ берса, “Ёзишгучиларимизга” номли маколasiда эса кулгининг бош омили “адабиётда бир неча хил кулги йўллари бўлса ҳам, лекин энг мўътабарии характер кулгисидир” деб инсон сажиясидан туғиладиган кулгини баридан афзал қўяди. Комедияда характер топилса, кулгили ҳолатлар табиий равишда юзага келади. Адибнинг сажия хусусида айтган сўзлари Арастунинг “комедия инсон феъл-атворидаги ярамас иллатлар устидан кулувчи лирик унсур”дир, деган карашлари билан ҳамоҳанг келади.

Кодирий “Бозор суруштирамайди” (1920 й.) номли фелъетонида театрчилик ишларининг танг аҳволи ҳақида сўз боради. Сахнага чикиб ўз билганларича томоша қўйишга куч сарфлаётган ҳаваскорларнинг меҳнатини эъзозлаб, уларнинг харакатини аниқ бир мақсад-мезонга йўналтирувчи масъул шахс ва ташкилотнинг йўқлигидан арз этилади. Дарҳақиқат, театрларда савия масаласини ортга сурган яна бир жиҳат – труппалар шаклланиши билан аниқ бир ижодий тизимнинг йўқлиги эди.

Кодирий биринчилардан бўлиб масаланинг шу жиҳатларини қаламга олади. “Иштирокиюн” газетасининг 1919 йил 24 октябрь сонида босилган “Эски шаҳар театру ҳаваскорларига” номли маколasiда “улуғлар мактаби бўлган театру сахналари алақандай сафсата ва ноаҳил кишилар қўлинда ўйинчоқ бўлаётгани”ни, сахналаштиришдан аввал асар тегишли жойларида ўқиб, тасдиқланиши, сахналаштириш жараёнида ҳаваскорлар “Артистлар союзи”дан тажрибали мутахассис жалб этиб, маслаҳат олиши кераклиги айтилади. Табиийки, маълум бир тизимнинг шаклланиши театрлар фаолиятининг самарадорлигига таъсир этибгина қолмай, ижодкорларнинг кўпроқ изланиши, фикран ўсишига туртки беради.

Адибнинг маколаларини ўқиганда шуни пайкаш мумкинки, унинг карашлари қўйилган томошаларнинг ички жиҳатлари – актёрлар ижроси, деталару сахна безаклари ҳақида эмас, асосан, театр аталмиш маънавий дунёнинг умумий концептуал асосларини ифода этади.

Миллат маданиятининг йирик бир бўлаги шундай мушкilot ва муаммоли томонлари билан тадрижий равишда келажак сари илдамлаб борди. 1920–1930-йиллар оралиғида жаид театрларининг киёфаси шаклланиб, ҳаваскорлик труппаларидан бирин-кетин давлат мақомидаги театрлар юзага келди. Шунинг баробарида ёшлар орасидан ижодкорларнинг янги авлоди – драматург, актёр, режиссёрлар етишиб чиқиши ижодий муваффақиятларга йўл очди. Бу йилларда театр репертуарида мазмунан ўзгаришлар кузатила бошлади. Бунга бир жиҳатдан маҳаллий драматурглар анча тажрибага эга бўлгани, иккинчи тарафдан жаҳон драматургиясининг сара намуналарини сахналаштириб, халққа тақдим этиш анъанасининг бошлангани сабаб бўлади. Хусусан, дунё драматургиясининг гултожи бўлган Шекспир асарлари кириб келади. 1935 йилда улуғ шоир Чўлпон таржима қилган “Ҳамлет” трагедияси Ҳамза (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма) театрида сахналаштирилади.

Кодирий бу даврда икки юксак романи, теран публицистикаси билан миллий адабиётимизга янги иқлим олиб кирган ва шунинг билан мавжуд ҳукуматнинг бошига солган долғали кунларда ҳам эътиқодида, маслағида собит эди. У умрининг сўнгги йилларида таржима билан машғул бўлиб, қатор татар ва рус ёзувчиларининг асарларни она тилимизга ўгиради.

¹ Ўша манба. 791-бет.

1935 йилда рус ёзувчиси Николай Гоголнинг “Уйланиш” комедиясини таржима қилиб, театр учун яна бир хайрли ишга йўл очади. Унинг таржимаси ўша йилнинг ўзида Ҳамза театрида сахналаштирилади.

Адибнинг матбуотда эълон қилинган мақола ва фелъетонлари бугунги театр тадқиқотчилиги учун керакли манба бўлибгина қолмай, замонавий театрлар фаолиятига қиёс этганда, оғрикли масалаларга айни жавоб бўлади. Театрни юқори мақомда кўришни орзулаган адибнинг барча танкиду мулоҳазалари ўзини шу касб “аҳлиданман”, театр деган дунёга дахлим бор, деган ҳар қайси ижодкорни ўз касбига яна ҳам муҳаббатли, бурчли бўлишга ундайди. Атроф-оламга, ўтмишу келажакка теранроқ, масъулиятлироқ, баландроқ қараш даркорлигини бот-бот эслатиб туради.

Адибни ўз даврида безовта қилган муаммоларнинг аксарияти бугунги кун театрларида ҳам мавжуд. Умуман олганда, Абдулла Қодирий ва бошқа маърифат элчилари бу соҳага ўзини масъул санаб, қай бир маънода жавобгар ҳис этиб не бир сўз айтган бўлмасин, замирида улкан бир асос ётади. У ҳам бўлса, уйғок ва озод миллатнинг ҳаётида мукамал бир санъатни кўриш истагидир. Қодирийнинг ҳам бирдан-бир тилаги шундай эди: *“Мен ўз тириклигимиздан кўпийа бўлган шеърый асарларни кўпаювин тилайман. Тилаймангина эмас, ҳамон ҳарорат ила кутаман. Буни эса кўлидан ёзув келадурган ҳар бир кишидан эмас, ўзининг аҳлидан кутаман”*.

Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА





Карел ЧАПЕК

(1890–1938)

Ҳикоялар

Рус тилидан
Нурбек АБДУЛЛАЕВ
таржимаси

ОҚЛАНМАГАН БАШОРАТ ЁХУД КАРЕЛ ЧАПЕКНИНГ ЯШАЁТГАН БОҒИ

Ҳар бир миллатни дунёга танитувчи омиллар бор. Халқнинг тарихи, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, яъни маданияти ва ҳоказолар. Булар сирасида шубҳасиз, адабиёт ҳам нуфузли роль ўйнайди. Масалан, Шекспир Британиянинг, Пушкин Россиянинг, Навоий Ўзбекистоннинг ўзига хос тимсоли бўлганидек, Чехия ҳақида гап кетар экан, биринчилар қаторида Карел Чапекнинг номи тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки у ўтган асрнинг биринчи ярмида нафақат чех адабиётида, балки бутун жаҳон маданиятида ёрқин из қолдирган ижодкордир. Чапек замонасининг ўткир ижтимоий ва фалсафий муаммоларини кўтариб чиққан мутафаккир адиб сифатида ном қозонган. У Томас Манн, Герберт Уэллс, Ромэн Роллан, Максим Горький каби сўз санъати усталари билан бир қаторда туради. Ўзувчи бир қатор асарларида инсон ва техника муаммосини бош мавзу қилиб қўяди. Жаҳон аҳлини атом уруши хавфидан (ўтган асрнинг йигирманчи йилларидаёқ) биринчилардан бўлиб огоҳлантирган ҳам Чапек ҳисобланади. Шу ўринда у воқеа-ҳодисаларни реал тасвирлаш санъатини юксак маҳорат билан эгаллагани, айти пайтда ўткир ҳажве услубини пухта ўзлаштиргани ва бадиий башорат қобилиятига эга бўлганлигини қайд этиш даркор.

Таниқли инглиз адиби Бернард Шоу Чапек вафот этгандан сўнг айтган қуйидаги сўзлари диққатга сазовор: “Нега унинг ўрнига мен ўлмадим? Бу иқтидорли ёзувчи шу қадар қисқа умр кўрганлиги гоят афсусланарлидир!.. Ундан ажралганимизни нафақат яқин дўсти бўлган мен, ёки нафақат Чехословакия, балки у ўз китоблари ва пьесалари билан кўпдан-кўп қувонч келтирган бутун жаҳон ҳис этиб турибди...”

Карел Чапек 1890 йил 9 январда ўша пайтда Австрия-Венгрия тасарруфида бўлган Прага яқинидаги Мале-Святонёвице курорт шаҳарчасида шифокорлар оиласида туғилган. Унинг отаси Антонин курортларда ва атрофдаги конларда шифокорлик қиларди. Кейинроқ у оиласи билан Упице шаҳрига кўчиб ўтади. Чапеклар косиб, темирчи, ғишт терувчи ва бошқа хунармандлар яшайдиган кўчада истиқомат қиладилар. Вақти-вақти билан Карелнинг фермерлик билан шуғулланадиган бобосиникига бориб туришарди. Ана шу даврдаги болалик хотиралари ва таассуротлари кейинчалик ёзувчининг турли асарларида ўз аксини топганини кўриш мумкин.

У дастлаб Градец-Краловдаги гимназияда, сўнгра Брнода ўқиди. Прагада таҳсилни давом эттирди. 1915 йили Карл университетида “Эстетикадаги ҳолис услубни тасвирий санъатга нисбатан қўллаш” мавзусида диссертация ёқлаб, бакалавр даражасига эга бўлди. Фалсафа билан боғлиқ изланишларини Берлин ва Париж университетларида давом эттирди. 1917 йилдан бошлаб эса граф Лажанскийнинг уйида тарбиячилик қилади ҳамда Прагадаги газеталарнинг таҳририятларида ишлайди.

Гимназияда ўқиб юрган пайтлари Карел шеър ва ҳикоялар ёзиб, бадиий ижодга қизиқиши борлигини намоён этганди, кейинчалик эса бу қизиқиш унинг учун бир умрлик ишга айланди. 1916 йилда акаси Йозеф билан ҳамкорликда ёзган ҳикоялар тўплами – “Ёрқин теранликлар” дунё юзини кўрди (Дарвоқе, унинг акаси ҳам истеъдодли қаламкаш бўлиб, рассом, шоир, ҳикоянавис ва драматург сифатида танилганини айтиб ўтиш жоиз. Карел ўз ижодининг дастлабки босқичида Йозеф билан яқиндан самарали ижодий ҳамкорлик қилган). Орадан тўрт йил ўтгач, ака-укаларнинг “R.U.R.” пьесаси чоп этилади. Мазкур асарда машиналар исёни ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллифлар пьесада илк бор ўзлари ўйлаб топган “робот” сўзини ишлатадилар. Кейинчалик эса у жаҳондаги барча халқларнинг тил бойлигидан ўрин олдики, ҳар бир адиб ҳам шундай ютуқ билан фахрланиши мумкин.

“Робот” сўзи дунёга келишининг тарихи аслида қуйидагича. Карел юқорида номи тилга олинган пьесада ўзи ўйлаб топган одамсифат механизмларни тасвирлайди. Дастлаб уларни лотинчасига “лабор”, яъни “иш” сўзи билан ифодалайди. Бироқ бу ном муаллифга ёқмайди ва у акаси билан маслаҳатлашиб, мазкур механизмларни худди шундай маъно англатувчи словакча “робот” деган ном билан атайди. Бу эса гоёт муваффақиятли топилма бўлди. Дарвоқе, Йозеф нафақат ҳаммуаллиф, балки мазкур пьесани саҳналаштиришда безакчи рассом сифатида ҳам иштирок этган.

Карел Чапек қирқ саккиз йил яшади, холос. Оғир хасталикка чалингани туфайли шундай бўлди. Йигирма икки йиллик ҳаётини бадиий ижодга бағишлади, қирқ тўртта китоб ёзди. Улар билан танишар экансиз, асарларининг мавзулари, йўналишлари ҳам ранг-баранг эканлигига қўйил қоласиз. Ўзи тан олганидай, бунга узоқ муддат газеталар таҳририятларида ишлагани жиддий таъсир кўрсатган. 1917 йил кузидан у “Narodni listy” (“Миллий газета”)да журналист ва танқидчи сифатида фаолият кўрсатди. 1921 йилдан умрининг охирига қадар эса “Lidove p̄vinu” (“Халқ газетаси”)да маданий ва сиёсий муҳаррир бўлиб ишлади. Бу орада театр билан ҳам ҳамкорлик қилди. Газетадаги фаолияти давомида у сиёсий воқеалардан тортиб, жиноятлар-у фавқулодда ҳодисаларгача қаламга олади. Уларни лўнда, тезкор, айна пайтда қизиқарли қилиб ёритишга интилади. Бунинг учун эса универсаллик, бошқачасига айтганда, ҳамма нарсани билиш ва тушуниш, ҳаттоки ҳис қилиш талаб этилади. Бу фазилат унинг асарларида яққол кўзга ташланади. Айниқса, ҳикояларидан газета материалларига хос ана шундай хислатларнинг “ҳиди келиб туради”. Дарвоқе, ёзувчининг қатор романлари дастлаб газета саҳифалари орқали ўқувчиларга етиб борган.

Чапек тириклик чоғидаёқ нафақат Чехословакияда, балки бутун дунёда тан олинган машҳур адибга айланди. 1936 йилда у Нобель мукофотига тавсия этилди. 1925 йилда Чехословак пен-клубининг асосчиси ва 1933 йилгача унинг биринчи раиси бўлди. Айна пайтда у Миллатлар Лигасининг адабиёт ва санъат бўйича қўмитасининг аъзоси этиб ҳам сайланган. Номзоди Халқаро Пен-клуб президентлигига кўрсатилган, бироқ бетоблиги учун унинг ўзи бундан воз кечганди.

Карел Чапек ижодига бағишланган мақолаларни ўқир экансиз, ҳар сафар қизиқ бир қонуниятга дуч келасиз. Яъни муаллифлар ёзувчининг қайси бир

йўналишдаги ижодини таҳлил этишмасин, шу соҳадаги асарлари уни дунёга машҳур этганлигини қайд этадилар. Кенг ўқувчилар оммасига у энг аввало, кичик ҳажмдаги ҳажвий ва сатирик новеллалар ижодкори сифатида танилганини эътироф этиш лозим. Жаҳон адабиётида унга Чехов ва О.Генри билан биргаликда “Қисқа ҳикоя устаси” тоифасида дастлабки уч ўриннинг берилиши фикримизнинг далилидир.

Чапек ижодидаги муҳим йўналишлардан бири – ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашуви ва дунё бўйлаб одимлаётган фашизмнинг манфур қиёфасини фош этиш ҳисобланади. Адиб янги уруш хавфи вужудга келганлигини ҳис этди ва бу ҳақида башариятчи огоҳлантиришга интилди. “Гордубал” трилогияси (1933 йил) шулар жумласидандир. Унинг бу мавзудаги асарлари ичида “Самандарлар билан уруш” алоҳида ўрин тутуши шубҳасиз. Унда инсониятнинг одамларга хос фазилатлардан маҳрум бўла боришига қарши ўзига хос норозилик сатирик руҳ билан сўғорилгани янада катта фош этувчи кучга эга бўлишини таъминлаган.

Чапек асарларини ўқир экансиз, инсоннинг ички дунёси мураккаблиги, чин ва сохта ҳақиқат сингари фалсафий-руҳий ҳолатлар қаламга олинганлигига гувоҳ бўласиз. Бунга “Метеор”, “Оддий ҳаёт”, “Бастакор Фолтиннинг ҳаёти ва ижоди” романларини мисол келтириш мумкин. У болаларнинг ҳам сеvimли ёзувчисидир. Кичкинтойларга аталган шеър ва эртаклари ҳозир ҳам жаҳоннинг турли мамлакатларида машҳур.

Чапекнинг яна бир ўзига хос томони ҳаётда жуда кўп нарсага қизиққанлигидир. Жумладан, у гиламларни коллекция қилган. Ҳатто гиламшуносликда эксперт сифатида ном чиқарган. Булар унинг асарларида ҳам акс этган. “Ноёб гилам” ва “Шарқ” ҳикоялари фикримизнинг далилидир. Ёки кактусларни олайлик. Ёзувчи уларни жуда ёқтирарди, бир қатор ҳикоялари шу мавзуда эканлиги бежиз эмас. “Ўғирланган кактус”, “Кактус ишқибозлари ҳақида” ҳикоялари шулар жумласидандир.

Фақат шугина эмас. Карел Чапек боғбонлик илмининг ҳам билимдони бўлган. Унинг ўзи бу иш билан жиддий шуғулланган. Эрмак учун эмас, балки шу соҳанинг туб моҳиятини ўраниш мақсабиди. Унинг лойиҳаси асосида яратилган боғ ҳозир ҳам нафақат Чехияда, балки бошқа мамлакатларда ҳам машҳур. Адиб қаламига мансуб “Боғбон йили” китоби эса бутун дунёда ўзига хос агрономия дарслиги сифатида тан олинган. Қизиги, ўта жиддий мавзудаги асар шоирона ва ҳажвий руҳ билан сўғорилганлигидир. Бу эса ҳар қандай китобхоннинг эътиборини жалб этмай қўймайди.

Мен ҳам Чапек ижодининг муҳлиси сифатида унинг қатор асарларини ўқидим. Ҳикояларининг ўзидан қирққа яқинини ўзбек тилига таржима қилдим. Уларнинг бир қисми “Йўқолган хат” номли тўппламда чоп этилди. Ушбу китоб Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасига тақдим этилди. Чехиялик дипломатларда ажойиб бир анъана бор экан. Яъни дунё мамлакатларида ватандошлари бўлмиш муаллифларнинг асарлари нашр этилса, уни Прагадаги миллий кутубхонага етказишар экан. Бундан ибрат олиш мумкин.

Ўз вақтида Карел Чапек ижодига беписандлик билан қарашлар ҳам мавжуд бўлган. Бошқа бир чех ёзувчиси Юлиус Фучик шундай деган эди: “Чапек ўз истеъдодини адабиётдаги майда-чуйда нарсаларга сарфлаб, исроф қилди, улар тез орада унутилиб кетади”. Аммо ҳаётда бунинг тескариси бўлди, яъни Чапекнинг ижоди инсонларга хос барча ижобий хислатларни ўзида мужассам этгани ва улар ёрдамида муаллиф башариятга тааллуқли нуқсонларга қарши кураш олиб боргани учун ҳам яшаб қолди.

Таржимон

ШОИР

Эрталаб соат тўртларда Житная кўчасида автомашина ширакайф кампирни уриб юборди, хайдовчи тезликни ошириб, кўздан ғойиб бўлди. Навкирон полиция изкувари доктор Мейзлик олдида ушбу жиноятни очиш вазифаси турарди. Ёш полиция изкуварларининг ўз ишига нақадар жиддий ёндашиши эса ҳаммага маълум.

– Ҳм... – деди Мейзлик 141 рақамли полициячига. – Демак, сиз ўзингиздан уч юз метрча нарида автомобилни, ерда узала тушган танани кўрдингиз. Қани айтинг-чи, ишни нимадан бошладингиз?

– Дастлаб жабранувчининг олдида чопиб бордим, – сўз бошлади полициячи, – чунки унга биринчи ёрдам кўрсатиш лозим эди.

– Аввал машинанинг рақамини аниқлаш зарур эди, – тўнгиллади Мейзлик, – кейин кампир билан шуғуллансангиз ҳам бўлаверарди. Лекин мен ҳам, эҳтимол, шундай қилган бўлардим, – қўшиб қўйди у қалам билан бошини қашир экан. – Демак, машина рақамини пайкамадингиз. Бошқа белгиларини-чи?

– Менимча, – ишончсизлик билан деди 141-рақамли полициячи, – у тўқ рангда эди. Ё кўк ёки тўқ қизил. Машина ортидаги тутун чикувчи темир найчадан бурқсиб дуд чиқаётгани учун ҳеч нарсаги кўриб бўлмади.

– О, худойим! – ҳафсаласи пир бўлди Мейзликнинг. – Энди машинани қандай қилиб топаман? Ҳар бир хайдовчини тўхтатиб, “Кампирни сиз уриб юбордингизми?” деб сўраб чикаманми? Нима қилиш керак, айтинг-чи, кадрдоним?

Полициячи эхтиром ва лоқайдлик билан елкаларини қисди. – Ахборот беришга изн беринг, мен бир гувоҳни рўйхатга олганман. Аммо у ҳам ҳеч нарса билмайди, қўшни хонада кутиб турибди.

– Олиб қиринг, – хўмрайиб деди Мейзлик хом-хатала тузилган баённомадан бирон нимани илғаб олишга ҳаракат қиларкан, – исмингиз, турар-жойингиз? – қирган одамга одатдагидай мурожаат қилди у бошини ҳам кўтармай.

– Крамик Ян, механика факультети талабаси, – аниқ-равшан сўзлади гувоҳ.

– Сиз бугун эрталаб соат тўртларда номаълум машина Божена Махачковани уриб юборганига гувоҳ бўлдингизми?

– Ҳа. Мен бунда хайдовчи айбдор эканлигини айтиб қўйишим керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг, кўча бўм-бўш, у ҳеч бўлмаса чорраҳада тезликни пасайтирганда эди...

– Сиз ҳодиса содир бўлган жойдан қанча масофа узокликда эдингиз? – унинг сўзини бўлди Мейзлик.

– Ўн қадам нарида. Мен ўртоғимни қаҳвахонадан кузатаётган эдим, биз Житная кўчасини кесиб ўтаётганимизда...

– Ўртоғингиз ким ўзи? – унинг гапини бўлди Мейзлик. – У ҳақда бу ерда ҳеч нарса ёзилмаган.

– Шоир Ярослав Нерад, – фахр билан жавоб қилди гувоҳ. – Бирок сиз ундан ҳеч қандай маълумот ололмайсиз.

– Нега бундай дейсиз? – ковоғини солди Мейзлик, кичик бир хасга бўлса ҳам “ёпишиб олиш”ни кўзлаб.

– Чунки у шунака фазилатли инсон. Бахтсиз ходиса юз бергач, у ёш боладай йиглаб юборди ва уйига қараб чопди... Шундай қилиб, биз Житная кўчасидан кетиб бораётган эдик, тўсатдан орқа томондан ниҳоятда катта тезликда машина учиб келди...

– Машинанинг рақами?

– Кечирасиз, пайкамадим. Мен фақат тезлик хаддан ташқари юқори лигига эътибор қилдим ва ўзимча...

– Қайси турдаги машина эди? – унинг сўзини бўлди Мейзлик.

– Тўрт тактли ички ёнув двигатели, – билағонлик билан жавоб қилди талаба-механик. – Аммо қандай русумдалигини мен яхши ажрата олмайман.

– Кузови қанака рангда? Машинада ким бор эди? Усти очикми ёки лимзинми?

– Билмадим, – хижолатомуз жавоб қилди гувоҳ. – Ранги чамаси қора эди. Аммо, умуман олганда, мен пайкай олмадим, чунки ходиса юз берганда, мен ўртоғим томонга ўгирилиб: “Қара, қандай аблаҳлар-а, одамни уриб юборишди-ю, ҳатто тўхташмади ҳам”, деб гапираётган эдим.

– Ҳм... – норози оҳангда тўнғиллади Мейзлик. – Бу, албатта, табиий ҳолат. Бироқ мен сизни машина рақамини пайкаган бўлишингиз керак, деб ўйлаган эдим. Одамларнинг кузатувчан эмаслиги ғоят ажабланарли. Сиз хайдовчи айбдор эканлигини тушунибсиз, аблаҳ деган хулосага келибсиз, машина рақамига эса батамом эътибор қилмагансиз. Мулоҳаза юритишга ҳамма уста, сезгирлик билан атрофни кузатишга келганда эса... Ташаккур, жаноб Крамик, сизни ортик ушлаб турмайман.

Орадан бир соат ўтгач, 141-рақамли полициячи шоир Ярослав Нерад ижарада турадиган уй қўнғироғини босди. Овоз берган кимсадан шоирни сўради.

– Уйда, – жавоб қилди уй соҳибаси. – Ухлаяпти.

Уйкуси чала қолган шоир полициячини кўриб, кўзлари кинидан чиқиб кетаёзди. “Нима иш қилиб кўйдим экан-а?” – деган фикр ўтди хаёлидан. Ниҳоят, полициячи уни нима учун маҳкамага чакиришаётганини Нерадга тушунтиришга муваффақ бўлди.

– Албатта бориш керакми? – ишончсизлик билан сўради шоир. – Ахир мен барибир ҳеч нарсани эслай олмайман. Кечаси озрок...

– Ширакайф бўлгансиз, – унинг сўзини давом эттирди полициячи. – Мен шунака кўп шоирларни танийман. Кийиниб чиқингизни сўрайман. Кутиб тураман.

Йўл-йўлакай улар қаҳвахоналар, умуман, ҳаёт ҳақида, фалакиёт тим-соллари, бошқа кўплаб масалалар ҳақида гаплашиб кетдилар; фақат сиёсатга тил теккизишмади. Дўстона ва сабокли суҳбатга берилиб маҳкамага ҳам етиб келишди.

– Шоир Ярослав Нерад сизми? – савол берди Мейзлик. – Сиз номаълум автомобиль Божена Махачковани уриб кетганига шохид бўлдингизми?

– Ҳа, – хўрсинди шоир.

– У қандай машина эканини айта оласизми? Усти очикми, ёпикми, ранги, йўловчилар сони, рақами?

– Билмайман, – деди шоир. – Мен буларга эътибор қилмабман.

– Биронта икир-чикир ёки тафсилотни эслашга уриниб кўринг, – маълумот олишга ҳаракат қилди Мейзлик.

– Нима деяпсиз! – ажабланди Нерад. – Мен ҳеч қачон тафсилотларни пайкамайман.

– Марҳамат қилиб айтинг-чи, сиз ўзи бирор нарсани пайкадингизми? – истехзо билан сўради Мейзлик.

– Шундок, умумий кайфият холос, – мужмал жавоб қилди шоир. – Биласизми нима, ўша узун, кимсасиз, тонготар пайтидаги кўча... Ерда ётган аёл танаси... Тўхтаг! – ногоҳ хитоб қилди шоир. – Мен ахир, уйга борганимдан кейин бу ҳақда шеър ёзгандим.

У чўнтақларини кавлаб, ҳисоб-китоб чипталари, конвертлар, гижимланган қоғоз парчаларини ола бошлади.

– Бу эмас, йўқ, бу ҳам эмас... Ҳа-ха, мана шунга ўхшаяпти. – У конвертнинг орқа томонига ёзилган мисраларни ўқишга киришиб кетди.

– Қани, кўрсатинг-чи, – менсимай деди Мейзлик.

– Рости, бу жуда зўр шеър эмас, – камтарлик қилди шоир. – Аммо хоҳласангиз, ўқиб бераман.

У кўзларини юмиб, қироат билан ўқий кетди:

Тун пардасида саф тортганда уйлар,

Мандолинада тонг чалганда куйлар.

Қирмиз юзин очиб келар қизалоқ,

Олис Сингапурга кетгандай учиб,

Пойгачи автода руҳини қучиб...

Тўзонга қулаган узилган лола,

Орзу-умидлари сўнганди бешак.

Ирода, матонат, вайрон хотира,

Бахтсизлик бўлурми, бундан-да ўқсик!

О, оққушжон бўйни, қонталаш сийна!

Икки бесабр новда бепарвогина,

Ажал ногорасин саварди дардли –

Фожиада инсон йўқотди қадрин.

– Бори шу, – якунлади шоир.

– Кечирасиз, буларнинг маъноси нима? – сўради Мейзлик. – Гап нима ҳақда кетаяпти ўзи?

– Қанақасига нима ҳақда? Машина туфайли юз берган ҳодиса тўғрисида-да. Нахотки, тушунмаган бўлсангиз?

– Унчалик эмас, – танкидомуз сўз қотди Мейзлик. – Буларнинг ҳаммасидан мен англамокчи бўлганим: "Июль ойининг ўн тўртинчи кунида, эрталаб соат тўртда, Житная кўчасида куйидаги ракамли автомобиль маст ҳолатдаги олтмиш ёшли қашшоқ кампир Божена Махачковани уриб юборди. Жабрланувчи шаҳар шифохонасига жўнатилди, аҳволи оғир", каби маълумотлар йўқ. Мазкур фактлар ҳақида, пайқашимча, бир оғиз сўз йўқ. Ҳа-ха.

– Булар ҳаммаси юзаки фактлар, борлиқнинг хом-хатала тасвири, – деди шоир бурнини қашир экан. – Шеърят эса ички воқелиқдир. Шеърят – шоир онгида туғилган эркин, сюрреалистик тимсоллардир, тушундингизми? Бу, маъзини чақиб англанадиган манзаравий ва сасли кўринишлардир. Шундай йўл билан уни тушуниш мумкин, акс холда... – таъкид сўзини якунлади Нерад.

– Мархамат қилиб, айтинг-чи, – хитоб қилди Мейзлик. – Хўп майли, қани, асарингизни беринг-чи? Раҳмат. Демак, бу ерда нима дейилган? Ҳм... “Тун пардасида саф тортган уйлар...” Нега саф тортган? Тушунтиринг-чи?

– Житная кўчаси, – хотиржам гапирди шоир.

– Икки қатор уйлар. Тушундингизми?

– Нега энди Миллий проспект эмас? – ишонқирамай сўради Мейзлик.

– Чунки Миллий проспект бу кўча каби тўппа-тўғри эмас, – дадил жавоб берди шоир.

– Хўп, яна ўқиймиз: “Мандолинада тонг чалганда куйлар...” тушунарли. “Қирмиз юзин очиб келар қизалок...” Узр, қизалок қаердан келиб қолди?

– Тонгги шафак, – лўнда жавоб берди шоир.

– Ҳа, ундай бўлса, кечирим сўрайман. “Олис Сингапурга кетгандай учиб, пойгачи автода руҳини кучиб...”

– Чамаси, ўша автомобилни тасаввурим шундай қабул қилган, – тушунтирди шоир.

– У пойгачи автомобилмиди?

– Билмайман. У қутургандай тез учиб кетди деган маънода. Худди дунёнинг нариги четига шошаётгандай.

– Ҳа-ҳа, яхши. Масалан, Сингапурга-а? Лекин нега айнан Сингапурга, худо ҳақки?

Шоир елкаларини қисди.

– Билмайман, эҳтимол, у ерда малайялар яшаши учун бўлса керак. – Шоир тутилиб қолди.

– Балки, машина жигарранг бўлгандир, – ўйланиб гапирди у. – У ерда жигаррангга оид нимадир бор эди. Акс ҳолда Сингапур қаердан келиб қоларди?

– Майли, – деди Мейзлик. – Бошқа гувоҳлар машина кўк, тўқ қизил, қора рангда эди, деб айтишди. Кимга ишониб керак?

– Менга, – деди шоир. – Мен тасвирламоқчи бўлган ранг кўз учун ёқимли.

– “Тўзонга қулаган узилган лола”, – ўқишда давом этди Мейзлик. – “... узилган лола” – нима бу, маст кампиршоми?

– Мен бу ҳақда бундай ёза олмас эдим-да! – афсус билан деди шоир. – У аёл киши эди, бор-йўғи шу. Тушунарлими?

– Ҳа-а! Мана бу-чи: “О, оққушжон бўйни, қонталаш сийна! Икки бесабр новда бепарвогина, ажал ноғорасини саварди дардли...” Хом хаёлларми бу?

– Қани кўрсатинг-чи, – деди энгашиб шоир. – Ҳм-м... “О, оққушжон бўйни, қонталаш сийна! Икки бесабр новда... Ажал ноғораси...” нима экан буларнинг маъноси?

– Мен сиздан худди шуни сўраяпман, – киноя билан сўз қотди полиция изкувари.

– Тўхтанг, – мулоҳаза қиларди Нерад. – Нимадир бор, бу тимсолларни ёдимга солган... Айтинг-чи, икки рақами оққушнинг бўйнига ўхшамайдими? Мана, қаранг. Ва у қалам билан 2 рақамини ёзди.

– Ҳа, – энди қизиқиш билан хитоб қилди Мейзлик. – “Қонталаш сийна-чи?”

– Бу, ахир 3 рақами. У иккита чала айланадан таркиб топган. Шундай эмасми?

– Икки бесабр новда ва ажал ногораси қолди! – тўлқинланиб кетди полиция изкувари.

– Икки бесабр новда, ажал ногораси... – ўйларди Нерад. – Ажал ногораси ва чолғувчи новдалар... Балки, у бешдир-а? Қаранг. – У 5 рақамини ёзди. – Қуйи доира ногорага ўхшайди, устида икки новда, худди алифдай.

– Хўш, – деди Мейзлик варақда 235 рақамини ёзар экан. – Сиз автонинг рақами 235 эканига ишонасизми?

– Рақам? Мен ҳеч қандай рақамни пайқамадим, – қатъиян қарши чиқди Нерад. – Лекин нимадир борки, мен шундай деб ёзганман. Менимча, шеърнинг энг муваффақиятли жойи шу бўлса керак. Сиз нима деб ўйлайсиз?..

Икки кундан кейин Нераднинг уйига изкувар Мейзлик кириб келди. Бу сафар шоир уйкуда эмасди. Ҳузурида бир қиз борлигидан, у полиция амалдорини ўтказишга стул тополмай қолди.

– Мен бир лаҳзага кирдим холос, – деди Мейзлик. – ўша автомашинанинг рақами ҳақиқатан ҳам 235 бўлганлигини айтиб қўйиш учун кирдим.

– Қанақа автомашина? – ажабланди шоир.

– “О, оққушжон бўйни, қонталаш сийна! Икки бесабр новда, ажал ногорасин саварди дардли!” – тўхтамай хитоб қилди Мейзлик. – Сингапур ҳам тўғри ёзилган. Машина жигаранг тусда экан.

– Ха-ха! – эслади шоир. – Мана, кўрдингизми, ички вокелик нима дегани. Хоҳласангиз, икки-учта шеъримдан ўқиб бераман. Энди сиз уларни тушуна оласиз.

– Бошқа сафар! – шошилиб жавоб қилди полиция изкувари. – Яна шундай ҳодиса юз берганда, хўпми?

ИГНА

– Ҳеч қачон судга ишим тушмаган, – гап бошлади Костелецқай, – аммо сизга айтсам, ҳаммасидан ҳам менга улардаги синчковлик, арзимаган иш кўрилайётган бўлса-да, амал қиладиган ҳар хил расмиятчиликлар ва тартиблар ёқади. Бу одил судловга ишонч уйғотади. Фемиданинг қўлида тарози бор экан, у доришуносларникидай аниқ кўрсатадиган бўлиши лозим. Агар қилич урса, унга тигдай ўткирлик ато этсин...

Шу муносабат билан кўчамизда юз берган бир воқеа эсимга тушди.

Машкова деган аёл дўкондан бўлка нон сотиб олди ва энди бир бурдасини ея бошлаган эди, енгилгина санчикни хис этди. Бармоғини оғзига тиккан эди, у ердан... игна чиқди. Қоровул аёл хайратдан донг қотди, кейин эса “вой-дод” деб юборди: “Худойим-эй, ахир бу игнани ютиб юборишим мумкин эди-я, у эса ошқозонимни тешиб кўярди! Ҳаётим қил устида турган экан-а, мен буни шундай қолдирмайман! Қайси аблаҳ игна тикиб қўйганини текширтириб билишим керак!”

Шундай қилиб, у тишланган бўлканнинг ичидан чиққан топилмасини полицияга олиб борди.

Полициячилар дўкон эгасини сўроқ қилишди, унга бўлка етказиб берадиган новвой ҳам терговда бўлди, аммо табиийки, иккови ҳам игна мени-

ки, деб тан олишмади. Иш суд-тергов органларига оширилди, чунки сизга маълум бўлсинки, бу “енгил тан жароҳати етказиш” моддасига мос ткеларди. Суд терговчиси, у виждонан иш юритадиган ва бир нарсанинг тагига етмай қўймайдиган хизматчи эди, дўкончи ва новвойни яна бир бор сўроқ килди. Улар касам ичиб, ўзларида бўлкага игна тушиб қолиши мумкин эмаслигини айтдилар. Терговчи дўконга жўнади ва у ерда сотувда игна йўқлигини аниқлади. Сўнгра нонни қандай ёпишларини кўриш учун у новвойхонага борди ва хамир қандай тайёрланишини ҳамда пиширилишини, печь қандай қиздирилишини, бўлкага шакл берилишини, қолипга солиб, то пишгунига қадар томоша қилиб, туни билан ўтириб чиқди. Шундай услуб билан у мазкур жараёнда игналар қўлланилмаслигини аниқлади...

Нон пишириш қандай ажойиб иш эканлигини биласизми? Мен-ку болалигимда кўп кўрганман – чунки мархум бобомнинг новвойхонаси бўларди. Нон пиширишда икки-учта қарийб илоҳий саноат мавжуд. Биринчиси, хамирни оширгани қўйганда. Уни тоғорага солдилар, у ерда, қопқоқ остида яширин ўзгариш амалга ошади, ун ва сувдан кўпчиган хамир пайдо бўлади. Кейин хамирни куракча билан аралаштирадилар – бу жараён маросим рақсларига ўхшайди – кейин хамирни канопдан тўкилган мато билан ёпадилар ва кўпчигунча ўраб қўядилар. Хамир улўғворлик билан кўтарилади, шишади, матони кўтариб, ичига қарагани юрагинг бетламайди – бу иккинчи сирли ўзгариш... Бу ҳаммаси, мен сизга айтсам, худди ҳомиладорлик сингари гўзал ва ажабланарли, менга ҳаммиша хамирда аёлларга хос нимадир бордай туюлаверади. Учинчи саноат эса оч тусдаги ва юмшоқ хамир нонга айланадиган пишиш жараёнидир. Сиз печдан тўқ қизил, олтинранг нонни оласиз, унинг гўдақникидай ширин иси димоғингизга урилади. Бу шундай ажойибки, новвойхонадаги ана шундай ўзгаришлар пайтида, фикримча, ибодатхонадагидай, диний байрамдагидай, кўнғироклар жаранглаши керак.

Ха, нима ҳақда гапираётгандим? Дарвоқе, терговчи боши берк кўчага кириб қолди; ишни ёпишга йўл қўйиб бўлмайди. У игнани олди-да, кимё институтига жўнатди. У ерда аниқлашсин-чи, игна бўлкага пишгандан олдин тушганми ёки кейин? (У илмий экспертизага муккасидан кетганди).

Институтда ўша пайтда профессор Угер исмли соқолли олим бор эди. Игнани олгач, у сўқиниб қўйди – суддагилар унга ҳар нарсани жўнатавераркан-да; яқинда шундай айниган ички аъзоларни жўнатишибдики, хидига мурда ёрадиган жароҳ ҳам дош беролмади. Институт бу игнани нима қилади? Аммо профессор мушоҳада қилиб, унга биласизми, илмий нуктаи назардан қизиқиб қолди. Амалда эса, балки, деди у ўзига, хамирга солиб қўйса ёки бўлка билан пиширса, игнада қандайдир ўзгаришлар ҳосил бўлади, пиширганда ҳар хил физикавий-кимёвий жараёнлар юз беради, буларнинг бари игна юзасига таъсир қилиши – шаклини ўзгартириши ёки оксидланиши мумкин. Микроскоп билан тадқиқ этганда буни аниқлаш мумкин. Шундай қилиб, профессор ишга киришди.

Энг аввало, у бир неча юзта игна – янгиларидан тортиб, то озми-кўпми занглаганларича сотиб олди ва институтда бўлка пишира бошлади. Биринчи тажрибада у игналарни ачитиш жараёни уларга қандай таъсир этишини билиш учун хамиртурушга солиб қўйди. Иккинчисида

янги қорилган, учинчисида кўпчий бошлаган, тўртинчисида эса кўпчиган хамирга тикиб қўйди. Кейин у игналарни бўлкани печга қўйиш пайтида жойлаб қўйди. Сўнгра – пишириш пайтида ҳам. Кейин янги пишган бўлкаларга ва ниҳоят, совиғанларига ҳам. Шундан сўнг айнан мазкур тажрибаларнинг назорат туркумлари янгитдан ўтказилди. Умуман, икки ҳафта мобайнида институтда фақат игнали бўлка пишириш билан шуғулландилар. Профессор, доцент, тўрт аспирант ва бир ходим ҳар куни хамир қорар ва бўлкачалар пиширар, кейин эса игналарни микроскоп остида текширишарди. Бунга яна бир ҳафта вақт кетди, ниҳоят, пировардида машғум игна пишган бўлгага тикиб қўйилгани аниқланди, чунки у тайёр бўлкаларга тикилган тажриба игналарининг хоссаларига тўла мувофиқ тушди.

Экспертизанинг ана шу хулосаси асосида терговчи игна бўлгага дўконда ёки новвойхонадан дўконгача бўлган йўлда тушган, деган хулосага келди. Ана шунда новвой ё тавба, айнан ўша куни бўлка ташийдиган шогирдини ишдан хайдаб юборганини эслади!

Болани чақириб келишди ва у хўжайинига қасдма-қасд бўлгага игна тикиб қўйганини тан олди. Бола вояга етмаганлиги сабаб танбеҳ билан қутулди, новвойга эса эллик крон жарима солинди, чунки у ўз ходимлари учун жавоб бериши даркор. Мана сизга, одил судлов қандай пухта ва синчковлик билан ишлашига мисол.

Бироқ бу ишнинг яна бир томони бор. Билмайман, биз эркакларга бундай – иззат-нафс ва қайсарлик қаердан келади. Институтда кимёгарлар бўлкалар билан тажрибаларни бошлаганларида, улар нонни ҳақиқий новвойлардай пиширишлари кераклиги тўғрисидаги фикрни мияга қуйиб олгандилар. Дастлаб бўлкалар унча яхши чиқмади, хаамири яхши пишмаган, ортикча иштаха ҳам кўзғатмас эди. Лекин борган сари иш яхшиланиб бораверди. Ниҳоят, бу олимлар бўлкаларга кўкнор уруғи, туз ва зира сепадиган бўлишди, зувалани ҳам шундай ишлалардики, қараб хавасингиз келарди. Улар фахр билан институтларидаги каби бундай пиширилган ва иштахани очадиган бўрсилдоқ нонларни бутун Прагада топиб бўлмайди, деб гапирардилар.

– Сиз буни қайсарлик деб атайсизми, жаноб Костелецкий, – эътироз билдирди Лелек. – Менимча эса бу ерда спортга хос хусусият – ишни намунали бажаришга интилиш кўзга ташланади. Ҳақиқий эркак киши қиймати сариқ чақалик натижа кетидан қувмайди. Унга ўйиннинг ўзи, биласизми, мақсадга эришиш йўлидаги қизиқиш муҳим... Сиз буни арзимайдиган нарса, бу ишга дахли йўқ десангиз-да, битта мисол келтираман.

Мен ҳисобхонада ишлаганимда ва баъзан ярим йиллик ҳисобот тузганимда, айрим ҳолларда рақамлар бир-бирига тўғри келмай қоларди. Бир куни нақд пулдан уч геллер камомад чиқди. Албатта, мен ўша уч геллерни ҳазинага топшириб қўйишим мумкин эди, аммо бу нотўғри йўл бўларди. Ҳисобчилик нуқтаи назаридан бу спортчиларга хос ҳолат эмасди. Қайси ҳисобда хато қилинганлигини топиш зарур, ҳисоблар эса бизда ўн тўрт мингта эди.

Ва мен сизга айтсам, баланс тузишни бошлаганимда, ҳар доим қандайдир хатони топишни хоҳлардим. Ўшанда баъзан туни билан хизматда қолиб кетардим. Олдимга ҳисобчилик китобларидан бир уюмини

кўярдим-да, ишга киришардим. Шунда устунларга сафланган рақамлар кўзимга жуда ажойиб, безаклардай гўзал кўринарди. Айрим ҳолларда устунлардан тик чўқкига чикқандай юкорига кўтарилаётган, бошқа пайт улар орқали зинапоядан чуқур ерости кони тубига тушаётгандай бўлардим.

Баъзан ўша уч геллер хуркак ва ноёб хайвон бўлиб туюлар, ўзимни эса уни – ушлаш учун рақамлардан иборат чакалакзор орқали ўтиб бораётган овчидай ҳис этардим. Ёки изкуварман-у, муюлиш ортида туриб жиноятчини пойлаётгандай бўлардим. Ёнимдан минглаб одамлар ўтар, аммо мен муттахамни – ўша ёвзани – ҳисобот хатосини ёқасидан олиш учун ўз дақиқамни кутардим! Яна баъзида шундай туюларди: гўёки баликчиман-у, кирғоқда кармоқ билан ўтирибман: ана-ана, пўкак кимирлади... э-ха, қўлга тушдингми, занғар. Аммо ҳаммадан кўп мен ўзимни тоғлар, водийлар бўйлаб, калин маймунжон бутазорлари аро дайдиб юрган овчидай тасаввур этардим. Шундай лаҳзаларда ҳаракат ва кучнинг бу ҳиссидан ўзимни шу қадар енгил ҳис этардимки, гўё чиндан ҳам ажойиб саргузаштларни бошдан кечираётган бўлардим, ўз атрофимда ҳаяжонли эркинлик туярдим. Бутун-бутун тушлар бўйи уч геллер ортидан овга чиқардим, топганимда эса унинг арзимаган сарик чақалиги ҳақида ўйламасдим ҳам. У ўлжа эди ва мен тантанавор ҳамда бахтиёр ҳолда ухлагани кетардим, этикларни ечишга улгурмаёк тўшақка думалардим. Бор-йўғи шу.



ШУХРАТ

(1918–1993)

ОТАШНАФАС ШОИРА

Жаҳон адабиёти тарихи атокли шоираларга жуда ҳам бой эмас. Шу жихатдан мақтанса арзийдиган шоираси бор халқ адабиёти омадлидир. Леся Украинка украин классик поэзиясининг муносиб намояндаларидан бири. Ҳатто уни Иван Франко: “Ўз давридаги украин адабиётининг бирдан-бир эркак шоирасидир... Шевченкодан кейин ҳеч ким Украинада шу заиф ва бемор кизчалик кудрат ва оташнафас билан шоирона сўз айтолмаган эди”, – деган.

Леся Украинка (асл исми Лариса Петровна Косач) буюк украин кўбизчиси Тарас Шевченко вафотидан ўн йил кейин – 1871 йилнинг 26 феврилида туғилган, ўз халқининг шеърят байроғини даст кўтарган ва янги босқичга олиб чиққан. У ҳам ўз салафидек украин халқининг тутқунлигини, дард-аламини, забунлигини ёниб куйлаган.

Украинага бўлган оташин севги шоира лирикасининг мағзини ташкил этади. Лекин бу муҳаббат бахтсиз она юртнинг қора тақдиридан нола чекиш, ох-воҳ уриш, фарёд кўтаришдангина иборат эмас. Унинг муҳаббати исёнкор, фаол ва оёққа турғизадиган муҳаббат. Чернишевский тили билан айтганда, “олий патриотизм”. У ватан шаъни-шукухи учун курашда енгилишни айб санамайди, балки душман қошида таслим бўлишни, курашдан чекинишни кечирилмас гуноҳ ҳисоблайди. Ватан душманлари билан мурасасозликни, куллик ва эркисизликни олиб келадиган юраксизлик, журъатсизлик, лоқайдлик ва хоинликни жон-жаҳди билан лаънатлайди. Фидойилик, матонат, изчиллик, сабр ва бардош – унинг олий нияти. Шунинг учун шоира Прометейни ўзига севимли образ қилиб олади, уни Ватан озодлиги ва номуси учун курашчи сифатида талқин қилади.

Леся Украинканинг лирикаси ижтимоий лирика эди. У ўзининг ижодини ижтимоий курашдан четда тасаввур этолмайди. “Шоир қалбини ёндириб турган нарсалар ҳақида сукут сақлаши мумкин эмас”, деган эди шоир. Чиндан ҳам у ўзи “сукут сақлаб” турмаган. Замонининг энг долзарб мавзуларида ва бутун вужуди билан, ҳис-ҳаяжон билан барча маҳоратини ишга солиб астойдил ижод қилди. Кенг китобхон қалбига эркин етиб бориш учун турли шакллар излади, ҳатто ўз ниятларини эркинрок ифодалаш учун кўшни халқларнинг шеърый шакллари билан ҳам фойдаланишни лозим топди. Шу мақсадда кўплаб таржималар қилди.

Шоирнинг ижодий юксакликларга кўтарилиши бесабаб эмас эди. У зиёли оиласида дунёга келган, ота-си таникли маърифатпарвар, онаси

“Олена Пчелка” лақабли адиба эди. Бу аҳил оила болаликдан бедаво дардга чалинган кизига (Леся суяк сили эди) мукамал тарбия берадилар, бир неча тилларни ўрганишига кўмаклашадилар. Шоира Байрон, Шиллер, Мюссе, Лишкевич, Гейне асарларини аслида мутолаа килди, шу тарика фикри кенгайди, дунёкараши ўсди.

Бўлажак машхур шоира ижодга ёшлигидан киришади. Унинг илк шеъри матбуотда чиққанида эндигина 13 га кадам кўйган эди. Шу ёшдан бошлаб то умрининг охиригача бетўхтов ижод килди: шеърлар, поэмалар, пьесалар, турли мавзуда мақолалар ёзди. Гарчанд касаллиги туфайли унинг ҳаёти ташки воқеаларга бой бўлмаса ҳам, унинг ички дунёси бениҳоя кенг ва тийрак, юксак ғояларга тўлиқ бўлган. Унинг ҳаёти эса, сабр-матонат ва қахрамонликнинг ажойиб намунаси: у умр бўйи мамлакатма-мамлакат юриб ўз дардига даво излади ва умр бўйи бетиним ижод килди.

Шоира узок яшамади, лекин ўзидан узок яшайдиган асарлар қолдирди. Бу асарлар халқининг гавҳар меросига айланган. Ватандошлари уни ўқийди, ўрганади ва буюк мамнуният билан хотирасида саклайди. Шу кунларда нишонланаётган туғилган кунининг юз йиллиги ана шу ҳурмат ва эҳтиромнинг бир кўринишидир.

Бу сана Ўзбекистонда ҳам шоира хотирасига катта ҳурмат билан нишонланмоқда. Чиндан ҳам шоира бундай эътиборга лойиқ ижодкордир. Унинг оташнафас шеърлари, поэмалари ва пьесаларида украин халқининг ўша пайтдаги тутқунликдан чеккан ноалари, ҳасрат-аламлари янграйди, миллий мустақиллик учун курашчиларнинг жанговар нидолари жаранглайди. У ўз асарлари билан кишиларда яхши ниятлар, келажакка умид уйғотади, уларни покликка ва самимийликка чақиради.

* * *

Леся Украинка илк шеърлариданок ўз олдидаги максadini очик-ойдин ва ошкор баён этади:

*Не фойда йнгламоқ зулм ичра ёниб?
Ўтмишга боқшидан не фойда, нечун?
Яхшиси қўлларга тиг, қурол олиб
Ўжумга кирайлик порлоқ иш учун!*

Ҳа, у озодлик учун чинакам курашга чорларди. Лекин шоира курак курашга чакиришнинг ўзи билан чеклаиб қолмай, нима учун курашмоқ кераклигини ҳам бадиий изоҳлаб беради. Бу шоиранинг аччиқ алам, ўқиниш билан тўла ғамгин шеърларида ўз ифодасини топган. Леся Украинканинг лирикаси украин халқининг қалбида ишонч ва умид учқунлари уйғотган. Бу аччиқ ҳаётни бутун фожиаси билан фош этиш, ёниб қуйлаш Т.Шевченкодан кейин фақат унга насиб этди.

Тўғри, ўтмишдаги бошқа украин шоирларида кўзёши, фарёд кўп учрайди. Аммо уларнинг кўпчилигида заифликдан нола чекишга, мажолсизликдан йнглашга ўхшайди. Леся Украинка ана шундай кўзёши билан сатрларини тўлдирадиган заиф шоирларга қарши чиққан:

*Ярамиз қайтадан ўтланар, ёнар,
Битишига қўймайди аччиқ кўзёши,
Кўзёшдан занжирлар баттар зангланар,
Лекин у узилмас тугаб бардоши.*

Украин халқининг бўйнидаги тутқунлик ва зулм занжирини кўзёшлари билан узиб ташлаш мумкинмаслигини яхши билган шоира, уни чинакам ижтимоий курашга чақиради.

Миллий озодлик учун кураш – Леся Украинка ижодининг ўқ томири деган эдик. Бу мавзу шоиранинг жўшқин лирикасида эмас, унинг поэмалари ва пьесаларида ҳам ўз ифодасини топган. Шоира украин халқининг ўз тарихидан озодлик учун кураш лавҳаларини куйлаш билан чегараланиб қолмай, илғор халқлар ҳаётидаги воқеалардан олиб, китобхонга ибрат қилиб кўрсатади, миллий озодлик учун кураш ҳар бир ўзини таниган халқнинг муқаддас бурчи эканини таъкидлайди.

Чиндан ҳам шоиранинг қалби халқнинг қалби, унинг нияти халқнинг нияти, унинг орзуси халқнинг орзуси эди. Ўз ижодининг самараси бир кун келиб барқ уриб яшнашига унинг имони комил бўлган:

*Суягим – қилич, жангчи тайёр эрта-кеч,
Биз бекорга ҳалок бўлиб кетмаймиз ҳеч.
Балки сени мен билмаган азиз дўстлар,
Ёв бошига қилич қилиб, эркни кўзлар!*

Леся Украинканинг жанговар, оташнафас шеърлари унинг вафотидан кейин ҳам миллий истиқбол учун мардонавор жангга кирган украин халқининг руҳий қуролига айланди.

Шоира “Менинг йўлим” шеърида:

*Қўшиқ билан бошлагандим йўлни илк бор,
Қўшиқ билан тугатаман уни зинҳор, –*

деган экан. У сўзининг устидан чиқди. Хаста ҳаётининг сўнгги дамигача ёниб ижод қилди. Лекин шоира:

*Эрку тенгми, қардошимнинг олтин нурли,
Кошки эди булут оша кўрсам бир бор,*

деган олий ниятини кўролмай кетди. Шундай бўлса ҳам, шоира ҳаётининг бутун мазмунини ташкил этган бу олийжаноб ниятни у жонидан севган, бутун умрини бағишлаган украин халқи рўёбга чиқарди. Шунинг учун украин халқи шоиранинг юз йиллигини кенг кўламда улғуворлик билан нишонлади.

* * *

Леся Украинканинг шеърларини эшитганимда ҳали унинг тўпламини кўрмаган, шунинг учун ижодидан беҳабар эдим.

Бу 1941 йилда бўлган эди.

Мен Бокудаги харбий мактабнинг курсанти эдим. Микола Зубенко деган курсдошим бор эди. Ўзи иктисодчи, лекин жуда кўп шеърларни ёд биларди. Шевченкони тўлиқ ёд ўқирди десам, ишонаверинг!

Бир куни у мендан:

– Сенда шоирлар кўп ўтганми, – деб сўраб қолди. Мен билган шоирларимни санаб бердим. Микола бундан мамнун бўлиб, ўзига хос майин ва ёқимли товуш билан кискагина бир шеър ўқиди. Кейин деди:

– Тушундингми?

Мен чала-чулпа тушунган эдим, очигини тан олдим. Зубенко яна бир шеърни секинроқ, мен тушунадиган қилиб ўқиди. Охирида:

– Леся Украинка, – деди.

Гарчанд яхши тушунмаган бўлсам ҳам, бу икки шеър нимаси биландир мени мафтун қилиб қўйган эди. У Овчаренко деган украин дўстига ҳам шеър ўқиб берганини кўрдим. Сўрадим:

– Шоира жуда машҳурми?

– Машҳур бўлганда қандай? Шевченкодан кейин шунини ўқишади. Лекин бечора ногиронликда умр кечирган.

Зубенко унинг киска, аммо сермазмун ҳаётини ачиниш ҳикоя қилиб берди. Шунда менда ҳам нотаниш шоирага ачиниш уйғонди. Имкон бўлиши билан унинг китобини топиб ўқишни кўнглимга тутиб қўйдим, лекин тезда бунинг имкони бўлмади. Урушга кириб кетдим. Микола ҳалок бўлди, Овчаренко ярадор бўлиб госпиталга кетди. Сал вақтдан кейин мен ҳам яраландим... Госпиталь бир мактабга ўрнашган эди. Мактабда кутубхона бўлишини эслаб, Леся Украинка китобини суриштирдим. Бахтимга бор экан. Мириқиб ўқидим. Зубенко ёдлаб юрганича бор экан, чинакам шоир экан.

Уруш тугади. Яна ижодга киришар эканман, бу оташнафас шоира китобини топиб қайта ўқидим. Яна ўшандай таассурот қолдирди. Мавриди келиб унинг шеърларидан таржима қилдим. Бу сафар учун унинг ижодини яна ҳам синчиклаб ўргандим. Чунки чин шоирни кўз илгамас фазилатлари таржималарида юзага чиқади, ўша вақтида сезилмаган ингичка ва нозик ҳис-туйғулари таржима чоғда бўртиб кўринади, шоир руҳини чуқурроқ англаш имконини беради.

Шу тарика Леся Украинка қалбининг чуқурлигига, фикрининг теранлигига, завқининг баландлигига қойил қолдим. Бундай шоира наинки, бир халқнинг, бутун башариятнинг фахридир.

1971 йил, февраль.



МУМТОЗ САНЪАТ СИРЛАРИ

Хаттотлик санъати Шарқ мамлакатлари маданиятининг ўзига хос йўналишидир. Маълумки, ушбу қадимий ва мумтоз санъат Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонга кириб келиши ва ривож топиши мазкур ҳудудда ислом динининг ёйилиши билан боғлиқ. Ўрта Осиё халқлари ислом динини қабул қилгач, бу ерда амалда бўлган уйғур, ўрхун-энасой, суғд, хоразмий каби қадимий ёзувлар истеъмолдан чиқиб, араб тили ва ёзуви илм-фан, ёзма ижод ва давлат ишларида асосий ёзув ўрнини эгаллаган. Йигирма саккизта ҳарфдан иборат бўлган араб алифбосининг дастлабки шакли – тик чизиклар билан ифодаланувчи “хатти маъқалий” VII асрдан бошлаб ўз ўрнини араб ёзувининг энг қадимийси ва машҳури ҳисобланган “хатти куфий”га бўшатиб берган. Кейинчалик турли давр хуснихат соҳибларининг кашфиётлари туфайли хатти маъқалий ва куфий хати асосида араб ёзувининг санъаткорона яратилган саккиз хил асосий услуби майдонга келган. Булар: сулс хати, насх хати, муҳаққак хати, райҳоний хати, тавкиъ хати, риқоъ хати, девоний хати, настаълик хатларидир. Бугунги кунда эса араб ёзувининг юздан ортиқ турлари мавжуддир. Бу хатлар ичида ҳозирги кунда энг кўп қўлланиладигани насх хати бўлиб, йигирма иккита араб давлатида, Эрон Ислом Республикасида шу хатдан фойдаланилади. “Қуръони қарим” эса ҳозирги вақтда асосан насх хатида чоп этилади.

Ёзув инсоният ҳаётида мисли кўрилмаган юксалишлар пайдо қилган мўъжиза ўларок, мулоқот ва маълумот етказишнинг муҳим воситаси, ҳаётини зарурат ҳисобланади. Сўз фикрнинг акси экан, ёзув эса сўзнинг рамзидир. Араб ёзувининг дунёдаги бошқа халқлар ёзувидан фарқли жиҳати шундаки, унда ёзувнинг гўзаллигига алоҳида эътибор берилади. Чиройли хат ила битилган ёзув маъно ташишидан ташқари, кишиларга эстетик завқ бериш хусусиятига эга. Хаттотлик эса ўша ёзувга нафосат бахш этувчи соҳадир. Шунинг учун хаттотликка ҳам ҳунар, ҳам санъат мақомида қаралади.

Асрлар давомида сакланиб, сайқал топиб келаётган хаттотлик санъати нафақат араб ва ажам мамлакатлари, шунингдек, Осиё халқлари ҳаётида ўзининг узок тарихига эга. Шарқда, жумладан, Ўрта Осиёда китоб босиш амалиёти вужудга келгунига қадар китоблар қўлёзма шаклида тайёрланиб, улар нусха кўчириш йўли билан кўпайтирилгани маълум. Бу машаққатли иш билан хат кўчирувчилар, яъни хаттотлар шугулланишган. Маҳоратли хаттотлар эса саройларда, амалдорлар ҳузурида гуруҳ бўлиб ишлаган. Хуснихат алоҳида илм сифатида шаклланиб, унинг сир-асрорлари баёнида кўплаб рисолалар ёзилиб, фан даражасига кўтарилган. Хаттотликнинг моҳияти матнни шунчаки кўпайтириш бўлмай, ёзувга зеб беришдир. Хатнинг чиройли битилиши китобнинг кийматига таъсир кўрсатган. Шунинг

учун хаттотлик нозик дид ва истеъдод талаб этувчи хос соҳа ҳисобланиб, ҳамма ҳам бу касб билан шуғуллана олмаган. Хаттотликнинг санъат мақомида кўрилиши шундандир.

Шарқ халқлари орасида шухрат қозонган Мухаммад бин Хусайн ат-Тиббий, Мир Али Табризий, Султон Али Машҳадий, Мир Али Хисравий, Мунис Хоразмий ва Аҳмад Дониш сингари машҳур хаттотлар замонасида ўз хусни хатлари билан мактаб яратган сиймолардан ҳисобланади. Улар кўчирган китоблар ва хат турлари ҳали-ҳануз туганмас илм сифатида дунё олимлари томонидан ўрганилиб келинади.

Бизнинг давримизга келиб, китобот соҳаси замонавий технология имкониятлари асосида ривожланаётган бўлса-да, хаттотлик санъати анъаналари ривожланишда давом этмоқда. Боиси, хаттотлик нафақат китобот, балки тасвирий ва амалий санъат, меъморчилик соҳалари билан узвий боғлиқ бўлиб, ўтмишнинг моддий ва маънавий жумбоқларини усиз ўрганиб ҳам, тиклаб ҳам бўлмайди.

Юртимиз худудидаги ҳали тўла ўрганилмаган қанчадан-қанча моддий ва номоддий маданий ёдгорликларнинг сирини очиш, аждодларимиздан қолган ноёб қўлёзмаларни ўқиш ва тадқиқ этиш, маданиятимиз илдизларига чуқур кириб боришда, умуман, тарих, география, санъат, адабиёт, дин, этнография, архитектура ва бошқа фанлар ривожидида хаттотлик жуда муҳим ўрин тутади.

Юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий тарихимиз, маданиятимиз илдизларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, маънавий қадриятларимизни тиклашга катта куч сарфланаётгани бежиз эмас. Бу борада амалга оширилган салмоқли ишлар натижасида хаттотлик санъатига кизиқиш ортиб, янги ривожланиш босқичига ўтди. Яқин ўтмишдаги мустамлакачилик даврида унутилаёзган тарихимиз, қадриятларимиз қаторида хаттотлик санъати анъаналари ҳам фидойи олиму ижодкорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қайтадан ўз қиёфасини тиклади. Бунда Ҳабибулла Солих, Салимжон Бадалбоев, Абдулла Мирсоатов, Тўхтамурод Зуфаров, Алишер Шомухамедов, Абдулазиз Мансуров, Ислоҳ Маматов, Ғафуржон Ҳақбердиев каби кўплаб илғор хаттотларнинг улкан хизматлари борлигини таъкидлаш зарур. Улар ҳар қандай шароитда ҳам касбларига хиёнат қилмай, садоқат билан изланганлари натижасида боболардан мерос қолган ноёб хуснихат мактаби анъаналари сақлаб қолинди.



Кувонарлиси, соҳа истиқболига ҳукумат даражасида эътибор берилиб, бугунги ва келгуси авлодга уни бекаму кўст етказиб бериш мақсадида қилинган салмоқли ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Маълумки, юртимиздаги учта катта олий ўқув даргоҳида, яъни Тошкент давлат Шарқшунослик институти, Тошкент давлат Ислоҳ университети ва Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтларида хаттотлик санъатини ўқитиш йўлга қўйилган. Юқорида номлари айtilган

тажрибали хаттотлар устозлигида уларнинг изини босувчи ёш хаттотлар авлоди камол топиб келмоқда. Шунингдек, ёш ва малакали хаттотлар фаолиятини рағбатлантирувчи турли фестивалъ ва кўргазмалар доимий ўтказилиб келинаётгани ҳам соҳадаги ижобий ўзгаришлар нишонасидир.

Хаттотликнинг хунар сифатидаги хусусияти шундаки, у устоздан шо-гирдга, отадан фарзандларга мерос бўлиб қолади. Бу соҳани ёш авлодга чуқур ўргатиш ва анъаналарни мустаҳкамлашда устоз-шогирд муносабат-лари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Юртимизда ўз илмини матонат билан ёшларга ўргатиб келаётган тажрибали хаттотларнинг борлиги туфайли бу анъана янада мустаҳкамланиб борапти.

Шундай фидойи устоз хаттотлардан бири Ўзбекистон Бадиий ижод-корлар уюшмаси аъзоси Салимжон домла Бадалбоевни кўплаб тасвирий ва амалий санъат кишилари, уста-хунарамандлар ва меъморчилик соҳаси вакиллари ўзларининг устози деб биладилар. Ўз хуснихати, кўплаб амалий ижодий ишлари, китобот соҳасидаги илму салоҳияти билан нафақат юр-тимизда, балки агроф-минтакага танилиб, эъзоз топган ижодкор умрининг бир асрдан ошиқ қисмини, куч-идрокини шу соҳага бағишлаб келмоқда.

1942 йилда таваллуд топган Салимжон Бадалбоев ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан – Тошкент давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) филология факультетида таҳсил олиб юрган талабалик кезларидан бошлаб хаттотлик билан шуғулланиб келади. Талабалик давридаёқ араб, форс тилларини яхши ўзлаштирган, устозининг ўз вақтида тўғри йўналтирганидан бир умр миннатдор бўлиб яшаб кела-ётган Салимжон домла бу ноёб касби ортидан кўплаб муваффақиятларга эришди. У киши турли йилларда Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Тошкент давлат Шарқшунослик институти, Миср араб Республикаси элчихонаси маданият марказида ва бошқа қатор ўрта-маҳсуе билим масканларида ёшларга ўз хунари сирларини ўргатган. Ҳозирда ҳам кўплаб шогирдлар у кишининг устозлигида бу ноёб санъатни эгаллаб келмоқда. Жумладан, номлари танилиб бораётган С.Маҳкамов, Д.Ақбарова, У.Қудратов, У.Шоаҳмедов, З.Ортиқов, Х.Лутфуллаев, Н.Қаюмий, М.Абдуллаева сингари ёш хаттотлар домланинг устоз сифа-тида олиб борган кўп йиллик меҳнатларининг маҳсули, десак муболаға бўлмайди. У кишининг набираси Абдулазиз Салимжонов ҳам ёшлигидан хаттотлик илмини ўрганиб, бобосининг изидан бормоқда.

С.Бадалбоев сульс, рикъа, настаълик, девоний, куфрий каби хат тур-ларида ижод қилади. Устоз хаттотнинг изланишлари китобот соҳасидан ташқари меъморчилик, амалий санъат соҳалари билан бевосита боғлиқ бўлиб, юртимиздаги қатор иншоотларда у кишининг ижод намуналари-ни учратиш мумкин. Жумладан, Тошкент шаҳридаги “Кўкча”, “Ҳазрати Имом”, “Каффол Шоший”, “Ҳасан ота”, Юнусобод, Исломобод масжид-лари, Тошкент вилоятидаги Бўстонлик, Оккўрғон туманлари ва Чирчик шаҳрида, Самарканд вилояти Каттақўрғон ва Пахтачи туманларида ва Қарши шаҳридаги жоме масжидларининг деворлари, меҳроб ва гумбазлари Салимжон домла томонидан безатилган.

Хаттотнинг ижодида адабий-маърифий китоблар устида олиб борган изланишлари алоҳида ўрин тутади. У кишининг Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарини эски ўзбек ёзувида кўчирганини, турли хат турларида Алишер Навоийнинг “Ҳамса” достонига ишлаган

панно ва бошқа кўплаб композицияларини мазмунга мос янги изланишлар, дейиш мумкин. С.Бадалбоев хаттотлик тарихи ва ривожланиш жараёнининг билимдони сифатида турли китоб ва дарсликлар тайёрлаган. Хусусан, “Алифбо” (хаммуаллифликда), “Форсий хат машқлари”, “Насх хати” каби китоблари хаттотлик ва араб ёзуви сабоклари бўйича ёшларга ўзига хос кўлланма ҳисобланади.

Сермахсул ижодкор 2008–2019 йиллар оралиғида “Яша улуг Ватан”, “Ватан мадҳи”, “Нафосат гулшани” каби ўнлаб шахсий кўرғазмаларини ўтказган. Бундан ташқари, маҳаллий ва халқаро миқёсдаги хаттотлик мусобақаларида доимий иштирок этиб келади. У кишининг мамлакатимиз байроғи, Хумо куши, ўрдак, ғоз, кабутар шаклида улкан маҳорат билан битган кўплаб қадимий китоблар, ҳадислар, халқ мақол ва маталлари, ҳикматли сўзлардан таркиб топган композициялари бугунги кунда хаттотлик санъати анъаналарини дунёга ёйишга хизмат қилиб келмоқда.

С.Бадалбоев Миср, Эрон, Хитой, Малайзия, Туркия каби хорижий давлатларда ўтказилган турли хаттотлик санъати фестиваллари, кўрғазмаларда иштирок этиб, ижод намуналари жаҳоний эътирофга сазовор бўлган. Жумладан, 2001 йил ва 2004 йилда Туркиянинг Истанбул шаҳрида Бутунжаҳон Ислом тарихи, маданияти ва фани тадқиқот маркази томонидан ўтказилган хаттотлик халқаро мусобақаларида икки маротаба эътироф этилган. 2007 йилда ўзбекистонлик хаттотлар ўртасида бўлиб ўтган мусобақада энг кучли ўн етти иштирокчи орасида хаттотлик санъати бўйича биринчи ўринни эгаллагани кишида устознинг санъатига нисбатан эҳтиром ҳиссини уйғотади.

Ҳар қандай гўзалликни пайдо қилиш инсондан катта меҳнат талаб этади. Хаттотликда гўзаллик қалам ва сиёҳ воситасида, сабр ва ихлос раҳнамолигида машаққат билан яратилади. Ўз меҳнати билан умрига гўзаллик олиб кирган моҳир хаттот Салимжон Бадалбоев ҳозирда кутлуғ 77 ёшни қаршилаб турган бўлса-да, ижодий изланишлар ва шогирдлар тайёрлашдан сира толган эмас. У кишининг ўзлари эътироф этганидек, Яратган уни кексаликда ҳам касби учун энг зарур неъматлар – кўз нури, кўллар бардамлиги ва энг муҳими, ижод шавқидан айирмади. Бизнингча, бу Салимжон домланинг ўз касбига чексиз садоқати учун берилган лазиз муқофотдир.

Ўтган 2018 йилда Ўзбекистонда илк бор ўтказилган “Ҳикматлар олами” деб номланган I Республика хаттотлик фестивалида иштирок этган юзлаб хаттотлар сафида Салимжон Бадалбоев етиштирган шогирдлар ҳам борлиги у кишининг меҳнатлари бесамар кетмаганлигидан далолат. Хаттотликдек гўзал ва муқаддас соҳага умрини бахшида этган Ўзбекистон Бадий Академияси ҳамда Миср олий таълим вазирлигининг олтин медали соҳиби Салимжон Бадалбоев, халқаро “Парвин рақам” унвонига сазовор бўлган Ҳабибулло Солиҳ сингари йирик ўзбек хаттотлари яратган мактаб анъаналари юзлаб шогирдлари ижодида асрлар оша гуллаб-яшнаверади.


*Муаттар АЛИЕВА
тайёрлади*

БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ

ТЕАТР

Беларусь театри хакида сўз кетганда, унинг hozirgi қиёфасини талай таниқли ижодкорларнинг номлари билан тасаввур қиламиз. Машхур драматург Алексей Дударев, режиссёрлардан “Эркин сахна” ва унинг асосчиси Валерий Мазинский, Борис Луценко, сценограф рассом Леон Бакст каби бошқа беларусиялик театр арбобларининг ижодини дунёнинг талай мамлакатларида билишади.

Замонавий беларусь сахна санъати дунё театрлари тажрибалари асосида фаол ривожланиб келатган соҳа эканлиги билан бир каторда, ўзининг азалдан шаклланган анъаналари, халқона унсурларини сақлаб қолишга интиломда. Ҳар бир миллатнинг маданияти унинг тарихи, этник илдизларидан айро бўлмагани каби беларусь заминида томоша санъатининг шаклланиш тарихи жуда узок даврларни ўз ичига олади. Театр санъатининг барча унсурлари, мусиқа, рақс, цирк ўйинлари мужассам бўлган халқ маросимлари ва урф-одатлари миллий томоша санъатининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилган. Беларусда ҳам театрининг профессионал шаклга ўтиши расман XX аср билан белгиланса-да, миллат маданий-ижтимоий тарихи Беларусь шаҳарларида ўрта асрлардаёқ профессионал театрлаштирилган томошалар уюштириш тажрибаси мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради.



Мустақилликка эришган сана

– 1991 йил, 25 август

Майдони – 207 600 км²

Аҳолиси – 9 475 600 киши

Давлат тили – беларусь, рус

Пойтахти – Минск шаҳри

Европа санъати ва маданияти ютуқлари кенг оммалашиб, бошқа мамлакатлар маданий ҳаётига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

XVI асрнинг бошларида Беларусь православ ва католик диний мактабларида томошалар ташкил этилиб, уларда, асосан, муқаддас Библия китоби сюжетлари акс этган томошалар намоиш этилади. XVIII асрда Европанинг ривожланган опера театрлари Беларусь шаҳарларига ижодий сафарлар уюштиради ва бу билан миллат маданий ҳаётига опера, мусикали театр тажрибалари ҳам кириб келади. XVIII асрда Беларусда мусикали театр жанри ривожланиб, Несвиж, Слуцк, Слоним, Шклов, Гродно ва бошқа шаҳарларда кенг оммалашади. Ушбу театрларнинг дастлабки репертуарларида маҳаллий мусикачиларнинг иштироки бўлмай, асосан, италян ва француз операларидан иборат бўлган. Кейинчалик маҳаллий мусикачилар томонидан опера мусикалари ёзила бошлайди. Ўша давр беларусь мусикачиси Ж.Бледнинг “Агашка” операси Несвиж театрида намоиш этилади.

Беларусь профессионал театр санъатининг ривожланишида, XIX охири XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши, яъни, БССР бўлиб, иттифоқ мамлакатларига қўшилиши билан изоҳланади. Мазкур давр беларусь театр санъатининг йирик намояндалари Янка Купала, Франтишке Урсуле Радзивилл, Винцент Дунин-Марцинкевич, Игнат Буйницкий, Оскар Марикс, Флориан Жданович, Евстигней Минович, Франтишка Олехнович, Владислав Голубок, Валентин Елизарьев, Стифания Станют каби арбоблар номи эътироф этилади. Бу ижодкорлардан аксариятининг номи ҳозирда фаолият кўрсатаётган театрларга берилган. Купаланинг “Павлинка”, “Бузилган уй”, Миновичнинг “Ганка”, “Беларуснинг қизил гуллари”, Горбачевичнинг “Тўй” каби асарлари халқ фольклори асосида ёзилган бўлиб, беларусь профессионал драматургиясининг дастлабки намуналари саналади.

Украин, поляк халқ театрларининг Беларусга ижодий сафарлари мамлакатда кечаётган театрчилик ҳаракатларига ижобий таъсир кўрсатади. Профессионал драматургиянинг дастлабки йирик намояндаси Винцент Дунин-Марцинкевич ҳам актёр, ҳам драматург, театр ташкилотчиси сифатида ярим профессионал шаклдаги театр труппаси тузиб, Минск ва бошқа шаҳарларда катта шуҳрат қозонади. У илк беларусь театр жамоаларининг ташкил этилишида ташаббус кўрсатган арбоб ҳисобланади. Дастлабки театр жамоаларида В.С.Фальский, В.И.Голубок, Ф.П.Жданович, П.В.Мядёлка, Г.Ю.Григонис, А.П.Кривица, А.К.Ильинский, Л.И.Ржецкая, Н.А.Мицкевич каби ҳаваскор актёрлар хизмат қилган.

Шундай қилиб, мамлакатда биринчи давлат театри 1920 йилда Минскда ташкил этилади. 1926 йилда эса Витебскдаги иккинчи театр ташкил топади. Москва театр-студиясини тугатиб келган бир қатор ёшлар труппаларга келиб қўшилиши соҳадаги ўзгаришларни яна ҳам жадаллаштиради. Мамлакатнинг энг йирик ва нуфузли театри – Беларусь Республикаси Миллий академик опера ва балет катта театрига 1933 йилда асос солинган. Илк бора “Кармен” операси билан очилган мазкур театрда кетма-кет “Князь Игорь”, “Евгений Онегин”, “Оққуш қўли” каби йирик асарлар сахна юзини кўради. Мазкур театрнинг кейинги ижодий фаолиятида Владимир Пирадов, Онисим Брон, Лев Любимов, Татьяна Коломийцева, Ярослав Вошак, Владимир Мошенский, Геннадий Проваторов, Александр Анисимов каби

атокли дирижёрлар, Дмитрий Смолич, Олег Моралев, Юрий Юженцев, Семён Штейн, Вячеслав Цюпа, Маргарита Изворска-Елизарьева сингари режиссёрлар, сценографлардан Сергей Николаев, Евгений Чемодуров, Евгений Лисик, Эрнст Гейдебрехт, Евгений Ждан, Вячеслав Окунев ҳамда Николай Ворвулев, Зиновий Бабий, Нинель Ткаченко, Александр Дедик, Людмила Шемчук, Игорь Сорокин, Эдуард Пелагейченко, Мария Гулегина, Вячеслав Полозов сингари опера хонандаларининг хизмати муҳим ўрин тутди. Театрнинг ҳозирги жамоасида Андрей Валентий, Олег Мельников, Ярослав Петров, Илья Сильчуков, Елена Сало, Татьяна Третьяк, Сергей Франковский, Владимир Петров, Василий Ковальчук, Нина Шарубина каби элликдан ортик опера ва балет юлдузлари фаолият юритмоқда. Катта театрнинг сўнги йиллардаги репертуаридан “Дон Кихот”, “Реголетто”, “Кармен”, “Травиата”, “Иоланта”, “Дон Паскуале”, “Ўлмас Кашшей”, “Макбет”, “Соломея”, “Турандот”, “Фигаронинг уйланиши” сингари мумтоз опера ва балет намуналари ўрин олган.

Ҳозирги вақтда мамлакат ҳудудида кўплаб давлат ва мустақил халқ хусусий театрлари фаолият кўрсатади. Давлат театрлари 25 дан ортик бўлиб, уларнинг 15 таси пойтахтда жойлашган. Шунингдек, Брест вилоятида 3 та, Витебскда 3 та, Гомельда 3 та, Гроднода 2 та, Могилёвда 2 та, Мозирь вилоятида 1 та, Молоденкода 2 та, Пинскда ва Слоним вилоятларида 1 тадан давлат театрлари мавжуд.

Беларусь театрлари йўналиш жиҳатдан кўғирчок театрлари, драматик ва мусикий йўналишдаги театрлардан иборат. М.Горкий номидаги Миллий академик драма театри, Беларусь Республикаси ёш томошабинлар театри, Киноактёрлар театр-студияси, Давлат ёшлар эстрада театри, ИнЖест театри, “Знич” Беларусь бир актёр поэтик театри, Беларусь давлат академик мусикали театри, Гродно вилояти кўғирчок театри, Гмель вилояти драматик театри, Янка Купала номидаги Миллий академик театр, Могилёв вилояти В.И.Дунин-Марцинкевич номидаги Бобруйск драма ва комедия театрлари республикадаги етакчи театрлар ҳисобланади. Тимковичский халқ театри Беларусдаги ягона кишлок театридир. Беларусь нодавлат театрлари орасида Валерий Мазинский раҳбарлигидаги “Эркин театр” режиссёрлик ва актёрлик соҳасида эркин ижодий тажрибалар, янгича бадиий талқинлар билан дунёга танилган.

Беларусь драматургиясининг янги даври Алексей Дударов (1950), Виктор Леденёв (1941), Георгий Морчук (1947), Николай Матуковский (1929), Аркадий Мовзон (1918), Николай Рудковский (1971), Евгений Романович (1905), Владимир Яговкин (1956) каби атоқли драматурглар ижоди билан характерланади. Мамлакатда драматургик изланишлар ва ёш ижодкорлар фаолияти билан шуғулланиладиган “Беларусь драматургия маркази” фаолият юритади.

Театр соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаб берувчи асосий даргоҳ Беларусь давлат санъат академияси ҳисобланади. Академияга 1945 йилда асос солинган. Театр факультетида кундузги ва сиртки тизимда драматик, мусикали ва кўғирчок театри йўналишларида режиссёрлик, актёрлик, театршунослик, театрлар фаолияти ташкил этиш ва бошқариш менежменти бўйича мутахассислар тайёрланади.

Беларусда ҳар йили бир талай халқаро нуфузли театр фестиваллари доимий ўтказиб келинади. Беларусь халқаро кўғирчок театрлари фести-

вали, “Белая вежа” (Брест), “Понорама” (Минск), “Театр куфар” (Минск) халқаро талабалар театр фестивали, “M@art.kontakt” (Могилёв) ёшлар театр форуми, “ТеАрт” (Минск) халқаро театр фестивали шулар жумласидан. Мазкур фестиваллар натижасида дунё театрларининг энг сўнгги ютуқлари мамлакатга кириб келади. Беларусь театрларининг жаҳон санъати билан бундай муттасил алоқалари мамлакатдаги маданий-ижодий жараённинг яна ҳам юксалишидан дарак беради.

*Насрулло ҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва
маданият институти
профессори в.в.б*

КИНО

Беларусь киноси ҳақида фикр юритганда, аввало, уруш мавзусига бағишланган фильмлар кўз олдингизга келади. Мазкур йўналиш беларусь киноси учун хос жиҳатлардандир. Бу сифат миллий кино пайдо бўлган даврдан бугунга қадар шаклланиб, сайқалланиб келмоқда.

Беларусда фильмлар намойиши XIX аср охиридан бошланган. XX аср бошидаёқ 56 та хусусий кинотеатр фаолият юритган. Минскдаги илк кинотеатр 1900 йилда тadbirkor Рихард Штремер томонидан ташкил этилган. У ерда дастлаб экранга проекциялаш учун тайёрланган шаффоф фотосуратлар (диапозитивлар), кейин эса овозсиз фильмлар намойиш этилган. 1908 йилдан Рихард Штремернинг ўзи хужжатли-хроникал фильмлар суратга олишни бошлади: “Минск шаҳрининг Полициячилар кўчасидаги ёнғин” унинг дастлабки фильмларидан ҳисобланади. Минскдаги “Гигант” кинотеатри кино операторлари 1910–1912 йилларда “Чор кишлоғи 200 йиллиги”, рус учувчиси Уточкиннинг Минскдаги Комарова майдони узра парвозлари, “Рудники станциясида поезднинг ҳалокатга учраши” каби хусусий фильмларни суратга олишади.

1918 йилда Москва ҳамда Петроград кино операторлари Беларусь шаҳарларида бир нечта сюжетларни тасвирга туширишиб, “Брест-Литовскийдаги тинчлик музокаралари”, “Оршдаги қочоқлар” сингари хроникал кадрларни яратишди. 1918 йилда кинотеатрлар, хусусий фильм-мотекалар, кинематографик ускуналар ва материаллар миллийлаштирилди.

1922 йилнинг ёзида БССР Халқ маориф комиссари буйруғи билан Кинематография ишлари бошқармаси – “Киноресбел” (Беларусь Республикаси киноси) ташкил этилди. Бироқ бу идора етарлича моддий базага эга бўлмагани боис, бир йил ўтиб тугатилди. 1924 йилнинг май ойи кооператив асосида янги ташкилот – “Беларус пролеткино” пайдо бўлди. Мазкур ташкилот ҳам олдига қўйилган вазифаларни бажара олмади.

1924 йилнинг 17 декабрида СНК БССРнинг “БССР кино ишларини тартибга солиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ БССР Халқ маорифи комиссариати ҳузурида Кино ишлари бошқармаси – “Белгоскино” яратилди. Айнан мана шу сана мамлакат Президентининг 1994 йилги қарори билан беларусь киноси куни сифатида нишонланади. БССР да кино ишлаб чиқариш хроника ва илмий-оммабоп фильмлардан бошланди.

Бирин-кетин “Соғ танда – соғлом акл” (М.Леонтьев, 1925), “БССР ме-лиорацияси” (М.Леонтьев, 1925), “Шундай бизнинг Беларусь” (Е.Петров, 1927) сингари ўқув ва илмий-оммабоп фильмлар юзага келди.

1926–1927 йиллар оралиғида бадий фильмлар Москва киностудияси таъминотида суратга олинди. 1928 йилдан вазият ўзгарди, айнан шу йили “Белгоскино” “Совет Беларуси” (“Советская Беларусь”) бадий фильмлар студиясини ташкил қилди. Аммо Беларуснинг ўзида техник база бўлмагани учун мазкур студия вақтинчалик Ленинградга жойлаштирилади, шу мақсадда собик “Кривое зеркало” (“Эгри кўзгу”) театри биноси ижарага олинган. Ленинградлик кинематографчи кадрларга таянган ҳолда мунтазам бадий фильмлар ишлаб чиқариш тез орада йўлга қўйилди.

Кино ишлаб чиқариш миллий асосдан узиб қўйилди. Беларуснинг ўзида кино корхоналар куриб, миллий кадрларни шакллантириш ўрнига, беларусь халқининг тарихи ва турмушидан бутунлай беҳабар режиссёрларга таянилди. Гарчи 1926 йилдан 1930 йилга қадар студияда йигирмага яқин режиссёрлар етишиб чиққан бўлса-да, кўпчилигининг ижодий ишлари беларусь ҳаётига бағишланмаган эди. Фақат 1939 йилга келиб, ушбу студия Минскка кўчирилади. Шунга қарамай, ўтган вақт мобайнида студияда 50 дан ортиқ бадий фильмлар яратилди.

Биринчи беларусь бадий фильми – “Ўрмон воқеаси” 1926 йил яратилиб, шу йилнинг 26 декабри Минскдаги “Культура” (“Маданият”) кинотеатрида намойиш этилди. Михас Чаротнинг “Чўчкабоқар” кинематографининг экранлаштирилган мазкур картина режиссёри – Юрий Тарич эса беларусь киноси асосчиси ҳисобланади. Фильм беларусь халқининг босқинчиларга қарши 1920 йилда олиб борган курашига бағишланган. Халқнинг ижтимоий ва миллий озодлик учун кураши республика кинематографининг 20–30-йиллардаги етакчи мавзусига айланди. Ўша йилларда яратилган фильмлардан “Кастус Калиновский” (Владимир Гардин, 1928), “Қарағайлар шовқини” (Леонид Молчанов, 1929), “Алангада туғилган” (Владимир Корш-Саблин,



1930), “Биринчи взвод” (Владимир Корш-Саблин, 1933), “Болтикликлар” (Александр Файнциммер, 1937), “Ўн биринчи июль” (Юрий Тарич, 1938) сингари картиналар эътиборга молик.

20-йиллар охири 30-йиллар бошида беларусь киносида жанр ва тур жихатидан кенгайиш кузатилди. Хусусан, бу даврда “Рубикон” (Владимир Вайншток, 1930), “Аёл” (Ефим Дзиган, 1932), “Икки бор туғилган” (Эдуард Аршанский, 1934), “Олтин аланга” (Владимир Корш-Саблин, 1935), “Кема сафари” (Юрий Тарич, 1935), “Бахт изловчилар” (Владимир Корш-Саблин, 1936) каби замонавий мавзуларга бағишланган фильмлар, “Полесс робинзонлари” (И.Бахарь ва Леонид Молчанов, 1934), “Бетховен концерти” (Владимир Шмидтгоф, 1937) сингари болалар учун махсус ишланган картиналар ҳамда “Учрашувга ошикаётган киз” (Михаил Вернер ва Сергей Сиделёв, 1936), “Муҳаббатим” (Владимир Корш-Саблин, 1940) каби комедиялар яратилиб, миллий кино фондининг бебаҳо намуналари бўлиб қолди.

1930 йил 10 ноябрда эса биринчи беларусь тажрибавий овозли фильми – “Тўнтариш”нинг премьераси бўлиб ўтди. Рамзий номланишга эга мазкур хужжатли картинанинг бош режиссёри Юрий Тарич бўлди. Фильм овозли кинематограф имкониятларини намойиш қилувчи бешта сюжетдан иборат: БССР ХКК раиси нутқи, дostonнинг ифодали ўқилиши, концерт, овозли хроника ва “Алёнканинг чегарадаги саргузашти” номли сиёсий шарж.

30-йилларда адабий асарлар асосида фильмлар суратга олишга катта эътибор қаратилди. Натижада “Поручик Кижэ” (Александр Файнциммер, 1934, Юрий Тинянов кассаси), “Булбул” (Эдуард Аршанский, 1937, Змитрок Бядул кассаси), Антон Чехов асарлари асосида “Никоб” (Сергей Сплошнов, 1938), “Айик” (Исидор Анненский, 1938), “Ғилофли банда” (Исидор Анненский, 1939) каби фильмлар суратга олинди. Шу тариқа 1941 йилга қадар студия томонидан 60 га яқин бадийий фильмлар яратилди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари беларуслик хужжатли кино намояндалари “Немис қўшинларининг Москва остонасида тор-мор қилиниши”, “Уруш куни”, “Халқ қасоскорлари”, “Витебск учун жанг”, “Бизнинг Минск” каби фильмларни суратга олишда иштирок этишди.

1942–44 йиллар бир гуруҳ беларусь кино намояндалари Хужжатли фильмлар марказий студияси негизида “Совет Беларусии” кино журналини чиқаришади, 1944 йилда эса “Совет Беларуссиясининг озод этилиши” (Владимир Корш-Саблин ва Николай Садкович) тўлиқ метражли хужжатли фильм ҳамда “Барҳаёт бўл, кадрдон Беларусии!” (Владимир Корш-Саблин ва Николай Садкович) фильм-концертини суратга олишади.

1945 йил “Совет Беларусии” бадийий фильмлар киностудияси ўз фаолиятини қайтадан бошлади, бир йил ўтиб студия “Беларусфильм” сифатида қайта номланди.

Урушдан кейинги дастлабки йиллар асосан хужжатли фильмлар ва кино журналлар ишлаб чиқилди. Бу даврда илк катта муваффақият қозонган бадийий фильм – уруш қахрамони ҳақидаги “Константин Заслонов” (Владимир Корш-Саблин ва Александр Файнцимме, 1949) картинаси бўлди.

50-йилларнинг биринчи ярмида “Товусча” (Александр Зархи, 1952), “Тўрғайлар сайрамоқда” (Владимир Корш-Саблин, Константин Санников, 1953), “Ким охири қулади?” (Владимир Корш-Саблин, 1954) каби театр постановкалари экранлаштирилди.

1960 йил студиянинг янги биноси курилиб, у ерда бадий фильмлар, хужжатли “Солнома” ва телевизион “Телефильмлар” каби учта ижодий бирлашма ҳамда мультипликацион фильмлар устахонаси фаолият юрита бошлади. 1961–1968 йилларда илмий-оммабоп ва хужжатли-хроникал Минск студияси иш олиб борди. 1962 йилда эса БССР Кинематографчилар уюшмаси ташкил қилинди.

1970 йиллар “Беларусь фильм”га кинематография ҳақида янги дунёқарашга эга навкирон режиссёрлар кириб келади. Маълум ғоявий чегаралар доирасида бўлса-да, ижодий жихатдан юкори даражада ишланган қатор фильмлар яратилади. “Қироллик кўшинларининг бори” (Наум Ардашников ва Александр Гуткович, 1971), “Вашингтонлик мухбир” (Юрий Дубровин, 1972) сиёсий памфлети, Жек Лондон ҳамда Владимир Короткевич асарлари асосида экранлаштирилган “Вакт кутиб ўтирмайди” (Виталий Четвериков, 1975), “Қирол Стахнинг даҳшатли ови” (Валерий Рубинчик, 1979, мазкур картина кейинчалик “илк совет мистик триллери” дея баҳоланади) сингари фильмларни шулар сирасига киритиш мумкин.

Беларусь киносига хос бўлган уруш мавзуси бу йилларда ҳам четда қолмади. Хусусан, “Ота” (Борис Степанов, 1971), “Аланга” (Виталий Четвериков, 1974), “Бўри тўдаси” (Борис Степанов, 1975), “Қора қайин” (Виталий Четвериков, 1977) каби фильмлар уруш манзараларини бадий акс эттирди.

1980 йиллар бошида комедия жанридаги картиналарни суратга олиш жадаллашди. “Театрга жамоавий ташриф” (Валерий Рубинчик, 1982), “Қировли шудринглар” (Игорь Добролюбов, 1983) сингари фильмларда ижтимоий муаммоларни кулги орқали ёритиш кузатилса, адабий асарлар асосида яратилган “Ботқоқдаги одамлар”, “Момақалдиқроқ нафаси” (Виктор Туров, 1981–1982 йиллар), “Мусибат белгиси” (Михаил Пташук, 1986), “Қистовсиз баҳор” (Владимир Толкачиков, 1989) каби картиналар Иван Мележ, Василий Биков, Иван Бунин сингари ёзувчилар ижодига экранда қайта ҳаёт бағишлади.

Беларусь киноси учун 1985 йилги тарихий воқеалардан бири Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб суратга олинган “Боргин ва кўргин” фильми бўлди. Алеся Адамович сценарийси бўйича ишланган мазкур картина Элем Климовнинг муаллифлик фильми ҳисобланади.

Бу даврда Леонид Нечаев режиссёрлигида болалар ва ёшлар учун мўлжалланган “Сотилган кулги” (1981), “Юлдуз бола ҳақида эртақ” (1983), “Малла, ростгўй ва ошиқ” (1984), “Питер Пэн” (1987) сингари қатор фильмлар яратилди. Бундан ташқари, ўша йиллар экранларга чиққан ёшлар ҳақидаги “Менинг исмим Арлекино” (Валерий Рыбарев, 1988) фильми биринчи 15 ойлик намойишда энг кўп маблағ тўплаган беларусь картинасидир. Бутун Собиқ Иттифок кинотеатрларида ушбу фильмни 41,9 миллиондан ортиқ томошабин кўрган.

1995 йил фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига ЮНЕСКО томонидан Иккинчи жаҳон уруши тўғрисида дунё бўйича ишланган энг яхши фильмлар юзталиги рўйхати тузилиб, унга Виктор Туровнинг “Қабристон оралаб” номли беларусь картинаси ҳам киритилди.

1997 йилда эса Беларусь Республикаси Президенти қарори билан “Беларусьфильм” киностудиясига “Миллий” мақоми берилди.

90-йилларнинг беларусь киноси учун аҳамиятли воқеаларидан бири, шубҳасиз, “Листопад” (“Хазонрезги”, беларусчадан таржимада “Ноябрь”) кинофестивали ташкил этилгани бўлди. Мазкур фестивал 1994 йилдан ҳар йили ноябрь ойида Минск шаҳрида ўтказилади. Фестивал доирасида Болтиқбўйи, Марказий Осиё, шунингдек, Марказий ва Шарқий Европа давлатларининг фильмлари иштирок этиши мумкин. Фестивал 2003 йилда расман халқаро мақомга эга бўлди.

Миллий кинонинг замонавий ривожланиш босқичидаги муҳим даврлардан бири 2007 йил бўлди. Шу йили “Беларусфильм” томонидан 7 та бадиий ва 5 та мультипликацион фильм чиқарилди. “Летопись” (“Солнома”) студияси эса 29 та ҳужжатли картина яратди. Шу йилнинг ўзида киностудия фильмлари ўттиздан ортиқ халқаро ва маҳаллий кинофестивалларда иштирок этиб, 30 га яқин мукофотга сазовор бўлди. Фильмлар ишлаб чиқарилиши ва прокатида эришилган ижодий муваффақият ҳамда сезиларли иқтисодий натижалар туфайли беларусь киносидаги турғунликни баргараф этиш имкониятлари юзага келди. “Ватан ёхуд ўлим” (Алла Криницына, 2007), “Душманлар” (Мария Снежная, 2007), “Кадет” (Виталий Дудин, 2009) каби картиналар ўша йиллар тажрибасини намоён қилади.

Беларусь киносининг бугунги ривожда Россия, АҚШ, Польша, Германия сингари қатор хорижий мамлакат ижодкорлари билан олиб борилган ҳамкорлик ишлари яхши натижа бермоқда. Ўтган йиллар мисолида “Брест кўрғони” (Россия, Беларусь, 2010, Александр Котт), “Роль” (Россия, Финландия, Германия, Беларусь, 2013, Константин Лопушанский) ана шундай муваффақиятли ҳамкорлик ишларидан бўлди. Қолаверса, 2018 йил суратга олинган “Биллур” (Дарья Жук) фильми ҳам кино мутахассислар ва томошабинлар томонидан эътироф этилди.

Ҳозир Беларусь киносида уруш мавзусидаги фильмлардан ташқари, ижтимоий-маиший аҳамиятга эга бўлган комедия, мелодрама ва драма жанрларидаги картиналар ҳам кўпайиб бормоқда.

Азиз МАТЁҚУБОВ

тайёрлади

МУСИҚА

Беларусь мусиқа санъати миллат маданиятининг йирик тармоғини ташкил этиб, унинг тарихий ривожланиши даврий ҳамда мазмун жиҳатидан халқ ижодиёти ва замонавий мусиқа йўналишларини ўзида мужассам этади.

Беларусь фолклори Шарқий славян халқлари қадимий маданиятининг бир қисми бўлиб, унинг асосини маросим кўшиқлари, яъни тўй, таътил, чўмилиш, йўғим-терим ва бошқа маиший турмушга оид мавзулардаги халқ оғзаки ижоди ташкил этади. Миллий мусиқа халқ рақслари ва ўйинлари билан уйғун ҳолда ривож топган. Дуда, жалеяка, нудок, лира, скрипка, цимбал каби чолғулар халқнинг асосий ва азалий созлари ҳисобланади.

Мамлакат ҳудудида мусиқа маданиятининг соҳа сифатида ривожланиши ўрта асрларга тўғри келади. Полотск князлиги даврида Беларусда дав-

лат томонидан мусиқа таълими жорий этилгани бунга гувоҳлик беради. Қадимги рус давлатчилигида, кейинчалик Буюк Литва князлиги даврида ибодат мусикаси кенг ривожланиши бу миллат мусикасига ҳам бевоҳита таъсир кўрсатгани табиий. Ушбу даврда қурилган православ черковлари профессионал мусиқа санъатининг марказлари бўлган.

Уйғониш даврида яшаган беларусь композиторларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида мавжуд маълумотлар жуда кам бўлса-да, улар давр руҳини ҳис этиш ва ўша даврдаги мусикачилар ижодининг кўламини баҳолаш имкониятини беради. Беларусь халқининг бу давр мусикаси ҳақида маълумот берувчи энг асосий ёдгорликлар “Полоцк дафтари” ва “Курантлар” тўплами ҳисобланади.

Барокко даври мусикаси XV асрдан бошлаб Беларусь шаҳарларида ривожлана бошлаган. XVII–XVIII асрларда, асосан, хусусий типдаги театрлар ва польяк-литва капиталистларининг капеллалари беларусь киборлари мусикий маданиятининг марказлари бўлган.

Беларусь ерлари Шарқий славянлар оралиғи ва Ғарбий Европага яқин жойда экани савдо ва маданиятнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган бўлишига қарамай, геосиёсий жиҳатдан салбий оқибатлар келтирган. Қадим замонлардан бери Беларусь кўплаб ҳалокатли урушлар саҳнасига айланиб, маданий ва бадиий кадрятлари, жумладан, мусикий ёдгорликлари яқсон бўлган ёки чет элга олиб кетилган. Йигирманчи асргача кучли давлатчиликнинг йўқлиги халқнинг мусиқа маданияти соҳасида ҳам маълум чекинишлар пайдо қилган.

XX асрга келиб, Беларусь мусиқа маданияти янгидан ривожланиш даврини бошлайди. Жаҳон маданиятининг энг яхши анъаналарига эргашган ҳолда миллий санъатни яратиш ғояси миллатнинг кўплаб истеъдодлари ижодида амалга ошиб борди. Бугунги кунда Беларусь мусикаси алоҳида маданий ҳодиса сифатида мавжуддир.

Беларусь профессионал мусикаси турли миллатлар мусикий маданияти кесишмасида ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатган бўлишига қарамай, ўз миллий хусусиятларини сақлаб қолган. Ўтган аср бошларида мамлакатда мусиқа таълими ва имкониятлари жадал ривожланди. Жумладан, 1927 йилда Давлат симфоник оркестри, 1930 йилда Давлат халқ оркестри, 1933 йилда беларусь опера ва балет студияси, 1932 йилда Беларусь Консерваторияси, 1937 йилда Беларусь филармонияси, 1938 йилда Композиторлар уюшмаси, 1940 йилда эса Беларусь ашула ва рақс ансамбллари кетма-кетликда ташкил этилди. Булардан ташқари кўплаб театрлар, мусиқа мактаблари фаолият бошлади.

Беларусь Консерваториясида М.Римский-Корсаковнинг шогирди В.Золотарёв бошчилигида беларуслик кўплаб ёш мусикачилар авлоди етишиб чиқди. В.Золотарёв, А.Богатиревлар миллий бастакорлик мактабининг шаклланишига катта жонбозлик кўрсатган сиймолар ҳисобланади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида беларусь мусикачилари орасида жазга қизиқиш ортди, бу рус эстрада санъатининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатди. Беларусда жаз тараққиёти Ж.Белзатский ва Э.Рознер номлари билан боғлиқ. Республикада уларнинг ташаббуси билан 1940 йилда БССР Жаз оркестрига асос солинган. Э.Рознер бошчилигида оркестр ўз даврида мамлакатнинг энг яхши жамоаларидан бирига айланади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан беларусь мусикаси янги босқичда ривожланишда давом этди. Беларуснинг фахри бўлган машхур композитор ва пиониночи А.И.Абрамович беларусь халқ оҳангларидан узоқлашмай, миллий колоритга бой асарлари билан ном қозонди. 1960–1970 йиллар оралиғида профессионал бастакорлар Й.Семеняко, Э.Заритский, Э.Ханка, И.Лученко, В.Будник, В.Иванов, Л.Захлевний, В.Доморатскийлар ижодий майдонга чиқди. Беларусь телевиденияси ва радиосининг поп-симфоник оркестри, М.Финберг раҳбарлигидаги Минск оркестри фаолияти йўлга қўйилди. Поп кўшиқчилари Н.Богуславская, В.Вуячич, Т.Раевская, О.Шутова ҳамда эстрада йўналишида Измайил Капланов, Владимир Доморатский, Владимир Кондрусевич, Николай Литвин, Лариса Мурашко каби хонандаларнинг ижоди мамлакатдан ташқарида ҳам шуҳрат қозонди.

80-йилларга келиб, беларусь мусика маданиятининг юксалишлари А.Богатирев, Э.Тикотский, Д.Смолский каби бастакорлар номлари билан боғланди. 1970–1990-йиллар оралиғида ижод қилган А.Бондаренко, А.Мдивани, В.Кузнецов каби композиторлар ижодий кучларини миллий мавзуларни ривожлантиришга қаратдилар. Шунинг баробарида В.Войтсик, А.Сонин, Ж.Поплавская каби бастакорлар ижодида Беларусь мусикий авангарди Ғарбий Европа мусикаси ютуқларига ҳамоҳанг равишда шаклланиб борди. Беларусдан чиққан бастакорларнинг миллат мусика олтин фондидан жой олган энг яхши ютуқлари жаҳон мусика маданияти хазинасини бойитди.

Мусика санъатининг ҳозирги оммабоп йўналишлари билан бирга Беларусь академик мусикасининг анъаналари ҳам мамлакатдаги етакчи ижодий жамоалар фаолиятида давом этиб келмоқда. Беларусь Республикаси Президенти оркестри, Миллий симфоник ва эстрада оркестри, Давлат академик симфоник оркестри, Давлат академик хор капелласи, Г.Цитович номидаги Миллий академик халқ хори ва шу каби қатор вокал-чолғу жамоалари академик мусикий санъат ривожини учун хизмат қилмоқда.

Замонавий беларусь мусикаси санъатида поп ва рок йўналишлари муҳим ўрин тутди. Мусика ва театр санъатининг ривожини оперетта, комедия-фарс, поп мусика жанрлари кенг оммалашди. Беларуснинг номдор опера гуруҳлари ва ижрочилари Н.Караффа, Н.Муранская, М.Каринская, Й.Богуславскийлар соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшишди.

Ҳозирги вақтда халқ орасида машхур “Брутто”, “Ляпис-98”, “Волски”, “Крамбамбуля”, “Акуте”, “Без билета”, “Низкиз” каби кўплаб поп ва рок жамоалари мавжуд.

Беларусда ўттиздан ортиқ халқаро ва мамлакат микёсидаги мусика фестиваллари ташкил этилган. Жумладан, ҳар йили мамлакатнинг турли шаҳарларида “Беларусь мусикий кузи”, “Минск баҳори”, “Олтин Шлягер”, “Несвиж музалари”, Полоцк қадимий ва замонавий мусика фестивали, “Витебскда славян бозори” сингари нуфузли фестиваллар доимий равишда ўтказилади.

Ўтқир АБДУЛЛАЕВ
тайёрлади

РАҚС

Ҳар бир халқнинг ўз маданияти, санъати, рақс анъаналари, ижро услуби бўлганидек, беларусь халқининг ҳам узок тарихга эга рақс санъати миллатнинг ўзига хос урф-одат ва анъаналарини ўзида мужассам этади.

Беларусь миллий рақс санъати тарихий, ижтимоий шароит таъсирида таркиб топиб ривожланиб келган. Беларусь халқи асрлар давомидаги ривожланиш жараёнида ўзининг миллий урф-одатлари, анъаналари, шу билан бирга миллий рақс санъатини ўзлигича сақланиб қолиши учун курашиб келди.

Беларусь халқ рақслари миллат маданиятининг ажралмас қисми сифатида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, унинг тарихий илдизлари XIV–XVI асрларга бориб тақалади.

Бу миллат рақсларидаги эмоционаллик, жўшқинликнинг устунлигида халқнинг характери сезилиб туради. Беларусь рақсларида халқнинг ижодкорлиги, хулқ-атвори, характерини бадний акси бўлган кувноклик жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар бир рақс ўз мусикий асарига, ўзига хос ритмик сайқалга эга. Халқ рақслари ижрочи ва томошабинга шўх хатти-ҳаракатларга бойлиги билан завқ бағишлайди. Беларусь миллий рақсларини гармон ва скрипка каби мусиқа асбобларининг жўрлигисиз тасаввур қилиш қийин. Деярли барча Беларусь рақслари жуфтлик ва оммавий шаклда ижро этилади. Раққосларнинг ҳаракати жадалликка, ички кўтаринки руҳга эга. Ижрочи рақс ижро этар экан, ҳаракатлари орқали ўзининг ҳаёти, иши, ҳаётга муносабатини ифодалайди.

Рақс санъати инсоннинг меҳнат жараёни ва борлиқдан олган ҳиссий таассуротлари билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Бу санъат дастлаб қўшиқ ва сўз билан боғлиқ бўлиб, кейинчалик мустақил санъат турига айланган. Рақс асрлар давомида такомиллашиб, барқарор шаклларга эга бўлиб борган. Ижрочининг либоси рақсга образлилик бахш этган.



Турли тарихий вазиятларда беларусь миллий рақслари авлоддан авлодга ўтиб, йўқотилаёзган вақтларда театр труппалари уларнинг асл шаклини сақлаб қолишга хизмат қилган. Беларусь рақслари режиссёр ва актёр Игнат Буйницкийнинг саъй-ҳаракатлари билан нафақат Беларусда, балки қўшни давлатларнинг катта саҳналарида ижро этилган.

1907 йилда бошланган Игнат Бурицкий бошчилигидаги театр жамоасининг ижодий ишлари ўз концертларида беларусь ёзувчиларининг шеърларини кўшиқ қилиб куйлашар, шу билан бирга халққа яхши таниш бўлган миллий кўшиқлар ва рақсларни ижро этишарди. Буйницкий саҳналаштирган ижодий ишларида беларусь фольклоридан узоқлашмасди. Шунинг натижасида миллий халқ куйлари ва рақслари киёфасини йўқотмай, тикланиб борди. Уларнинг чиқишлари Беларусь саҳналарида муваффақият қозонгач, Варшава, Санкт-Петербург ва Москва шаҳарларининг маданият саройларида беларусь миллий халқ рақслари тўғарақлари иш бошлади. Ўша даврдан бошлаб, Беларусда ҳеч қандай маросим ва тадбирлар миллий рақсларсиз ўтмайди.

Собиқ иттифок даврида Беларусь маданияти ўша давр умумий маданиятининг бир қисми бўлиб келган, аммо шунга қарамай, миллий рақс санъати ривожланиб борди. Беларусь халқи ўз тарихи давомида кўплаб ёрқин, оригинал рақслар яратди.

Беларусь миллий рақслари халқ тўйлари, Купалья байрами, “Зажинок” ва “Дожинок” (қишлоқ хўжалиги ишларининг бошланиши ва тугаши) каби халқ миллий байрамларида ижро қилувчи рақслардан таркиб топган. Қиш ойларида қишлоқларда йигит ва қизларнинг йиғилиб рақс байрамлари ташкиллаштирилиши анъана тусига айланиб қолган. Бу халқ ўзининг меҳнатсевар, қалби қайноқ ва қувноқлик характерини ўз миллий рақсларида ифодалайди.

Беларусь миллий хореографиясида энг кўп ёдга олинган ва ижро этиладиган рақслари қуйидагилар: “Лявони́ха”, “Крижачок” “Юрачка”, “Полька-Янка”, “Чарот”, “Бульба”, “Таукачки”, “Чобати”, “Лянок”, “Кола”, “Ручники”, “Млинок”, “Касци”, “Козачка”, “Мяцелица”, “Микита”, “Дударики”, “Бичок”, “Казирини” ва шунга ўхшаш барча халқ рақслари Беларусь аҳолиси ва МДХ мамлакатлари аҳолиси орасида анча машҳур.

Ушбу халқ миллий рақслари ҳозирги кунда ҳам Беларуснинг миллий байрамларида, катта саҳналарда, тўй-тантаналарда фаол намойиш этилади.

Юқорида номлари санаб ўтилган миллий рақсларнинг ҳар бирининг ўзига хос келиб чиқиш тарихи мавжуд.

“Лявони́ха” – шўх суратда ижро қилинадиган қадимий фольклор рақси. У “Лявони́х Лявонни севар эди” деган жумла билан бошланувчи кўшиққа ижро этилган. Ушбу рақс ҳаракатлари жуда тезкор бўлгани билан ўта содда бўлиб, уни исталган жуфтлик ижро этиши мумкин бўлган. Қадимда беларусь халқи севиб ижро этган бу рақс, афсуски, ҳозирги кунда фақат махсус саҳналарда сақланиб қолмоқда.

“Бульба” – халқ рақси қадимда қишлоқ аҳлининг картошка теримидан сўнг нишонланган байрамларида ижро этилган. Ушбу рақс қўллар орқага тугилган ҳолатда оёқларнинг фаол ҳаракати билан ижро этилади. Бунинг маъноси картошка терими жараёнида деҳқонларнинг қўллари қорайиб, ювгандан сўнг ҳам унинг изи қолишини билдирган. Деҳқонлар эса теримдан кейин қорайиб қолган қўллари орқага тугиб хурсандчиликларини давом

эттиришган. Бу ракс одамларнинг машаққатли ишдан кейин марокли дам олишининг ажойиб намунаси сифатида сақланиб қолган.

“Млинок” – ракси тегирмондаги ишни ифодалайди. Рақснинг ўзига хос хусусиятлари мураккаб усуллари ва ҳаракатлари билан ажралиб туради. “Млинок” ракси беларусь халки турмуш тарзи билан боғлиқ миллий колоритга бой ижод намунаси.

“Кола” фольклор миллий ракси – ёзги таътиллarda нишонланадиган Купала байрамида кўпроқ ижро этилади. Ракс номи “айлана”, “ғилдирак” маъноларини англатади. Ижрочилар айлана шаклини ҳосил қилган ҳолатда раксга тушишади. “Кола” ракси иштирокчилари оламга иссиқлик сочаётган куёшни олқишлашади.

“Малациночка” – бу ракс XX асрнинг 50-йилларида пайдо бўлган. Рақснинг “ватани” Витебск вилоятидаги Орша туманидир. Унда тебраниш, тампинг, перкуссия каби ритмик элементлар мавжуд. Буларнинг барчаси хирмон йиғувчи машинанинг ритмини акс эттиради.

“Таукачик” – беларусларнинг энг қадимий ракси ҳисобланади. Рақснинг хатти-ҳаракатлари ижро этилаётган кўшиқ матнини сўзма-сўз ифодалаши билан кизикардир.

“Казачок” – бу рақсни нафақат Беларусда, балки кўплаб славян халқлари севиб ижро этишади. Айтиш жоизки, мазкур ракс ўзининг ижро услуби, янги ҳаракатлари ва хореографик элементлари билан бошқа рақслардан ажралиб туради. “Казачок” ракси ижроқидан катта маҳорат талаб этади.

“Юрачка” – ракси жуда кизикарли ва юморга бой бўлиб, комик характерли Юрачка образининг қувноқ ҳаракатларига асосланади. Ракс айлана шаклда ижро этилади. Яъни, барча жуфтликлар Юрачка атрофида айланиб раксга тушадилар.

Бу каби рақслар беларусь халки маданиятининг қимматли бойлиги ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда турфа замонавий рақслар билан уйғунлашган янги-янги ракс шакллари юзага келиб, кенг ривожланиб бормокда.

*Нилуфар АХМЕДОВА
тайёрлади*





Айседора ДУНКАН

(1877–1927)

САҲНАДАГИ АФРОДИТА

(Эссе)

*Рус тилидан
Гулбаҳор САИД ҒАНИ
таржумаси*

Америкалик буюк раққоса Айседора Дункан XX аср дунё санъатининг энг машхур намояндаларидан биридир. 1877 йил 27 майда Американинг Сан-Франциско шаҳрида таваллуд топган раққоса умри бўйи жаҳон кезиб, санъатига муносиб макон излаб ўтди. Айседоранинг ҳаёти ўзи айтиб ўтгани каби фақат икки буюк йўл – санъат ва муҳаббат йўлидан иборат эди. Раққоса ярим асрлик умри давомида ҳаётнинг ҳар қандай мушкилотларида ҳам шу икки йўлдан чекинмайди. У дунёнинг ҳеч бир қонун ва чекловларига қулоқ тутмай, фақат қалб амри-ла яшаб ўтди. У фақат табиатга, унинг мукамал қонунларига ва албатта, табиатнинг бир қисми бўлган ўз жисмининг қудратига ишонарди. Эркинликка ташна руҳи, қалб туйғулари рақсларида акс этар, ўзгаларни ҳайратга соларди.

Шу билан бирга, Айседоранинг фавқуллодда истеъдоди, бўйсунмас, ўжар феъл-атворини, ижтимоий-диний чегараларга мувофиқ тушмайдиган ўзгача хулқ-атворини жамиятнинг ақсар қисми қабул қила олмасди. Аммо Айседора уларни бошқа йўл билан – санъати билан таслим этарди. Кичкинагина жуссаси билан жаҳоннинг неча-неча улкан саҳналарида илҳомини тўсувчи ҳар қандай либосу тақинчоқлардан холи, яланг оёқда чир айланиб рақс тушган бу аёл “муза”га қиёс этилиши бежиз эмасди. Санъатда инқилоб яшаш, янги йўللار очиш фақатгина фавқуллодда истеъдод соҳибларига насиб қилган. Айседора Дункан ўзини ҳеч қачон реал ҳаётда яшаётган жамиятнинг бир вакили, шунчаки бир тирик жон деб эмас, худди қадим юнон афсоналарининг давоми, бугунги дунёнинг афсоналар яратишга қодир қаҳрамони сифатида ҳис этиб яшаган. Ҳатто унинг бетакрор кинокадр янглиғ ўлими ҳам дунёга янги афсона бўлди.

Буюк раққоса шон-шухратнинг мисли кўрилмаган чўққиларини забт этган паллаларида унга ўз ҳаёти ҳақида китоб ёзишни таклиф қилишади. 1927 йилда у ўз ҳаёти ҳақидаги хотиралари ва кечинмаларини ёза бошлайди. Аммо бу китобни ёзиб тугатолмайди. У 1927 йилнинг 14 сентябрида автоҳалокатда вафот этади.

Куйида Айседора Дункан автобиографик китобининг қоғозга туширишга улгурган қисмидан айрим бобларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Буюк раққосанинг шахсий олами ва фавқуллодда истеъдоди ҳақида ўз тилидан баён этилган сўзлар сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Таҳририят

Менга илк бора ҳаётим ҳақида китоб ёзишни таклиф қилишганида очиги, даҳшатга тушдим. Мени чўчитган нарса – ҳаётим бирор роман бўлгулик кизиқарли эмаслиги ёки кинофильмлардагидек саргузаштларга бой бўлмагани ва ёхуд ёзган китобимнинг шов-шув бўлиш-бўлмаслиги ҳақидаги хавотирлар эмас, шунчаки уни ёзиш даҳшати олдимда тургани эди!

Биз ўзимиз ҳақимиздаги ҳақиқатни қандай қилиб ёзамиз? Уни биламизми ўзи? Биз ҳақимизда атрофда жуда кўп тасаввурлар мавжуд. Масалан, ўз шахсий фикримиз, дўстларимизнинг фикрлари, севган инсонимизнинг фикри, борсин, яна душманларимизнинг фикри...

Менда ўзим ҳақимиздаги фикрларни барчасини билиш имконияти бор: эрталаблари менга қаҳва билан бирга келтирилган газеталардан ўзим ҳақимда ёзилган тақризларни ўқиб бораман. Биридан “маъбудалардек гўзал”лигим, даҳолигим тўғрисидаги мактовларни ўқиб хурсандчилигим аримай турганда, бошқа саҳифада истеъдодсизлигим, беўхшовлигим, ҳақиқий илоннинг ўзи эканлигим ҳақида ёзилган фикрларга дуч келаман. Кейинчалик ижодим ҳақидаги танқидларни ўқимай қўйдим. Чунки, айрим аҳмоқона гаплар кайфиятимни бузар ва ярамас туйғуларимни кўзготарди. Аммо мен фақат яхши фикр-мулоҳазаларни ёзишларини ҳам талаб қила олмасдим.

Берлинда бир танқидчи менинг мутлако мусикий кобилиятга эга эмаслигимни таъкидлаб, ҳақоратларга кўмиб юборди. Мен уни айтган фикрдан қайтариш қўлимдан келишига катъий ишончимни билдириб қўйиш учун кўришишни илтимос қилиб хат ёздим. Бир куни у келди. Столда рўпарама-рўпара ўтириб, нақ бир ярим соат давомида ўзимнинг мусика туфайли юзага келадиган томошабоп тана ҳаракатларим, мусика ва рак ҳақидаги шахсий назарияларим ҳақида шарҳ бердим. Сездимки, бу жаноб жуда салобатли ва қуруқ экан. Лекин мени тамоман ҳайратга солгани, шунча сўзларимдан кейин у чўнтагидан эшитиш найчасини олиб кулоклари мутлако қар эканини, ҳатто эшитиш найчасини тақиб томоша залининг биринчи каторида ўтирганда ҳам оркестрни деярли эшитмаслигини айтганида бўлди! Билиб-билмай айтган аччиқ фикрлари менга неча тунлар азоб берган одам мана ким бўлиб чиқди...

Атрофимиздагилар ҳар хил нукта назарлардан бизда турли одамларни кўрар экан, китобда одам ўзини қандай тасвирлаши мумкин? Ўзимни ифбатли Мадонна, Мессалина, Магдалина ёки Кўк Пайпоқ каби тасвирлайми? Менинг барча саргузаштларимни бошидан кечирган аёл образини қаердан топай?

Аёлми, эркакми, ҳаёт ҳақиқатларини ёзсагина буюк асарлар яратилади. Лекин ўз ҳаёти ҳақидаги мутлақ ҳақиқатни ёзишга ҳеч ким ботина олмайди. Жан-Жак Руссо калбининг сирли, энг тубда яширинган ўй ва фикрларидан пардани юлиб олди, натижада унинг буюк асари дунёга келди. Уолт Уитмен эса Америкага ҳақиқатни ошкор қилди. Унинг китоби бир вақтлар “ахлоқсизлик” дея тақиқланган эди. Эндиликда бу ифода бизга бемаъни туюлади.

Ҳеч бир аёл ўз ҳаёти ҳақида тўлиқ ҳақиқатни айтмаган. Аксарият машҳур аёлларнинг таржимаи ҳоллари асл ҳаёт ҳақида ҳеч бир тушунча

бермайдиган майда деталлар ва латифаларга тўла юзаки ҳисоботдан иборатдир. Улар шодлик ва изтиробнинг буюк дақиқалари ҳақида ажабланишли тарзда лом-мим демайдилар.

Менинг маҳоратим, санъатим – ўз борлигим ҳақидаги ҳақиқатни имо ва ҳаракатлар орқали ифодалашга уринишдир. Спектаклларимда тўпланган омма олдида тортинмаганман. Уларга қалбимнинг пинҳон ҳаракатларини ошкор этганман. Умрим бино бўлибдики, рақсга тушаман.

* * *

Боланинг феъл-атвори она қорнидаёқ аниқ бўлади. Онам менга ҳомиладорлик чоғида жуда аянчли аҳволда бўлиб, кучли рухий изтиробларни бошидан ўтказган. Унинг музлаган устрица¹лар ва шампандан бошқа нарса билан овқатланишга имкони бўлмаган. Қачон рақсга туша бошлаганим ҳақидаги саволларга мен доим шундай жавоб бераман: “Онамнинг қорнида эканлигимда, Афродитанинг таоми – устрица ва шампан таъсири остида бўлса керак...”

Ўша пайтда онам кўп фожиаларни бошидан кечирган, шунинг учун “туғилажак бола рисоладагидай бўлмаса керак” деб ўйлар, эси пастми, майибми, махлуksифат бир жон туғилади, деб ишонган экан. Дарҳақиқат, мен дунёга келишим билан зўр бериб кўлларим ва оёқларимни ҳаракатлантира бошлаган эканман. Онам эса ҳаяжон билан: “Кўрпясизларми, мен тамомила ҳақман, бола тентак!”, деб хитоб қилган экан. Кейинчалик эгнимга болалар кийимчасини кийдириб, мени стол ўртасига қўйишганида, чалинган ҳар қанака оҳангга рақсга тушаверадиган бутун оила ва дўстларининг овунчоғига айланган эканман.

Мен денгиз бўйида туғилганман ва ҳаётимдаги мисли кўрилмаган ҳодисалар унга яқин жойларда кечган. Менинг дастлабки рақсларим шаксиз тўлкинлар ритмидан туғилган. Мен денгиз кўпигидан чиқиб келган Афродита буржи остида туғилганман, унинг юлдузи чарақлаганида мен учун хуш воқеалар содир бўлади. Бундай пайтларда ҳаётим энгил кечади ва факат ижод қилишим мумкин. Бу юлдузнинг кўринмай қолиши, одатда, қатор бахтсизликлар келтиришини ҳам сездим. Бизнинг кунларимизда астрология илми эҳтимол қадимги мисрликлар ва халдейлар давридаги каби маънога эга эмасдир, лекин бизнинг руҳоний ҳаётимиз сайёралар таъсири остида бўлади. Агар ота-оналаримиз буни яхшироқ билганларида, янада чиройли болаларни дунёга келтириш учун юлдузлар илмини ўрганган бўлардилар.

Бундан ташқари, инсон ҳаёти унинг денгиз ёки тоғ ёқасида туғилганига қараб турлича шаклланади, деб ҳисоблайман. Тоғлар менда нотинчлик, ўнғайсизлик ва қаергадир қочиб кетиш ҳиссини пайдо қилганидек, денгиз ҳамшиша ўзига тортиб келган. Денгизда мен ернинг асири эканлигимни ҳис этаман. Тоғ чўққиларига қараб, саёхатчилар каби завқланолмайман, улардан тезроқ учиб ўтишга ва халос бўлишга ҳаракат қиламан. Менинг ҳаётим ва санъатим денгиз билан туғилган.

Онамдан ёшлигимизда камбағал бўлганлиги учун миннатдор бўлишим керак. У хизматчи ва гувернанткаларни ёллай олмасди, бу вазифага бола

¹ Моллюскалар оиласига мансуб, истеъмол қиладиган денгизда яшовчи жонзот.

чоғимдаёқ мен бевосита масъул эдим. Онам мусикачи эди, бир бурда нон топиш учун мусикадан сабоқ берарди. У кун бўйи уйда бўлмас, баъзан кечалари ўқувчиларининг уйларига бориб дарс берарди. Мен хибсхонага ўхшаб туюлган мактабни ташлаганимда бирам озод эдим. Денгиз бўйида ёлғиз юришим ва ўз хаёлларимга берилишим мумкин эди. Доимий равишда энагалари ва мураббийлари етовида юрувчи башанг кийинган болаларга раҳимин келарди. Ҳаётда уларга қандай имкониятлар берилган?

Онам жудаям банд бўлиб, биз болалари дуч келиши мумкин бўлган хавф ҳақида ўйлашга вақти бўлмасди. Шу боис акаларим билан баъзан онамизни қаттиқ ташвишга солгулик саргузаштларга берилардик. Бахтимизга онам булардан беҳабар коларди. Айни ўша ёввойи ва ҳеч нарсадан тап тортмайдиган болалигим ва у яратган озодлик билан рақс илҳомига муяссар бўлган эдим. Мен болалар ҳаётини ёппасига бахтсиз қиладиган доимий “мумкин эмас” деган сўзни мутлақо эшитмай ўсганман.

Мактабга жуда эрта, беш ёшимда борганман. Менимча, онам ёшимни аниқ айтмаган бўлса керак. Чунки, мени қолдириб, ишга кетиши учун бирор жой керак бўлган. Инсон ҳаётида кейинчалик нима қилиши кераклиги болалигидаёқ маълум бўлади, деб ўйлайман. Мен эса ўша пайтлардаёқ раққоса ва инқилобчи эдим. Ирланд оиласида тарбия топган онам отамнинг кўзига доим рашкчи католик аёл бўлиб кўринган. У тўрт боласи билан отамдан ажрашди. Шу дамдан бошлаб унинг католиклик эътиқоди ҳам маълум даражада маъносини йўқотган.

Дарвоқе, онам, сентименталлик – бўлмаган нарса деган қарорга келиб, бизга кичкина эканлигимиздаёқ Рождество бобонинг сирини очди. Натига шу бўлдики, ўқитувчи мактабда Рождество байрамида ширинликлар ва конфетлар тарқатиб, “Қаранглар, болалар, Қорбобо бизга нималар олиб келди” деганида, мен ўрнимдан туриб, тантанавор оҳангда “Мен сизга ишонмайман, ҳеч қанақанги Қорбобо йўқ”, деб айтдим. Ўқитувчи жуда кизишди. “Конфетлар фақат Қорбобого ишонадиган кизлар учун”, деди у. “У ҳолда менга конфетларингиз керак эмас”, дедим мен ҳам. Ўқитувчи баттар кизишиб кетди ва мени олдинга чиқариб, бошқаларга ибрат бўлиши учун полга ўтиришимни буюрди.

“Мен алдовга ишонмайман, – кичқирдим мен. – Онам Қорбобо бўлиш учун камбағаллик қилишини айтган, фақат бой оналаргина Қорбобони бор этиши ва совғалар тайёрлаши мумкин”.

Ўқитувчи мени ушлаб олиб полга ўтқизмоқчи бўлди, лекин мен оёқларимни тираб олдим. Мақсадига етолмагач, мени бурчакка турғазди, лекин мен ўша ерда туриб ҳам “Қорбобо йўқ! Қорбобо йўқ!”, деб кичқаришда давом этдим, охир-оқибат у мени уйга жўнатиб юборишга мажбур бўлди.

Йўл бўйи “Қорбобо йўқ!” деб бақариб келдим. Конфетлардан мосуво қилиб, айтилган ҳақиқат учун жазолаганларида мен ҳис этган адолатсизлик туйғуси ҳеч қачон хотирамдан ўчмади. Онамга “Ахир мен ҳақ эдимми? Қорбобо йўқ-ку”, деганимда, у “Қорбобо йўқ, фақат ўз руҳинг сенга ёрдам бериши мумкин”, дея жавоб берди.

Менимча, мактабда бола оладиган умумий таълим мутлақо фойдасиз. Эсимда, мактабда мени энг хаёлпараст, синфда энг қолоқ, умидсиз ва аҳмоқ ўқувчи деб ҳисоблашарди. Ҳаммаси дарсда айтилганини ёдда сақлаб қололмаслигим билан боғлиқ эди. Ҳақиқатдан ҳам, мен гап нима

ҳақида бораётганини умуман тушунмасдим. Синф машгулотлари мен учун ўта зерикарли эди. Дарслар давомида соат милларига қараб, озод бўлиш онларини кутиб ўтирардим. Ҳақиқий таълимни эса мен кечқурун, онам Бетховен, Шуман, Шуберт, Моцарт ёки Шопендан қуй чалиб берганида ва Шекспир, Шелли, Китс ва Бёрнсдан ўқиб берганида олардим. Бу соатлар мени тўлиқ ўзига мафтун этарди. Онам шеърларнинг катта қисмини ёддан ўқирди.

Бир сафар ўқитувчи ҳар бир ўқувчи ўз ҳаётини ёзиб келишини талаб қилганида, менинг ҳикоям тахминан қуйидагича эди: “Беш ёшда эканимда уйчамиз йигирма учинчи кўчада эди. Биз у ерда қололмадик, чунки квартира учун пул тўлай олмадик ва ўн еттинчи кўчага кўчиб ўтдик. Пулимиз оз эди, уй эгаси бизни тинч яшашга қўймаган. Кейинчалик йигирма иккинчи кўчага ўтдик. Кейин яна ўнинчи кўчага кўчдик”. Ҳикоя шу тариқа ҳисобсиз кўчишлар билан давом этди. Уни ўқиб бериш учун ўрнимдан турганимда ўқитувчи жуда аччиқланди. У буни бемаъни ҳазил деб ўйлади ва мени бошлиқ олдига жўнатди. У эса онамни чақирди. Бечора онам иншомни ўқиб йиғлади ва унда фақат ҳақиқат ёзилган деди. Бизнинг ҳаётимиз шундай дарбадар кечган эди.

Лекин мен уйимизда қамбағалликдан азоб чекканимни эслай олмаيمان, негаки, ҳаммаси қандай бўлса шундай қабул қилинарди. Мен фақат мактабда азоб чекардим. Ёдимда қолгани шуки, умумий мактаблар тизими ахлоқ тузатиш муассасаларидаги каби ўта аянчли эди. Менинг эса доим бундан ғазабим қайнарди.

Олти ёшларимда онам уйга қайтар экан, кўшниларининг хали юришни ҳам билмайдиган гўдақларини тўплаб, уларни полга ўтказиб қўлларини ҳаракатлантиришни ўргатаётганимни кўриб қолган. Тушунтириб беришимни сўраганида, мен унга бу менинг ракс мактабим эканини айтганман. Онам бундан завқланиб, рояль олдига ўтириб, қуй чала бошлади. Бир оз вақт ўтиб теварак-атрофдаги қизчалар ёнимга кела бошлади, уларнинг ота-оналари ўқиш учун оз-оздан пул ҳам тўлай бошладилар.

Ўн ёшга тўлганимда синф жуда кенгайиб кетди ва онамга мактабга бориш фойдасиз эканини билдирдим. Бу вақтни бекор ўтказиш, мен пул топа олар эканман, буни ундан муҳимроқ деб ҳисобладим. Бувимнинг тарбиясидаги Елизавета опам ҳам кейинчалик бизникига кўчиб келди ва у ҳам дарс бера бошлади. Мактабимиз анчагина шов-шув бўлганди, биз Сан-Францисконинг энг бадавлат хонадонларида дарс берардик.

Мен ҳеч қачон отамни кўрмаганман, чунки онам эмизикли чоғимдаёқ у билан ажрашган. Бир сафар холаларимнинг биридан отам борми-йўқми, деб сўраганимда: “Сенинг отанг онангнинг ҳаётини хазон қилган шайтон эди”, – деб жавоб берганди. Ўшандан бери отамни расмли китоблардаги шохлари ва думи бор шайтон кўринишида чизардим. Мактабда оталар ҳақида гапирилганда, жим турар эдим.

Етти ёшдалигимда биз учинчи қаватдаги икки хонали бўш уйда яшардик, бир куни кўнгиноқ чалинганини эшитиб, эшикни очдим у бошига цилиндр кийган жуда чиройли бир жанобни кўрдим. У мендан сўради:

– Дункан хонимнинг квартирасини менга кўрсатиб юборолмайсизми?

– Мен Дункан хонимнинг кизиман, – деб жавоб бердим.

– Наҳотки бу менинг маликам Мопсик бўлса? – сўради нотаниш одам. (Гўдаклик чоғимда у мени шундай атаган экан). У бирданига мени кучоқлаб олиб, ўпичлар ва кўзёшларга кўмиб ташлади. Мен бундай хатти-ҳаракатдан хайрон бўлиб, унинг кимлигини сўрадим.

– Мен сенинг отангман – деди у кўзида ёш билан.

Мен бундан ҳаяжонга тушдим ва уйдагиларга айтиш учун югурдим.

– Бир киши келди, менга отангман, деяпти.

Онам бирдан ранги оқарган, асабийлашган ҳолда ўрнидан турди ва бошқа хонага кириб, ичкаридан кулфлаб олди. Акаларимдан бири каравот тагига яширинди, иккинчиси шкаф ичига. Опамнинг эса жазаваси тутди.

– Унга айтинглар, кетсин, кетсин, – деб бакиришарди улар.

Мен тамоман лол эдим, лекин одоб саклаган ҳолда дахлизга чиқдим ва:

– Уйимиздагилар ўзларини ёмон хис қилишяпти, бугун ҳеч кимни қабул қилолмайдилар, – дедим.

Нотаниш одам кўлимдан ушлади ва у билан бироз айланишимни сўради. Биз зинадан пастга тушиб, кўчага чиқдик. Мен бу чиройли одам менинг отамлигини ва тасаввур қилганимдек унинг ҳеч қандай думи, шохлари йўқлигини ўйлардим, ёнида ҳаяжон билан сакраб-сакраб юрардим. У мени пишириқлар цехига олиб борди, музқаймоқ ва ширинликларга кўмиб ташлади. Уйга ёввойи шодлик билан қайтдим, лекин оилам тушқун кайфиятда эди.

– У шунчаки ажойиб одам, эртага яна келиб, музқаймоқ билан меҳмон қилмоқчи, – дедим.

Лекин уйдагилар уни кўришни истамадилар, отам эса Лос-Анжелесдаги бошқа оиласи ёнига қайтди. Бу воқеадан кейин то яна тўсатдан пайдо бўлмагунича отамни кўрмадим. Онам энди бироз юмшаган, хатто у билан кўришишга рози бўлганди. Отам бизга катта ракс заллари, теннис майдони, омбори ва шамол тегирмони бор чиройли уй совға қилди. Совғадан шу нарса маълум бўлдики, отамиз омади чопиб, тўртинчи марта бойиб кетган. У ҳаётида уч марта катта бойлик орттирган ва уч марта барини йўқотган. Вақт ўтиши билан тўртинчи бойлик ҳам созурилди. Шу билан бизга берилган уй ҳам, бошқа нарсалар ҳам қўлдан кетди. Биз бу уйда яшай бошлаганимизда, оиламиз билан омборхонада кичик театр ташкил қилиб, томошалар ташкил этардик. Мен ракс тушардим, Августин шеър ўқирди, Елизавета ва Раймонд иштирокида комедия кўйиларди.

Хонавайрон бўлишидан аввал отам билан кўришганимизда у кишининг шоир эканини билдим. Унинг бир шеъри бор эди, унда менинг бутун ҳаётим, шуҳратим олдиндан башорат этилгандек эди гўё.

Отам ва онамнинг таржимаи холи менинг ҳаётимга катта таъсир ўтказган. Бошқа жиҳатдан эса ақлимни сентиментал романлар ўқиш билан тўйинтирганман. Никоҳнинг амалий натижаси, кўрқинчли “ажрим” сўзи онгимнинг таъсирчан қаватларига мухрланиб қолган эди. Буларнинг ҳаммасига жавобни ўзим топишга уринардим, чунки бировдан сўрай олмадим.

Ўқиган романларимнинг кўпчилиги тўй ёки бахт-саодат билан тугарди. Лекин Жорж Элиотнинг “Адам Вид”и каби айрим китоблар сюжетида турмушга чикмаган киз, ношуд фарзанд ва бечора онанинг бошига

тушган кўрқинчли шармандаликлар учраб турарди. Бундай ҳолларда аёлга нисбатан адолатсизликлар менга қаттиқ таъсир қиларди. Мен ўз ота-онамнинг ҳаёти мисолида аёллар озодлиги, аёл ўз ихтиёри билан фарзандлар дунёга келтириши учун, никоҳ деган расмиятга қарши курашиш учун яшашга қарор қилдим.

Ўн икки ёшли кизалоқнинг бундай хулосага келиши жуда ажаблаларли туюлади, лекин ҳаётини шароит мени чиндан эрта улғайтирганди. Мен никоҳ ҳақидаги қонунларни ўргана бошладим ва аёлларнинг қуллик даражасига тушиб қолганидан тугёнга келдим. Эри аёллар, онамнинг дугоналарини юзига тикилиб, ҳар бирида куйдириб, қул қилган рашк аломати ва қуллик тамғасини кўрдим. Шундагина мен ҳеч қачон бундай ҳолга тушмайман, деб онт ичдим. Бу онт қайсидир маънода мени онамдан бегоналаштирган, одамлар, бутун дунё менинг йўлимни нотўғри деб тушунган. Аммо мен ўзлимни шундай асраб қолдим. Никоҳнинг йўқолиши – шўро ҳукумати томонидан қўлланган ижобий чоралардан биридир. Икки шахс китобга имзо қўяди, уларнинг имзоси остида эса: “Ушбу имзо никоҳланувчиларнинг ҳеч қандай мажбуриятини истифода этмайди ва икки томондан исталган бирининг хоҳиши билан ноқонуний деб ҳисобланиши мумкин”, деган мазмунда изоҳи бор. Бундай никоҳ эркин фикрловчи аёл рози бўлиши мумкин бўлган ягона шартнома бўлиб, қачонлардир мен имзо чеккан никоҳ шартлари ҳам шундай шаклда эди.

Ҳозирги вақтда бу қарашларни озми-кўпми эркин фикрловчи аёллар тушунишади. Лекин йигирма йил олдин менинг турмушга чиқишдан бош тортганим ва аёлларнинг никоҳдан ташқари бола туғиш ҳукуки борлигига шахсий намуна кўрсатишим катта жанжалларга сабаб бўлган.

* * *

Онам туфайли болалиқдан барчамизнинг йўлимиз мусика ва шеърят билан боғланди. У кечкурунлари соатлаб рояль чалар, гоҳ мусикага, шеър ўқишга бутунлай берилиб кетганида бизни ҳам унутиб қўяр ва атрофда кечаётган ҳамма нарсага бефарқ бўлиб қоларди.

Августа холам ҳам ниҳоятда истеъдодли бўлган. У чиройли овози билан келажакда эркин қўшиқчи бўлиши мумкин эди. Лекин уларнинг ота-оналари санъатга оид ҳамма нарсани Иблисдан деб ҳисоблашган. Бошқача айтганда, унинг ҳаёти Американинг пуританча руҳи қурбони бўлган. Илк Америка келгиндилари олиб келган бундай тушунчалар санъаткорлик қобилиятга эга саноксиз тақдирларни ҳалок этган!

Ҳозирги кунда санъаткор аёлларга нисбатан бундай қарашлар ўзгарган. Биз томиримизда ирланд қони билан ушбу пуританча ҳукмларга болалиқданок қарши турганмиз.

Биз яшаган жамиятнинг бикикчилигига, турли чекловларга қарши мурғак руҳимда уйғонган исён туфайли менда нима учундир мислсиз кенглик бўлиб туюлган Шарққа талпиниш ҳисси ўсиб борарди. Шунинг учун мен яқинларимга “Биз бу ерни тарк этишимиз керак, биз бу ерда ҳеч қачон ҳеч нарсага эришмаймиз”, деган сўзларни кўп такрорлаганим эсимда.

Оиламдагилар ичида энг уддабуруни мен эдим. Уйда егани ҳеч вақо қолмаган пайтлари қассобхонага бориб, нигоҳларим билан қассобнинг

бизга қўй гўштли котлетлар беришига мажбур қилардим. Ишонтириш қобилиятим учун қарзга нон олгани нонпазнинг олдига юборишарди. Булар менга қизикарли саргузашт бўлиб туюларди. Уйга ўйинга тушиб, ўлжани кўтариб, ўзимни катта йўлдаги қароқчидек ҳис қилиб кириб келардим. Бу яхши тарбия эди, чунки баджаҳл кассобларни аврашни эплар эканман, кейинчалик баджаҳл театр антрепренерларига (тадбиркорларига) қарши тура олиш малакасини ўргандим.

Биз оилавий ўқитувчилик қилиб кун кўрардик. Мен болаларга ракс ўргатиш учун уйда мактаб очдим. Биз сабоқларимизни янги ракс тизими деб атадик, аслида ҳеч қандай янги тизим йўқ эди. Мен миямга нима келса, гўзалликка йўғиргандим, ўз хаёлотим билан бироз кўпиртиргандим. Биринчи раксларимдан бири Лонгфеллонинг “Мен бўшлиққа камон отдим” поэмаси эди. Болаларга шеър ўқиб, уларни ишора ва ҳаракатларимни такрорлашга ўргатардим. Кечалари онам муסיқа чалар, мен эса ракслар ўйлаб топардим. Кечкурунлари уйимизга келиб турадиган дўстимиз, ёқимли бир кампир мен унга Фанни Эльслерни эслатишимни айтарди ва бизга унинг ютуқлари ҳақида гапириб берарди. “Айседора иккинчи Фанни Эльслер бўлади”, – дерди ва менда шухратпараст орзулар уйғотарди.

У онамга мени Сан-Францискодаги машҳур балетмейстерга олиб боришни тавсия қилди, лекин менга унинг дарслари ёқмади. Ўқитувчи менга оёқ учида туришни буюрганида, нега деб сўрадим. У эса “чунки бу чиройли” деб жавоб берди.

– Бу аҳмоқлик ва нотабий, – эътироз билдирдим мен.

Учинчи дарсдан кейин у ерга қайтиб бормади. Чунки у ракс деб атаётган, нуқул куч сарфланадиган ва қўпол гимнастика факатгина хаёлларимни чекларди. Мен эса бутунлай бошқача раксни орзу қилардим. Уни қандай бўлишини аниқ тасаввур қилолмасдим, лекин кўринмас, хали номаълум оламга қараб борардим. Қалитни топсам бўлди, унга кириб оламан деб ҳисоблардим. Болалигимданок санъатим ўзимда яширин ва онамнинг қахрамонона ва саргузаштларга мойил руҳи туфайли бўғилмаган эди. Одам умрида нима қилиши керак бўлса, шуни болалигиданок бошлаши керакдек туюлади. Шуниси қизикки, аксарият ота-оналар болаларига мажбурий маълумот олиб бериш билан уларни тобора маиший ҳаётга итариб, ҳаётда гўзаллик ва оригинал нимадир яратиш учун ҳар қандай имкониятдан маҳрум қилаётганликлари ҳақида ўйлашармикин? Бир жиҳатдан бу ҳам керак, йўқса, ким ҳам бизга ўзларини худди тараққий этган ва жамиятга ўта кераклидай сезувчи банклару магазинлар ва ҳоказо ташкилотлардаги минглаб ҳодимларни берарди.

Онам ҳам мажбурий таълим орқали бизни ҳаётга мослашган фуқароларга айлантириши мумкин эди. Аммо баъзан етишмовчиликдан сиқилаётганида: “Нега тўрталангиз ҳам санъаткорсизлар, бирорта амалий фойдаси тегадиган соҳани танлаган киши йўқ” – деб қайғуриб қўярди. Лекин биз ҳаммамиз унинг гўзал ва исёнкор қалби туфайли санъаткор бўлганмиз. Онам моддиятга ўта бефарқ муносабатда бўлган ва бизни ҳам уйлар, мебеллар, умуман, буюм шаклидаги ҳар қандай мулкка улкан бепарволик билан қарашга ўргатган. У кишидан ўрناق олганим учун умрида ҳеч қачон қимматбаҳо тақинчоқ тақмаганман. Биз уларнинг ҳар қандайига ортикча юк деб қараганмиз.

Мақтабни ташлагач, китоб ўқишга кизиқдим. Биз яшаётган Окланд-да оммавий кутубхона бор эди, мен қанча узоқда яшасак ҳам ўша ёққа чопар эдим. Кутубхонани ажойиб ва гўзал аёл, калифорниялик шоира Айна Кулбрит бошқарарди. У ҳар сафар яхши китобларни сўраганимда хурсанд бўлаётгандек туюлар, чиройли кўзлари аланга ва эхтирос билан ёнарди. Кейинчалик билдимки, менинг отам бир маҳаллар шу аёлга жуда кизиқиб қолган экан. Эҳтимол, у отамнинг ўтмишидаги энг кучли муҳаббати бўлгандир шу сабабдан ғайритабиий куч мени унга тортган бўлиши мумкин.

Бу вақтда мен Диккенс, Теккерей, Шекспир асарларини яна минглаб яхши ва ёмон романларни бир четдан ямлаб ўқиб чиққандим. Мен роман ёзишга ҳам уриниб кўрдим, ундан ташқари, ўзим бутун материалини тайёрлаб, газета ҳам нашр қилардим. Буям камлик қилгандай, кундалик дафтар тутардим. Кундалигим учун шартли рақамлар ўйлаб топганман, негаки ўша вақтда бошқалардан катта бир сирни яшираётгандим – мен севиб қолгандим.

* * *

Болалар синфларидан ташқари яна бир нечта катта синф ўқувчиларини ҳам олгандик, уларга опам ўша пайтда “дунёвий рақслар” деб аталаган, яъни вальс, мазурка, полька ва бошқаларни ўргатарди. Бу ўқувчилар орасида иккита ёш одам бор эди: бири – шифокор, иккинчиси – аптекачи. Аптекачи ҳайратланарли кўркамлиги билан ажралиб турарди ва исмиyam ғалати – Верной эди. Мен ўшанда ўн бирга киргандим, лекин катталардек сочимни тепага турмаклаб, узун кўйлак киярдим. Кундалигимга телбаларча севиб қолганимни ёзгандим ва аниқки, шундай бўлган эди ҳам. Билмадим, буни Верной билганмиди, йўқми, чунки мен ўз эхтиросларимни ошкор қилишга жуда уялар эдим. Биз у билан рақсга тушгани балл ва кечаларга борардик. Кейин уйга қайтиб, ҳаяжондан тонггача кундалигим устида ўтирдим. Кундузи у аптекада ишлар, мен эса бир марта ёнидан ўтиш учун бир неча миль юриб борардим. Бир оғиз “Салом” деб айтиш учун жасорат йиғиб кирардим. Унинг қаерда яшашини ҳам билдим ва унинг деразасидан тушган нурга қараб туриш учун кечқурунлари атайлаб борардим. Бу кизиқиш икки йил давом этди ва жуда каттик изтироб чекаётгандай туюлдим. Охироскибат у окландлик оксуяк киз билан бўладиган тўйини эълон қилди. Армон тўла қайғумни кундалик саҳифаларига тўқдим ва ҳозиргача тўй кунини уни оқ либос кийган рангпар киз билан ёнма-ён черков бўйлаб бораётганини кўрганимда нималарни ҳис қилганимни эслайман. Шундан кейин мен у билан кўришмай кўйдим.

Сан-Францискодаги чиқишларимнинг бирида пардозхонамга оппоқ сочли, аммо ёш кўринадиган чиройи бир жаноб кирди. Мен уни дарҳол танидим. Бу Верной эди. Шунча йил ўтгандан кейин мен унга ўсмирлик эхтиросларимни айтишим мумкиндек туюлганди. Бу уни завклантиради деб ўйладим, лекин у ўлгудек кўрқиб кетди ва хотини – эрининг муҳаббатини сақлашда давом этаётган ўша рангпар киз ҳақида гапира кетди.

Биринчи муҳаббатим шундай эди. Мен телбаларча севиб қолгандим ва шундан кейин бошқа севмайман деб ўйлардим. Ҳозир мен сўнгги жўшқин

ва ҳалокатли тутқанокдан тузалапман. Агар шундай ифода қилиш мумкин бўлса, мен ҳаётимнинг сўнги пардаси олдидаги антрактдан фойдаланган ҳолда ўзимга келяпман ёки пьеса аллақачон тугаган?

* * *

Қайноқ июнь кунларида бувимдан қолган қадимги тақинчоқлар ва чўнтакда йигирма беш доллар билан Чикагога етиб келдик. Дарҳол ангажемент (вақтинчалик шартнома билан ишлаш, олдиндан тўлов – тарж.) оламан, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади, деб ишонардим. Лекин бундай бўлмади. Ҳар кун турли антрепренерлар олдига борардим. Улар рақсимни кўришарди. Лекин барчасининг фикри бир хил эди: “Жуда гўзал, аммо театр учун эмас”.

Ҳафталар ўтди, пулларимизнинг охири кўринди, бувимнинг тақинчоқлари ҳам катта пул бўлмади. Бўлиши муқаррар бўлган нарса юз берди. Кватирага тўлаш учун пулимиз йўқ эди, биз кўчада қолдик.

Кўйлагимнинг тўрдан тикилган ёқаси бор эди. Мен ўша тўрни сотиш учун кун бўйи қуйдирувчи куёш остида юрдим. Ниҳоят кечга бориб бунга муваффақ бўлдим, адашмасам, ёқа ўн долларга сотилган эди. Ирланд каштасининг мўъжизакор бўлаги менга ижара уй учун пул тўлаш имконини берди. Қолган пулга бир яшиқ помидор сотиб олдик, шу билан нонсиз ва тузсиз бир ҳафта тирикчилик қилдик. Бечора онам ўтиролмайдиган даражада заифлашиб қолганди. Дуч келган ишга рози бўлиб, иш ўрни излаш бўйича идорага мурожаат қилдим.

– Кўлингиздан нима келади? – сўради иш столида ўтирган аёл.

– Ҳамма нарса! – жавоб бердим мен.

– Ҳеч нимани билмайдиганга ўхшайсиз!..

Ёз охирида борарди, биз эса мутлақо пулсиз эдик. Мен Чикагода бирор нарсага эришиш мумкинлигидан умид узиб, Нью-Йоркка кетиш керак деган фикрга келдим. Лекин қандай қилиб кетамиз? Қайсидир газетада буюк Августин Дейли раҳнамолигида икболи кулган театр труппаси Чикагога гастролга келгани ҳақида ўқигандим. Америкалик антрепренерлар ичида энг обрўлиси ва санъатсевари бўлган Дейли билан кўришмоқчи бўлиб, жуда кўп вақтимни театр эшиги олдида ўтказдим. Менга Августин Дейлининг жуда бандлиги ва ёрдамчисига мурожаат қилишим кераклиги ҳақида бир хил жавоб беришарди. Ниҳоят мен буни амалладим. Августин Дейли самимий чехрали киши эди, лекин у бегоналар билан совуқ муносабатда бўларди. Мен ундан ҳайқидим, аммо буни билдирмай ноодатий нутқим билан ўз таъсиримни ўтказишга уриндим.

– Жаноб Дейли мен сизга муҳим фикрни айтишим керак, сиз, мамлакатдаги буни тушунадиган ягона одамдирсиз, эҳтимол. Мен рақсни қайта тирилтирдим. Икки минг йил ичида йўқолиб кетган санъатни тикладим. Сиз буюк санъаткорсиз, лекин сизнинг театрингизга бир нарса, қадимги юнон театрини юксалтирган трагик хорнинг рақси етишмаяпти. Усиз театр бош-оёқсиз гавдадир. Мен сизга рақсни келтираман, бутун давримизга инкилоб бўладиган ғоялар бераман. Мамлакатимизнинг энг буюк шоири – Уолт Уитменнинг ҳақиқий маънавий қизи бўлиб, унинг шеърларига муносиб рақслар кашф қилдим. Мен Америка болалари учун Американи гавдалантирадиган рақс яратаман. Мен театрингизга етишма-

ётган руҳни, раққос қалбини олиб келаман. Чунки театрнинг ватани рақс бўлган ва биринчи актёр ҳам раққос эди. У рақс тушиб куйлаган. Театрингизга рақсдек буюк санъат шиддати қайтмагунча чинакам қиёфага эришолмайди!

Августин Дейли ўзи билан шундай гаплашишга журъат топган ғалати, коксуяк қизга нима дейишни билмасди. Ниҳоят:

— Мен Нью-Йоркда кўяётган пантомимода бир кичик роль бор. Биринчи октябрда репетицияга келишингиз ва олдиндан тўлов олишингиз мумкин. Исмингиз ким?

— Исмин Айседора, — жавоб бердим мен.

— Айседора. Чиройли исм, — деди у. — Шундай қилиб, Айседора, сиз билан биринчи октябрда Нью-Йоркда кўришамиз.

Хаяжондан ўзимни йўқотиб, онамнинг олдига уйга югурдим.

— Ойи ва ниҳоят кадримга етадиган одам топилди, — хитоб қилдим. — Мени кимсан буюк Августин Дейли ўз труппасига қабул қилди. Биз биринчи октябрга Нью-Йоркда бўлишимиз керак.

— Бу яхши, — деди онам, — Лекин қандай қилиб чипта топамиз?

— Миямга ажойиб фикр келди. Сан-Францискодаги дўстларимга йўлқира учун пул сўраб телеграмма юбордим. Мўъжиза юз берди. Пул юборишди. Қаттиқ хаяжон ва ранг-баранг орзулар билан Нью-Йорк поездига чикдик.

— Ниҳоят, дунё мени тан олади деб орзу қилардим! Агар ўша вақтда бу тан олиниш содир бўлиши учун ҳали узок вақт кераклигини билганимда, эҳтимол руҳан тушқунликка тушган бўлардим.

Нью-Йорк менда Чикагога нисбатан санъат муҳити юксакроқ шаҳардек таассурот қолдирди. Бундан ташқари, мен яна денгизга яқин бўлишдан бахтли эдим. Денгизи йўқ шаҳарларда мени доим диққинафаслик чулғаб олади.

Шундай қилиб, биз Олтинчи авенюга яқин кўчадаги пансионда тўхтадик. Бир ажойиб тонгда Августин Дейли театрида пайдо бўлдим. Дейлига яна ўтган сафаргидай ўз қарашларимни билдиришни хоҳлардим, аммо у жуда банд эди.

— Биз Париждан пантомимо куёши Жен Мэйни олиб келдик, — деди у. — Агар пантомимода чика олсангиз, сиз учун ҳам роль бор.

Пантомимо менга ҳеч қачон санъат бўлиб туюлмаган. Ҳаракатнинг сўзларга ҳеч алоқаси йўқ, у лирика ва ҳиссиётнинг ифодасидир. Пантомимода эса сўзлар ишорага алмашинади. Шунинг учун у на хореографик, на драматик санъатга киради, уларнинг ўртаси бўлгани учун ҳам одамга ҳеч нарса бермайди.

Лекин бошка йўл йўқ, ролни қабул қилишга тўғри келди. Мен асар билан танишиб чиқдим унинг нақадар аҳмокона, интилишларим ва идеалларимга мутлақо яқин йўламайдиган нарсалигини билдим. Репетиция биринчи кунданок даҳшатли равишда ихлосимни қайтарди. Жен Мэй деганлари кичкина, тажанг бир аёл эди. У жаноб Дейлига менда бир мисқол ҳам истеъдод йўқлигини ва бу ролга менинг кучим етмаслигини айтди.

Биз пансионда оч ва пулсиз икки қўлимизни бурнимизга тикиб қолишимиз мумкинлигини тасаввур қилдим. Кўз ўнгимдан онамнинг Чикагода қандай азоб чеккани ўтди. Кўзимдаги ёшни кўриб Дейли менга ён босди. Аммо, репетициялар мен учун ҳақиқий азоб эди. Мени

ижро этилаётган мусика билан ҳеч қандай боғлиқ бўлмаган аллақандай ҳаракатларни бажаришга мажбурлашарди. Лекин ўсмирликда одам мослашувчан бўлади. Мен ҳам охир-оқибат ролни ўзлаштирдим.

Жен Мэй Пьерони ўйнади. Репетициялар жараёнида бу санъаткорнинг маҳоратидан таъсирланмай иложим йўқ эди. У агар пантомимонинг ёлғон ва маънисиз қобиғига асир бўлмаганида, шубҳасиз, буюк раққоса бўлиши мумкин эди. Афсуски, у танлаган қобиқ жуда тор. Ҳар сафар пантомимочиларга:

— Агар гапиришни истасангиз, нима учун гапирмаслигингиз керак? Имо-ишорага шунча куч сарфлаш нимага керак? — деб айтгим келарди.

Томошанинг биринчи намоиши бўлиб ўтди. Мен ўз қиёфамни йўқотган ва мутлақо ўзгарган эдим. Ҳаворанг ипак кийим, бошимда оч рангли парик ва катта похол шляпа билан саҳнага чиқдим.

Ачинаман сенга, мен оламга ёймоқчи бўлган санъат инқилоби!

Бечора онам биринчи қаторда ўтирар ва менинг туришимдан қаттиқ хижолатда эди, лекин у шундан сўнг ҳам Сан-Францискога қайтишни таклиф қилмади.

Эссиз, шунчалар курашга шундайин ачинарли натижа!

Пулмиз йўклиги учун бизни пансиондан чиқариб юборишди ва биз бошқа жойга кўчдик. Йўлкирага пул йўқ эди, шунинг учун мен Августин Дейли театригача пиёда боришга мажбур эдим. Бошқалар тамаддига кетишганида очликдан ҳолим куриб, театр ложасида мизғиб олардим, кейин эса оч коринга яна репетицияга киришардим. Спектакллар бошлангунича олти ой давомида шундай репетиция қилдим.

Нью-Йоркда бир мартадан чиқиш қилиб труппа юрт кезишга жўнади. Барча харажатларим учун ҳафтасига ўн беш доллар олардим, унинг ҳам ярмини тирикчилик қилиши учун онамга юборардим. Ўзим учун кунига эллик центдан ортик сарфлай олмасдим. Менга калитсиз, эркаклар тўла хонани беришди, улар деярли барчаси маст бўлиб, олдимга кирмокчи бўлаверарди. Кўркканимдан оғир шкафни бутун хона бўйлаб суриб эшикка тўсиқ қўйдим, лекин шундан кейин ҳам ухлай олмай, тун бўйи сергак ётдим. Театр труппаси билан “саёҳат” деб аталадиган бошқа бир Худо урган нарсани тасаввур қилолмасдим.

Ёнимда бир нечта китоб бор эди, мен улар билан овунардим. Ҳар куни Иван Мироскойга узундан-узоқ хатлар ёзардим, лекин уларда қанчалар бахтсизлигимни ифода қилолмаганим аниқ.

Икки ойлик саёҳатдан сўнг труппамиз Нью-Йоркка қайтди. Сафар жаноб Дейли учун катта зарар билан тугади, буюк Жен Мэй ҳам Парижга қайтди.

Мени нима кутарди? Мен яна жаноб Дейлини ўз санъатимга қизиқтирмокчи бўлдим, лекин у менга бефарқлигича қолди.

У “Ёз туни ғаройиботлари” спектаклида рақс тушишингиз мумкин деди.

Мен рақс туйғулар ва инсон интилишларини ифода этиши керак деб ўйлардим. Лекин рози бўлдим. Биринчи бор спектаклда бир ўзим рақс тушишга чиқдим. Бундан ҳаяжонда эдим. Шундай яхши ўйнадимки, одамлар тўхтовсиз гулдурос қарсақ чалди. Мен одамларда ҳайрат уйғота олган эдим. Бундан жаноб Дейли хурсанд бўлишини кутгандим. Аммо у мени ғазаб билан қарши олди. “Бу ер беадаблар кафеси эмас!” — деди у.

Мен бенихоя бахтсиз эдим. Орзуларим, идеалларим, интилишларим – ҳаммаси беҳуда туюларди. Труппадагилар мени ғалати одам деб ҳисоблашарди. Чиндан ҳам мен унча-мунча одам билан чиқишиб кетолмасдим. Труппада таникли, бироқ ёқимсиз санъаткор Ада Реганни театрининг юлдузи деб билишарди. У жаҳоннинг буюк санъаткорларидан эди, лекин театрда фақат ўзини ўйларди, труппанинг бошқа аъзолари рағбати учун ҳеч нарсага ҳаракат қилмасди. Бу аёлга труппа аъзолари билан сўрашиш ҳам малол келарди. Ада Реганнинг санъатидан завқланардим ва ўша пайтларда ундан бир оғиз яхши сўз эшитиш кейинги ҳаётим учун муҳим эди. Лекин шу икки йил ичида у менга бир марта ҳам қарамади.

“Ёз туни ғаройиботлари” спектакли билан сайёр юришимиз чоғида Чикагога ҳам борган эдик. Мен қалбимдаги инсоним Иван Мироской билан учрашаман деб хурсанд бўлгандим. Учрашдик, репетициялардан бўш кунларда ўрмонда узок сайр қилардик. Мен Иван Мироскойнинг аклини борган сари кўпроқ кадрлай бошладим. Бир неча ҳафтадан кейин Нью-Йоркка ортимдан боришини, ўша ерда оила қуришимизни тайинлагандим. Бундан хабар топган акам Мироскойнинг аллақачон уйлангани, Лондонда хотини борлигини аниқлабди.

Дейли театрида ижодий идеалларимни бирортасини ҳам амалга оширолмадим.

– Мендан фойдаланишни билмас экансизлар, шунча иқтидорим билан бу ерда қолишдан маъно йўқ, – дедим.

Дейли менга хайрат билан бокди, “ҳмм!” деб тўнғиллай кетди.

Бу менинг Августин Дейли билан сўнгги учрашувим эди, бир неча кун ўтгач, журнал топиб труппадан таркибидан чиқиб кетдим. Мен театрдан нафратни хис қилишни ўргандим: доимий бир хил сўз ва ҳаракатларнинг такрорланиши, игво, ҳаётга майда қарашлар, умуман, бутун театр муҳити мени бездирганди.

Аммо пулсизлик, омадсизлик деган катта ташвишимиз ҳам бор эди. Оилавий аҳволимиз яхшиланишига, орзуларимиз ушалишига умид қилдик. Аммо биз омонат яшаб турган меҳмонхонадаги ёнғин туфайли, бор будимиздан айрилдик. Нью-Йоркка қандай келган бўлсак, шундай аянчли аҳволда қолдик.

– Бу тақдир, – дедим мен. – Биз Лондонга кетишимиз керак.

Лондонга етиб олишимизга етарли пулни мен уйларида рақсга тушган бойвачча хонимлардан сўраш фикри келди. Бешинчи авенюга киришда яшовчи миллионерларнинг хотинига мурожаат қилишга қарор қилдим. Хонимлар олдида ўз қарашларимни жўшқин ҳимоя қилдим, уларнинг баъзилари менга танбех берди, бошқасидан озроқ пул ундиришга муваффақ бўлдим. Бир беканинг озгина кайфияти бузилди, лекин шавкатли малайига мен учун шоколад ва қоқ нон олиб келишни буюрди. Шоколад ва қоқ нонни кўз ёшларим билан суғорар эканман, хонимни Лондонга кетишимиз зарурлигига ишонтиришда давом этдим.

– Мен қачондир машхур бўламан, – дедим унга, – Сиз ҳам Америка истъоддини тан олганингизга ачинмайсиз.

Ниҳоят у эллик долларлик чек ёзиб берди! Лекин ортидан қўшиб кўйди:

– Бойиб кетганингизда қайтариб берасиз!

Мен кейинчалик бойлик орттирганимда ҳам уларни қайтармадим, негаки камбағалларга тарқатиб беришни афзал кўрдим.

Шундай қилиб, Нью-Йорклик миллионер хонимлардан тилаб олган пулларим билан Лондонга йўл олдик.

Бизнинг хаётимиз худди психологик фильмга ўхшайди. Агар булар бошимдан ўтмаганида, инсон хаёти бунчалик бўлиши мумкин эмас, дея рад қилишим мумкин эди. Лондон кўчаларидаги бундай ҳолатлар ҳеч бўлмаганда Чарльз Диккенснинг тасаввурларида мавжуд бўлиши мумкин эди. Биз ёш бўлганимиз учун бу кулфатлар ичида руҳий тетиклигимизни сақлаб қолганимиз ажабланарли эмас, лекин ўша кунларни кўрган бечора онам буларни шунчаки оддий воқеалардек қабул қилмагани аниқ.

Биз Лондон кўчаларида тунашга жой топиш учун дайдиб, икки-учта меҳмонхонага жойлашишга ҳаракат қилдик, лекин ҳамма жойда буюмларимиз йўқлигини кўриб, пулни олдиндан беришни талаб қилишди. Биз муружаат қилган квартираларнинг бекалари ҳам тошжорак экан. Яшил боғларнинг ўриндиғига жойлашишдан бошқа иложимиз қолмади, лекин у ердан ҳам бизни полициячи ҳайдаб солди.

Уч кечаю уч кундуз шундай кечди. Биз энг арзон булочка билан қорнимизни алдардик. Кунларимизни эса Британия музейида ўтказардик. Бизнинг ҳайратланарли яшовчанлигимиз ана шунақа эди!

Лекин тўртинчи кун нимадир қилишга қарор қилдим. Онам, Раймонд ва Елизаветага ҳеч нарса демай ортимдан эргашини буюрдим, тўғри Лондоннинг энг хашаматли меҳмонхоналаридан бирига кирдим. Уйқусираган тунги дарбонга ҳозиргина тунги поезддан тушганимизни, нарсаларимиз Ливерпулдан юкхонада қилишини айтдим, бизни хоналарга олиб боришини, маржумакли сомса ва америкача яхши таомлардан беришини буюрдим.

Кунни дабдабали каравотларда ухлашдан завқ олиб ўтказдик. Бир неча марта дарбонга кўнғироқ қилиб юкларимиз келмаётганидан шикоят қилдим.

– Биз кийимимизни алмаштираганимизча хонадан чиқолмаймиз, – дедим.

– Тушлик ҳам хонамизга берилсин.

Эртаси куни айёрлик чегарасидан чиқиб кетмаслиги учун, меҳмонхонадан қандай келган бўлсак, шундай чиқиб кетдик, фарқи шундаки, тунги дарбонни уйғотмадик!

Биз кўчада қорнимиз тўқ, кучга тўлган ҳолда, яна дунё билан курашга киришдик. Челсидаги шундоқ Қироллик йўли ёқасидан кичик ателье топдик, бу кечани ўша ерда ўтказдик. Каравотлар йўқлигидан полда ухладик, лекин яна санъаткорлар каби яшаётганимиздан бахтли эдик.

Ательени ижараси қолган пулга консервалар олдик. Кунлар ўтди. Бир хонимникидаги зиёфатда иштирок этадиган бўлдик. Мен Невиннинг “Нарцисс”, “Офелия” сига, Мендельсоннинг “Баҳор кўшиғи”га ялангоёқ ракс тушганимда меҳмонлар ва хоним қаттиқ ҳаяжонга келганидан хурсанд бўлдим. Англияликлар шу қадар мулоим эдики, ҳеч ким кийимимни ҳам, ракларимни ҳам баҳолашни ўйламади. Ҳамма “Тўзал”, “Мафтункор”, “Биз сиздан миннатдоримиз” каби сўзлардан бошқа сўз айтишмади.

Шу кечадан кейин кўп машҳур хонадонларга таклифлар ола бошладим. Бир кун Лоутер хонимникида соҳиби тахт кишилар олдида ракс тушар-

дим, кейинги кунни эса егани нонимиз бўлмасди, чунки менга ҳар доим ҳам ҳақ тўлашмасди. Мен тўрт соат давомида рақсга тушган хайрия кечаларининг бирида унволи ташкилотчи мукофот тарзида менга ўз кўли билан кулупнайли чой куйиб берди, бу эса менга жуда алам қилганди. Онам ва мен улар канчалар бешафкат муносабатда бўлаётганларини бу одамларга айтиш учун жудаям уялардик. Ундан ҳам кўра, биз бинойидек кийинган ва ишлари юришган одамлардек кўриниш учун овқатдан воз кечардик.

Биз ижарага рояль олдик ва ателье учун бир неча йиғма каравот сотиб олдик. Кунимизни эса Британия музейида ўтказардик, мен музейнинг кутубхонасида соатлаб ўтирдим. Оч бўлсак-да, барибир Лондоннинг гўзаллиги аклимизни оларди.

Нью-Йоркдан кетаётганимизда сўнги бор Иван Мироской билан кўришгандим. Чикаголик дўстларимдан келган хатларда ёзилишича, Иван испан уруши даврида кўшинлар сафига кўнгилли бўлиб кириб, Флоридадаги лагергача борибди ва ўша ерда ичтерламадан вафот этибди. Хат мен учун каттик зарба бўлди. Мен бунинг ҳақиқат эканига ишонгим келмасди. Эски газеталардан халок бўлганлар рўйхатини қараб, унинг фамилиясини топдим. Хатда Лондондаги хотинининг уй манзили кўрсатилган эди. Мен бир кунни Мироская хонимни излаб бордим. Иван Мироской менга ҳеч қачон айтмаган хотинини Лондонда қолдиргани дахшатли туюларди. Аравакашга манзилни бердим ва биз марказдан бир неча миль узокка шаҳар четига йўл олдик. Маҳзун ва кир дарвозали, жимжимадор номли, бир-бирига ўхшаш кўримсиз уйчалар зичлашиб турарди. Бу ерда “Шервуддаги коттеж”, “Водийдаги уйча”, “Эллесмир”, “Энисмур” ва бошқа кўплаб аҳолига тўғри келмайдиган номлар кўйилган уйлар бор эди. Мен “Юлдузли уй” эшиги кўнғироғини чалдим. Бўйи тўрт футдан ошмайдиган, орик, кулранг кўзли, рангпар юзли, юпка консиз лаблари кимтиниб турган аёлга дуч келдим. Иван вафот этган бўлса ҳам, мени қандайдир рашк туйғуси камраб олди.

Мироская мени хушмуомалалик билан қабул қилди. Мен кимлигимни ташунтирмоқчи бўлдим.

– Биламан, – деди у, – сиз Айседорасиз. Иван сиз ҳақингизда менга кўп ёзган.

– Афсуски, – мингилладим, – у менга сиз ҳақингизда гапирмаган.

– Йўқ, – деди у, – мен унинг олдига боришим керак эди. У мен ҳақимда гапирган бўларди. Мана энди у ўлиб кетди.

У буни шундай оҳангда айтдики, йиғлаб юбордим. У ҳам йиғлади. Кўзёшлар бизни дарҳол яқинлаштирди. У мени Иван Мироскийнинг суратлари билан тўла хонага олиб кирди ва бутун ҳаётини гапириб берди. Мироский хотинини Америкага кўчиб бориши учун йиллар давомида пул жўнатолмаган, шунинг учун улар бир-бирдан олисда яшашга мажбур бўлган.

Аёл менинг кўлимдан маҳкам ушлаб, Иван ҳақида тинимсиз сўзларди. Кетар чоғимда яна келишимни илтимос қилди. Ўзи бизнига боришга бир дақиқа ҳам бўш вақти йўқлигини, эртадан кечгача уйдаги мактабда болалар билан шуғулланишини айтди.

Ательенинги ижара муддати тугаб, Кенсингтондан жиҳозланган бошқа ательени ижарага олдик. Бу ерда жой кўпроқ эди. Лекин кутганимиздан ҳам кам пул билан қолгандик.

Бир куни кечки пайт уйимизда Мироская хоним пайдо бўлди ва мени овкатга таклиф қилди. У мендан Чикагода Иван қандай кўринишда бўлганини сўради, мен унга Иван яхши кўрадиган заррингул ҳақида, бир вақтлар уни куёшда товланган малла жингала сочлари ва кучоғи тўла заррингул билан кўрганимни сўзлаб бердим. У йиғлашга тушди, мен ҳам. Биз бургунд шишасини ичиб тугатдик ва хотираларга берилдик.

Сентябрь келди. Опам Елизавета Нью-Йоркдаги собик ўқувчиларининг оналари билан ёзишар экан, улардан Америкага қайтишга чек олди ва пул ишлаш учун Америкага қайтиб кетди.

– Топган пулимни сизлар билан бўлишаман, бир куни бой ва машхур бўлиб кетганимда яна ёнларингга қайтаман, – деди у.

Онам, мен ва акам Раймонд уни поездга ўтказиб, ательега қайтдик.

Октябрь келди. Совуқ ва нашъасиз. Биз чарчаган эдик. Британия музейи ҳам ўз тароватини йўқотди. Кунлар ўтмай чўзиларди. Ҳатто уйдан чиқишга ҳам кучимиз етмасди. Шундай пайтлар бўлардики, эрталаблари ўриндан туришга куч тополмай, куни бўйи ётардик.

Ниҳоят Елизаветадан пул билан хат келди. Нью-Йоркка борибоқ мактаб очибди. Унинг ишлари юришгани бизни тетиклантирди. Чунки ательемизнинг ижара муддати тугаётганди.

Бир куни ёз тафтидан айрилмаган кузнинг илик кечасида Раймонд билан боғда ракс тушардик. Шунда катта қора шляпа кийган, гўзал бир аёл ёнимизга келди.

– Ер шарининг қайси бурчагидан бу ерга келдиларинг, азизларим? – сўради у.

– Ойдан тушдик, ердан эмас, – жавоб бердим мен.

– Ойдан бўлса, Ойдан-да... Нима бўлганда ҳам ажойиб экансизлар, – деди. – Меникига кирмайсизларми?

Биз унга эргашиб, Кенсингтон хиёбонидаги ғаройиб уйга бордик. Хонимнинг исми Патрик Кампбель экан. У рояль чалиб, қадимги инглиз кўшиқларини айтди, кейин бизга шеърлар ўқиб берди, охирида эса мендан ракс тушишимни сўради.

Биз ҳаммамиз уни севиб қолдик, бу учрашув бизни тушқун кайфиятдан олиб чиқди. Тақдиримизда бурилиш бошланди. Патрик Кампбель хоним рақсларимдан шунчалар ҳаяжонландики, мени тавсия этиб Жорж Виндгэм хонимга хат ёзди.

Виндгэм хоним эса ўз меҳмонхонасида менинг иштирокимда Лондоннинг барча санъат ва адабий кучлари катнашадиган кеча ташкил этди.

Кунларнинг бирида, ҳатто шахзода Уэльскийга таништирилдим, шундан кейин қирол Эдуард билан ҳам юз кўришиш насиб этди. У мени гўзал Гейнсборога ўхшатди ва бу фикр Лондон жамиятининг ҳаяжонини оширди.

Моддий аҳволимиз анча яхшиланди, Варвик хиёбонидан катта ательени ижарага олдик. Мен кунларимни, тўлиб-тошаётган илҳомимни ижода сарфлаб ўтказдим.

Айнан шу пайтларда ҳаётимга эндигина Оксфорд университети ўриндикларини тарқ этган ёш шоир кириб келди. Бу нафис овозли орзуманд йигитнинг исми Дуглас Эйнсли эди. Ҳар куни оқшом у ёнимга келар, менга Свинбурн, Китс, Браунинг, Россетти ва Оскар Уайльд шеърларидан ўқиб берарди. У шеърни ёддан ўқишни қанча севса, менга уни тинг-

лаш шунчалик ёқарди. У бизникида мехмон бўлганида, ҳурмат юзасидан онам биз билан ўтирар, ўзи севган шеърларнинг оксфордча ўқилишини тушунмаса ҳам тинглаб, охири ухлаб қоларди. Шунда ёш шоир менга яқин келар ва ёноғимдан мулойимлик билан ўпиб кўярди.

Бу дўстлик менга масъудлик бахш этарди. Эйнсли, Чарльз Галлэ каби дўстларим борлигидан хотиржам эдим.

Чарльз Галлэ Кадеган кўчасида кичик эски уйда турмушга чикмаган опаси билан яшарди. Галлэ хоним менга жуда илтифотли эди. Мен у билан биринчи марта Генри Ирвинг ва Эллен Терриникида кўришгандим. Ирвинг буюк истеъдод эди. Ирвингни ҳаётда кўрмаган одам унинг буюк руҳиятини ва қалб гўзаллигини тушуна олмайди. Унинг буюклиги шунда эдики, санъати туфайли камчиликлари ҳам ижобий сифатларга айланганди. Мен унда Данте даҳосига хос нимадир яширинлигини сезардим. Эллен Террига келсак, у менинг ҳаётий идеалимга айланди ва бутун умр шундай бўлиб қолди.

Бир куни ёзда Чарльз Галлэ мени машҳур рассом Уотснинг олди-га олиб борди. Мен унга боғда ракс тушиб бердим. Рассомнинг уйида Эллен Террининг гўзал киёфаси тасвирланган жуда кўп картиналарни кўрдим. Биз Уотс билан боғда сайр қилдик, у менга санъат ҳақидаги гўзал карашларини хикоя қилиб берди.

Мен шу тарика Лондоннинг ўша даврдаги ақл-идрок сохиблари ва санъат оламининг таникли намояндалари орасига кириб келдим. Аммо бу ерда ҳам театр антрепренерлари санъатимни тушуниш, менинг янгиликларим уларга қанчалар фойда келтиришини ҳис этиш ҳолатида эмасдилар. Ўша паллаларда бир кун келиб, дунёнинг илғор театр режиссёрлари Рейнхард, Жемье ва бошқаларнинг спектакларида мен яратган мактабга заиф тақлидлар пайдо бўлишини тасаввур қилишнинг ўзи ғалати туюларди.

Лондондаги кунларимни кўп қисмини ательеда иш устида ўтказардим, кечкурун эса шоир келар ва менга ёддан шеърлар ўқирди. Баъзан кечкурунлари рассом қаршисида ракс тушардим, гоҳо у билан сайрга чиқардим.

Мен туфайли Чарльз Галлэ ва Уотс бир-бирини жуда ёмон кўриб қолганди. Улар иложи борича бирор жойда, бир пайтда пайдо бўлмасликка ҳаракат қилишарди. Шоир шунча вақтни қандай қилиб чол билан ўтказишим мумкинлигини тушунмасди, рассом эса мендай баркамол киз оғзидан она сути кетмаган ёш бола билан суҳбатлашиб нима маъно топишим мумкинлигидан ҳайрон бўларди.

Аммо мен уларнинг иккаласи билан ҳам дўстлигимдан бахтли эдим, янаям аниқроғи, қайси бирига кўпроқ ошиқ бўлиб қолганимни айтолмасдим.

Мен киришни хоҳлаган, лекин ошиқларимнинг онгига сингдирилган диний кўрқувлар туфайли кириб боришнинг имкони бўлмаган муҳаббат деб аталувчи нотаниш, сирли мамлакат остонасида ўсмирликда кечирган дастлабки саргузаштларим шундай эди. Аммо ҳаётимдаги охириги муҳаббат изтироблари менинг нозик табиатимга жуда қаттиқ таъсир кўрсатди. Бу азоблар салоҳиятимни муҳаббат инкор этган шодликларни ундан яхшироқ бахш эта оладиган буюк санъат томонга йўналтирди.

(Давоми келгуси сонда)



ОЛМОН ХАНДАЛАРИ

- Рафикам хомиладорлик пайтида нукул “Эгизак Лотхенлар”ни ўқирди.
Мана, бир қиз, бир ўғил кўрдик, – деди Карл ўртоғига.
– Вой худойим-ей, унда мен тез уйга боришим керак экан!..
– Нима гап, тинчликми?
– Ахир, хотиним “Али бобо ва қирк кароқчи”ни ўқийтганди-да!..

* * *

Хотин ҳовлида гилам қоқаётган эрига караб кичқирди:

- Қаттикроқ силкийвер, боши оғримайди!
– Бўлмайди-да, – деди эр.
– Нега?
– Чангиб кетади.

* * *

Хўранда:

- Бу гўштми ё пўстакми?

Официант:

- Билмадим, буни хўкиздан сўрайсиз.

Хўранда:

- Шунинг учун ҳам сизни чақирдим-да...

* * *

Кўшни:

- Скрипка чалишни бас қиласизми-йўқми? Жинни бўлиб қолдим-ку.
– Тўғри айтасиз, чунки тўхтатганимга ярим соат бўлди.

* * *

Бир мексикалик иш билан Цюрихга келди. Мехмонхонада ундан сўрашди:

- Исми-шарифингиз?
– Дон Мануэл де ла Фуэнте де Мора Арагон де лос Санчес.
– Ҳаммаларингга жой керакми?

* * *

Петер билан Штефан ўртага 100 франкдан пул қўйиб, ким зўр алдашдан гаров ўйнашди.



- Мен кеча уйимиз томига чиқиб, черков минорасига учиб бордим,
– деди Петер.
Шунда Штефан пулларга қўл чўзиб, деди:
– Тўғри айтасан, кеча учиб кетаётганингни кўргандим...

* * *

- Ойи, сузишга борсам майлими?
– Йўқ, ёлғиз ўзинг боришинг хавфли.
– Дадам нукул ёлғиз ўзи борадилар-ку!
– Дадагнинг йўриғи бошқа. Унинг ҳаёти суғурта қилинган.

* * *

Ўқитувчи:

- Нега мен сени кичкина тентак деб атаяпман?

Ўқувчи:

- Чунки мен ҳали сизга ўхшаб катта эмасман-да.

* * *

Доктор:

- Ҳаммасига сигарет билан арок айбдор!..

Бемор:

- Хайрият-е, жаноб доктор, айб мендамикин деб ўйлабман.

* * *

Судья:

- Нега сиз нукул кундуз куни ўғирлик қилгансиз?

Айбланувчи:

- Кечаси кўп пул билан юришга кўркаман-да.

* * *

Ўғил:

- Уйланиш қанчага тушади?

Ота:

- Аниқ билмадим, мен ҳалиям тўлаяпман.

* * *

Футболчи дўстига мактанди:

- Бугун мен роса зўр ўйнадим. Иккита гол урдим.

- Ўйин нағижаси қандай бўлди?

- 1:1.

* * *

- Болалардан нечта, жаноб Теннер?
- Ўн учта.
- Вой-бў, битта уйда кисилишиб қолмайсизларми?
- Нега энди?! Болалар ўз оналари билан туришади.

* * *

Улар Янги йил окшомида танишиб қолишди.

Йигит:

– Жоним, биринчи севгилинг ўзим бўлсам керак-а?

Қиз:

– Ҳа, албатта, янги йилдаги биринчиси сенсан...

* * *

Поездда бир йигит ўзи билан битта купеда кетаётган қизга нима деб сўз бошлагани билмасди. Ахийри у шундай деди:

– Кечирасиз, яхши қиз, сиз ҳам бизнинг поездда кетаяпсизми?

* * *

Бир оилادا ўғил дунёга келди. Хурсанд бўлиб кетган ота ўртокларини зиёфатга таклиф қиларкан, деди:

– Киришда эшикни каттиқ тепаверинглар.

– Нега тепарканмиз, тақиллатамиз, – дейишди дўстлари.

– Бемалол тепаверинглар, чунки совға кўтариб олган қўл билан эшикни тақиллатиш анча кийин бўлади.

* * *

Концерт пайтида бир аёл эрини туртиб деди:

– Эрвин, кара, анави киши концерт пайтида ухлаб ўтирибди.

– Шуни деб мени уйғотганингни кара-я! – деди эри жаҳли чиқиб.

* * *

Бир қиз дугонасига ёзғирди:

– Буни кара, менинг Тонийим курғур бугун ҳам учрашувга соқолини олмасдан келибди.

– Айб ўзингда, жоним, – дебди дугонаси, – ахир сен уни бунчалар узок куттириб қўймаслигинг керак эди...

* * *

– Агар эрим мен билан жанжаллаша бошласа, онамникига кетаман, деб кўрқитаман.

– Мен эса бунинг тескарисини қиламан. Эртадан бошлаб ойимни уйга олиб келаман, десам бас, эримнинг овози ўчади-қолади.

* * *

– Анна, дугонажон, кейинги пайтда эримнинг мени севишига шубҳаланиб қолаяпман.

– Нима, бирон гап бўлдимиз?

– Ҳа, мана икки йилдирки, уйга келмай кўйдим...

* * *

Уй бекаси:

– Бизникидан кетаётганингиздан афсусдаман, Рези. Бошқа жойдан тузукрок иш топдингизми дейман?

Оқсоч:

– О йўк, муҳтарама хоним – мен эрга тегмоқчиман!

* * *

Адвокат ўзидан куйидаги мазмунда васиятнома қолдирди:

“Мен бутун бойлигимни теварак-атрофимдаги кишиларнинг ақлсизлиги ҳисобига орттирдим ва шу боис уни туғилиб ўсган кадрдон шахримдаги жиннихона учун васият қилиб қолдираёпман, токи энди ўша одамларнинг ўзига фойдаси тегсин”.

* * *

Бир хоним дугонасига деди:

– Биласанми, озиш учун доктор менга отда чопишни буюрди.

– Хўш, натижалар қалай?

– Ҳозирча ёмон эмас. От анча озиб қолди.

* * *

Шифокор бемордан сўради:

– Қани, айтинг-чи, хотинингизни алдаб турасизми?

– Хотинимни алдамасам, кимни алдайман, доктор.

* * *

– Мен сизга ҳайронман, – дебди доктор доимий мижозига, – ҳар куни тунги соат иккигача ресторанма-ресторан санқиб юрсангиз, сизга яна қанақа уйқу дори керак?

– Уйқу дори менга эмас, хотинимга керак...

*Мирзаали АКБАРОВ
тайёради*

БЕЛАРУСЬ ТАСВИРИЙ САНЪАТИ

Беларусь тасвирий санъати миллат маданиятининг ажралмас қисми сифатида унинг бугунги киёфаси дунё санъати тараққиёти билан бевосита боғлиқдир.

Санъат доимо ҳаракатланувчи, ўзгарувчан соҳа бўлиб, бир даврда эришилган ютуқлар, кейинги давр санъатига табиий равишда ўз таъсирини кўрсатади. Беларусь тасвирий санъати ҳам дунё санъати ютуқларидан айро ҳолда ривожланмаган. Турли миллий мактаблар тажрибасининг уйғунлашуви, турфа ижодий оқим ва йўналишлар бу мамлакат мусаввирлари учун кенг изланишлар учун йўл очгани табиий.

Беларусь тасвирий санъати тарихи ва киёфасини номлари дунёга таниқли бўлган мусаввирлар ижоди белгилаб беради. Бу диёрда камол топган М.Шагал, М.Савицкий, Ю.Пэн, Л.Юден, Х.Сутин, Р.Генин Л.Альперович, Я.Кручелар жаҳоний номга эга рассомлардир.

XIX асрда дунё маданиятининг ўчоғи – Парижда Марк Шагалдан ташқари Михаил Кикоин, Пинхус Кремень, Осип Цадкин, Яков Балглей, Осип Любич, Евгений Зак, Роберт Генин каби белорус рассомлари ижод қилган. XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг биринчи ярмида Беларусь тасвирий санъатида асосан икки оқим: классицизм ва романтизм етакчилик қилади. Классицизм академик тасвирий санъат тарафдорлари амал қилган услуб эди. Романтизм элементлари ҳам рассомларнинг ижодига жадал қириб келган.

Рассом В.Ванькович белорус тасвирий санъатида романтизм йўналишида юксак натижалар кўрсатган намояндалардан ҳисобланади. Классицизм ҳамда романтизмга хос унсурларнинг ўзаро уйғунлашуви рассом И.Олешкевич ижодида намоён бўлади. Тарихий жанрнинг санъаткорона талқинларини эса мусаввир Я.Данель асарларида кузатиш мумкин.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, тасвирий санъатда илоҳиёт мавзуси асос бўлган классицизм ўрнини секин-аста реализм йўналиши эгаллаб боради. Бу даврда ижод қилган белорусь рассомларидан А.Горавский, В.Бялиницкий-Бирули, Ф.Рушиц, С.Жуковскийлар бетакрор манзаралари билан машҳур бўлади. Ф.Рушицнинг энг яхши асарлари бўлмиш “Ер”, “Эски чархпалак”, “Муҳожирлар” каби пейзажларида манзара ва маиший жанрлар ўзаро уйғунлашади. С.Жуковский асарларида эса пейзаж интерьер ва натюрморт билан боғлиқликда тасвирланади.


Маиший жанр устаси Н.Силиванович Беларусьдаги дастлабки мозаикачилардан бири бўлган. Портрет ва маиший жанрда Юдель Пэн ижоди кўплаб мусаввирларнинг ижодига ўз таъсирини ўтказган. “Соатсоз”, “Кекса

кийим тикувчи” асарлари унинг реалистик услубдаги машхур асарлари ҳисобланади.

Ю.Пэннинг энг машхур шогирдларидан бири Марк Шагалдир. Унинг ижодида Витебск тасвирлари, бу ҳудудда истикомат қилувчи яҳудийларнинг кундалик ҳаёти мавзуси катта ўрин эгаллайди.

Тасвирий санъатнинг ажралмас тармоғи графика XI–XII асрлардаёқ шаклланган бўлиб, диний қўлёзма китобларнинг (Оршан, Полоцк, Туровск инжиллари) безаклари графикада яратилган. XVII–XVIII асрларга келиб, Беларусь китобот санъатида графиканинг мавқеи яна ҳам кенгайди.

Бу миллатининг асосан халқ анъаналари асосида ривожланган амалий-декоратив санъати ҳам узок тарихга эга. Буюк Литва князлигида ҳайкалтарошлик католик дини таъсири остида ривожланган. Бу даврга хос айрим ёдгорликлар мамлакат ҳудудида ҳамон сақланиб қолган. Витебск



вилояти Глубокск туманидаги XIV асрга тааллуқли Исо суръати солинган бут шулар сирасига киради.

Беларусда меъморчилик билан боғлиқ фреска (деворга сураглар ишлаш) санъатининг ривожланишига эса сербиялик муҳожир усталарнинг сезиларли таъсири борлиги эътироф этилади.

Бут ва санамлар яшаш беларусь монументал санъатининг мустакил тармоқларидан бири бўлиб, санъат сифатида шаклланиши XV–XVI асрларга бориб тақалади. Биби Марям тасвирланган санамлар иконографиядаги энг кўп тарқалган сюжет ҳисобланади. Қадимий иконаларнинг катта қисми мамлакатнинг Полесье шахри ҳудудида сақланиб қолган.

XX асрда мамлакатда рўй берган туб ижтимоий ўзгаришлар, жумладан, Беларусь Республикасининг ташкил бўлиши маданият ва санъат соҳасидаги миллий тажрибани пухта ўрганишга зарурат пайдо қилади.

Мамлакатда маданий муҳит янги кифо қасб этиб, бадиий кўрғазмалар, музейлар барпо этилади. Вильнюс, Витебск, Могилев, Гродно шаҳарлари кескин ривожланиб, маданият марказларига айланади. Ушбу давр тадқиқотлари беларусь, рус, яҳудий, украин, поляк халқлари маданияти бир-бирига ўзаро ижобий таъсир этганини кўрсатади.

Биринчи жаҳон уруши беларусь маданияти учун ҳам ҳалокатли бўлиб, мамлакатдаги музей, кутубхона, декоратив-амалий санъат намуналарининг аксарияти йўқотилган.

Беларусь маданиятида ҳайкалтарошлик соҳаси алоҳида ўрин тутди. Полотчинадан топилган ибтидоий (XII–XIII аср) маданиятга мансуб тош ҳайкаллар, қуш ва ҳайвонларнинг суягидан ясалган мўжаз ҳайкалчалар, Киев руси даврининг тош санамлари беларусь ҳайкалтарошлигининг қадимий ёдгорликлари ҳисобланади.

Ҳайкалтарошликнинг ривожланиши, айниқса, юкори даражага кўтарилган даври XVII–XVIII асрларга тўғри келади. Бу даврда Рус давлатидаги аксарият сарой ва ибодатхоналарнинг безатилиши беларусь усталари томонидан амалга оширилган.

XIX аср охири – XX аср бошларида тасвирий санъатнинг барча тармоқлари янги босқичда ривожланиб боради. 1923 йилда Витебск халқ бадиий мактаби асосида ташкил топган Витебск бадиий техникуми профессионал кадрларнинг тайёрланишида жуда муҳим роль ўйнайди. Беларусь халқ рассомлари З.Азгур, А.Бембель, А.Глебов, С.Селиханов кабилар ҳам айни шу даврда етишиб чикқан санъаткорлардир.

Беларусь тасвирий санъатининг бизгача етиб келган барча дурдоналари давлат ҳимоясидадир. Улар йирик давлат музейлари ва фондларда сақланади. Беларусь санъатининг бугунги авлоди миллатнинг атоқли рассом, ҳайкалтарош ва амалий санъат дарғалари анъаналарига содиқ қолган ҳолда, турли замонавий йўналишларда изланиб, маданий ҳаётни бойитишга интилмоқда.

*Шаҳноза ҚОСИМОВА,
Камолиддин Бехзод номидаги Миллий
рассомлик ва дизайн институти
Музейшунослик кафедраси
катта ўқитувчиси*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҚИСКАЧА ҚОМУСИ

ГАЗЕТА – доимий ном остида, хар ойда ёки хафтада бир марта чоп этиладиган босма оммавий ахборот воситасидир. Газета ҳозирги кунда мавжуд барча оммавий ахборот воситалари ичида энг қадимийси ҳисобланади. Чоп этиладиган материалнинг долзарблиги, даврийлиги, расмийлиги, кенг оммага мўлжалланганлиги, кўп кирралиги, мобеллиги газетанинг алоҳида хусусиятларини ташкил этади. Газетанинг энг қадимги авлоди қўлёзма ахборот бюллетенлари ҳисобланади. Қадимги Римда лойдан тайёрланган планшетларда воқеалар хроникаси, Юлий Цезар даври “Сенат актлари”, “Халкнинг кундалик ижтимоий ҳаракатлари” қайд этиб борилган. Варақа шаклидаги газетанинг пайдо бўлиши Европа уйғониш даври билан боғлиқ. VII асрда Хитойда пахтадан қоғоз тайёрлаш усули кашф қилинган бўлса, XIII–XIV асрларга келиб Европада қоғоз тайёрлаш, ёзма ахборотни қайд этиш ва тарқатиш амалиёти юзага келади. XV аср ўрталарида германиялик олим Иоган Гутенберг томонидан кўчма литерли босма дастгоҳнинг яратилиши билан газеталарни кўпайтириш имконияти кенгайди. XVI асрда Италияда суд жараёнлари, савдо янгиликлари ва шаҳар ҳаётдан бошқа ижтимоий хабарлар ёзилган варақани бир газеттега сотиб олиб ўқишган. “Газета” атамаси итальянча “gazette” – “пул, чақа” сўзидан келиб чиққан. XVII аср бошларида Европада дастлабки хақиқий газеталар пайдо бўлади. 1609 йилда Германияда “Avisso Relation, oder Zeitung”, 1622 йилда Англияда “Weekly News”, 1631 йилда Францияда “La Gasette” газеталари чоп этила бошлайди. Россияда Петр I фармони билан 1702 йилнинг охири – 1703 йил бошида “Ведомости” номи остида дастлабки русча газета дунё юзини кўради. Ўзбекистон тарихида дастлабки газета “Туркестанские ведомости” ва унга илова тарзда ўзбек тилидаги “Туркистон вилоятининг газети” 1870 йилдан бошлаб чиқа бошлаган.

ГАЙДАЙ ЛЕОНИД – атокли рус кинорежиссёри, сценарийнавис. Л.Гайдай 1923 йил 30 январда Россиянинг Амур губернасида таваллуд топган, 1993 йили Москвада вафот этган. Ўтган асрнинг 50-йилларида кино оламига кириб келган режиссёр умри давомида ўттизга яқин фильмлар суратга олган. Леонид Гайдай комедия жанрида ўзининг бетакрор услубини яратган режиссёр сифатида кино санъати тарихида колган. Унинг “Ишбилармон кишилар” (1962), “БГ” операцияси ёхуд Шурикнинг саргузаштлари” (1965), “Кавказ асираси ёхуд Шурикнинг янги саргузаштлари” (1966), “Бриллиант кўллар” (1968), “12 стул” (1971), “Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради” (1973), “Гугуртга кетиб” (1980), “Ҳаёт учун хавфли” (1985) сингари фильмлари жуда машҳурдир. Мазкур фильмлар дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

ГАЛИЯ ИЗМАЙЛОВА – атокли ўзбек балеринаси, хореограф, раккоса, балетмейстр. 1923 йилда Россиянинг Томск шаҳрида таваллуд топган, 2010 йилда Тошкентда вафот этган. Саккиз ёшида онаси билан Тошкентга кўчиб келган Г.Измаилова ўн бир ёшидан ракс билан шуғуллана бошлаган. У 1935–1941 йилларда Ўзбек давлат балет мактаби (ҳозирги Тошкент давлат миллий ракс ва хореография олий мактаби)да таҳсил олган. 1941 йилдан Ўзбек давлат опера ва балет (ҳозирги А.Навоий номидаги давлат академик катта) театрида балерина сифатида меҳнат фаолиятини бошлайди. Галия Измаилова мазкур театрда “Уйкудаги гўзал”, “Боғчасарой фонтани”, “Дон Кихот”, “Оккуш кўли”, “Эсмеральда”, “Жизель”, “Маскарад”, “Шаҳризода”, “Лайли ва Мажнун”, “Кармен-сюита”, “Спартак” каби элликка яқин балетларда асосий партияларни ижро этган. У 1958 йилда Тошкент театр ва рассомчилик институтида режиссура бўйича таҳсил олади. 1977–1985 йилларда Опера ва балет театрининг бош балетмейстри сифатида фаолият юритиб, “Оккуш кўли”, “Шаҳризода”, “Кашмир кўшиғи”, “Севги афсонаси”, “Кармен”, “Корсар”, “Раймонда” сингари ўттиздан ортиқ балетларни сахналаштиради. Балерина 1962 йилда ўттиз беш ёшидаёқ Халқ артисти унвони билан тақдирланган. Г.Измаилова тайёрлаган кўплаб шогирдлари бугунги кун ўзбек хореография ва ракс санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

ГАЛЕРЕЯ – тасвирий ва амалий-декоратив санъат кўргазмалари учун мўлжалланган жой, музейнинг бир тури. Атама италянча “Galleria” сўзидан келиб чиқиб, узун ёпиқ хона ёки бинонинг қисмлари ёки кўшни бинолар орасидаги йўлакни билдиради. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги вақтда ҳам галерея тушунчаси икки хил маънода – меъморий услуб ва санъат асарлари сақланадиган жойга нисбатан қўлланилади. Галерея санъат маскани сифатида деворлари махсус ёритиладиган узун залларни билдириб, тасвирий ва амалий-декоратив асарлар кўргазмалари учун хизмат қилади. Галериелар XVI аср бошларида бир қисми катта деразалар ва устунлардан иборат сарой залларида бўлган. Катта-катта деразалардан тушадиган табиий ёруғлик карама-қарши девордаги сурат ва ҳайкалларни ёритиб турган. Кейинчалик меъморий асосига боғлиқ бўлмаган ҳолда кўргазмага қўйиладиган асарларни шундай жойлаштириш ва галерея услубидан фойдаланиш анъана тусига киради. Галерея услубидан ҳозирги давр меъморчилигида ҳам фойдаланилади.

ГАСТРОЛ – ижодий сафар. Санъаткор ёки ижодий жамоанинг одатда ўзи фаолият юритадиган донимий жойида эмас, бошқа сахна ва томошабинлар аудиториясида спектакль ёки концерт томошаларини намойиш этишидир. Гастрол атамаси немисча “Gast” – “меҳмон” ва “Rolle” – “роль” сўзлари бирикмасидан келиб чиққан.

Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА
тайёрлади

●● Апрельский номер журнала посвящен белорусской литературе. В нем вместе с материалами, информирующими о литературной жизни, социально-культурной среде и искусстве Беларуси, публикуются рассказы и стихи известных белорусских писателей и поэтов, представителей современного этапа литературного процесса этой страны.

●● Роман выдающегося английского писателя Генри Райдера Хаггарда “Доктор Тёрн” рассказывает о маленьких ошибках или неверных заключениях персонажей, приводящих к ужасным трагедиям и как они могут повлиять на жизнь общества. Публикация является последней работой известного переводчика Кадыра Мирмухаммедова.

●● В этом году отмечается 125-летие великого узбекского писателя Абдуллы Кадыри. В статье доктора филологических наук Бахадыра Каримова “От “Бабурнаме” к “Минувшим дням” анализируется гармоничность литературного стиля, языка художественного повествования и мировоззренческие позиции выдающихся узбекских прозаиков.

●● Карел Чапек известен широкому кругу читателей как мастер маленьких юмористических и сатирических новелл. В его произведениях описываются страдания, причиненные фашизмом, сложный внутренний мир представителя той эпохи, настоящие и ложные ценности человеческого бытия. В рассказах “Поэт” и “Преступление на почте”, переведенных Нурбеком Абдуллаевым, выразительно раскрываются названные проблемы и темы.

●● Американская танцовщица Айседора Дункан является выдающимся представителем мирового искусства XX века, яркой творческой личностью. Доминантами ее жизненного пути являлись искусство и человеческая любовь. На пике славы современники предложили ей написать книгу о своей жизни. Но книга так и не была закончена. В этом номере публикуются некоторые главы из книги Айседоры Дункан в переводе Гульбахор Саид Гани.



RESUME



●● This issue of the magazine is dedicated to Belarus literary. Articles about nowadays Belarus literary, social and cultural life, art, also works of modern Belarus writers and poets are published in this issue.

●● Well-known English writer Henry Rider Haggard in his novel “Doctor Thorne” writes about little mistakes by some officials leading to a tragedy and social affect. This is the last translation by a departed translator Qadir Mirmukhamedov.

●● This year we celebrate the 125th anniversary of great Uzbek writer Abdulla Qodiriy. Doctor of philology Bahodir Karimov in his article “From “Baburnama” to “Days Gone By” analyzes literary style, world outlook of two great authors.

●● We know Karel Chapek as an author of satirical novellas. He wrote about complicated inner world of human, real and false truth, tragedies of fascism. Well-known translator Nurbek Abdullaev translated his stories named “The Poet” and “A Crime in the Post Office”.

●● Well-known American dancer Isadora Duncan was one of the best figures of art in XX century. Her life consisted of two ways – art and love. When the dancer reached top of fame, compatriots advised her to write a book about her life. But she couldn't finish this book. Some paragraphs from this book translated by Gulbahor Said Ghani are published in this issue.

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи мухаррир: Ж.АСҚАРОВА

Техник мухаррир: Ғ.ЎНАРОВ

Мусаххих: Ш.НИЁЗМЕТОВА

Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган кўлёмалар қайтарилмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:

100011, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий
боғ худудида жойлашган Адиблар хиёбони.

Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.

Сайт: www.jahonadabiyoti.uz

E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 13.05.2019 й. Бичими 70x108 1/16. Оффсет қоғози.

Оффсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.

Адади 2010 нусха. 533 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида
терибли, “Sharq” НМАКда чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© Жаҳон адабиёти, 2019 й.

ALSKOM®

SUG'URTA KOMPANIYASI
СТРАХОВАЯ КОМПАНИЯ



ҲУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАР!


Автотранспорт олишда гаров таъминоти
муаммо бўлмоқдами?

БУНИ ТЕЗ ҲАЛ ҚИЛИШ МУМКИН.

"ALSKOM" суғурта компанияси (Бош офиси ёки республиканинг барча вилоят шаҳарларида жойлашган) офисларига мурожаат қилинг. Сиз танлаган шартларда гаров таъминоти сифатида полис тақдим этилади.

Тел.: 147 11 00:
Факс.: 147 22 00:

Манзил: Тошкент ш.,
Амир Темур к., 109.



Михаил Савицкий. "Партизан мадоннаси"

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Журналинг обуначиларга етказилишида муаммо пайдо бўлса, куйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Токисит шаҳри, Амир Темури 1-тор кўчаси,
2-уй. Тел.: (0371) 233-60-78, 233-67-98.

Муковамизда:
Сергей Тутунов.
"Гулди наторморт"